Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

# ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

2019
№ 2 (84)

1997 йилдан нашр этилади.

Тошкент – 2019

# ЖАМИЯТ
# ВА
# БОШҚАРУВ

**Бош муҳаррир:**
Касимов Р.С.

**Таҳрир ҳайъати:**

Азизов Х.Т.
Алимов Б.Б.
Бекмуродов М.Б.
Раҳимова Д.Н.
Тошматов Ш.А.
Маҳкамов О.М.
Рахманов Қ.С.
Умарова Н.Т.
Хамедов И.А.
Чўтпўлатов М.Ч.

**Таҳририят:**
Кабулова Д.Б.
(масъул муҳаррир)

**Муҳаррир:**
Абдуллаева Г.Л.

**Мусаҳҳиҳлар:**
Абдуллаева М.С.
Шорихсиева А.Ғ.

**Техник муҳаррир:**
Юлдашев А.Ж.

**Муассис:**
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.

**Таҳририят манзили:**
100003, Тошкент,
Ислом Каримов кўчаси, 45
Мурожаат учун телефон:
232-60-76, 232-60-77

E-mail: Jurnal95@dba.uz

Буюртма:
ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2013 йил 10 апрелда 0201-сон билан рўйхатга олинган.
Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгар.
Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

## Мундарижа/Содержание/Contens

**Ушбу сон мавзуси:**
Илғор методлар ва технологиялар давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг муҳим омилидир

**Тема выпуска:**
Передовые методы и технологии – важный фактор совершенствования государственного управления

**Issue subject:**
Innovative methods and technologies are important factors of the improvement of public administration


Давлатчилик алгоритми / Алгоритм государственности /Algorithm of statehood

5 **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшларига байрам табриги**

8 **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги йиғилишлар, учрашув ва ташрифлар хроникаси**

Иқтисодий соҳадаги долзарб масалалар / Актуальные вопросы в сфере экономики / Current issues in the economic sphere

14 *Иса ХАМЕДОВ, Акбар МУСАЕВ, Иван НИКОНОВ.* **О стратегии и первоочередных мерах по повышению позиции Республики Узбекистан в международном рейтинге "Doing Business" (ведение бизнеса)**

22 *Улуғбек МАДРАҲИМОВ.* **Барқарор иқтисодий ўсиш сифатининг назарий асослари ва ривожланиш босқичлари**

32 *Гулнора ИСМОИЛОВА.* **Макроиқтисодий ривожланиш ва унга таъсир этувчи омиллар**

38 *Наима ХАШИМОВА.* **Совершенствование механизмов генерации инвестиционного потенциала в целях обеспечения устойчивого экономического роста Узбекистана**

50 *Дилфуза РАХИМОВА, Гўзал УМАРОВА.* **Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиш стратегияси**

Бошқарувнинг замонавий усуллари / Современные методы управления / Modern stules of Managment

61 *Xayitjon TURDIYEV.* **The contemporary perspectives of interaction between parliament and government in Uzbekistan**

67 *Гулнора СИЯЕВА.* **Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан социологик дискурсдан фойдаланишнинг ўзига хослиги**

72 *Актам ХОЛОВ.* **"Ақлли" бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш масалалари**

80 *Анвар ГАФУРОВ.* **Ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш асосида "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти бошқарувини такомиллаштириш усуллари**

Фуқаролик жамияти / Гражданское общество / Civil Society

90 *Мавлюда ҒАФФОРОВА.* **Миллий менталитетда кечаётган ўзгаришлар жараёнида оилада қизларнинг тарбияси масалалари**

98 *Санжар САИДОВ.* **Фуқаролик жамияти тизимида секторлараро ижтимоий шериклик феномени**

106 *Гулистон МАШАРИПОВА.* **Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари**

111 *Азизбек АМОНОВ.* **Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёни эволюцияси**

Бошқарувда замонавий ахборот технологиялари
Современные информационные технологии в управлении
Modern information technologies in management

116 *Сухроб ХИДИРОВ.* **Интернет сўрови (On-line сўров, web-тадқиқот) методологиясининг шаклланиши, ўзига хос жиҳатлари ва қўлланилиши**

122 *Зафар ХАЛЛЫЕВ.* **Структура и содержание понятия "информационная безопасность"**

128 *Озода ШЕРМУХАММЕДОВА.* **Ахборотлашган жамиятда "Трансформациялашган матбуот"нинг шаклланиши ва ривожланиш омиллари**

Раҳбарлик ва лидерлик / Руководство и лидерство / Guidance and leadership

135 *Раъно ТЎРАХЎЖАЕВА.* **Ёш раҳбарларда лидерлик компетенциясини шакллантириш имкониятлари**

140 *Дилмуроджон РАХИМОВ.* **Истиқболли лидерлар учун зарурий кўникмалар: хорижий таҳлиллар асосида**

Хориж тажрибаси / Зарубежный опыт / Foreign experience

146 *Муаттара РАХИМОВА.* **Принцип сотрудничества государств - основа регионального сотрудничества**

154 *Алимназар ИСЛАМКУЛОВ, Лола ИНАГАМОВА.* **Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий ўсишини бошқариш юзасидан илғор хорижий тажриба ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш**

161 *Тимур АБДУЛЛАЕВ.* **Опыт образовательных учреждений США по разработке учебных кейсов**

166 **Бошқарув дайжести**

170 **Раҳбар энциклопедияси**

Академия ҳаётидан / Из жизни академии / Academy life

173 **"Революция" ўзбек тилида**

174 **"Амир Темур изидан"**

174 **"Хотира абадий, қадр муқаддас"**

175 **KOICA билан ҳамкорликдаги смарт муҳитининг очилиш маросими**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

***Қадрли фарзандларим!***

Сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизда кенг нишонланаётган Ёшлар куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз ёшлик инсон умрининг нақадар гўзал ва беғубор фасли, улкан орзу-умидлар, беқиёс имкониятлар даври эканини янада чуқур ҳис қилиб, сиз, навқирон фарзандларимизга энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Ўтган қисқа даврда жамиятимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаган бу байрам давлатимиз, халқимиз ўз фарзандларининг бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслигини, мамлакатимиз ёшлари ҳам Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билишини яққол ифода этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Буни кейинги икки йилда шу соҳага оид 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ўнлаб фармонлари, қарор ва фармойишлари қабул қилингани ҳамда шу асосда улкан ишлар амалга оширилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва "Ёшлар клуби" иш бошлади.

Йигит-қизларимизнинг бизнес лойиҳалари учун "Ёшлар - келажагимиз" жамғармаси томонидан бугунги кунга қадар 692 миллиард 400 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани, республикамиз бўйича 125 та "Ёшлар меҳнат гузари", 19 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг маркази фойдаланишга топширилгани айниқса эътиборлидир.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, "Темурбеклар мактаби", "Президент мактаблари", "Ижод мактаблари" деб ном олган мутлақо янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган беш ижобий ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётганини биз албатта юксак баҳолаймиз. Бу йўналишда амалга оширилаётган катта қурилиш ва ободончилик ишлари билан бирга, "Ёшлар кутубхонаси" туркумидаги 470 мингта бадиий адабиётлар республика-

миздаги барча мактаблар ҳамда Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашларига бепул тарқатилгани муҳим аҳамиятга эга.

Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароитлар ҳам бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, 520 та олтин, 544 та кумуш, 588 та бронза медалига сазовор бўлганида ҳам кўриш мумкин.

Азму шижоатли, навқирон йигит-қизларимизнинг ўз соҳасида, жамоат ишларида эришаётган ютуқларини муносиб рағбатлантиришга давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда.

Масалан, ўтган йили ана шундай ватанпарвар, фидойи юзлаб ёшларимиз "Дўстлик" ордени ва "Шуҳрат" медали, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Келажак бунёдкори" медали, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди. Яна 28 нафар азамат йигитларимиз янги таъсис этилган "Мард ўғлон" давлат мукофотига сазовор бўлди. Бугун уларнинг сафларига яна бир гуруҳ фаол ёшларимиз қўшилаётгани барчамизни қувонтиради.

***Азиз фарзандларим!***

Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, айниқса, уларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, оилавий ажримлар, ўсмирлар орасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёшлар жиноятчилиги 2018 йилга нисбатан 37 фоизга камайгани, адашиб хато йўлга кирган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 599 нафар шахс Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга енгил жазо турлари тайинлангани жамиятимизда кечиримлилик, меҳр-оқибат ва ўзаро ишонч муҳитини кучайтириш йўлидаги янги қадамдир.

Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бу борада ўз сафларида 7 миллион 680 минг аъзони бирлаштирган Ёшлар иттифоқи томонидан жойларда олиб борилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, уларни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, бу йил мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда чуқур билим, қатъий гражданлик позициясига эга бўлган ёшларимиз фаол қатнашиб, вакиллик органларида муносиб ўрин эгалласа, бу нафақат ёш авлоднинг, балки бутун халқимиз манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

***Қадрли ёш дўстларим!***

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётганини барчангиз яхши биласиз. Уларга қарши курашишда халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, буюк аждодларимиз жасорати, жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари биз учун куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари су-

рилгани жаҳолатга қарши - маърифат тамойили асосида олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг узвий бир қисми бўлиб, у ер юзидаги икки миллиарддан зиёд ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга маҳкам бел боғлаган эканмиз, бу улуғ ишни эртага эмас, бугун бошлашимиз, бунинг учун аввало навқирон ёшларимизга зарур шароитларни айнан бугун яратиб беришимиз керак.

Шу муносабат билан сизларни ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида бошлаган ишларимизни наинки давом эттирамиз, балки уларни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.

***Азиз ўғил-қизларим!***

Бугун биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалар бутун халқимиз каби сизлардан ҳам ҳар томонлама катта тайёргарлик ва сафарбарликни талаб этмоқда.

Ишончим комил, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, ўз амалий ишларингиз, ғайрат-шижоатингиз билан жонажон Ватанимизга муносиб, садоқатли фарзандлар бўласиз.

Сизларни Ёшлар куни билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шахсий ва ижтимоий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.**
**30.06.2019.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДАГИ ЙИҒИЛИШЛАР, УЧРАШУВ ВА ТАШРИФЛАР ХРОНИКАСИ

**3 апрель**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

**6 апрель**

**Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиш маросимида иштирок этиш учун Сурхондарё вилоятига келди.** Ушбу нуфузли анжуман арафасида қуриб битказилган Термиз халқаро аэропортининг янги терминалини кўздан кечирди. Терминалда яратилган шароитларни маъқуллаб, энди бундан самарали фойдаланиш, халқаро рейслар ва чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Янги учиш-қўниш йўлаги барпо этиш лойиҳаси бўйича кўрсатмалар берди.

**7 апрель**

**Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев барчани Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан муборакбод этди.

Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир. Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади, деди Шавкат Мирзиёев.

**11 апрель**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликларининг Ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Ташриф якунида муҳим келишувларга эришилди, жумладан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳалари бўйича салмоқли икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланди. Уларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда тегишли "Йўл харитаси" қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзодни қабул қилди. Учрашувда икки давлат ўртасидаги муносабатларни кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

**12 апрель**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўмон Султонлиги, Қирғизистон Республикаси, Туркия Республикаси, Индонезия Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Аҳмад бин Саид ал-Касирий, Ибрагим Жунусов, Меҳмет Сурейййа Эр, Сунарио Картадината ҳамда Дархан Сатибалдидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.**

**15 апрель**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига бино-**

**ан Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев 14 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Олий мартабали меҳмон 15 апрель куни Кўксаройда расмий кутиб олинди.Ушбу маросимдан сўнг давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо, транспорт, саноат кооперацияси, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

**"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими бўлди.**

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев очиб, қардош қозоғистонликларни юртимизга ташрифи билан қутлади.

**16 апрель**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.**

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Британиянинг тўғридан-тўғри инвестицияларини, илғор тажриба ва технологияларини жалб қилган ҳолда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

**19 апрель**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

19 апрель куни Кўксарой қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин тор ва кенг доирада музокара ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади.

Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник соҳаларда умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича битимлар имзолангани алоҳида таъкидланди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин рафиқалари билан бирга икки мамлакат санъат усталарининг концерт дастурида иштирок этдилар.**

Олий мартабали меҳмон шарафига ташкил этилган ушбу концертда юртимиз санъаткорлари, корейс маданият маркази аъзолари ва Жанубий Кореядан келган ижодий гуруҳлар қатнашди.

**24-27 апрель**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида иштирок этиш учун 24-27 апрель кунлари амалий ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди.**

Давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашувида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг янги истиқболлари белгилаб олинди.

Шунингдек, Беларусь Республикаси Президенти, Тожикистон Республикаси Президенти, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси билан учрашувлар ўтказилди.

Президентимиз "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида иштирок этиб, нутқ сўзлади, минтақавий ҳамкорлик учун долзарб аҳамиятга эга қатор ташаббусларни илгари сурди.

**2 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва саноат вазири Суҳайл бин Муҳаммад ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашув якунида мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлида кўп қиррали муносабатларни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги интилиш қатъий экани таъкидланди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда гиёҳванд моддаларни назорат қилиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми иштирокчи давлатларининг 11-мажлисида қатнашиш доирасида мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.**

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш ҳамда самарали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

**9 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюрди. Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, тинчлик учун, авлодлар келажаги учун жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.**

* * *

**Тошкент ботаника боғида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**

**Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.**

Давлатимиз раҳбари байрам тадбирига келган уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири билан алоҳида саломлашиб, уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади. Нуронийлар юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

**10 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Сузук ота мажмуасига ташриф буюрди ҳамда бунёдкорлик ишлари билан танишди.**

- Бошқа давлатлар йўқ тарихини бор қилишга ҳаракат қилади. Биз буюк тарихимизни, алломаларимиз меросини халқимизга, ёшларимизга тўлиқ етказиб беролмадик.

Ўзлигимизни англаш нуқтаи назаридан шундай жойларга эътибор берсак, бунга ҳамма эътибор қаратади, - деди Шавкат Мирзиёев.

**13 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши атрофлича таҳлил қилинди.

**14 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миссисипи штати губернатори Филипп Брайант бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда турли даражаларда алоқалар сезиларли фаоллашгани, ўзаро савдо ҳажми икки баробар ортгани, инвестициялар, аграр мажмуа, саноат, транспорт, туризм ва гуманитар алмашинув соҳаларида ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

**15 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон нефти ва гази" халқаро кўргазмаси тадбирларида иштирок этиш мақсадида мамлакатимизда бўлиб турган "ЛУКОЙЛ" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, янги инвестиция дастур ва лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда "ЛУКОЙЛ" компаниясининг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россиянинг "Росатом" атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.**

Учрашувда мамлакатимизда қабул қилинган "йўл харитаси" асосида АЭС қурилиши лойиҳасини сифатли тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлаш бўйича ҳамкорликни давом эттириш масалалари кўриб чиқилди. Мамлакатимизда янги тармоқни ривожлантириш учун юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

**16-17 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига келди.**

Давлатимиз раҳбари, дастлаб, Хонобод шаҳридаги "Xon tex city" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан танишди ҳамда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Андижон вилояти ҳокимлигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Президентимиз вилоят аҳолисининг ўсиб бораётгани яна кўплаб уйлар ва қўшимча иш ўринлари, ижтимоий ва коммунал хизматлар ташкил этишни талаб қилиши, бунинг учун вазирликлар ва вилоят раҳбарлари узоқни кўзлаб, ўзини қийнаб ишлаши зарурлигини таъкидлади.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.**

Учрашувда Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармасининг ҳамкорлиги истиқболлари батафсил муҳокама қилинди ва бу борадаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.

**24 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашди.**

Учрашувда илмий тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳақида сўз борди.

- Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларни мақсадли тарбиялаш борасидаги ишларни кучайтириш керак. Илмни, тарбияни тўғри қилсак, ҳамма соҳаларни малакали мутахассислар ўзлари ривожлантиради, - деди Шавкат Мирзиёев.

**27 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ишга тушириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Йиғилишда мазкур қабулхоналар фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

**28 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер тор доирада ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди.**

Музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари батафсил муҳокама қилинди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар кўриб чиқилди.

**30 май**

**Давлатимиз томонидан муборак Рамазон ойида яна бир хайрли, улкан аҳамиятга эга "Меҳр" инсонпарварлик операцияси амалга оширилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан, 156 нафар ватандошимиз, асосан, аёллар ва болалар Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан юртимизга қайтарилди. Улар 30 май куни махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига олиб келинди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳукумат раҳбарлари**

**даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.**

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда турли иқтисодий тармоқлардаги устувор инвестиция лойиҳаларини жадаллаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

**31 май**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Грузия, Америка Қўшма Штатлари ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Зураб Абдушелишвили, Дэниел Розенблюм ва Кан Чжэ Квондан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Европа Кенгаши Президенти Дональд Тускни қабул қилди.**

Учрашув якунида бутун минтақа барқарорлиги ва изчил тараққиётини таъминлаш йўлида кенг кўламли шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида томонларнинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

**1 июнь**

**Президент Шавкат Мирзиёев Оҳангарон шаҳридаги "Қалдирғоч" давлат мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди.**

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида фойдаланишга топширилган ушбу боғча Нўғойқўрғон маҳалласи аҳолисининг оғирини енгил қилди. Президент боғчадаги шароитларни кўздан кечирди, соҳа мутасаддилари ва тарбиячилар билан суҳбатлашди. Мамлакатимиз келажагини таъминлайдиган кадрларни тарбиялаш мактабгача таълим тизимидан бошланиши, янги боғчалар қуриш ва болаларни қамраб олишни кенгайтириш орқали бунга замин яратилаётганини таъкидлади.

**7 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда Ўзбекистон-Қозоғистон парламентлараро ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Мамлакатларимиз парламентлари қўмиталари даражасида фаол алоқаларни йўлга қўйиш, эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш ва янги шериклик лойиҳаларини илгари суриш мақсадида парламентлараро дўстлик гуруҳлари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

**10 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, жумладан, мамлакатимизда инвестиция лойиҳалари ва кредитларни ўзлаштиришни тезлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантиришга кўрсатилаётган кўмакни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгашини ташкил этиш ва унинг биринчи мажлисига тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**13 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бишкек шаҳрига ташриф буюрди.**

Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Розмери Дикарло билан учрашувлар ўтказиши, шунингдек, ШҲТ саммитининг

протокол тадбирларида иштирок этиши режалаштирилган.

14 июнь куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бишкек шаҳрида Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашди.**

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар кўриб чиқилди.

Томонлар кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга келишиб олдилар.

* * *

**ШҲТнинг Бишкек саммити тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашди.**

Учрашувда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш ҳамда ушбу мамлакатни Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликка жалб этишга қаратилган аниқ дастур ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришнинг амалий масалалари кўриб чиқилди.

Президент Ашраф Ғани Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлари учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бишкекда БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Розмери Дикарлони қабул қилди.**

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ институт ва муассасалари ўртасидаги Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган кўп қиррали шериклик истиқболлари кўриб чиқилди.

**14 июнь**

**ШҲТнинг Бишкекда бўлиб ўтган Саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида минтақага доир долзарб масалаларга эътибор қаратиб, уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифлар билдирди. Жаҳон бозорида рақобат кескинлашиб, экологик ва демографик мувозанатсизлик юзага келаётгани, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчилик хавфи сақланиб қолаётганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари ШҲТ доирасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, яшил технологияларни жорий этиш, ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир таклифлар билдирди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бишкекда ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидан сўнг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрига келди ҳамда Миллат саройида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди.**

Учрашувда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

**15 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги ўзига ажратилган қароргоҳда Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Абдул Ҳамидни қабул қилди.**

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги шерикликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Савдо, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, туризм ва гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги алоқаларни фаоллаштириш ва қўшма тадбирлар ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда Ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида нутқ сўзлади ҳамда иштирокчи мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.**

Муҳокамалар якунида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш бешинчи саммитининг декларацияси қабул қилинди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан музокара ўтказди.**

Учрашувда Ўзбекистон-Туркия кўп қиррали шериклигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

**17 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларидаги инвестиция лойиҳаларини янада жадаллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Йиғилишда нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларида бу йил якунида кутилаётган натижалар ҳамда келгуси йилга мўлжалланган режалар кўриб чиқилди.

**21 июнь**

**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг кўламли ва шиддатли демократик ислоҳотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир даврда бўлиб ўтмоқда, - деди давлат раҳбари.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.**

Учрашувда қардош мамлакатларимиз раҳбарлари даражасидаги мунтазам учрашувлар ва ишончга асосланган мулоқот икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга хизмат қилиб, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

**25 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида кутилаётган натижалар ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари доирасида ишлаб чиқилган дастурлар ҳамда аниқ инвестиция лойиҳалари ижросини жадаллаштириш бўйича қўшимча чоралар кўриш, шунингдек, янги лойиҳаларни шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Ҳар бир тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича кўзланган марралар ва аниқ вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш учун тегишли раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш чоралари белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинди. https://president.uz**

**Иқтисодий соҳадаги долзарб масалалар / Актуальные вопросы в сфере экономики / Current issues in the economic sphere**

**Иса ХАМЕДОВ,**
*профессор, д.ю.н., руководитель Центра международно-правовых исследований и сравнительного публичного права УМЭД,*
**Акбар МУСАЕВ, Иван НИКОНОВ,** *эксперты Центра*

# О СТРАТЕГИИ И ПЕРВООЧЕРЕДНЫХ МЕРАХ ПО ПОВЫШЕНИЮ ПОЗИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В МЕЖДУНАРОДНОМ РЕЙТИНГЕ "DOING BUSINESS" (ВЕДЕНИЕ БИЗНЕСА)

В Узбекистане на протяжении 27 лет предпринимаются меры по формированию благоприятного инвестиционного климата и улучшению бизнес-среды. Доклад "Doing Business" ("Ведение бизнеса"), который издаётся с 2004 года Всемирным банком, является своеобразной картой инвестиционного климата мира. В соответствии с рейтингом индекса степени благоприятности условий ведения бизнеса странам присваиваются места от 1 до 190. Для каждой страны индекс рассчитывается по направлениям: получение разрешений на строительство, подключение к системе электроснабжения, регистрация собственности, получение кредита, защита миноритарных инвесторов, уплата налогов, международная торговля, обеспечение исполнения контрактов, разрешение неплатежеспособности, государственные закупки, регулирование рынка труда. Рейтинг по каждому направлению представляет собой простое среднее рейтингов по составляющим ее компонентам.

Активная деятельность правительства в сфере совершенствования деловой среды способствовала поднятию рейтинга Узбекистана в ежегодном докладе Всемирного банка "Ведение бизнеса" с 166 места в 2012 г. на 74 место в 2017 году, в частности, согласно докладу "Введение бизнеса: реформирование для создания рабочих мест" 2017 года Узбекистан вошел в число 10 ведущих экономик, улучшивших показатели по 3 и более направлениям "Ведения бизнеса" в период 2016-2017 годы.

В 2018 году рейтинг Узбекистана опустился на 2 позиции и занял 76-е место. "Узбекистан осуществил три реформы в 2017-2018 годы с целью создания более благоприятных условий для ведения бизнеса. Страна заняла 76-е место в рейтинге из 190 экономик мира", - говорится в сообщении представительства Всемирного банка.

Следует отметить, что Узбекистан лидирует по темпам улучшения условий ведения бизнеса среди стран Европы и Центральной Азии.

**Повышению рейтинга Узбекистана способствовало улучшение его показателей по ряду индикаторов качества деловой среды, которое произошло в период 2017-2018 годы. В частности, речь идет о следующих индикаторах: налогообложение (64-е место, +14 позиций), международная торговля (165-е, +3), регистрация собственности (71-е, +2), получение разрешения на строительство (134-е, +1). Вместе с тем, наблюдалось снижение показателей по получению кредитов (60-е место, -5 позиций), подключению к электрическим сетям (35-е, -8), разрешению неплатежеспособности (91-е, -4), защите миноритарных инвесторов (64-е, -2).**

Основными причинами улучшения позиции Узбекистана в престижном рейтинге в 2018 году служили улучшение процесса получения разрешения на строительство, улучшение условий международной тор-

говли, совершенствование законодательства в сфере налогообложения и введение онлайн платежей по налогам.

В свою очередь, по оценкам экспертов Всемирного банка ухудшения наблюдались в следующих показателях: кредитование, подключение к электрическим сетям, разрешение неплатежеспособности, защита миноритарных инвесторов.

В связи с важностью рейтинга "Ведение бизнеса" как индикатора качества деловой среды страны в рамках программы действий на 2018 год - год "Поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий"был разработан план мер по улучшению места республики в международном рейтинге "Ведение бизнеса". Были реализованы многочисленные реформы, в том числе улучшение работы банков с субъектами предпринимательства, реформирование налоговой системы в направлении ещё большей поддержки предпринимателей, дальнейшее реформирование таможенной системы и обеспечение её соответствия международным стандартам, улучшение логистического потенциала страны. В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан "О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах в "Год активных инвестиций и социального развития" (№УП-5635 17.01.2019), согласно Приложению № 3 утвержден Перечень министерств и ведомств, ответственных за улучшение позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и отдельных составных индикаторах. Утвержденная в сентябре 2018 года Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы предусматривает реализацию целого комплекса мер, нацеленных на серьезное улучшение условий ведения бизнеса в стране и вхождение республики к 2025 году - в двадцатку лучших стран в рейтинге Doing Business, а к 2030 году в состав 50-ти передовых стран мира по рейтингу Глобального инновационного индекса.

В частности, запланировано осуществление следующих мер: развивать конкуренцию на рынках, позволяющую стимулировать переход экономики на инновационный путь развития и эффективное использование ресурсов;

совершенствовать антимонопольную политику, путем внедрения государственно-частного партнерства, ликвидировать дискриминацию в доступе к товарам, работам и услугам субъектов естественных монополий для всех юридических и физических лиц, внедрять эффективные механизмы ценообразования на продукцию предприятий-монополистов;

создать равные условия осуществления предпринимательской деятельности и предотвращать монополизацию внутреннего рынка;

обеспечить полную цифровизацию ведения дел государственного кадастра к 2021 году и ввести упрощенный механизм процедуры регистрации собственности;

увеличить долю производства электрической энергии за счет использования возобновляемых и альтернативных источников энергии более, чем на 20% к 2025 году.

Реализация указанных мер будет способствовать формированию благоприятного инвестиционного климата и улучшению бизнес-среды, что, в свою очередь, повысит конкурентоспособность экономики Узбекистана и улучшит его имидж на мировой арене.

В Отчете "Doing Business", подготовленном Всемирным банком в 2019г., Узбекистан занял 76 место с рейтинговым показателем 67,40. Это ниже среднего показателя по региону (72,34) и значительно ниже показателей регионального лидера - Казахстана (77,89 и 28 место). Причем, есть индикаторы, по которым Узбекистан занимает довольно высокое место. Это, например, индикатор открытия бизнес-предприятия, по которому Узбекистан имеет высокие показатели (95,79 и 12 место), что значительно выше среднего по региону (90,02) и выше, чем у Казахстана (92,96 и 36 место), который, как указывалось выше, по суммарному рейтингу лидирует среди стран региона. В то же время по другим индикаторам, например, таким как оформление документов на строительство, регистрация прав на землю и внешнеторго-

вое регулирование, показатели Узбекистана значительно ниже среднего и намного уступают позициям других стран региона.

Очевидно, что начинать работу по улучшению нашей позиции в рейтинге DB надо с тех индикаторов, в которых значительный рост может быть достигнут в краткосрочной перспективе относительно простыми и доступными средствами. Таковыми, на наш взгляд, являются индикаторы оформления документов на строительство и регистрации прав на недвижимость. В этих сферах только за счет совершенствования административных процедур и управленческих процессов можно уже в течение года значительно повысить рейтинг Узбекистана. При этом вполне возможно подняться в общем рейтинге до среднего по региону значения. В дальнейшем, можно взяться за более сложные "проблемные" индикаторы, которые требуют комплексных решений и больше времени для достижения результата: например, внешнеторговое регулирование и доступ к кредитным ресурсам. Параллельно можно улучшать наши позиции в менее "проблемных" и относительно более "простых" индикаторах, таких как уплата налогов и подключение к электросети. Такова общая стратегия работы.

Для выполнения этой работы Экспертной группой УМЭД, с участием привлеченных специалистов, начата работа по реализации следующих мер:

1. Проведение сравнительного исследования передового зарубежного опыта в сферах выдачи разрешений на строительство, архитектурно-строительного надзора и регистрации прав на недвижимость (прежде всего, на землю и строения), а также анализ проблем и возможностей улучшения регулирования в указанных сферах в Узбекистане.

2. Разработка Концепции совершенствования административных процедур и управленческих процессов в указанных сферах и соответствующую Программу мер.

3. Разработка Методологии мониторинга и оценки регуляторной политики в сфере выдачи разрешений на строительство, архитектурно-строительного надзора и регистрации прав на недвижимость в целях систематического повышения позиции Узбекистана в рейтинге DB.

4. Разработка на основе Концепции проектов изменений и дополнений в действующее законодательство.

**Для компетентного обсуждения хода и результатов выполняемой работы с предложениями по улучшению позиции Республики Узбекистан в международном рейтинге "Doing Business" ("Ведение бизнеса"), в том числе об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из постановления Руководителя страны, УМЭДом запланированы (апрель-май) проведение семинаров и тренингов для сотрудников профильных административных ведомств (Министерства строительства и Госкомкадастра), а также "круглого стола" на тему "Международные рейтинги и индексы и экономико-правовые вопросы повышения инвестиционной привлекательности страны".**

Для качественного осуществления запланированных мер рассчитываем на техническую (финансовую) помощь со стороны заинтересованных в поддержке данной инициативы структур (Всемирного банка, ПРООН, Мин. инновации).

Постановлением Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева №ПП-4210 от 25.02.2019: "О мерах по повышению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах" за Центром международно-правовых исследований и сравнительного публичного права УМЭД МИД Республики Узбекистан закреплен международный рейтинг "Doing Business" ("Ведение бизнеса").

В связи с этим, в целях эффективной реализации поручения Руководства страны, начинали работу по улучшению нашей позиции в рейтинге "Doing Business" ("Ведение бизнеса) с тех индикаторов, в которых значительный рост может быть достигнут в краткосрочной перспективе относительно простыми и доступными средствами. Таковыми, на наш взгляд, являются прежде всего оформление документов на строительство и регистрацию прав на

недвижимость. В связи с этим необходимо нормативно обеспечить:

Упрощение получения разрешения на строительство. Основные направления реформ - кардинальное снижение временных и финансовых затрат предпринимателей на получение разрешения на строительство путем пересмотра как списка необходимых документов, так и времени их рассмотрения со стороны органов государственной власти, повышение ответственности работников органов государственной власти за своевременное выполнение своих обязанностей.

Упрощение процедуры регистрации собственности. Основные направления реформы - сокращение количества процедур для регистрации собственности, сокращения времени, необходимого для регистрации собственности, повышение качества управления системы управления земельными ресурсами (повышение надежности инфраструктуры, "прозрачности" информации, географического охвата, механизмов разрешения земельных споров и равного доступа к праву собственности).

В этих сферах, только за счет совершенствования административных процедур и управленческих процессов, можно уже в течение года значительно повысить рейтинг Узбекистана. При этом вполне возможно подняться в общем рейтинге до среднего по региону значения.

Безусловно, значительный рост в рейтинге "DB" может обеспечить нормативно-правовое совершенствование таможенного администрирования. Основные направления реформы - сокращение количества требуемых документов, внедрение единого окна на базе лучших мировых стандартов, снижение временных и финансовых затрат экспортеров и импортеров, повышение ответственности работников государственных органов, особенно таможенных органов, за своевременное оказание услуг.

Несомненно, улучшению рейтинга "DB" будет способствовать принятие мер по повышению эффективности процедур разрешения неплатёжеспособности. Основные направления реформ - сокращение временных и финансовых затрат, повышение эффективности нормативно-правовой базы, применимой к процедурам ликвидации и реорганизации предприятия. Конечная цель - сокращение временных и финансовых затрат и конечного результата процесса разрешения неплатежеспособности.

**В дальнейшем, можно взяться за более сложные "проблемные" индикаторы, которые требуют комплексных решений и больше времени для достижения результата: например, внешнеторговое регулирование и доступ к кредитным ресурсам. Параллельно можно улучшать наши позиции в менее "проблемных" и относительно более "простых" индикаторах, таких как уплата налогов и подключение к электросети.**

Такова общая стратегия предлагаемой и осуществляемой нами работы по разработке на основе Концепции совершенствования административных и управленческих процессов, предложений по проектам изменений и дополнений в действующее законодательство.

Заслуживают внимания следующие предложения по внесению изменений в ряд нормативно-правовых актов в целях улучшения рейтинга республики:

по индикатору "регистрация бизнеса" - рассмотреть вопрос об установлении исключительно для г. Ташкента порядка, в соответствии с которым государственная пошлина за регистрацию бизнеса при электронной подаче заявки составляет 0,8-0,9 минимальных размера заработной платы, при этом, запрещается явочный порядок обращения в центры государственных услуг для представления документов;

по индикатору "защита миноритарных инвесторов" - внести изменения и дополнения в Закон "Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью", предусмотрев, во-первых, положения об урегулировании конфликтной ситуации в случае, если участники общества не могут достигнуть соглашения по какому-либо вопросу деятельности общества и при этом ни один из них не обладает достаточным количеством голосов для принятия решения, данный вопрос разрешается

в судебном порядке, во-вторых, установление порядка, согласно которому общества с ограниченной или дополнительной ответственностью с балансовой стоимостью активов более ста тысяч минимальных размеров заработной платы подлежат обязательной ежегодной аудиторской проверке;

по индикатору "получение кредитов" - ускорить принятие закона о внесение изменений и дополнений в законы "О лизинге", "О залоге", "Об исполнении судебных актов и актов иных органов", "Об обмене кредитной информацией", а также в Уголовный процессуальный, Гражданский, Гражданский процессуальный кодексы;

по индикатору "разрешение неплатежеспособности" - принять проект закона "О банкротстве" (в новой редакции), предусмотрев:

а) приведение терминологии законодательства о банкротстве в соответствии с общепринятыми стандартами по неплатежеспособности;

б) предоставление права должнику:

инициализировать процедуру неплатежеспособности;

продолжать исполнение контрактов, необходимых для функционирования должника во время процедур банкротства;

расторгнуть сделки после начала производства, заключенных до возбуждения производства по делу о несостоятельности, и дающих преимущество одному или нескольким кредиторам;

расторгнуть сделки с заниженной стоимостью после начала производства, заключенных до возбуждения производства по делу о несостоятельности либо объявления их недействительными, если иное не согласовано с кредиторами;

в) разделение на категории кредиторов, имеющих право участвовать в голосовании по одобрению плана санации или внешнего управления, что также включает раздельное голосование различных категорий кредиторов, а также применение единого режима к кредиторам, отнесенным к одной и той же категории;

г) предоставление кредиторам, не одобрившим предлагаемый план санации или внешнего управления, права получать гарантированное возмещение, как минимум, равное тому, что они могли получить в случае ликвидации должника;

д) внедрение очереди удовлетворений требований кредиторов в соответствии с хронологическим порядком (время и дата) внесения ими в залоговый реестр записей о правах на соответствующее имущество;

е) определение крайних и разумно коротких сроков для важнейших этапов в процессе банкротства после возбуждения дела о банкротстве;

ж) предоставление должнику (или выступающему от его имени управляющему по делу о несостоятельности) возможности получения кредита после возбуждения производства по делу о несостоятельности для финансирования текущих расходов должника в ходе производства;

з) дальнейшее усиление прав кредиторов и упорядочение порядка приостановления моратория, за счет:

изменения очередности удовлетворения требований кредиторов путем предоставления им преимущественного права перед требованиями других кредиторов в случае, если имущество ликвидируемого юридического лица выступает предметом обеспечения исполнения обязательств;

и) внесение изменений касательно размера требований к должнику и исполнения сроков обязательств для открытия производства по делу о несостоятельности;

к) усиление прав кредиторов и повышение эффективности управления активами должника, в том числе предоставление:

приоритета на погашение требований по кредитам, выданным в ходе банкротства;

л) усиление прав кредиторов и повышение эффективности управления активами должника, в том числе предоставление:

права кредиторам инициировать производство по делу о реорганизации;

права участия в голосовании касательно плана реорганизации предприятия исключительно тем кредиторам, чьи интересы затронуты или подлежат изменению данным планом;

предлагаемый план реорганизации гарантирует кредиторам, не одобрившим этот план, возмещение, как минимум, равное тому, что они могли бы получить в процессе ликвидации;

права должнику (или выступающего от его имени управляющего по делу о несостоятельности) продолжить исполнение контрактов, принципиально важных для необходимого функционирования во время реорганизации;

м) предоставление право индивидуальному кредитору возражать против решения суда или управляющего по делам о несостоятельности, которое удовлетворяет или отказывает в удовлетворении требований, заявленных данным кредитором или другими кредиторами против должника.

**Создать структуру по вопросам оздоровления предприятий и банкротства при Министерстве экономики и промышленности Республики Узбекистан с передачей ему функций и полномочий по содействию приватизированным предприятиям, финансовому оздоровлению экономически несостоятельных предприятий и банкротству, инвентаризации, выявлению пустующих и незавершенных строительством объектов, а также рабочего органа межведомственных комиссий по эффективному использованию неиспользуемых производственных объектов и разработке инвестиционных проектов ("Дорожных карт") по восстановлению производственной деятельности пустующих и незавершенных строительством объектов.**

Учитывая, что оценочный цикл для отчета "Ведение бизнеса-2020" завершается 1 мая 2019 года, крайне важно определить приоритеты в рамках предстоящих работ. В частности, необходимо:

первое, в кратчайший срок (в течение 2-3 недель), заполнить все вопросники отчета "Ведение бизнеса" с четким и последовательным изложением всех изменений, наступивших в период со 2 мая 2018 года по 1 мая 2019 года, с указанием конкретных норм и реквизитов нормативно-правовых актов, статистической информации; скоординировать направление во Всемирный банк всех заполненных вопросников соответствующими министерствами и ведомствами, закрепленными за соответствующий индикатор; провести широкую разъяснительную работу среди респондентов по принятым изменениям в целях правильного заполнения ими соответствующих вопросников;

второе, учитывая, что меры, предусмотренные в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 13.07.2018г. № ПП-3852 и от 05.02.2019г. № ПП-4160, охватывают задачи на 2018-2019 годы, важным является до середины т.г. обеспечить: экспертизу разрабатываемых проектов нормативно-правовых актах на предмет приведения их в соответствие с методологией исследования "Ведение бизнеса", а также их принятие (утверждение); пересмотреть административные процедуры в рамках оцениваемых 10 индикаторов исследования, в т.ч. проведение реинжиниринга бизнес-процессов и совершенствование законодательства, регулирующие правоотношения в области оказания государственных услуг по вышеуказанным индикаторам отчета;изучить и разработать механизмы обеспечения исполнения принятых нормативно-правовых актов на практике, включая решение организационных, разъяснительных работ среди работников государственных органов и субъектов предпринимательства, получивших соответствующие услуги в отчетном периоде;

третье, до 1 августа 2019 года предлагается:на основе анализа методологии, вопросников и принятых нормативно-правовых актов, проинвентаризировать имеющиеся пробелы в законодательстве и возможности в целях подготовки Плана мер, обеспечивающий вхождение республики в первую 20-ку стран к 2022 году; усилить пропаганду и работу среди субъектов предпринимательства - респондентов отчета "Ведение бизнеса" для отражения всех соответствующих изменений в вопроснике на последующий 2021 год.

***Источники и литература***

*1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5635 от 17.01.2019 "О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах в "Год актив-*

*ных инвестиций и социального развития".*

*2. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4210 от 25.02.2019: "О мерах по повышению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах".*

*3. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3852 от 13.07.2018г. "О мерах по дальнейшему улучшению рейтинга Республики Узбекистан в ежегодном отчете Всемирного банка и международной финансовой корпорации "Ведение бизнеса"*

*4. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4160 от 05.02.2019г. "О дополнительных мерах по улучшению рейтинга Республики Узбекистан в ежегодном отчете Всемирного банка и международной финансовой корпорации "Ведение бизнеса"*

*5. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5544 от 21.09.2018 "Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019 - 2021 годы"*

*6. Доклад Всемирного банка "Ведение бизнеса: реформирование для создания рабочих мест".*

## О стратегии и первоочередных мерах по повышению позиции Республики Узбекистан в международном рейтинге "Doing Business" (ведение бизнеса)

**Иса Хамедов,**
*доктор юридических наук, профессор, руководитель Центра международно-правовых исследований и сравнительного публичного права УМЭД,*
**Акбар Мусаев, Иван Никонов,**
*эксперты Центра*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются меры по формированию благоприятного инвестиционного климата, улучшению бизнес-среды и улучшению позиции Республики Узбекистан в международном индексе "Doing Business".*

**Ключевые слова:** *международные рейтинги, международные индексы, международные стандарты, ведение бизнеса (doing business), индикаторы, Всемирный банк, международная финансовая корпорация "Ведение бизнеса".*

## "Doing Business" (бизнесни юритиш) халқаро рейтингида Ўзбекистон Республикаси ҳолатини ошириш стратегияси ва бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида

**Иса Хамедов,**
*юридик фанлари доктори, профессор, ЖИДУ Халқаро ҳуқуқий тадқиқотлар ва қиёсий жамоатчилик ҳуқуқи маркази раҳбари,*
**Акбар Мусаев, Иван Никонов,**
*марказ экспертлари*

**Аннотация:** *мақолада қулай инвестиция муҳитини яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро "Doing Business" индексидаги ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар муҳокама қилинади.*

**Калит сўзлар:** *халқаро рейтинг, халқаро индекслар, халқаро стандартлар, бизнесни юритиш, индикаторлар, жаҳон банки, «бизнесни юритиш» халқаро молиявий корпорацияси*

## On the strategy and priority measures to improve the position of the Republic of Uzbekistan in the international rating of "Doing Business"

**Isa Hamedov,**
*DSc (Law), Professor, Head of the Center for International Legal Studies and Comparative Public Law of the UWED,*
**Akbar Musaev, Ivan Nikonov,**
*Center experts*

**Abstract:** *the article discusses measures to create a favorable investment climate, improve the business environment and improve the position of the Republic of Uzbekistan in the international Doing Business index.*

**Key words:** *international rating, international indices, international standards, doing business (doingbusiness), indicators, World Bank, Doing Business international financial corporation.*

**Улуғбек МАДРАҲИМОВ,**
*иқтисодиёт фанлари доктори, доцент,*
*Андижон машинасозлик институти*

# БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Иқтисодий ўсишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳар бир давлатнинг асосий мақсади ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш, биринчи навбатда, товар ва хизматларнинг миқдорий ўсиши ҳамда сифат ўзгаришида ўз ифодасини топади. Кенг маънода эса жамиятда иқтисодий ўсиш натижасида такрор ишлаб чиқариш ортади, ишлаб чиқариш кучлари ривожланади. Энг асосийси, аҳоли турмуш даражаси ўсиб боради, уларнинг фаровонлиги юксалади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш - энг муҳим устувор вазифамиздир"[1].

Мамлакатнинг ўз тараққиёт даражасини белгилашда, уни ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан баҳолашда иқтисодий ривожланиш даражаси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳолат асосида давлатлар: ривожланган, ривожланаётган ёки ўтиш иқтисодиёти давлатларига ажратилади. Давлатларнинг ривожланганлик даражаси турли омиллар таъсирида ўзгарувчи макроиқтисодий тизимни ифодаловчи бир нечта комплекс кўрсаткичлар асосида баҳоланади.

Мамлакатлар доимо ривожланиш жараёнини мувозанатли ва барқарор бўлишига интиладилар ҳамда шу йўналишда сиёсат олиб борадилар. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг реал ўсиши, инфляция, валюта курси, ишсизлик даражаси, тўлов баланси каби асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий даражада бўлишига бевосита боғлиқдир.

Ялпи ички маҳсулотнинг миқдорий ўсиши унинг сифат ўзгаришлари билан узвий боғлиқ. Жамият ҳаётининг ривожланиши, инсоният маданиятининг ўсиши, глобализациянинг кенгайиши натижасида иқтисодий ўсиш юксалиши билан бирга, унинг асоси ва натижавийлигини ифодаловчи самарадорлик ва сифат кўрсаткичлари ҳам ўзгариб боради.

**"Иқтисодий ўсиш" тушунчасини тадқиқ этиш жараёни унга тегишли масалаларни комплекс ўрганишдан иборатдир. Жумладан, мазкур комплекс масалалари таркибига унинг омиллари ва манбалари, уларни таъсир этиш миқёси, барқарорлик даражаси, давомийлиги, турлари ва ривожланиш босқичлари кабиларни киритиш мумкин.**

Айрим давлатларда иқтисодий ўсиш юқори, бошқаларда эса паст даражада намоён бўлади. Мамлакатлар ривожланишида ушбу кўрсаткич вақт билан боғлиқ турли ҳолатларда намоён бўлади. Шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли иқтисодий ўсиш унинг омиллари ҳажми ва даражаси ўзгариши нуқтаи назаридан ҳам ўрганилади. Қисқа муддатли иқтисодий ўсишда меҳнат ва капитал омилларидан фойдаланиш даври ўзгариши назарда тутилса, узоқ муддатлида эса - ишлаб чиқаришдаги омиллар ҳажми ва технологияларнинг ўзгариши назарда тутилади. Қисқа муддатли даврда 1-3 йил инобатга олинади ва ташқи иқтисодий коньюнктура ҳамда макроиқтисодий сиёсат билан боғланади. Узоқ муддатли ўсиш 5-10 йиллик даврни ўз ичига олади ва унда таркибий ислоҳотлар натижалари ҳамда ўзгариши назарда тутилади[2]. Баъзи манбаларда, ЯИМнинг уч йил давомида

ижобий ўсиши - барқарор ўсиш сифатида талқин этилади[3].

Бошқа бир манбада[4] иқтисодий ўсиш эришган даражасига қараб, қуйидаги турларга ажратилади: барқарор иқтисодий ўсиш (5% ва ундан юқори); юқори бўлмаган иқтисодий ўсиш (2-3%); секинлашган иқтисодий ўсиш (1-2%); беқарор иқтисодий ўсиш; мувозанатлашган иқтисодий ўсиш.

Юқоридаги муаллифлар томонидан "барқарор иқтисодий ўсиш" тушунчаси бўйича илгари сурилган таърифлардан икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Биринчидан, муаллифлар фикрича, барқарор ўсиш вақт билан боғлиқ тушунча бўлса, иккинчидан, мазкур иқтисодий категория миқдор, яъни иқтисодий ўсиш даражасининг ижобий жиҳатлари билан тавсифланади. Бу жиҳатдан эса, Ўзбекистонда эришилган иқтисодий ўсиш даражаси ўзининг барқарор суръатларини намоён этмоқда.Жумладан, мамлакатда ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи 1996 йилдан буён ижобий ҳолда ўзгариб келмоқда. Шунингдек, унинг кўрсаткичлари ҳам 5% ва ундан юқори ҳолатни акс эттирмоқда (1-диаграмма). Шундай бўлса-да, мазкур миқдорий кўрсаткичнинг натижавий жиҳатлари, сифат томонлари қандай ўзгаришларни акс эттираётганини тадқиқ қилиш лозим.




**1-диаграмма. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръати (аввалги йилга нисбатан фоизда)**

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган (Ўзбекистоннинг йиллик статистика тўплами. -Тошкент: 1997, 1998, 1999, 2000, 2001, 2002, 2015, 2016, 2017.).*

Зеро, жамият тараққий этиб бориши билан иқтисодий ўсиш масаласини ўрганишга бағишланган назариялар ва қарашлар ҳам ривожланди. Шунингдек, уларнинг ўрганиш объектлари ҳам тадрижий тарзда ўзгариб борганлигини таъкидлаш лозим.

Дастлаб, фақат унинг миқдорий жиҳатлари ва улар билан боғлиқ омиллар тадқиқ этилган бўлса, кейинроқ уларнинг самарадорлиги, яъни ялпи омиллар унумдорлигига эътибор қаратилди ва бу чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш зарурати билан асосланди. Бунда чекланмаган эҳтиёжларни моддий жиҳатдан таъминлаш асосий масала тарзида қаралган. Унинг сифат жиҳатлари эса, асосан, инсон омилига йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Иқтисодий ўсишнинг уч жиҳати бир босқичдан кейинги босқичга ўтиш учун замин яратиши билан бирга, ўзларини ҳам ривожлантириб борганлигини назариялар ривожидан кузатишимиз мумкин.

Иқтисодий ўсишга берилган таърифлар турли хил бўлгани каби уни ўрганиш объектлари ҳам бир-биридан фарқланади. Дастлаб,"иқтисодий ўсиш" тушунчаси бойлик даражаси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган. Бунда нафақат бойлик даражаси, балки унинг манбаларини излаш ҳам муҳим саналган. Ушбу тадқиқотлар марказида классик иқтисодчиларнинг ишлари туради. Хусусан, А.Смит, Д.Рикардо,

Т.Мальтус, У.Петти кабилар томонидан рақобат муҳитини шакллантириш, асбоб-ускуналарни техник-технологик жиҳатдан такомиллаштириш ва савдога ихтисослашиш ҳамда капитални жамғариш ва меҳнатни ихтисослаштириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эътибор қаратилган. Классиклар ишларида[5], асосан, экстенсив омиллар ҳисобига иқтисодий ўсиш тадқиқ этилган бўлса, дастлаб, иқтисодий ўсишни интенсив омиллар таъсири асосида ўзгаришини ўрганган олим Й.Шумпетер ҳисобланади[6]. Унинг фикрича, таклиф янги манбаларнинг очилиши ҳисобига иқтисодий ўсишга ёки иқтисодиётдаги ўзгаришларга асосий таъсир кўрсатувчи омил саналади.

**Классиклар назариясидан фарқли ўлароқ, кейнсчилик таълимотида асосий эътибор талаб томонига қаратилган. Ушбу назария асосчиси Ж.Кейнснинг фикрича, иқтисодий ўсиш давомийлигини таъминлаш учун ялпи талабга эътибор бериш лозим. Шу ўринда у ялпи талаб омилларини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият беради. Ж.Кейнс томонидан иқтисодий ўсиш назариясига киритилган муҳим унсур - мультипликатордир. Яъни ушбу катталик, таъкидланишича, инвестициялар ўзгариши ҳисобига ялпи талабни мос йўналишда ўзгартиради ва бу ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади[7].**

Ж.Кейнс издошлари Е.Домар ва Р.Харрод томонидан мувозанатли иқтисодий ўсиш назариясига асос солинган[8]. Улар иқтисодий ўсишга капитал ва жамғарма омиллари таъсирини асослаб берганлар. А.Хансен иқтисодий ўсишни мультпликатор ва акселератор принциплари асосида тадқиқ этган[9]. Унинг фикрича, мультипликацион самара асосида ўсган миллий даромад акселерацион самара асосида инвестицияни оширади. Ушбу икки ўзаро боғлиқ жараён эса иқтисодий ўсишни юзага келтиради.

Янги классиклар Р.Солоу ва Т.Суон томонидан амалга оширилган тадқиқотларда[10] асосий эътибор меҳнат ва капитал омилига қаратилган. Шунингдек, ушбу икки омил ўзаро алоқадорлиги асосида уларнинг ялпи унумдорлиги кўриб чиқилган. Ушбу назарияда иқтисодий ўсиш ва унинг барқарор даражаси давомийлигини таъминлаш масаласи замирида самарадорликка алоҳида эътибор берилган.

Иқтисодий ўсишни тадқиқ этиш 1980 йилларга келиб янада кенгайди. Шу даврдан бошлаб иқтисодий ўсишни тадқиқ этишда мулкий муносабатлар ҳимояси, бозор тузилиши кабилар ҳам асосий омиллар сифатида қарала бошлади. Ушбу изланишлар замирида "эндоген ўсиш назарияси" юзага келди.

"Эндоген ўсиш назарияси" аввалги экзоген назариядан фарқли ўлароқ, техника тараққиётининг иқтисодий ўсишга таъсирини асослаб берган. Техника тараққиёти экзоген омил сифатида баҳоланган аввалги назарияларда аҳоли жон бошига даромадлар даражаси тушунтириб ўтилган бўлса-да, лекин уларда иқтисодий ўсиш сабаблари изоҳлаб берилмаган[11].

Ушбу назарияга биринчилардан бўлиб асос солганлар сифатида Д.Барро, П.Ромер, Р.Лукас, С.Ребело кабиларни айтиб ўтиш мумкин[12]. Улар томонидан инсон капитали ва унинг техника тараққиётига таъсири чуқур тадқиқ этилган.

Кейинчалик, 90-йилларга келиб, ушбу назария янада ривожланди ва асосий эътибор инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишга қаратилди. Ушбу назария ривожланиши билан бирга, унинг тадқиқот йўналишлари кенгайиб борди. Натижада, уларнинг тадқиқотлари "R&D" (Research & Development) деб номлана бошлади. Ушбу масалага оид тадқиқотлар орасида Э.Хелпман, Р.Барро, Р.Лукас, Ф.Агьон, П.Ромер, Х.Сала-и-Мартин кабиларнинг ишлари муҳим ўрин тутади[13]. Эндоген ўсиш назариясининг ушбу йўналишида тадбиркорлик фаолиятида тадқиқотлар ва ривожланиш (R&D)[14] масалаларига асосий эътибор қаратилган.

Иқтисодий ўсиш концепцияси билан боғлиқ қарашлар ривожи туфайли, 2000 йилларга келиб, иқтисодий ўсишнинг ўзинигина эмас, унинг натижавий жиҳатларини ҳам қамраб олувчи қарашлар, яъни ўсиш сифатини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Ушбу масала, дастлаб, Жаҳон банки томонидан ўрганил-

ган. Жумладан, мазкур масаланинг методологик асосларини шакллантиришда Жаҳон банкининг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга[15]. Шунингдек, иқтисодий ўсишнинг барқарор давомийлиги ҳамда сифатини ўрганишга қаратилган ишлар марказида М.Спенс ва Р.Солоу тадқиқотлари ҳам юқори ўрин тутади[16].

Иқтисодий ўсиш масаласини ўрганиш билан боғлиқ назариялар умумий ҳолда миқдор, самарадорлик ва сифат ҳолатини ифода этмоқда. Демак, классиклар қарашлари замирида иқтисодий ўсишнинг миқдорий - экстенсив жиҳатларига эътибор берилган бўлиб, ушбу жараён "янги классик назариячи" - Р.Солоу даврига қадар давом этган. Р.Солоудан бошлаб, то 90-йиллар охиригача бўлган назарияларда иқтисодий ўсишни нафақат миқдорий, балки самарадорлиги, яъни ялпи омиллар унумдорлиги (TFP) бўйича қарашлар ривожланиб борди. Шунингдек, TFP билан боғлиқ қарашларнинг ривожланиши билан олимлар иқтисодий ўсишнинг натижавийлигига эътибор қарата бошладилар. Ушбу тадқиқотлар замирида иқтисодий ўсишнинг сифат жиҳатларининг у ёки бу томонларини ўрганувчи изланишлар юзага келди.

Иқтисодий ўсиш самарадорлигининг ортиши, унинг таркибида илмий тадқиқотлар улушининг кенгайиши сифат ўзгаришларига олиб келади. Ўсиш сифатининг илмий асосларини тадқиқ этиш ва унинг жиҳатларини аниқлаш муҳим бўлиб, мазкур тушунчага турли муаллифлар хилма-хил ёндашадилар.

**А.Аганбегяннинг фикрича, "иқтисодий ўсиш сифати" - ишлаб чиқариш фондларининг техника тараққиёти асосида янгиланган замонавий ишлаб чиқариш қувватларига асосланиб, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш тадбиридир[17]. Ушбу таърифда ишлаб чиқариш натижасини ифодаловчи жиҳат янги маҳсулот яратиш билан асосланмоқда, лекин ижтимоий ва экологик масалалар эътибордан четда қолган.**

К.Хубиев "иқтисодий ўсиш сифати"ни, энг аввало, иқтисодий ўсиш омиллари билан боғлаб, унинг юқори даражасини техника тараққиётининг ўсиши, асосий ва инсон капиталига инвестициялар ҳамда илмталаб ва ахборот технологиялари улушининг катталиги билан асослайди[18]. Ушбу таърифда ҳам ўсиш сифатининг фақат иқтисодий томонлари қамраб олинган бўлиб, кишилар турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришлар ҳамда техника тараққиётининг маҳсули бўлган ресурстежамкор соҳалар ўзгаришлари эътибордан четда қолган.

Жаҳон банки тадқиқотларининг кўрсатишича, "иқтисодий ўсиш сифати" бу — ўсиш суръатларига қўшимча бўлиб, у ўсиш жараёнини шакллантирувчи муҳим жиҳатни ўзида ифода этади. Турли мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, улар атроф муҳит барқарорлигини таъминлаш, асосий рискларни бошқаришнинг ривожланиши ва самарали тақсимот масалаларини ўз ичига олади[19]. Ушбу таъриф мазкур масалани нисбатан тўла ёритгани ҳолда, ижтимоий масалалар қамровини кенгроқ талқин этишни талаб этади.

В.Куликов иқтисодий ўсиш сифатини миллий иқтисодиёт рақобатдошлигининг ўсиши, унинг қуввати ошиши ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан асослайди[20]. Лекин технологияларнинг замонавий даражаси асосида ресурслардан тежамли фойдаланиш масаласи ҳамда улар асосида атроф муҳит барқарорлиги ҳисобга олинмаган.

Н.Фролова иқтисодий ўсишнинг муҳим жиҳати унинг сифати эканлигини таъкидлаб, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, уни инновациялар билан боғлайди[21]. Ҳақиқатан ҳам инновацион жараёнлардаги ўзгариш иқтисодий ўсишнинг ижобий даражасини намоён этади, шунингдек, ресурстежамкорлик ва атроф муҳитга зарарли чиқиндилар камайиши асосида экологик барқарорлик ҳам таъминланади. Зеро, ушбу узвийлик таърифда ўз аксини топмаган.

А.Вахобов ва У.Зайнитдиновалар мазкур масалага ижтимоий жиҳатдан ёндашадилар. Жумладан, "иқтисодий ўсиш сифати" мамлакат иқтисодий ривожланишида ижтимоий йўналтирилганлик кучайганини англатади. Унинг таркибий қисмлари сифатида аҳоли моддий фаровонлигининг

яхшиланиши, шахс бўш вақтининг кўпайиши, ижтимоий инфратузилма даражасининг ўсиши, инсон капиталига инвестицияларнинг ўсиши, кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш, тўла бандликни қўллаб-қувватлаш кабилар санаб ўтилган[22].

Т.Шодиев, иқтисодий ривожланиш сифати - иқтисодиётни интеллектуаллаштириш ва глобаллаштириш унинг ички омилларига айланиши билан белгиланади[23], дея таъкидлаб, асосий эътиборни иқтисодий ривожланишга қаратади.

Шунингдек, қуйидаги қатор келтирилган таърифларда ҳам иқтисодий ўсиш сифатининг, асосан, иқтисодий мезонлар билан бирга, ижтимоий жиҳатлари тавсифланмоқда, мазкур масаланинг экологик барқарорлик билан боғлиқлиги муаллифлар эътиборидан четда қолган. Жумладан, И.Теняковнинг фикрича, "иқтисодий ўсиш сифати" - ишлаб чиқариш омиллари сифатининг ўзаро боғлиқлиги, якуний маҳсулот рақобатдошлиги ва сифати, миллий иқтисодий тизим тармоқларининг жадал ўзгариши ҳамда ўсишнинг ижтимоий натижавийлигидир[24]. Шу билан бирга, В.Видяпин ва А.Добрынинларнинг фикрича, иқтисодий ўсиш сифати - унинг ижтимоий йўналтирилганлик даражасининг кучайишидир. Муаллифлар унинг асосий таркибий қисмлари сифатида аҳоли моддий таъминотининг яхшиланиши, ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражасининг ортиши, инсон капиталига инвестицияларнинг ортиши, инсонлар ҳаёти ва меҳнат шароитлари хавфсизлигининг таъминланганлиги, меҳнатга лаёқатсиз ва ишсизларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги кабиларга тўхталиб ўтадилар[25]. Шунингдек, Т.Костинанинг таъкидлашича, иқтисодий ўсиш сифати иқтисодий ўсишнинг интенсив тури ҳисобланади. У ўзининг натижаси бўйича иқтисодий ўсишнинг якуний мақсадидир. Унинг динамик тавсифи эса қуйидагилар билан асосланади: ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг ўсиши ва иқтисодиёт рақобатдошлигининг ортиши; ЯИМ ўсишини таъминловчи экспорт ва импортнинг ўсиши ҳамда ихтисослашишнинг чуқурлашуви; миллий иқтисодий тизим инновацион фаоллигининг ортиши; экспортнинг таркибий ўзгаришидаги ўзаро боғлиқ ва ихтисослашган тарздаги ўзгаришлар. Шунингдек, иқтисодий ўсиш сифатини омиллар ялпи унумдорлиги (TFP) билан асослайди[26].

Иқтисодий ривожланиш ва ўсиш сифатини И.Қаюмова тармоқларни модернизациялаш, инновацион тизимни жорий этиш, бизнес муҳити ва тадбиркорлик шароитининг яхшиланиши, ишчи кучидаги сифат ўзгаришлари, ахборот-коммуникация воситалари ва Интернет тизимининг кенг жорий қилиниши билан тавсифлайди[27]. Ваҳоланки, мазкур масала ижтимоий ҳолатни ўз ичига қамраб олиши билан бирга, атроф муҳит хавфсизлигини ҳам назарда тутади.

**Шунингдек, охирги вақтларда иқтисодий ўсиш сифатининг ижтимоий жиҳатларини ўз ичига олган тушунча – "инклюзив ўсиш" категорияси халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки томонидан амалга оширилган изланишларда "инклюзив ўсиш" масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, бу жараён иқтисодий ўсишнинг ижтимоий жиҳатларини қамраб олиб, аҳоли турмуш даражаси, камбағаллик ва ишсизлик даражаси, даромадлар тақсимоти тенгсизлиги каби масалаларни ўз ичига олган ҳолда юз берувчи ўсиш туридир, дея таъриф берилган[28].**

Иқтисодий ўсиш сифати ҳақидаги таърифларни умумлаштирсак, уларда иқтисодий ўсишни техника тараққиёти ва инновацион фаолият асосида ошириш масаласига эътибор қаратилиб, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилганлик даражаси асосий ўринга қўйилмоқда. Техника тараққиёти ва инновацияларга асосланган ишлаб чиқариш, аввало, ресурсларни тежашга, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишга қаратилган бўлади.

Бу ҳол меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва ходимлар меҳнат шароитининг яхшиланишини ҳамда уларнинг моддий рағбатлантириш хусусиятларини ўз ичига олади. Техника-технологиялардаги ривожланиш иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни

юзага келтиргани ҳолда, у нафақат тармоқлараро, балки тармоқ ичидаги таркибий силжишларни юзага келтиради. Шунингдек, технологиялар даражаси ва инновацион ишлаб чиқариш, ўз навбатида, экологик тизимга таъсирлар, жумладан, чиқиндилар даражаси, ресурслардан тежамли фойдаланиш кабиларни ҳам қамраб олади. Демак, иқтисодий ўсиш сифати яратилган ЯИМнинг реал даражасини оширишга қаратилган мақсадли жараён бўлиб, ишлаб чиқариш омилларини мақбул ва оқилона сарфлаш асосида самарадорликни оширишга йўналтирилган ижтимоий-экологик жиҳатларни комплекс қамраб олади. Кенг маънода, иқтисодий ўсиш сифати - янги технология ва инновацион фаолият асосида тармоқларнинг таркибий ўзгариши билан яратилган сифатли товарлар ҳажмининг ўсиши натижасида кишиларни чекланмаган эҳтиёжлари қондирила бориб, ижтимоий манфаатдорлик ривожини ўз ичига олган ўсишга қўшимча жараёндир. Уни тавсифловчи жиҳатлар қуйидагилар: ЯИМ ва экспорт таркибида инновацион маҳсулотлар улушининг ўсиши; илмий тадқиқот ва муҳандислик-конструкторлик ишланмалари (R&D)га харажатларнинг ЯИМдаги улушининг ошиши; даромадлар даражасининг самарали тақсимоти, ишсизлик ва камбағаллик даражаларининг камайиши ҳамда ижтимоий барқарорлик; ресурслардан тежамли фойдаланиш; атроф муҳитга чиқарилаётган чиқиндиларнинг камайиши асосида экологик тизимни барқарорлаштириш ва ҳоказолар.




**1-расм. Иқтисодий ўсиш сифатининг тавсифий жиҳатлари**[29]

Юқоридаги иқтисодий ўсиш масаласини ўрганиш билан боғлиқ қарашлар ривожи, ўсиш сифати масаласи юзага келишининг концептуал асосларини умумлаштирган ҳолдаги хулосавий фикрларимизни жамлаб, юқоридаги иқтисодий ўсиш ва унинг самарадорлиги ҳамда сифатининг узвийлиги асосидаги боғланиш ишлаб чиқилди (1-расм). "Иқтисодий ўсиш сифати" серқирра ва кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг тавсифий элементлари доимий ҳаракатдадир.

Ўзбекистонда 1996-2017 йилларда эришилган иқтисодий ўсишнинг ўртача қиймати 6,5% га тенг бўлган бўлса, унинг 2,5%и капиталга, 1,7%и меҳнатга ҳамда 2,3%и омиллар ялпи унумдорлиги (TFP)га тегишли эканлиги ҳамда охирги йилларда самарадорлик даражаси янада ўсиб бораётганлиги аниқланди. Бунда, меҳнатнинг улуши кескин тебранишни ифода этмаётган бўлса-да, капиталнинг улуши ҳамда омиллар ялпи унумдорлиги тебранувчи ҳолатни

ифодаламоқда. Омиллар ялпи унумдорлиги (TFP)нинг қийматлари 1996-1998 йилларда манфий бўлиб, умумий ҳолда мамлакатда омиллар миқдорий ўзгариши ҳисобига, яъни экстенсив ўсиш тури кузатилганлиги, 1999-2017 йилларда аксинча, самарадорликнинг ўсиши ҳисобига, яъни интенсив ўсиш турига эришилганлиги корреляцион-регрессион тадқиқотлар асосида ҳисоблаб топилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда иқтисодий ўсишдаги омиллар улуши (фоиз ҳисобида)**

| Кўрсаткичлар | Капитал улуши | Меҳнат улуши | Ялпи омиллар унумдорлиги (TFP) |
|---|---|---|---|
| 1996 | 2,2 | 0,9 | -1,4 |
| 1997 | 4,8 | 1,0 | -0,6 |
| 1998 | 4,2 | 1,0 | -0,9 |
| 1999 | 0,5 | 0,7 | 3,0 |
| 2000 | 0,2 | 0,8 | 2,7 |
| 2001 | 1,1 | 1,2 | 1,9 |
| 2002 | 0,8 | 1,7 | 1,5 |
| 2003 | 0,9 | 2,2 | 1,1 |
| 2004 | 1,1 | 2,7 | 3,6 |
| 2005 | 1,4 | 2,3 | 3,3 |
| 2006 | 2,2 | 2,2 | 3,1 |
| 2007 | 4,5 | 2,1 | 2,9 |
| 2008 | 6,8 | 2,1 | 0,0 |
| 2009 | 6,4 | 2,0 | -0,3 |
| 2010 | 2,3 | 2,0 | 4,2 |
| 2011 | 1,9 | 1,9 | 4,5 |
| 2012 | 2,7 | 2,0 | 3,5 |
| 2013 | 2,3 | 2,0 | 3,7 |
| 2014 | 2,5 | 1,8 | 3,7 |
| 2015 | 2,3 | 1,4 | 4,3 |
| 2016 | 2,4 | 1,4 | 4,0 |
| 2017 | 2,4 | 1,4 | 1,5 |
| Ўртача кўрсаткичлар (1996-2017 йиллар) | 2,5 | 1,7 | 2,3 |
| Умумийга нисбатан фоизларда (жами 100 фоиз) | 39,2 | 26,0 | 34,9 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби (Ўзбекистоннинг йиллик статистика тўплами. -Тошкент: 1997, 1998, 1999, 2000, 2001, 2002, 2015, 2016, 2017.).*

Юқоридагиларга асосланиб, умумлашган ҳолда тавсифласак, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш жараёни самарадорлик палласида амал қилмоқда. Шундай бўлса-да, Ўзбекистонда кузатилаётган иқтисодий ўсиш сифатни акс эттирувчи жиҳатларга ҳам эгадир. Иқтисодий ўсиш концепциясига мувофиқ, унинг сифати самарадорликни ҳам ўз ичига олади. Жумладан, экологик барқарорлик техника-технологиялардаги ўзгаришлар ва инновациялар замирида таъминланади. Бу ҳол эса, мамлакатда иқтисодий ўсиш самарадорлигини янада ошириш ва сифат жиҳатларини ривожлантиришни талаб этади.

Мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун иш билан бандлик даражасига алоҳида эътибор бериш лозим. Инвестициялар ҳажмини ошириш, саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудий ривожланиш

бўйича давлат дастурлари тизимини кенгайтириш ушбу тадбирларни амалга ошириш механизми сифатида қўлланилади. Шу билан бирга, инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий технологияларга асосланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, инсон омилини ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ўстириш кабилар янада ривожланишга асос ҳисобланади. Юқоридагиларни амалга ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни таклиф этамиз:

- капитал омили таъсири юқорилигини инобатга олиб, давлат бюджетидан инсон ва асосий капиталга йўналтирилаётган маблағларни ошириш;
- макрокўламда даромад ва харажатлар ҳаракати инвестициялар кўламига тўғри боғлиқликда эканлигини ҳисобга олиб, монетизация даражасини ошириш, ипотека ва истеъмол кредитларини кенгайтириш мақсадида мажбурий захиралар меъёрини ва қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириш;
- капитал қўйилмаларда корхоналарнинг ўз маблағлари улушининг катталиги ҳамда улар самарадорлигининг юқорилиги ва техника-технологияларни модернизациялашга йўналтирилганлигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда, инвестицион фаолиятни фойда солиғи бўйича имтиёзлар асосида кучайтириш, иккинчидан, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш асосида капитал оқимини кенгайтириш;
- жисмоний ва ҳуқуқий шахслар капитал ҳаракатини рағбатлантириш, улар ихтиёридаги жамғармаларни қимматли қоғозлар бозори орқали айланишини тезлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш;
- корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш мақсадида экспорт ҳажмига қараб, транспорт харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш;
- инсон омили ривожланишига, ихтиро ва тадқиқотларга йўналтирилган давлат харажатларини ошириш;
- таълим муассасаларига хорижий инвестициялар киритишни рағбатлантириш, хорижий таълим муассасаларини, айниқса, муҳандислик-конструкторлик йўналишларидаги таълим филиалларини очиш;
- иқтисодиётнинг реал секторидаги етакчи олимлар иштирокида инновацион гуруҳлар ташкил этиш, яратилган ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш лозим;
- инновацион инфратузилмани ривожлантириш, бунда асосий маблағларни давлат инвестициялари ҳисобига шакллантириш ҳамда хорижий инвестицияларни киритишни кенгайтириш (хорижий инвестицияларни рағбатлантиришда давлат томонидан амалга оширилган инвестициялар муҳим омил ҳисобланади);
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда самарадорлик миллий секторга нисбатан кескин фарқ қилишини ҳисобга олиб, саноати ривожланган давлатларда малака ошириб қайтган мутахассислар фаолиятини ҳамда корхонанинг мазкур йўналишдаги истиқболли ҳамкорлигини кенгайтириш учун даромад солиғи бўйича имтиёзлар жорий этиш (малака ошириб қайтган мутахассисни даромад солиғидан озод қилиш ёки корхонани саноати ривожланган давлатлардаги турдош корхоналар билан кадрлар соҳасидаги ҳамкорлиги учун тегишли солиқ имтиёзини бериш (солиқ бўйича имтиёз камида мазкур кадр малака ошириши учун қилинган харажатдан ортиқ бўлиши лозим);
- тайёр рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларига узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш учун давлат томонидан ресурслар ажратиш (махсус фондлар орқали);
- кичик бизнес соҳасининг йирик илмий тадқиқотларни амалга оширишга молиявий маблағлари етишмаслигини ҳисобга олиб, махсус кичик бизнеснинг технологик тадқиқотларини амалга оширувчи интеграцион марказлар ташкил этиш ва улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва молиялаштириш тизимини шакллантириш.

*Манба ва адабиётлар*

*1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: "Ўзбекистон", 2017. 8-б.*

2. Идрисов Г., Синельников-Мурылов С. Бюджетная политика и экономический рост.// "Вопросы экономики" -М.: 2013. №8 - С. 35-59.

3. Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида) : Дис. ...иқт.фан.док.: ТДИУ, -Т., 2006. - 23 б.

4. Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. -Т., 2011, №6. 38-42 б.

5. Лавров Е.И., Капогузов Е.А.Экономический рост: теории и проблемы. - Омск. Изд-во ОмГУ, 2006. - С. 89.

6. Там же. - С.93-93.

7. Там же. - С.99-101.

8. Там же. - С.102-108.

9. Хансен Э. Экономический цикл и национальный доход // http:// ek?lit. agava.ru / neoksod2.htm.

10. Solow R.M. Growth Theory: an exposition (2 nd edition). Oxford: Oxford University Press, 2000. -190 p.

11. Лавров Е.И., Капогузов Е.А.Экономический рост: теории и проблемы. - Омск. Изд-во ОмГУ, 2006. С. 142-143.

12. Solow R.M. Growth Theory: an exposition (2 nd edition). Oxford: Oxford University Press, 2000. -190 p; Charles I.J. Introduction to economic growth/I.J. Charles. StanfordUniversity. 1997. - 200 p; Лукас Р.Э. Лекция по экономическому росту/Р.Э. Лукас: пер. с англ. Д.Шестакова. -М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2013. - 288 с; Шараев Ю.В. Теория экономического роста [Текст]/Ю.В.Шараев: Гос. Ун-т - Высшая школа экономики. -М.: Изд. Дом. ГУ ВШЭ, 2006. - С. 69-166.

13. Лавров Е.И., Капогузов Е.А.Экономический рост: теории и проблемы. - Омск. Изд-во ОмГУ, 2006. - С. 142-149; Solow R.M. GrowthTheory: anexposition (2 ndedition). Oxford: Oxford University Press, 2000. -190 p; Charles I.J. Introduction to economic growth/ I.J. Charles. StanfordUniversity. 1997. -200 p; Лукас Р.Э. Лекция по экономическому росту/Р.Э. Лукас: пер. с англ. Д.Шестакова. - М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2013. - 288 с.

14. Research & Development (тадқиқот ва ривожланиш).

15. Качество роста [Текст] : Монография / В.Томас, М.Дайлами, А.Дхарешвар и др.: Пер. с англ. СальниковА. - М.: Весь Мир, 2001. С. 29. (- 352 с.)

16. Доклад о росте. Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития // М.Спенс, Р.Солоу и др."ВесМир", 2009. Электрон манба: http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth_Commission_Final_Report_Russian.pdf.

17. Аганбегян, А.Г. Социально-экономическое развитие России. - 3-е изд. - М.: Дело, 2005. -С. 96.

18. Хубиев К.А. Теоретические и практические вопросы экономического роста / / Экономический рост и вектор развития современной России / Под ред. К.А.Хубиева. - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. С. 33.

19. Качество роста [Текст] : Монография / В.Томас, М.Дайлами, А.Дхарешвар и др. / Пер. с англ. СальниковА. - М. : Весь Мир, 2001. -С. 29.

20. Куликов В.М. Экономический рост и цели национального экономического развития // Экономический рост и вектор развития современной России / Под ред. К.А.-Хубиева. - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. - С. 73.

21. Флорова Н.Л. Инновационная инфраструктура и экономическое развитие: проблемы современной России // Экономический рост и вектор развития современной России / Под ред. К.А.Хубиева. - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. - С. 120.

22. Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. -Т.: 2011, №6. 38-42-б; Вахобов А.В. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашни методологик жиҳатлари // "Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар" номли анжуман материаллари. -Т.: ТДИУ, 2016 йил 12 март; Вахабов А.В., Адилов М.М. Барқарор иқтисодий ўсиш концепцияларининг трансформациялашуви ва амал қилиш хусусиятлари // "Иқтисодиёт назарияси муаммолари: талқини ва ечимлари"мавзуидаги республика олий ўқув юртлариаро илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: Тошкент молия институти 2016 йил 10 май. 3-11- б.

23. Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий

ўсиш сифатини ошириш / "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. - Т.: 2011 № 1, сентябрь.

24. Теняков И.М. Качество экономического роста как фактор национального развития. Автореферат. Кан. экон. наук. - М.: МГУ, 2007. - С. 6.

25. Экономическая теория: учебник / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина и др. - М.: Инфра-М, 2000. - С. 544.

26. Костина Т.А. Конкурентоспособность предприятий и экономический рост / Т.А. Костина // Качество экономического роста: предпосылки, факторы, последствия: Монография; под общ. ред. А.А. Быкова, М.И. Ноздрина-Плотницкого. - Минск: Мисанта, 2010. - С.108-114.

27. Каюмова И.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларининг эконометрик тадқиқоти. Иқт. фан. док. дис. - Т.: 2012. 29-31-б.

28. Доклад о росте. Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития. "ВесМир", 2009. (http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth_Commission_Final_Report_Russian.pdf).

29. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

## Барқарор иқтисодий ўсиш сифатининг назарий асослари ва ривожланиш босқичлари

**Улуғбек Мадраҳимов,**
*иқтисодиёт фанлари доктори, доцент,*
*Андижон машинасозлик институти*

**Аннотация:** *мақолада иқтисодий ривожланиш, унинг мезонларидан бири бўлган "иқтисодий ўсиш" тушунчаси илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда улар бўйича қарашлар умумлаштирилган. Шу билан бирга, иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва сифати бўйича қарашлар тизимлаштирилган. Муаллиф томонидан уларнинг назарий асосларини ўрганиш асносида иқтисодий ўсиш сифатининг тавсифий жиҳатлари ишлаб чиқилган ҳамда унинг ижобий жиҳатларини таъминлаш бўйича таклифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** *иқтисодий ўсий суръати, капитал омили, инвестиция кўлами, самарадорлик ва сифат, рискларни бошқариш, инновацион жараён.*

## Этапы развития и теоретические основы качества устойчивого экономического роста

**Улугбек Мадрахимов,**
*доктор экономических наук, доцент,*
*Андижанский институт машиностроения*

**Аннотация:** *в статье исследованы научно-теоретические аспекты экономического развития, являющиеся одним из его критерий, то есть экономический рост, а также обобщены взгляды по этому понятию. Систематизированы взгляды по качеству и эффективности экономического роста. Автор на основе изучения теоретических основ разработал концептуальные аспекты качества экономического роста и дал предложение по обеспечению их положительных аспектов.*

**Ключевые слова:** *темп экономического роста, фактор капитала, объем инвестиций, эффективность и качество, управление рисками, инновационный процесс.*

## Stages of development and theoretical foundations of the quality of sustainable economic growth

**Ulugbek Madrahimov,**
*DSc (Economic sciences), Associate Professor,*
*Andijan Avtomobile Technological Institute*

**Abstract:** *the article explores the scientific and theoretical aspects of economic development, economic growth, and also views on this concept. In particular, views on the quality and efficiency of economic growth were systematized. On the basis of studying their theoretical foundations the author developed conceptual aspects of the quality of economic growth and gave a proposal for ensuring their positive aspects.*

**Key words:** *economic growth rate, capital factor, investment volume, efficiency and quality, risk management, innovation process.*

**Гулнора ИСМОИЛОВА,**
*иқтисод фанлари номзоди, доцент,*
*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги*
*Тошкент ахборот технологиялари университети*
*кафедра мудири*

# МАКРОИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Хорижлик экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг янги даври деб аталаётган бугунги кун мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг муваффаққиятли қадамларидан бири бўлиб, бу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан бошланди. Маълумки, макроиқтисодий ривожланиш асосини ташкил қилувчи иқтисодий муносабатлар негизида доимо аҳамиятга молик иқтисодий субъектлар - шахс, оила, фирма ва давлат фаолият олиб боради. Шуниси аҳамиятлики, ушбу муносабатларда давлат билан бир қаторда, шахс ва оила мулкий тасарруф, истеъмол ва ишлаб чиқаришда мустақил қарор қабул қилувчи иқтисодий субъект сифатида муҳим хусусиятларга эга.

Чунки шахс ва оила ўз мулкининг тўлақонли эгаси бўлиши билан бирга, ишчи кучини етказиб берувчи, истеъмол ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларида тамоман мустақил. Шунинг учун иқтисодий муносабатларда давлат шахс ва оила билан алоҳида шартномалар орқали иш олиб боришга мажбур. Мазкур икки иқтисодий субъект (шахс ва оила)нинг давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишончи иқтисодий ислоҳотларнинг қулай ва натижали амалга оширилишига асос бўлади. Бу ишончни ифодаловчи иқтисодий муносабатлар шаклидаги ягона индикатор - инфляция даражаси. Инфляция даражасининг пастлиги - иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигидан, юқорилиги эса иқтисодий сиёсатга бўлган ишончнинг пастлигидан далолат беради.

**Иқтисодий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида фирма ва ташкилотлар ўз мулкининг тўлақонли эгаси бўлсада, ўз фаолияти жараёнида давлат томонидан қабул қилинадиган қонун ва қарорларга тўлиқ амал қилиши ҳамда аҳоли ва оила шаклидаги мустақил иқтисодий субъектларнинг истеъмол, ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат борасидаги иқтисодий-ижтимоий талаблари асосида фаолият юритувчи, бу борада ижтимоий адолат принципларига тўлиқ бўйсуниши талаб қилинади. Ушбу талаблар доирасида фирмалар ўз фаолияти жараёнида давлат сиёсатига қонуний боғланган ҳамда шахс ва оила шаклидаги иқтисодий субъектларга нисбатан эркинлиги маълум даражада чекланган иқтисодий субъектдир.**

Президентимиз томонидан илгари сурилаётган "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури[1] асосида аҳоли ва хонадонларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишда, аввало, иқтисодиётнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда қисқа муддатда ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсади бўлса, иккинчи мақсад давлат ҳамда аҳоли ва оила ўртасида қонуний, ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар шароитини яратиш, иқтисодий ҳамкор-

лик ўрнатиш, шахс ва оиланинг иқтисодий саводхонлиги ҳамда иқтисодий фаоллигини ошириш ғояси ётмоқда.

Жаҳон тажрибаси ва амалиётида ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ўзига хос тажриба ва анъаналари мавжуд. Ҳозирда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти тараққий этишига асос бўлган усуллардан бири мамлакатда маълум ҳудуд ёки кичик мамлакатлар ўз иқтисодиётини эркин иқтисодий зонага айлантириб, ривожланиш сари қадам қўяётганлигидир. Эркин иқтисодий зоналарни, асосан, муайян давлатнинг маълум минтақаси ёки алоҳида ҳудудида ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Шу ўринда тадбиркорлик жуда кенг ривожланган Хитой Халқ Республикасининг тажрибасига эътибор қаратамиз. "Хитойда иқтисодий зоналарни ташкил этиш, фаолият юритиш ва бошқариш тартибини батафсил баён этадиган қонунчилик ҳужжати йўқ, аммо уларда тадбиркорларга тақдим этилган имтиёзларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд. Амалдаги қонунчилик "керак бўлганда" шаклланди. Хусусан, эркин иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар Бутунхитой Халқ вакиллари Кенгашининг доимий қўмитаси даражасида расмийлаштирилди. Бугунги кунда айрим ҳудудларни ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар ХХР Давлат Кенгаши томонидан қабул қилинади. Кичик саноат зоналари тўғрисидаги аниқ қоидалар тегишли вилоятлар, автоном туманлар, марказга бўйсунувчи шаҳарларнинг халқ мажлислари томонидан тасдиқланади"[2].

**Ҳар қандай иқтисодиётда макроиқтисодий ривожланиш жараёни, аввало, макроиқтисодий муҳитни яратиш билан боғлиқ. Масалан, Хитойда эркин саноат зоналари маҳсулотларни экспорт қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда мустақил фаолият олиб боради, бу фаолият бошқалардан сезиларли даражада фарқ қилди. Ҳар бир зонани ташкил этишда аниқ мақсадлар қўйилди (истеъмол товарлари, экспорт ва юқори технологик ишлаб чиқаришни рағбатлантириш), чет эл инвестицияларини жойлаштириш шартларининг тегишли дифференциацияси таъминланди. Бу Хитой сиёсатининг муайян туман ва тармоқларини ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни амалга оширишни таъминлайди[3]. Демак, макроиқтисодий муаммоларни ечишнинг биринчи омили сифатида инвестицион муҳит яратишни айтиш мумкин, бу мамлакатга инвестицион оқимни юзага келтиради. Макроиқтисодий ва инвестицион муҳитни яратиш бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётидаги айрим масалаларнинг ечими билан боғлиқ, дейиш мумкин. Ушбу масалалар ечилмагунча иқтисодиётдаги макроиқтисодий ва инвестицион муҳитни яратиш қийин.**

Мамлакатимиз иқтисодиётида макроиқтисодий ва инвестицион муҳитни яратишнинг иккинчи омили — хорижий валютанинг бозор курси билан расмий курси ўртасидаги фарқни келтириб чиқарувчи омилларга йўл қўймаслик ва ягона валюта курсига амал қилиш.

Ушбу ҳолат, аввало, иқтисодиётнинг энг фаол табақаси бўлган аҳоли ва оиланинг инфляцион тахминларига барҳам берса, иккинчидан, давлат томонидан ушбу инфляцион тахминларни бошқариш, иқтисодиётнинг ушбу фаолиятидан солиқ тушумларини қўлга киритиш ва хуфёна иқтисодиётнинг энг қайноқ ўчоғини тартибга солиш имконини беради.

Хорижий валютанинг бозор (талаб ва таклиф) курси билан расмий курси ўртасидаги фарқни йўқотиш фақат давлат ва ҳукумат даражасида қабул қилинадиган қарор ва тадбирлар асосида натижа бериши мумкин. Ушбу мувозанатни Марказий банк, Молия вазирлиги ёки тижорат банклари томонидан амалга ошириб бўлмайди. Чунки миллий пул бирлиги, аввало, давлатнинг суверенитет белгиси, сўнгра қабул қилинган қонунлар асосида ўз қийматига эга бўлади. Ҳаттоки, унинг хорижий валютага нисбатан қиймати (девальвация ва ревальвация жараёни) ҳукумат томонидан қабул қилинадиган махсус қарор ва қонунлар асосида амалга оширилади. Фуқаролар шу боис давлат сиёсатига ишонадилар, бўйсунадилар, солиқ тўлайдилар ва хизмат

қиладилар. Шунга кўра, миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қиймати давлат ихтиёрида. Миллий пул бирлигининг хорижий валютага нисбатан курсини белгиловчи авторитет ташкилот - давлатдир. Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган пул массасига нисбатан хорижий валюта курси белгиланади, аксинча, хорижий валюта курсига қараб миллий пулнинг қадри белгиланмайди. Чунки давлат томонидан қабул қилинадиган тўлов мажбуриятлари (солиқ, коммунал тўлов ва жарималар) фақатгина миллий пул бирлигида қабул қилинади, ушбу ҳолат давлатнинг қўлга киритадиган даромадларигина эмас, балки унинг бошқарув кучи таъсирини ҳам белгилайди. Дарҳақиқат, иқтисодий муносабатларда "долларлашув" ҳолати жарималарнинг кучини камайтириб, давлатнинг бошқарув кучи таъсирини сусайтиради, холос. Бунда, албатта, Марказий банкнинг оралиқ ташкилот сифатида стрелизация сиёсати катта аҳамиятга эга.

Иқтисодиётда инфляция натижасида номинал ёки реал иқтисодий ривожланиш оқибати аҳоли даромадлари ортиши, истеъмол харажатларидан кўра, кўпроқ аҳоли жамғармалари ортишига олиб келади. Чунки аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари тўйиниш майли сабабли чекланган. Аҳоли жамғармаларининг ортиши эса, аввало, аҳолининг тадбиркорлик ҳаракатларини оширса, иккинчи томондан, иқтисодиётда қарз бериладиган жамғармаларнинг кенгайиб боришига ёрдам беради. Маълумки, иқтисодиётда инвестиция ҳажми фоиз ставкаларига боғлиқ бўлган оқимдир. Қарз бериладиган жамғармалар миқдорининг ортиши эса аҳолининг пулга бўлган талабини қисқартириб, иқтисодиётда номинал ва реал фоиз ставкаларининг тушишига туртки бўлади.

Аҳолининг истеъмол ва жамғарма харажатларини бошқаришда давлатнинг бюджет ва солиқ сиёсати катта роль ўйнайди. Давлат солиқ ставкаларини ўрнатишда бир томонлама ҳаракат қилади ва солиқлар "шартнома" асосида ўрнатилмайди. Фуқаро, оила ва фирмалар солиқ тўлаганлиги учун давлатдан шартномавий хизмат талаб қила олмайди. Аммо, давлатнинг ўз ҳудудида яшовчи фуқаро, оила ва фирмалар олдида ҳудудий хавфсизликни (чегара хавфсизлиги), ижтимоий адолатни таъминлаш (суд ва қонунчилик тизими ёрдамида) ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш (шахсий фойдаси бўлмаган, аммо ижтимоий фойдаси юқори бўлган йўл, кўприк, қарияларни боқиш каби ижтимоий жавобгарлик) каби вазифалари мавжуд, ушбу вазифаларни бажармаслик давлат томонидан амалга ошириладиган солиқ-бюджет сиёсатига фуқаролар, оила ва фирмалар ишончининг йўқолишига олиб келади. Шу сабабли давлат ўз харажатларини "манупулияция" қилиш (ҳар йили алоҳида йўналишларга пул ажратиш) тартибидан фойдаланишга мажбур. Зеро, "манипуляция" тартиби иқтисодиётда "спекуляция" ва "интерпретация" ҳодисасига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу ўринда давлат ихтиёрида солиқ шаклидаги ва носолиқ шаклидаги даромад манбалари мавжуд. Солиқ ставкаларини ошириш ва солиқ турларини кўпайтириш давлат ихтиёрида.

**Иқтисодий назарияларда иқтисодий муаммоларнинг ечими бўйича таклифлар иқтисодий конъюнктурадаги ҳолатга кўра, макро ёки микроиқтисодий соҳалар бўйича илгари сурилмоқда. Иқтисодий ривожланиш жараёнида назариётчилар иқтисодий муаммо ечимини микроиқтисодий тадбирлар ёрдамида ечиш таклифини беришган бўлса, иқтисодий инқироз даврида эса макроиқтисодий тадбирларни, яъни ҳукумат кучи билан ечиш таклифини илгари суришмоқда.**

Бунинг исботи сифатида иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган илмий тадқиқотларга эътибор бериш мумкин: 1995 йилда Нобель мукофоти Жон Нэшшга[4] (Калифорния универерситети) "Ўйин назарияси"[5] илмий тадқиқоти учун берилди. "Ўйин назарияси"да ўзаро қарама-қаршиликларнинг зиддиятсиз ечими, яъни иқтисодиётда "рақобатдан (қарама-қаршиликлардан) юқори фойда олиш қонунияти исботланди. Унга кўра, иқтисодиётда рақобат ҳам ўзаро қарама-қарши ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланиб, фойдаликни белгилайдиган омил иқтисодий субъектларнинг интеллектуал қобилияти ва манфаатларнинг муштараклигидир. Демак,

иқтисодиётда фойда миқдори ва меъёрини иқтисодий субъектлар бошқаради. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда бунинг аҳамияти катта.

2003 йилги Нобель мукофоти совриндорлари Даниел Кениман (Принстон университети) ва Вернон Смитлар (Мэйсон университети) "Экспериментал ва фундаментал иқтисод назарияси: альтернатив бозор иқтисоди"[6] мавзуидаги илмий тадқиқотда макроиқтисодий масалаларни илгари суришди.

2006 йилги Нобель мукофоти совриндорлари Томас Шеллинг (Исроил университети) ва Роберт Ауманлар (Мэрилен университети) эса "Табиий қарама-қаршиликлар ва ўзаро кўмак назарияси" номли илмий тадқиқотларини микроиқтисодий муаммоларнинг ечимига бағишладилар.

2010 йилда Нобель мукофоти совриндорлари Оливер Уильямсон ва Элинор Остромлар (Нью-Йорк университети) халқаро молиявий инқироз ечими сифатида ўртага ташлаган "Бошқарув институтлари ва мураккаб иқтисодий жараёнда трансакциялар назарияси"да микроиқтисодий муаммоларни бошқаришда макроиқтисодий тадбирларга эътибор қаратишди. Жумладан, когнитив (қарама-қарши) кучларнинг рақобат шароитида олигополистик бирикуви натижасида монополистик фойда олиш ҳаракатлари назариясини ўз ичига олган ушбу тадқиқотда макроиқтисодий тадбирлар рақобатни ривожлантириш ва инқирознинг олдини олиш ечими сифатида ўрганилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва унда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда Нобель мукофотини олган бир нечта олимнинг илмий тадқиқотларини кўриб ўтдик. Буларнинг барчасида мамлакатлар иқтисодиётида ечимини топиш ўта муҳим бўлган муаммолар ўз аксини топган.

Бугунги кунда америкалик социолог В.Зелизер томонидан илгари сурилаётган "Пулнинг кўплик назарияси"[7] га эътибор берилмоқда, ушбу назария асосида "пулни жамғариш истагида бир хил мақсад ва ричаглар ётса ҳам, уни сарфлашда мақсад ва манбаларга кўра альтернативлар мавжуд", деган фикр ётади. Шунга кўра, бир хил манбалар ҳисобига жамланган пул даромадлари турли мақсад ва ижтимоий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг яшаш даражасига турлича таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Буюк Британияда пул даромадларининг асосий қисми болалар кийими ва товарларига сарфланаётган бўлса, Канада ва Швецияда уй хўжалигининг фаровонлигини ошириш учун зарур хусусий истеъмол товарларига йўналтирилмоқда. Россияда пул даромадларининг тақсимоти бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, аҳоли уй хўжалиги эҳтиёжи учун фойдаланиладиган сифатли товарларга асосий эътибор беришса, иқтисодий қийинчилик даврида пул даромадларини иқтисод қилишга ҳаракат қилинмоқда.

**Бундан ташқари, олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, оила фаровонлиги учун сарфланаётган пул даромадлари таркибида аёлларнинг даромадлари кўпроқ улушга эгалиги аниқланган. Жумладан, Бангладешда хотин-қизларга ажратилган банк кредитларининг асосий қисми, эркакларга ажратилган кредитга нисбатан, кўпроқ оила эҳтиёжи учун сарфлангани аниқланган. Қолаверса, Бразилияда ҳукумат томонидан оналарга ажратилган ижтимоий ёрдам пуллари оталар учун ажратилган ижтимоий ёрдам пулларига нисбатан кўпроқ оила соғлиги ҳамда болаларнинг озиқ-овқати учун сарфланганлиги кузатилган.**

Натижада, бугун пулнинг айирбошлаш ва муомала, жамғарма ва сармоя, ҳисоб-китоб ва ўлчов, рағбатлантириш ва қизиқиш, қиймат ва қайта тақсимот, ишонч ва ғурур ҳисси каби замонавий функциялари пайдо бўлмоқда. Пулга эса ҳар қандай иқтисодий фаолият ҳамда эҳтиёжларда шахс, оила, фирма ва давлат учун ишонч асосида қабул қилинадиган айирбошлаш воситаси сифатида қараш шаклланмоқда.

Агар пул муомаласи иштирокчилари товар ва хизматларни айирбошлаш жараёнида асосий восита ҳисобланган пулнинг келажак тақдири ва қийматига ишонч бўлмаса, иқтисодиётда пул муомаласи юз бермайди. Ушбу ишончнинг асосида қуйидаги омиллар мавжуд:

1. Пул муомаласи иштирокчиси ўз қўлидаги пулни товарга алмаштириш натижасида эҳтиёжларини қондиради.

2. Қўлидаги товарни пулга алмаштираётганида бошқа иштирокчиларнинг ҳам худди шу шаклда ҳаракат қилишига ишонади.

3. Пул бирлигининг бошқа пул бирлигига алмашинув қийматига эга эканлигини билади. Шунинг учун ҳам иқтисодий субъектлар, ҳатто, инфляция даврида ҳам пулга бўлган интилишларини йўқотмайди.

**Амалда исботланган иқтисодий назарияларга кўра, монетаризм назарияси (М.Фридман) ва рационал тахминлар назарияси (Р.Лукас) қисқа муддатдаги инфляция даражаси иш билан бандлик даражасини орттириб, ўрта муддатда ЯИМнинг ортиши ва узоқ муддатда иқтисодий инқирозга сабаб бўлишини исботлашган. Аммо инфляция жараёнида "сенораж эффекти" орқали, яъни иш ҳақи миқдорининг инфляция даражасига индексация қилиниши оқибатида давлатнинг солиқ даромадлари ортиши исботланган фактдир. Фақат давлат томонидан ўз вақтида аҳолининг "инфляцион тахминларини бошқариш" қобилияти иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда пулнинг "миқдор" назарияси амалда экан, иқтисодий назариётчилар томонидан пулнинг "квадрат", "куб" ва "квази" назариялари илгари сурилаётган бир даврда, "электрон пул воситаси" шаклида пулга бўлган "ишлаб чиқариш воситаси" шаклидаги қарашларнинг ҳам таъсир кучини инобатга олишимиз лозим.**

Хуллас, узоқ йиллардан буён иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодиётдаги мавжуд ҳолатларни тадқиқ ва таҳлил қилиш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, мавжуд кашф этилган амалдаги назарияларни таҳлил қилиш оқибатида иқтисодиётни ривожлантиришда улардан фойдаланиш лозим.

Иқтисодчи олимлар, профессор ва академикларнинг ўз фикр ва қарашлари, қолаверса, иқтисодий ривожланиш дастурлари билан боғлиқ фаол иштироки мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади. Чунки иқтисодий назариялар аниқ фанлардан фарқли ўлароқ, "лаборатория"ларда яратилмайди. Бугунги кунда иқтисодий ривожланиш тезлигини қўлга киритаётган мавжуд иқтисодий жараён йирик иқтисодий назариётчилар учун топилмас ноёб "лаборатория"дир.

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад халқнинг фаровонлигини ошириш ва макроиқтисодий мувозанатга эга бўлган иқтисодий тизимни яратишдир. Ушбу мақсад асосида ўзаро ҳамкорликда ечимини топиш мумкин бўлган муаммолар ҳақидаги танқидий фикрларни музокара учун ўртага ташлаш уларнинг ечимини топишга асос бўлади.

***Манба ва адабиётлар***


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ""Ҳар бир оила - тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги 3777-сонли Қарори. www.lex.uz*

*2. finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/2867-muzafar-karimov-spetsialnye-ekonomicheskie-zony-zarubezhnyj-opyt*

*3. finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/2867-muzafar-karimov-spetsialnye-ekonomicheskie-zony-zarubezhnyj-opyt*

*4. http://italife.ru/obo-vsem/628-teoriya-igr-dzhona-nesha*

*5. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D0%B5%D0%BE%D1 %80%D0%B8%D1%8F_%D0% B8%D0%B3%D1%80*

*6. www.krugosvet.ru/enc/gumanitarnye_nauki/ekonomika_i_pravo/SMIT_VERNON.html*

*7. Зелизер В. Создание множественных денег // Западная экономическая социология. Хрестоматия современной классики / Сост. и науч. ред. В.В. Радаев; Пер. М.С. Добряковой и др. - М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2004. - С. 413-430.*

## Макроиқтисодий ривожланиш ва унга таъсир этувчи омиллар

**Гулнора Исмоилова,**
*иқтисод фанлари номзоди, доцент,*
*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги*
*Тошкент ахборот технологиялари*
*университети кафедра мудири*

**Аннотация:** *ушбу мақолада мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг ривожланишига ижобий таъсир қилувчи омиллар, макроиқтисодий ва инвестицион муҳитни яратишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлаётган эътибор, миллий валюта барқарорлигига таъсир этаётган омиллар, инфляцион жараёнларни келтириб чиқарувчи ўчоқлар тизимли ўрганилган.*

**Калит сўзлар:** *макроиқтисодиёт, инвестиция, валюта, тадбиркорлик, инфляция, талаб, таклиф, иқтисодиёт, банк, валюта курси, ишлаб чиқариш, истеъмол.*

## Макроэкономическое развитие и влияющие на него факторы

**Гулнора Исмоилова,**
*кандидат экономических наук, доцент,*
*зав. кафедрой*
*Ташкентского университета*
*информационных технологий*
*имени Мухаммада аль-Харезмий*

**Аннотация:** *в данной статье анализируются экономические реформы в стране и особенности макроэкономической и инвестиционной среды. Важность малого бизнеса и предпринимательства в стране заключается в том, что национальная валюта "суммирует" факторы, влияющие на ее стабильность и систематически исследует процессы притока.*

**Ключевые слова:** *макроэкономика, инвестиции, валюта, предпринимательство, инфляция, спрос, предложение, экономика, банк, обменный курс, производство, потребление.*

## Macroeconomic development and factors affecting on it

**Gulnora Ismoilova,**
*PhD (Economic sciences), Associate*
*Professor, the head of department in*
*Tashkent University of*
*Information Technologies*
*named after Mukhamed al-Khwarezmiy*

**Abstract:** *This article analyzes the economic reforms in the country and the peculiarities of the macroeconomic and investment environment. The importance of small business and entrepreneurship in the country is that the national currency "sum" factors influencing its stability, and systematically investigating the inflowing processes.*

**Key words:** *macroeconomics, investment, currency, entrepreneurship, inflation, demand, supply, economy, bank, exchange rate, production, consumption.*

**Наима ХАШИМОВА,**
*доктор экономических наук, доцент,*
*Ташкентский государственный технический университет*

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ГЕНЕРАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА В ЦЕЛЯХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА УЗБЕКИСТАНА

Поставленные на ближайшее будущее и перспективу приоритетные задачи по обеспечению устойчиво высоких темпов экономического роста, реализации пакета целевых программ по модернизации и глубоких структурных преобразований в экономике невозможно без дальнейшей активизации инвестиционной политики, мобилизации всех источников и резервов инвестиционного потенциала.

Углубленное изучение и обобщение современных теорий и научных школ показывают, что понимание инвестиционного потенциала в зарубежной, а равно и в отечественной литературе исходит в большинстве случаев из наличия ресурсной базы.

Но так определяется любой потенциал, а включение в него широкой гаммы частных потенциалов, включая природные, производственные, трудовые и иные ресурсы, по существу нивелирует различия между инвестиционным и экономическим потенциалом, смешивая эти понятия.

**Для раскрытия сущностной роли инвестиционного потенциала представляется необходимым сформулировать иной подход к этой категории. Для этих целей в противовес классической теории развития, не отвергая и не оспаривая её постулаты и закономерности, вводим в теорию инвестиционного потенциала новое понятие - генерация инвестиционного потенциала. Термин "генерация" происходит от слов немецкого (Generation) и латинского (gener tio) и переводится как рождение, создание. В современных научных трактовках под ним понимают рождение, воспроизведение, производство. Более того под этим термином понимают и некое новое поколение[1].**

Таким образом, понятие "генерация инвестиционного потенциала", в отличие от понятия "развитие", представляет собой полный завершённый процесс его зарождения и воспроизводства как единой целостной системы и позволяет проследить появление новых инвестиционных "поколений". Процесс зарождения инвестиционного потенциала прямо связан с ресурсами - инвестиционными источниками. В свою очередь, их появление обусловлено наличием инвестиционного поля. В рамках этого поля происходит генерация инвестиционного потенциала по схеме: ресурсы - использование ресурсов - результат. Это лишь один цикл. За ним следует второй и последующие, поскольку процесс генерации инвестиционного потенциала непрерывен. При этом в каждом цикле происходят глубокие качественные, количественные и необратимые изменения. В этом как раз и состоят основные признаки генерации. Это, во-первых, качественный и количественный характер изменений; во-вторых, необратимость этих изменений; и, в-третьих, непрерывность и направленность генерации инвестиционного потенциала[2].

Важной особенностью этих признаков является то, что ни один из них, взятый в отдельности, не может быть достаточным для определения генерации. Недостаточны и какие-либо два из них. Эти признаки генерации инвестиционного потенциала необходимы и достаточны для того, чтобы

отличать позитивную генерацию от возможных его хаотических изменений, приводящих к замкнутым круговоротам безрезультатного механического движения инвестиционных ресурсов. Это мы наблюдали в административно-командной системе, когда подавляющее количество инвестиционных ресурсов безвозвратно "застревало" в объектах незавершённого строительства, не создавая своего нового качества. Это была видимость развития, отражаемая статистикой роста капитальных вложений, но не имевшая к генерации инвестиционного потенциала никакого отношения.

**Прогрессивная экономическая наука того времени называла это иммобилизацией или даже омертвлением капитальных вложений. Явления такого рода в инвестиционной сфере несовместимы с генерацией инвестиционного потенциала и должны постоянно отслеживаться в процессе инвестиционного мониторинга. Для этого нужно изменить критерии оценки движения инвестиционного потенциала и придать им комплексный характер, охватывающий все три основных признака его генерации.**

В условиях Узбекистана важную роль в эффективном использовании инвестиционного потенциала играет государство. Государственное регулирование инвестиций является главной составной частью управления экономикой.

Вместе с тем, задача по обеспечению устойчиво высоких темпов экономического развития через совершенствование механизмов генерации инвестиционного потенциала требует решения ряда теоретических и методологических проблем, связанных с экономическим ростом инвестиций, сбалансированности и комплексности основных составляющих инвестиционной деятельности, закономерности формирования, состава и структуры инвестиционного потенциала с целью выявления дополнительных резервов, источников и возможностей наращивания инвестиций в настоящее время и в перспективе.

**Основные механизмы активизации инвестиционной деятельности**

В мировой практике фундаментальными и общепризнанными являются следующие макроэкономические индикаторы как важнейшие механизмы генерации инвестиционного потенциала:

-оптимизация уровня учётной ставки Центрального банка как стимул для получения банковских кредитов инвесторами. Рациональный уровень ставки рефинансирования, исходя из опыта развитых стран мира, должен быть в пределах 1-2%, против 14% в Узбекистане в 2017 году и 16% в 2018 году;

- достижение уровня инфляции в размере 1-3%, чтобы повысить доверие к проводимой экономической политике (в настоящее время уровень инфляции в Узбекистане составляет 16-17%) зарубежных и отечественных инвесторов;

достижение целевых параметров инфляции требует разработки комплекса мер по последовательному её снижению Центральным банком;

-состояние и уровень внешних обязательств государства и предприятий. Поддержание стабильного уровня внешнего долга по отношению к ВВП (в 2018 г. внешний долг составлял 20,1% ВВП[3]) требует его регулирования в рамках недопущения порогового значения с учётом мировой практики, который не должен превышать 25-30 % к ВВП страны. Это даст возможность снижению потенциальных инвестиционных рисков для зарубежных и отечественных предпринимателей;

- формирование оптимальной налоговой нагрузки для инвесторов. Достигнутая налоговая нагрузка (30,0%), по существу, не является высоким с учетом мировой практики. Стимулирование инвесторов может быть осуществлено, в основном, путём дифференцированного подхода льготного налогообложения к приоритетным направлениям секторов и отраслей экономики, не ущемляя интересы формирования доходной части бюджета;

- наличие внутреннего и внешнего потребительского спроса. Объективно Узбекистан имеет постоянно растущий внутренний спрос, прежде всего связанный с быстрыми темпами роста населения (2,0% в год) и соответственно формируемый ими

спрос. Все это даёт достаточно устойчивое формирование спроса на товары и услуги, необходимое для реализации инвестиционных проектов по развитию предложения;

- постоянное совершенствование законодательно-правовой базы по реализации долгосрочной стратегии инвестиционной политики страны. Данный механизм мобилизации инвестиционного потенциала требует постоянного мониторинга, принятие новых или корректировку действующих законов в области инвестиций;

**Исходя из поставленной в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан задачи, целесообразно из трёх законов прямого действия (Закон "Об иностранных инвестициях", Закон "Об инвестиционной деятельности", Закон "О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов") формирование единого Закона "Об инвестициях и инвестиционном потенциале", предназначенный для целенаправленного формирования и регулирования инвестиционной политики, гарантиях и механизмов стимулирования зарубежных и отечественных инвесторов, созданию благоприятного инвестиционного климата в республике.**

- обеспечение устойчивости на денежно-валютном рынке для Узбекистана в рамках рационального использования инвестиционного потенциала представляется достаточно актуальным и необходимым механизмом. Предпринятые правительством меры по либерализации и совершенствованию валютной политики направлены, в частности, на создание благоприятных условий для предпринимателей, осуществляющих внешнеэкономическую деятельность, и активизацию вложений инвестиций. Для этого сформирован единый валютный курс, функционирующий в условиях рыночных механизмов хозяйствования, переход от контрольно-ограничительного к стимулирующим мерам в государственном управлении;

-обеспечение сбалансированного соотношения государственного и рыночного механизма регулирования инвестиционного потенциала.

Механизм реализации инвестиционной политики за годы независимости в рамках узбекской модели реформ подтвердил ведущую роль государства. Именно структурные и организационные преобразования в экономике путём государственного регулирования были сбалансированы с инвестиционным потенциалом для достижения устойчивого роста ВВП. При этом важное место в структуре инвестиций принадлежало государственным инвестициям. Представляется целесообразным ведущую роль государства в регулировании инвестиционного потенциала, в т.ч. государственных средств, сохранить в рекомендуемой стратегии инвестиционной политики.

Государственная инвестиционная политики должна рассматриваться как долгосрочная стратегия обеспечения высоких темпов экономического роста и повышения благосостояния населения. При этом данная политика должна носить экономический характер, т.е. стимулировать мобилизацию инвестиционного потенциала, а не создавать новые барьеры в распределении и перераспределении инвестиционных ресурсов;

- все возрастающим по своей значимости является внедрение по всей цепочке инвестиционного поля и в разрезе каждого агрегата инвестиционного потенциала информационно-коммуникационных технологий и инновационных достижений. Данный механизм даст возможность более эффективно и результативно мобилизовать инвестиционный потенциал, придавая новый импульс в повышении производительности труда, снижении энергоёмкости, материалоёмкости и капиталоёмкости экономики, усиливая её конкурентоспособность в системе мировых координат.

Все вышеперечисленные механизмы активизации инвестиционной деятельности имеют сквозной постоянный долгосрочный характер, превращая в различные формы и виды стимулирования и поддержки инвестиций, мобилизуя отдельные ее агрегаты. (рис.1)




**Рисунок 1. Схема формирования основных механизмов генерации инвестиционного потенциала[4]**

Вместе с тем, существуют специфические механизмы генерации отдельных агрегатов инвестиционного потенциала. К их числу можно отнести механизмы стимулирования финансового потенциала, в частности по привлечению иностранных инвестиций через создание свободных экономических зон.

Относительно Узбекистана новым специфическим механизмом привлечения прямых иностранных инвестиций для создания новых высокотехнологичных производств являются свободные экономические зоны, которые в большинстве зарубежных стран показали себя как эффективная форма регионального использования инвестиционного потенциала.

Расширение свободных экономических зон призваны, наряду с повышением инвестиционной активности, обеспечить комплексное и сбалансированное развитие территорий, эффективное использование богатого природно-экономического потенциала и их конкурентные преимущества, ускоренного развития единой системы производственной, социальной и рыночной инфраструктуры. По нашему мнению, для использования имеющихся резервов инвестиционного потенциала регионов необходимо создание и развитие небольших промышленных, экспортных, торговых, транспортных зон для реального стимулирования отечественных инвесторов, создавая примерно одинаковые условия режима наибольшего благоприятствования для привлечения их инвестиций. Это налоговые, таможенные и кредитные льготы, создание за счёт государственных средств объектов производственной инфраструктуры (автомобильные дороги, электроснабжение, водоснабжение, теплоснабжение), создание относительно благоприятных условий, включая оплату труда и социальное обеспечение для привлечения молодых выпускников колледжей, высших учебных заведений, прежде всего для работы в индустриальных высокотехнологичных производствах, за счёт государственных субсидий.

Специфическим для Узбекистана остаётся механизм формирования и развития фондового рынка в целях активизации инвестиционно-финансового потенциала. Несмотря на ряд принятых правительственных решений по объективным и субъективным факторам, фондовый рынок не получил достаточно необходимого развития. Риски, связанные с развитием

фондового рынка, требуют достаточно системного и последовательного подхода в условиях республики. Основными механизмами развития рынка ценных бумаг являются:

- сокращение доли государства в нестратегических акционерных обществах с реализацией этой доли на фондовом рынке частным отечественным и зарубежным инвесторам;
- расширение выпуска корпоративных ценных бумаг, инфраструктурных и инвестиционных облигаций хозяйствующими субъектами;
- расширение масштабов вторичного рынка ценных бумаг согласно "Концепциии по развитию вторичного фондового рынка в 2017-2018 годах в Республике Узбекистан";
- внедрение системы страхования ценных бумаг, совершенствование методов работы депозитарной системы в соответствии с международными стандартами;
- совершенствование системы подготовки и переподготовки кадров, квалификационных требований к специалистам рынка ценных бумаг на основе общепринятых международных норм;
-существенное расширение специальных теле и радиопередач, посвященных широкому разъяснению преимущества вложения денежных средств населения и предприятий в ценные бумаги.

**Специфические механизмы обеспечения инвестиционной безопасности государства**

**Среди специфических механизмов мобилизации инвестиционного потенциала выделяется своей актуальностью и недостаточной разработанностью инвестиционная безопасность государства. Инвестиционная безопасность занимает особое место среди составляющих экономической безопасности страны. С одной стороны, инвестиционный потенциал выступает как фактор устойчивого экономического роста, а с другой, важнейшим механизмом реализации стратегии экономической безопасности.**

Инвестиционная безопасность страны предусматривает:

- своевременное выявление внутренних и внешних угроз, негативно влияющих на уровень и масштабы инвестиций, разработка упреждающих мер;
- разработка системы индикаторов (показателей) и их пороговых значений, несоблюдение которых препятствует мобилизации инвестиционного потенциала;
- оценка уровня инвестиционной безопасности на макро, микро и региональном уровнях;
- выработка комплекса мер по генерации инвестиционного потенциала в целях недопущения спада (снижения) экономического роста и обеспечение национальной безопасности страны.

Исследование и обобщение зарубежного опыта показывают, что основными угрозами и рисками инвестиционной безопасности выступают:

- несбалансированность структурных преобразований и модернизации экономики с инвестиционным потенциалом, особенно в части агрегатов финансирования приоритетных отраслей и секторов экономики;
-спад инвестиционной активности;
- нарушение и диспропорции в отраслевой, технологической и воспроизводственной структуре инвестиций;
- отсутствие долгосрочной стратегии осуществления инвестиционной политики;
- низкая результативность и эффективность использования инвестиционного потенциала;
- недостаточная научная обоснованность, особенно рекомендуемых стратегически важных инвестиционных программ и проектов;
- дисбаланс в соотношении государственных и негосударственных инвестиций, слабая защищенность частных и иностранных инвесторов;
- недостаточная привлекательность инвестиций, в т.ч. иностранных с учётом межгосударственных сопоставлений и международных стандартов;
- дискриминационные меры со стороны зарубежных стран и международных финансовых организаций и институтов.

В конечном итоге, все это может привести к дестабилизации экономики, спаду

производственного процесса, социальной напряженности в обществе.

Оценку уровня угроз и рисков в инвестиционной среде можно осуществлять через систему индикаторов, их пороговых значений, количественно определяющих границу между безопасной и опасной зонами, с учётом национальных интересов страны.

Среди множества индикаторов, характеризующих состояние и безопасность инвестиционной активности, нами выделены следующие:

- доля инвестиций в ВВП;
- доля машиностроения в общем объёме продукции промышленности;
- уровень износа основных фондов секторов экономики;
- доля финансирования НИОКР в ВВП.

**В развитых странах инвестиционная квота составляет 15-30 % ВВП. По оценкам ведущих учёных и специалистов, 15% квота инвестиций, минимально достаточная для экономики страны, не переживающего экономического кризиса, не нуждающейся в серьёзных структурных преобразованиях и модернизации экономики.**

Эмпирические исследования подтверждают положительную связь между объёмом инвестиций и ростом ВВП в развивающихся странах. В среднем увеличение доли инвестиций в ВВП на 1 % соответствует повышению темпов роста на 0,1 %, согласно оценкам World Economic Outlook 2018 (International monetary Fund).

В развивающихся странах показатель доли инвестиций в ВВП находится в пределах 25-45% в зависимости от принятой модели развития экономики. Исходя из мировой практики, величина порогового значения индикатора доли инвестиций в ВВП находится в пределах 15-25 % с учетом состояния экономики. Для стран с переходной экономикой, к которым относится Узбекистан, а также учитывая его значительный демографический потенциал, целевые ориентиры стратегии структурных преобразований, индикатор инвестиционной безопасности, согласно оценкам, должен составить не менее 25 %. При низком значении данного индикатора -доли инвестиций в ВВП, основными угрозами и инвестиционными рисками могут быть техническая и технологическая отсталость, диспропорции в обеспечении устойчивого сбалансированного развития экономики, невозможность последовательного повышения благосостояния населения.

В 2018 году доля инвестиций в ВВП в Узбекистане, как было отмечено выше, составила 25,9 %, что показывает о нахождении данного индикатора в пределах порогового значения[5]. Данное обстоятельство говорит об имеющихся резервах дальнейшей мобилизации существующего инвестиционного потенциала страны, чтобы обеспечить устойчиво высокие темпы экономического роста.

Состояние основных производственных фондов - один из важных индикаторов инвестиционной безопасности. Количественный и качественный состав машин и оборудования отражают мощь и материально-производственный потенциал страны, от состояния, технического уровня и степени использования которого зависят не только в настоящее время, но и в перспективе темпы роста и структура производства, жизненный уровень и благосостояние населения.

Пороговое значение пригодности основных производственных фондов, за пределами которых невозможно развитие на современном техническом уровне, характеризуются рядом индикаторов. Это изношенность активной части основных производственных фондов, коэффициент выбытия, коэффициент обновления, доля инвестиций, направляемых на реконструкцию и техническое перевооружение в воспроизводственной структуре, использование несовременных технологий.

Согласно проведенного критического анализа динамики и тенденций воспроизводства основных производственных фондов в экономике в целом, в частности в промышленности, и обобщения мировой практики в Узбекистане пороговое значение износа активной части основных фондов в промышленности может составлять не более 50,0%. В настоящее время значе-

ние данного индикатора в целом по промышленности составляет 50,4 %, в т.ч.в чёрной металлургии 51,4 %, цветной металлургии 52,7 %, строительных материалов 50,0 %, пищевой промышленности 61,9 %, машиностроении 55,0 %. Как видно, пороговое значение превышено в целом по промышленности, особенно в машиностроении, цветной металлургии, что требует целевого перераспределения инвестиций по снижению уровня износа машин и оборудования в этих отраслях. Следует особо отметить сохранившийся износ активной части основных фондов в строительстве (66,3%). Поэтому в стратегии развития данной отрасли экономики заложены существенная активизация инвестиционных процессов, направленных на механизацию и техническое перевооружение, ускоренную амортизацию основных фондов. (табл.1)

**Таблица 1**

**Значение важнейших индикаторов инвестиционной безопасности[6]**

| Индикаторы | Пороговое значение | Фактическое состояние (2018г.) | Прогнозные ориентиры(2030г.) |
|---|---|---|---|
| Доля инвестиций в ВВП, % | 25,0 | 25,9 | 31,0 |
| Износ основных фондов(машин и оборудования) промышленности | 50,0 | 50,4 | 30,0 |
| Доля машиностроения в общем объёме промышленности | 20,0 | 16,0 | 24,0 |
| Затраты НИОКР в ВВП | 1,0 | 0,2 | 3,0 |

Следует отметить, что для развитых стран характерно преобладание реконструкции и перевооружения в воспроизводственной структуре инвестиций. В этих странах доля затрат на реконструкцию и техническое перевооружение в инвестициях промышленности достигает 50-60%, что более в два раза больше, чем в Узбекистане. Причем, реконструкция и техническое перевооружение направлены прежде всего на снижение издержек производства, внедрение новейших энерго и материалосберегающих технологий. Данная политика является важнейшим элементом инновационного и высокотехнологического развития.

В ходе реконструкции существенно изменяется технический уровень производства. Рациональное расположение оборудования, совершенствование технологических процессов, внедрение модернизированных машин и механизмов способствуют повышению удельного веса активной части основных фондов, что значительно повышает эффективность производства и рост прибыли.

Ускорение обновления основных фондов, в первую очередь их активной части, последовательное осуществление сдвига в сторону повышения доли реконструкции и технического перевооружения в воспроизводственной структуре инвестиций выступают стратегическими направлениями в использовании материально-ресурсного агрегата инвестиционного потенциала.

Машиностроение является ведущей составляющей агрегата материально-ресурсного потенциала создающие необходимые инвестиционные ресурсы. Оно также выделяется как ядро всей структуры экономики и промышленности страны. Ведущая роль данной отрасли также обусловлена следующим:

-даёт существенный толчок развитию прогрессивных высокоинновационных технологий и созданию национальной базы научно-технических разработок;

- обеспечивает занятость быстрорастущих трудовых ресурсов, формируя квалифицированные инженерно-технические кадры, работающие на высокотехнологичных производствах;

- определяет в настоящее время и в будущем техническую и технологическую безопасность экономики страны.

Обобщая мировую практику с учётом необходимости укрепления суверенитета, технической и инвестиционной безопасности страны, пороговый уровень развития машиностроения по индикатору её доли в общем объёме промышленности принимают в 20,0%. Для Узбекистана данный индикатор безопасности имеет дополнительное значение из-за неблагоприятного транспортно-географического размещения, возможности локализации продукции машиностроения на базе местного сырья и кадрового потенциала.

Самое главное в стратегическом плане — машиностроение может стать важнейшим инвестиционным потенциалом для ускоренного и своевременного обновления основных фондов всех отраслей экономики, играть роль локомотива в формировании прорывных новых технологических разработок.

Важнейшими направлениями развития машиностроения должно стать расширение внутреннего спроса на инвестиционные ресурсы, опережающее развивающее такие отрасли промышленности, как радиоэлектроника и электротехника, легкая и пищевая, сельскохозяйственное машиностроение, химическое и нефтехимическое машиностроение, коммунально-хозяйственное машиностроение. Кроме того, предприятия машиностроения должны активно взаимодействовать практически со всеми отраслями экономики. В данном секторе динамично должны развиваться процессы аутсорсинга, франчайзинга, создание технологических центров и других элементов инновационно-инвестиционной инфраструктуры. Именно машиностроение способно на формирование национальной инновационной технологии прорывного характера в приоритетных направлениях структурных преобразований экономики.

Прогнозные параметры достижения индикатора безопасности доли машиностроения в общем объёме промышленного производства позволит обновить основные фонды, активизировать инновационную деятельность, осуществить институциональные и инфраструктурные преобразования, повысить результативность и эффективность мобилизуемого инвестиционного потенциала.

Самое главное машиностроение последовательно будет менять инновационный климат в экономике, способствовать формированию платежеспособного спроса на инновацию.

**Основные механизмы развития инновационного потенциала**

Ядром структурных преобразований экономики в перспективе выступает инновационный потенциал. Степень его развития определяет скорость и качество протекающего в национальной экономике процесса модернизации.

Процесс обновления технологий, по своей сути, интегрирующий, привлекающий человеческие, интеллектуальные, материальные и инвестиционные ресурсы из различных источников. Можно полагать, что наивысшей степени развития экономическая интеграция достигает именно в инновационном развитии.

**Несмотря на положительную динамику социально-экономического развития, в последние годы не наблюдаются качественные и количественные сдвиги в научно-технической сфере. Из-за пассивности и финансовой неустойчивости предприятий финансирование науки, в основном, осуществляется за счет государственного бюджета. В 2018 году доля финансирования науки за счет всех источников в ВВП составила 0,3 %. Для сопоставления данный индикатор в развитых странах равен: в Японии -3,0%, в Германии -2,8%, в США -2,8%, Швеции -2,6%, Франции -2,4%. В большинстве развивающихся стран данная доля составляет около 2,0%[7]. При этом треть общего финансирования приходится на государство.**

Мировая практика показывает, что на поддержание научно-технического и инновационного развития необходимо выделить не менее 1,0 % ВВП, что выступает пороговым значением данного индикатора. В противном случае, происходит спад инновационного потенциала, техническое и технологическое отставание страны.

Уровень инновационно-инвестиционной активности достигает наивысшего пика в период, когда идёт массовое обновление основного капитала с использованием последних результатов научно-технического прогресса и инноваций. Для Узбекистана данный период уже наступил и будет последовательно формироваться этап инновационного оживления и подъёма. В долгосрочной перспективе основными источниками финансирования инноваций и НИОКР могут быть:

-средства государственного бюджета, выделяемые на приоритетные государственные научно-технические программы в фундаментальные, прикладные и инновационные исследования;

- выпуск и продажа акций компаниями и фирмами, в целях мобилизации средств на развитие инновационных разработок и технологий;

- льготные кредиты, предоставляемые государством и зарубежными банками на обновление и реконструкцию производства с использованием передовых инноваций;

-самофинансирование научных и проектно-конструкторских разработок предпринимателями за счет прибыли от реализации эффективного инвестиционного проекта.

В перспективе необходимо учесть имеющиеся в настоящее время инновационные риски, связанные с существующимся барьером между наукой и производством, дефицитом инвестиционного капитала, информационная изолированность при принятии инвестиционно-инновационных решений, трудностями реализации уже готовых инновационных разработок, несовершенство системы государственного управления инновационными проектами.

Следует расширить внебюджетные формы привлечения инвестиций для реализации проектов и программ, активизация инвестирования в инновационной сфере. В ближайшие годы необходимо формирование нового сектора экономики-рынка научно-технической продукции, создание условий для взаимодействия финансового и промышленного капиталов в сфере инновационной деятельности и НИОКР.

**Экономическое стимулирование инноваций и НИОКР можно осуществлять с помощью законодательно-нормативных актов по следующим направлениям: льготное налогообложение, таможенное регулирование, включение инновационных затрат в себестоимость, амортизационная политика.**

В целом, имеются достаточные резервы и возможности поднять научно-технический и инновационный уровень, существенно превышающий пороговое значение, связанное с доведением затрат на НИОКР не менее 1,0% ВВП до 2030 года.

**Программно-целевой подход использования инвестиционного потенциала**

Относительно новым механизмом, применяемым в мировой практике по реализации долгосрочной стратегии использования инвестиционного потенциала, является программно-целевой подход. Программно-целевой метод- это механизм разработки мер по решению крупных проблем социально-экономического развития страны. Сущность его заключается в выборе и обосновании целевых ориентиров социально-экономического развития при сбалансированном обеспечении ресурсами для достижения намеченных целей, в частности путём рационального использования инвестиционного потенциала (рис.2)

Рекомендуемая принципиальная схема реализации программно-целевого подхода использования инвестиционного потенциала на долгосрочную перспективу предусматривает составление конкретной цели достижения поставленных результатов.

Применительно к нашему объекту исследования на первом этапе определяются долгосрочные цели социально-экономического развития страны, исходя из приоритета обеспечения устойчиво высоких темпов экономического роста. При этом целевым ориентиром выступает прирост ВВП за 2017-2030 гг. в 2,6 раза. Для достижения поставленной цели требуются соответствующие инвестиционные ресурсы, которые могут быть количественно выражены как целевой ориентир доли инвестиций в ВВП (достижение к 2030 г. доли инвестиций в ВВП 31,0 %).




**Рисунок 2. Принципиальная схема реализации программно-целевого подхода использования инвестиционного потенциала**[8]

На втором этапе определяются цели по формированию структуры экономики, исходя из темпов экономического развития и отраслевых приоритетов. Например, достижения в структуре ВВП доли промышленности и строительства 40,0%. Сформированные таким образом целевые структурные сдвиги в экономике сбалансируются с возможным инвестиционным потенциалом с учётом их мобилизации на долгосрочную перспективу путём разработки соответствующей инвестиционной программы структурных преобразований экономики.

**На третьем этапе обосновываются целевые ориентиры по формированию структуры промышленности и формируется соответствующая инвестиционная программа.**

Учитывая особую роль машиностроения и промышленности строительных материалов, определяются долгосрочные целевые параметры их развития с учётом обеспечения экономической безопасности. В частности, для машиностроения целевым ориентиром на долгосрочную перспективу выступает доведение её доли в общем объёме промышленного производства до 24,0%, а доли промышленности строительных материалов обеспечения на 90,0% потребности внутреннего спроса за счёт развития отечественных предприятий на базе местного сырья. Далее отраслевые целевые ориентиры увязываются с необходимыми объёмами инвестиционных ресурсов для достижения поставленной цели через разработки отраслевых целевых инвестиционных программ.

Четвёртый этап предполагает обоснование целевых ориентиров инновационного развития и их сбалансированности по ресурсам на основе соответствующей целевой инвестиционной программы.

Особое место в программно-целевом подходе отводится комплексному и сбалансированному развитию регионов страны. Целевые ориентиры по ним определены в соответствующих 14 территори-

альных программах социально-экономического развития на 2017-2021 годы, где отдельным блоком показаны необходимые инвестиционные ресурсы для реализации поставленных задач и достижения целевых параметров.

Самым сложным и недостаточно отработанным является свод в единую целевую программу долгосрочного социально-экономического развития и использования инвестиционного потенциала, суммирование порядка 30 отраслевых и 14 территориальных целевых программ, соответствующих инвестиционных проектов, реализуемых правительством в ближайшие пять лет.

**Заключение**

В целом предложенные общие (единые) и специфические механизмы генерации инвестиционного потенциала и его агрегатов, пути их совершенствования дадут возможность существенно активизировать инвестиционные процессы в целях решения поставленных задач по обеспечению устойчиво высоких темпов роста экономики, экономической и инвестиционной безопасности государства, повышения результативности и эффективности инвестиционных ресурсов.

Самое главное-генерация богатого инвестиционного потенциала даст возможность последовательному повышению уровня и качества жизни населения, занятию достойного места Узбекистана в системе мировых координат.

***Источники и литература***

*1. Большой немецкий энциклопедический словарь "DUDEN". Электронная версия 2016.http://www.classes.ru/all-german/dictionary-german-russian-Lein-term-18918.htm;Большая Российская энциклопедия Кирилл и Мефодий. Электронная версия 2016. www.greatbook.ru*

*2. Хашимова Н.А. Генерация и циклическая природа инвестиционного потенциала // Экономика и финансы. 2012 № 6. - С.15-20.*

*3. World Economic and Financial Surveys/ World Economic Outlook Database. April 2018.*

*4. Источник: разработан автором*

*5. https://invest.gov.uz.*

*6. Источник: расчёты автора, согласно данных Госкомстата и прогнозных оценок.*

*7. Всемирный банк (2018), "Затраты на научные исследования и разработки (% от ВВП)", показатели мирового развития на основе данных Института статистики Организации Объединённых наций по вопросам образования, науки и культуры (ЮНЕСКО)(UNESCO Science Report)*

*8. Источник: разработан автором.*

## Совершенствование механизмов генерации инвестиционного потенциала в целях обеспечения устойчивого экономического роста Узбекистана

**Наима Хашимова,**
*доктор экономических наук, доцент, Ташкентский государственный технический университет*

**Аннотация:** *в статье рассмотрены и предложены общие и специфические механизмы генерации инвестиционного потенциала и его агрегатов, пути их совершенствования. Также предложена принципиальная схема реализации программно-целевого подхода использования инвестиционного потенциала на долгосрочную перспективу.*

**Ключевые слова:** *инвестиции, инвестиционный потенциал, макроэкономические индикаторы, инвестиционная политика, специфические механизмы, инвестиционная безопасность, инновационный потенциал.*

## Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш мақсадида инвестицион салоҳият генерацияси механизмларини такомиллаштириш

**Наима Хашимова,**
*иқтисод фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат техника университети*

**Аннотация:** *мақолада инвестицион салоҳият ва унинг агрегатлари генерациясининг умумий ва ўзига хос механизмлари, уларни такомиллаштириш усуллари таклиф килинган. Шунингдек, инвестицион са-*

*лоҳиятдан фойдаланишнинг узоқ муддатли стратегиясини дастурли-мақсадли ёндашув асосида амалга оширишнинг принципиал схемаси таклиф килинган.*

**Калит сўзлар:** *инвестиция, инвестицион салоҳият, макроиқтисодий кўрсаткичлар, инвестицион сиёсат, муайян механизмлар, инвестицион хавфсизлик, инновацион салоҳият.*

## Improving the mechanisms of the generation of investment potential to ensure a sustainable economic growth of Uzbekistan

**Naima Khashimova,**
*DSc (Economics sciencces),*
*Associate Professor*
*Tashkent State Technical University*

**Abstract:** *in article the general and specific mechanisms of generation of investment potential and its units, ways of their improvement are considered and offered. The schematic diagram of realization of program and target approach of use of investment potential for a long-term outlook is also offered.*

**Key words:** *investment, investment potential, macroeconomic indicators, investment policy, specific mechanisms, investment security, innovation potential.*

**Дилфуза РАХИМОВА,**
*иқтисод фанлари доктори, профессор,*
*ДБА "Менежмент назарияси ва амалиёти"*
*кафедраси мудири,*
**Гўзал УМАРОВА,**
*иқтисод фанлари номзоди,*
*ТТЕСИ "Корпоратив бошқарув" кафедраси доценти*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Давлатимизнинг тизимли саноат сиёсати миллий иқтисодиётимизни диверсификация ва модернизация қилишга ҳамда унинг рақобатбардошлигини кўтаришга, етакчи тармоқларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга, уларга инвестицияларни фаол жалб қилишга, жумладан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ўстиришга ҳам қаратилган. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқида: "Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади"[1], деб таъкидлайди.

**Хом ашёдан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотгача бўлган экспортни босқичли ва режали қайта йўналтириш тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантиришнинг янги стратегиясини шакллантиришга ёрдам берди. Бу ҳақида ҳам Президент Ш.М.Мирзиёев: "Менинг бош мақсадим - одамларни даромад манбаи, иш билан таъминлаш. Бундан кейин биз чет элга пахтани камроқ экспорт қиламиз, уни мамлакатимизда қайта ишлаб, қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарамиз"[2], деб қайд этди.**

Охирги йилларда енгил саноатни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурли ҳужжатлар тармоқ ривожланишининг янги босқичга кўтарилишига кучли туртки бўлди. Мазкур қарорларни амалга ошириш сезиларли даражада хорижий инвестицияларни жалб қилишга ҳам катта ёрдам берди.1995 йилдан то ҳозирги давргача тармоққа 3,1 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинди. Фақат охирги йилларнинг ўзидагина Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия, Корея Республикаси, Япония, Сингапур, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларнинг хорижий инвесторлари иштирокида 200 тадан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди[3].

Пахта толасини қайта ишлашдан, то тайёр маҳсулотгача бўлган тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини қамраб олган юқори технологияли замонавий тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Агар 1994 йилда хорижий капитал иштирокида атиги 3 та корхона фаолият юритган ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти нисбий улуши 2 % атрофида бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб эса, уларнинг сони 200 тадан ошди ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари нисбий улуши 80%дан кўпроқни ташкил этди[4].

Бутун дунёга машҳур хорижий компаниялар билан ҳамкорлик, тармоққа энг илғор ва юқори самарадорликка эга технологияларни татбиқ этиш ўз натижаларини берди. Дунё тўқимачилик бозорида Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг иштироки кенгаймоқда, енгил саноат юқори қўшилган қийматли маҳсулот экспорти оламида етакчилардан бири бўлмоқ-

да. Агар 1994-1996 йилларда фақат бўз газламалар ва пахта ип-калава экспорт қилинган бўлса, 2003 йилда ассортимент янги турдаги маҳсулотлар билан тўлди, яъни: момиқ сочиқлар, трикотаж полотноси; 2010 йилга келиб эса экспорт номенклатурасини гилам ва гилам маҳсулотлари, тикув-трикотаж буюмлари тўлдирди. 2016 йилда экспорт кўрсаткичлари 1100 миллион доллардан ошди, 2017 йилда эса 1200 миллион долларга етди. Бугун саноат кенг экспорт ассортиментлари билан, яъни толадан, то тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари билан намоён бўлмоқда. Экспорт тузилмасига тўқимачилик маҳсулотларининг янги турлари: бамбук, модал ва аралаш толалар, янги тур, модель, расм ва тўқилишдаги тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари киритилди. 2017 йилда экспорт кўрсаткичлари 1 миллиард доллардан ошган (1994 йилда эса бу кўрсаткич атиги 7 млн. долларга тенг бўлган), 260 тадан ортиқ корхона чет элга маҳсулот етказиб берган. 2017 йил якунига кўра, экспорт ҳажмида юқори қўшилган қийматли товарлар улуши 40 %дан ошди ва тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

**Ҳозирги кунда Ўзбекистон табиий тўқимачилик толалари, пахта газламалар ва трикотаж ишлаб чиқариш бўйича жаҳон ишлаб чиқарувчилари қаторига қўшилди. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг баҳолашига кўра, охирги йилларда енгил саноат ва тўқимачилик тармоғида катта ўзгаришлар рўй берди, яъни пахта толасини ички қайта ишлашга ўтиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўтариш, экспортни кенгайтириш ва хорижий инвесторларни жалб этиш ишлари янада жадаллашмоқда. Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи ҳар доим Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг истиқболли тармоқлари қаторида бўлган.Бугунги кунда ушбу саноат тармоғи ишчи ўринларини тақдим этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича юқори ўринни эгаллаяпти. 2014 йилдан бошлаб, то 2017 йил бошигача тармоқда 12800 та янги ишчи ўринлари яратилган.**

Ушбу саноат тармоғида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамда саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажми даражаси бўйича ҳам кўрсаткичлар юқори. 27 йиллик мустақиллик даври мобайнида Ўзбекистон иқтисодиётида енгил саноатнинг роли сезиларли даражада ўсди ва унинг ЯИМдаги улуши 3,8 %ни, саноат маҳсулотлари ҳажмида - 26,2 %ни, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида - 44%дан юқорига тенг бўлди. Юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўртача 45 %ни ташкил этди. 2017 йил бошида эса тўқимачилик ва енгил саноатда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми $ 2,5 млрд. долларга етди.

Охирги йилларда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ўз корхоналарини техник ва технологик йўналтирилган ишларни амалга оширишга, яъни корхона экспорт салоҳиятини ошириш, тармоқни ривожлантириш учун хорижий инвесторларни жалб этиш, модернизация ва техник қайта қуроллантиришга сафарбар килди. Натижада, тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш ҳамда модернизациялаш борасида жами механизмнинг яхшиланиши ва такомиллашиши давом этмоқда. Бугунги кунга келиб, уюшма тузилмасига кирувчи барча корхоналар юқори технологик ускуналардан фойдаланмоқда, ҳисоб-китоб усуллари ҳам автоматлаштирилган, рационал транспорт йўналишлари ва керакли кўп аспектли натижа берувчи кўплаб бошқа тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган. 2017 йилда корхоналарнинг салоҳиятини сезиларли даражада кўтарган 28 та йирик лойиҳа амалга оширилди. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг маълумотларига кўра, 2017 йилда 560 минг тн. тола, 101 минг тн. трикотаж полотно, 85 млн.жуфт чулки-носки маҳсулотлари, 410 млн. дона тайёр маҳсулотлар ва 480 минг кв.м. тайёр газламалар ишлаб чиқариш бўйича 28та янги технологик линиялар ишга туширилди. Ушбу лойиҳаларнинг жами қиймати 2,2 млрд. долларни ташкил этди, экспорт салоҳияти эса 1,4 млрд. долларни ташкил этди. Янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига ушбу ишлаб чиқаришларда 12800 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Ўзбекистон учун тўқимачилик саноати салоҳиятини ривожлантириш зарурий стратегик йўналишлардан бири ҳисобланади. Мамлакат мавжуд тўқимачилик хом ашёсидан янада юқори қўшилган қийматли маҳсулот якуний турларини ишлаб чиқариш ва самарали ишлов бериш учун барча имкониятларга эга ҳамда шу пайтгача пахта толасини деярли сезиларли ҳажмда экспорт қилишни ҳам давом эттиряпти. Жаҳон бозорида пахта толасига талабнинг кескин тушиб кетиши натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ушбу хом ашё ҳукмронлигидан қутулишга ёрдам берувчи сифатли тузилмавий қайта ўзгартиришларга курс олинди. 2000 йиллар бошидан пахта толаси экспорти ҳажми доим пасайиб борган, пахта толасининг катта қисми мамлакат ичкарисида келгусида қайта ишлаш учун қолар эди. 2020 йилгача 3 миллион 350 минг тоннадан то 3 миллион тоннагача пахта толасини ишлаб чиқариш ва давлатга сотишни босқичли қисқартириш кўзланган. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, пахта толасини бундай ҳажмда ишлаб чиқариш, бир томондан, аввалambор, тўқимачилик ва енгил саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлайди, бошқа томондан эса, республиканинг пахта толасини етказувчи ва унинг жаҳон бозоридаги ҳосилалари сифатидаги мустаҳкам позициясини сақлаб қолади. Ҳозир мамлакатда 30%га яқин пахта шахсий етиштирилиб, қайта ишланмоқда. Истиқболда пахта саноатини модернизациялаш Дастурига мувофиқ, пахта толасини ички қайта ишлаш ҳажми ҳозирги даврдаги 44 %дан 2020 йилгача 70 %гача кўпайиши ҳамда шунга мос равишда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 800 млн. доллардан то 1,5 млрд. АҚШ долларигача ўсиши назарда тутилмоқда. Яқин келажакда пахта толасини экспорт қилишдан воз кечиш вазифаси қўйилди. Шу ўринда маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари 55 тадан ортиқ давлатга етказиб берилаётганини таъкидлаш зарур.

2017 йилда Колумбия, Бразилия, Сальвадор, Покистан, Грузия, Хорватия, Нигерия каби таъминотнинг янги бозорлари ўзлаштирилди. Таъминотнинг ички бозорларини диверсификациялаш ва маҳсулот экспорти номенклатурасини кенгайтириш мақсадида корхоналар Германия, Корея Республикаси, Хитой, Россия, Беларуссия, Латвия, Туркия каби давлатларда халқаро махсус кўргазма-ярмаркаларда иштирок этдилар.

**1-жадвал**

**2011-2018 йилларда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси корхоналарининг маҳсулот экспорти ҳажми динамикаси**

| Кўрсаткичлар | 2011 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018й. | Прогноз 2020 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Экспорт ҳажми, млн.долл. | 660,0 | 825,0 | 861,9 | 1100,0 | 1200,0 | 1600,0 | 1700,0 |
| Ўсиш суръати, % | 106,8 | 125,0 | 104,5 | 127,6 | 109,1 | 133,3 | 106,2 |

*Манба: "Ўзбектўқимачиликсаноат" уюшмасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.*

1-жадвал таҳлилидан охирги йилларда экспорт қилинаётган маҳсулот ҳажми тез суръатларда ўсаётганини кўриб турибмиз: 2011 йилда 660,0 млн. долл., 2013 йилда 825 млн. долл., 2014 йилда 861,9 млн. долл., 2016 йилда 1100,0 млн. долл., 2017 йилда 1200 млн. долл., 2018 йилда эса 1600 млн. долларга тенг бўлди, яъни 2011 йилга таққосласак, 2,4 баробардан кўпга ўсди. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб, спорт кийимлари ишлаб чиқаришни белгилади. Шунга мувофиқ, тармоқ корхоналарида болалар спорт кийимлари дизайни ишлаб чиқилди ва уни оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2017 йил якунларига кўра, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми 190,8 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди, яъни 2016 йил билан таққослаганда 12,2 %дан кўпроққа тенг бўлди.Агар стратегик танлов омилларини кўриб чиқадиган бўлсак, хом ашё экспорт қилишдан тайёр маҳсулот экспорт қилишга ўтиш енгил саноатни ривожлантиришнинг истиқболга

мўлжалланган янги стратегиясини шакллантиришга ёрдам берди. Иқтисодий сиёсатнинг стратегик йўналишлари сифатида тўқимачилик тармоғи танланишини қуйидаги асосий омиллар билан изоҳлаш мумкин: 2016 йил якунларига кўра тўқимачилик саноатининг ЯИМдаги ҳажми 3,8 %га тенг бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, тўқимачилик тармоғи жисмоний ҳажми индекси 2017 йилда 144,5 %гача ўсди. Тармоқда жами республика саноатидаги ишчиларнинг учдан бир қисми фаолият кўрсатади. Хом ашё экспортидан тайёр маҳсулотни экспорт қилишга қайта йўналтириш енгил саноат ривожланишининг истиқболга йўналтирилган янги стратегиясини шакллантиришга ёрдам берди. Тўқимачилик саноати юқори капитал сиғимли тармоқлардан фарқли ҳолда меҳнат ресурсларида аҳамиятли улуш жалб қилишни талаб қилади. Иқтисодий Тадқиқотлар Марказининг ҳисоб-китобларига кўра, тўқимачилик саноатига жалб қилинган 1 млн. доллар инвестициялар 45 тадан то 50 тагача қўшимча иш ўринлари яратишга қодир экан. Тўқимачилик саноатининг тезкор ривожланиши бандлик муаммосини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради. Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 50 дан ортиқ давлатига экспорт қилинади.**

Жаҳон бозорида пахта толасига талабнинг тушиши натижасида, унинг ўрнига тўқимачилик маҳсулотларининг ташқи бозорга экспорт қилиниши экспорт тушумини 2 бароборгача, тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари экспорти тушумини эса 4 дан то 20 бароборгача ошишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш ҳажмини юқори суръатларга ўстириш ва тўқимачилик маҳсулотларининг ташқи бозорга экспорт қилиниши учун нафақат маҳаллий хом ашё базамиз, балки арзон ишчи кучимиз ҳам мавжуд.Тўқимачилик саноатини ривожлантиришни рағбатлантириш орқали аҳоли бандлигини кўтариш нафақат давлат бюджетини сезиларли даражада тўлдириш, балки фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш учун ҳам мустаҳкам омил бўлади. Барча ушбу омиллар тўқимачилик тармоғини бошқа тармоқлардан нафли ҳолда ажратади ва уни иқтисодий ўсиш суръатларини сезиларли ошириш учун муҳим стратегик инструмент этиб кўрсатади. Бироқ пахта толасидан келадиган валюта даромадлари узоқ ўн йиллар давомида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим бўлган валюта тушумларини таъминлаб берди. Пахта толасини сотишни қисқартириш билан боғлиқ уларнинг қисқариши тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари сотишдан келадиган валюта тушумлари ҳисобига қопланиши керак. Агар ташқи бозорда хом ашё сотиш, одатда,  жаҳон нархлари тушишидан ташқари, махсус қарама-қаршиликларга дуч келмаса, у ҳолда тўқимачилик маҳсулотлари тайёргарлигининг юқори даражасида кучли рақобат кузатилади. Шунга мувофиқ, маҳаллий тўқимачилик секторидан ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг сезиларли ўсиши талаб этилади. Бунга эришиш эса анча қийин.Ўзбекистоннинг енгил саноати етакчи ва тез ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2016 йилда мамлакат жами саноати ҳажмида бу тармоқ 26,2%ни эгаллади, унинг ЯИМдаги улуши 3,8%ни, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида - 44%дан юқорига тенг бўлди. Охирги йилларда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиши тахминан 18 %га, экспорт эса - 10%га тенг бўлди.

Тармоқ корхоналарининг йиллик қуввати 480 минг тонна тола, 290 млн. кв. м. пахта толали газламалар, 101 минг тонна трикотаж полотноси, 275 млн. дона тикув-трикотаж буюмлари, 53,1 млн. жуфт чулки-носки маҳсулотлари, 2,1 минг тонна ипак ипларни ташкил этади. Шунингдек, корхоналар медицинага доир товарлар, нотўқима материаллар, пахта маҳсулоти, махсус ишчи ва форма кийимлари, момиқли буюмларни ҳам ишлаб чиқармоқда. 2016 йил ҳолатига кўра, енгил саноат корхоналарининг умумий сони 6896 тага тенг бўлди, улардан 50 %га яқини масъулияти чеклан-

ган жамият (МЧЖ) шаклида фаолият олиб боради. Тўқимачилик тармоғи ривожланишидаги тараққиётга қарамасдан, мамлакат иқтисодий ўсишида унинг ҳиссаси ҳозирча мавжуд салоҳиятидан сезиларли даражада паст. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси 453 тага яқин тўқимачилик, тикув ва трикотаж корхоналарини бирлаштирган. Улардан 138 та компания Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ каби давлатларнинг хорижий инвесторлари иштирокидаги компаниялардир. Шунингдек, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси таркибига "Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги бўйича агентлик" МЧЖ, "Шарқ либослари" дизайн-маркази, "Енгилсаноатқурилиш" МЧЖ, "Ўзенгсанлойиҳа" Давлат лойиҳа институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Табиий толалар ўзбек илмий тадқиқот институти каби тузилмавий бўлинмалар ҳам киради. Компания корхоналарида 74 мингдан ортиқ киши ишлайди, улардан 70 %ини аёллар ташкил этади. Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилдан то 2017 йилгача тармоқ маҳсулотларининг энг кўп қисмини ишлаб чиқарувчи "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси (собиқ "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик компанияси) корхоналари бўйича 2,6 баробарга ўсди.

Ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинмоқда. МДҲ давлатлари, биринчи ўринда, Россия, шунингдек, Лотин Америкаси давлатлари, ЕИ, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Эрон, Исроил, АҚШ каби давлатлар асосий экспортчи бозорлар ҳисобланади. 2016 йилда таъминотнинг янги: Покистан, Грузия, Хорватия, Нигерия ва қатор бошқа бозорлари ўзлаштирилди. Россия и МДҲ давлатлари ўзбек тўқимачилик корхоналари маҳсулотларининг энг йирик импортерлари саналади. Уларнинг улушига 51 %дан кўпроқ маҳсулот етказиб бериш тўғри келади, 21 %и Жанубий Осиё, 12 %дан ортиғи - Европа, 8%и - Яқин Шарқ ва Африка давлатларига экспорт қилинмоқда. 2016 йилда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорт кўрсаткичлари 1,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Бугун хорижда 40 га яқин Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг савдо уйлари мавжуд. Корхоналар маҳсулот экспорт номенклатурасини кенгайтириш мақсадида тармоқлар Германия, Корея Республикаси, Хитой, Россия, Белоруссия, Латвия, Туркия каби давлатларда халқаро махсус кўргазма-ярмаркаларда фаол иштирок этмоқдалар. Охирги 3 йилда Ўзбекистон тўқимачилик тармоғига хорижий инвестицияларни жалб этиш 575,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

**Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг 80 %дан ортиғи Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон ва Туркия каби давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Тўқимачилик тармоғида пахтадан юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқариш занжирида энг кўп ўсиш суръати тайёр трикотаж ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келяпти. Тўқимачилик тармоғининг муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда 2017-2019 йиллар учун тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини келажакда ривожлантириш Дастури чора-тадбирлари амалга oшириляпти. Дастурга мувофиқ, 2020 йилга келиб, ишлаб чиқаришда: пахта толаларни - 2,5 баробарга, тайёр газламаларни - 2,8 баробарга, ипак газламаларни - 2,7 баробарга, нотўқима материалларни - 1,5 баробарга, трикотаж полотнони - 2,7 баробарга ошириш режалаштирилмоқда. Тикув буюмларни - 3,2 баробарга, трикотаж буюмларни - 2,1 баробарга, ипак хом ашёни ишлаб чиқаришни - 2,1 баробарга кўтариш режалаштирилмоқда. Агар 2011 йилда газламлар ишлаб чиқариш ҳажми 85,63 млн. кв. метрга тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 459,2 млн. кв. метрдан ошади. Ўсиш 5,4 мартага тенг бўлади.**

Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган 50% толагина ички истеъмолга қолгани учун тўқимачилик корхоналарига етказилаётган пахта толаси ҳажми республикада мавжуд қувватлардан паст бўлмоқда. Шунинг учун замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш имкониятлари ҳам тўлиқ эмас. Пахта толасини ички бозорда сотувчининг моно-

пол ҳолати сақланиб қолмоқда. Шу сабабли пахта хом ашёси ва пахта толасини қайта ишлаш паст даражада ташкил этилган. Тўқимачилик саноати корхоналарига пахта толаси етказишда пахта толасини навли типларга тақсимлаш мавжуд эмас. Юқори сифатли навдаги пахта толасига чегараланган рухсат кузатиляпти. Ип-калава таркибида навли пахта толасининг нисбий улуши тўғри мутаносиб бўлиши керак, кўп ҳолатларда иқтисоддорликда ва сифатда харажатларга олиб борувчи ўрта навли тола ёки аксинча юқори навли тола устун бўляпти. Бунинг натижасида паст сифатли газлама ва полотнолар ишлаб чиқариляпти. Республика тикувчилик саноатида рақобат ривожланишининг етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатувчи фойданинг юқори меъёри сақланиб қолмоқда.

**Хом ашёни қайта ишлаш даражасининг пастлиги натижасида Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулоти экспорти етарли даражада эмас. Агар 2016 йилда республика тўқимачилик маҳсулоти экспорт ҳажми 1 млрд. 146,5 млн. АҚШ долл.га тенг бўлса, Хитой - 104,6 млрд. АҚШ долл.га, Туркия - 10,9 млрд. АҚШ долл.-га, Ҳиндистон - 16,2 млрд. АҚШ долл.га, Бангладеш - 1,76 млрд. АҚШ долл.га, Покистан - 7,68 млрд. АҚШ долларига ўз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган. 2012-2016 йилларда тўқимачилик тармоғининг экспорти ўсиши (пахта толасини ҳисобга олмаганда) 132,5 %га тенг бўлди. 2016 йилда товар маҳсулотлари умумий ҳажмида экспорт улуши 40%га тенг бўлган. Натижада, Ўзбекистоннинг улуши жаҳон миқёсида пахта толасини ишлаб чиқаришда 3,6 % бўлишига қарамай, унинг жаҳон миқёсида газлама, полотно, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини ишлаб чиқаришдаги улуши янада камроқни ташкил этади.**

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, тўқимачилик тармоғида пахтадан юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқариш занжирида энг кўп ўсиш суръати тайёр трикотаж ва тикув буюмларига тўғри келяпти. Агар ички бозорда 1 кг пахта толаси 1,6 доллар турса, ундан чиқарилган тайёр тикувчилик буюмлари - 3,5 доллар, трикотаж маҳсулоти эса - 2 долларга яқин туради (2017 йил нархига кўра).

"Қўшилган қийматни ўстириш занжири"да анча сезиларли узилиш билан газламалар ишлаб чиқариш ўз ўрнини эгаллайди. 2012 йилдан то 2017 йилгача пахта толали газламалар ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 баробарга кўтарилди; қўшилган қийматнинг ўсишини ўзига камроқ жамлаган трикотаж полотно ишлаб чиқариш эса мос равишда 2 баробарга ошди. Бу кўпроқ инвестицияларнинг энг кўп қисми камроқ риск муносабати билан трикотаж полотно ишлаб чиқаришга йўналтирилгани ва талаб этилган капитал қўйилмаларнинг пастроқ ҳажми билан боғлиқ.

Бундан ташқари, хориждан замонавий машина ва ускуналар етказиб беришнинг ушланиб қолишига сабаб бўлаётган енгил саноат соҳасида яққол инженер-техник кадрларнинг етишмаслиги мавжуд. Бу эса хорижий инвесторларга сезиларли даражада солиқ преференциялари мавжудлигига қарамай, енгил саноатга паст суръатларда тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишида ўз аксини топаётган ўрнатилган жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш эса паст даражада турибди. Юқорида баён этилган тўқимачилик секторидаги ишлар тартиби ҳам тўқимачилик маҳсулотлари бозорида, ҳам маҳаллий текстилчилар позициясида ўз аксини топган. Ваҳоланки, бу позициялар умуман фойда келтирмайди.

Пахта толасини маҳаллий бозорга етказиб бериш монополияси ип-калава қийматининг ошишига олиб келди. Ўзбекистонда сифат бўйича энг яхши - 15 % рентабеллик билан ишлаб чиқарилган ип-калаванинг нархи жаҳон нархларига тенг бўляпти. Бироқ маҳаллий тикувчилик фабрикалари бир қатор сабабларга кўра, жаҳон нархлари бўйича сифатли ип калавани сотиб олишга тайёр эмаслар. Ускуна ва машиналарнинг кўп қисми эскирган бўлгани учун юқори сифатли ип-калавадан ҳам юқори сифатли газлама чиқариш мумкин эмас, янги ускуналарни сотиб олиш учун эса хусусий маблағлар етарли эмас. Шунинг учун маҳаллий тикувчилик фабрикалари, ҳеч бўлмаса 5-10 % даражада рентабелликни ушлаб турувчи, паст сифатли,

арзон газлама ва полотнолар ишлаб чиқаришга мослаштирилган.

Маҳаллий тикувчилик-трикотаж фабрикалари мураккаб бўлмаган тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича сегментларни эгалладилар (носки, майка, тўшак, чойшаб, мебель учун тўшама ва тўрлар), бу сегментда маҳаллий паст навли газламалар арзонлиги сабабли маҳсулот рентабеллиги баланд ва 10-25 %ни ташкил этади.

Шу билан бирга, бозорнинг юқори сифатли шим, джинси, юбка, костюм, пальто, куртка, плащь каби сегментлари импорт маҳсулотлари билан тўлдирилган.

**Амалда ҳеч бир маҳаллий ишлаб чиқарувчи мазкур янада сиғимли бозорларга киришга қарор қила олмаяпти, негаки, бунинг учун янада замонавий ускуналар, менежмент, ISO сифатини бошқаришнинг жаҳон тизимини татбиқ этиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, юқори малакали инженер-технологларни жалб этиш талаб этилади.**

Масаланинг ечимини топиш - тўқимачилик тармоғи ривожланиши муаммоларини ечиш, қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берувчи тармоқнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Хом ашё ички бозорида пахта заводлари пахта хом ашёсини бевосита фермерлардан, тўқув-тикув корхоналари эса бевосита пахта толасини пахта заводларидан сотиб олишлари асосида рақобатбардошликни ривожлантириш зарур. Ишлаб чиқаришни нафақат вертикал интеграциялаш ва кластерлаш, балки тўқимачилик ва кийим бозорларида рақобат даражасини кўтариш учун газлама, полотно, тикувчилик-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида кўп қиррали ва ўзаро рақобатлаша оладиган холдингларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, юқори сифатли кийимларни ҳам экспорт, ҳам ички бозор учун тикишга мўлжалланган юқори сифатли газлама ва полотнолар ишлаб чиқариш учун пахта хом ашёси ва пахта толасини қайта ишлаш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш лозим. Кадрларни тайёрлаш соҳасида республикамиз ҳудудларида чет эл олий ўқув юртларининг янги филиалларини очиш ҳамда чет эл олий ўқув юртларига ёш кадрларни жўнатиш ҳисобига кадрлар тайёрлаш квоталарини ошириш даркор.

Тўқимачилик саноатида кластер тизимини қўллаш — Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг янги брендларини яратиш асосидир. Мудофаа саноатига тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган йирик "Норм Лтд." турк компанияси Ўзбекистонда қўшма бренд ишлаб чиқаришни режалаштирган. "Норм Лтд." компанияси ўз маҳсулотларини нафақат Туркия, балки АҚШ, Ҳиндистон ва Буюк Британия қуролли кучлари қисмларига сотяпти. Бу компания Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни яратишда ўзининг ноёб технологияларидан фойдаланишни мўлжаллаган. Янги қўшма корхонанинг очилиши экспортни диверсификация қилишга ва қўшни давлатлар саналган - Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистан ва Афғонистон каби давлатлар бозорларида мустаҳкам жой эгаллашга ёрдам беради.

Янги маркировка тўқимачилар учун ҳозирда мавжуд "Made in Uzbekistan" маркаси ўрнини алмаштириши мумкин. Тармоқ мутахассислари бизнинг корхоналаримизни бир ягона марка остида ўзаро бирлаштиришга ёрдам беришни режалаштирмоқдалар. Бу уларга экспорт етказиб беришда преференцияларга умид қилиш имкониятини беради. Ҳозир мутасадди ташкилотлар янги маркировка учун аниқ мезонларни ишлаб чиқмоқдалар. "Uztextile" маркировкасини яратиш маҳсулотнинг Евроиттифоқ, АҚШ, Япония и Жанубий Корея бозорларида қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда мос келишини англатади.

Downstreamдан upstreamгача. 2017-2020 йилларда 10та пахта-тўқимачилик кластерлари яратилиши режалаштирилган. Бизнинг мамлакатимиз пахта-тўқимачилик кластерлари тизимига киритилди. Биз ҳар доим текстиль секторида downstream - тола, газлама, тайёр буюмлар тизими кетаётганини таъкидлар эдик. Бугун эса текстиль секторида upstream тизими кетади, яъни биз пахта толасини ҳам етиштириш, ҳам ишлаб чиқариш тизимини яратамиз. Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида 3

та кластер яратиш бўйича лойиҳалар амалга оширилиш босқичида турибди, яна 7 та лойиҳа яқин орада йўлга қўйилади. 2017 йилда режаланган (KITECH) Корея саноат технологиялари институти томонидан Тошкентда тўқимачилик технопаркини яратиш бўйича ҳам ишлар амалга ошириляпти. Бунда корейс томони технологик ва лаборатория жиҳозларини етказиб бериши, ўзбек томони эса етказиб бериладиган жиҳозлар божхона шаффофлигини таъминлаши назарда тутилган.

Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғини ривожлантириш стратегиясини таҳлил қилиш қуйидаги ижобий натижаларни кўрсатмоқда:

**1. 2016-2020 йиллар учун тармоқни ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида пахта толасини ички қайта ишлаш 849,4 минг тоннага ўсади; маҳсулотлар экспорти 2,5 млрд. долларига кўпаяди; 947,0 млн.долларлик хорижий инвестициялар жалб қилинади; ички қайта ишлаш улуши 2 баробарга ўсади; 27,0 мингта янги ишчи ўринлари яратилади.**

2. 2020 йилгача келгусида ип-калавани қайта ишлаш 85,3 %га етади.

3. Енгил саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини айирбошлашга келгусида тармоқни ривожлантириш учун тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш Дастури мавжуд.

4. Маҳсулот ва хизмат экспорти ҳажми оширилмоқда.

5. Тузилмавий қайта ўзгаришларни давом эттириш сифатида - республикада етиштирилаётган пахта толаси ва ипакни аниқлаштирилган босқичли Президент схемаси бўйича энг охирги истеъмол учун, яъни тайёр маҳсулотгача янада чуқур қайта ишлашни таъминлашни йўлга қўйиляпти.

6. Шунингдек, ривожлантириш стратегияси доирасида ишлаб чиқариш қувватларини: бўялган тола бўйича - 3 баробарга, трикотаж полотно бўйича - 1,5 баробарга, тайёр газламалар бўйича - 2 мартага, тикув-трикотаж маҳсулотлари бўйича - 3 мартага, чулки-носки маҳсулотлари бўйича эса - 2 мартага кўтариш назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, истеъмол бозорини тўйинтиришга ёрдам беради.

7. Саноат ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмида тайёр маҳсулот улушини кўтаришни 70 %гача етказиш режалаштирилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим тартибга солувчи дастаги сифатида "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва такомиллаштириш бўйича ишларининг принципиал йўналиши бўлиб, тармоқнинг имиджи ва фаровон инвестиция муҳитини шакллантириш ҳисобланиши керак.

Тармоқни стратегик ривожлантириш учун "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси қуйидаги чора-тадбирлар мажмуасини ўтказиши мақсадга мувофиқлигини қайд этишимиз мумкин:

- тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсатининг асосли тамойилларини шакллантириш ҳамда инвесторларни рағбатлантиришнинг тамойил ва ёндашувларини ишлаб чиқиш;

- инвестиция рискларини суғурталаш тизимини яратиш ва тўғри хорижий инвестициялар жалб этишни қонуний йўл билан қўллаб-қувватлаш ҳамда инвесторлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини белгилаш;

- хорижий инвесторларга кафолатлар тақдим этиш ва инвестиция фаолияти ҳақидаги ахборот хабарларини таъминлаш лозим.

Инвестицияларни жалб этишга қизиқиш ҳам қонуний тартибда, ҳам "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг аниқ инвестор компаниялари билан махсус битимлари доирасида белгилангандек, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратишни талаб этади. Инвестициялашнинг махсус рағбатларини шакллантиришда инвесторлар томонидан қуйидаги: экспорт, импорт, бандлик ҳамда мулкдаги улуш бўйича каби қатор шарт ва чекловларни бажаришни ҳисобга олиш муҳим саналади. Миллий иқтисодиётнинг алоҳида секторларини ривожлантириш устуворлигига мувофиқ туртки бўлувчи механизмларни ягона пакетга бирлаштириш муҳим жиҳат ҳисобланади.

Фикримизча, юқорида тилга олинган воситалардан фойдаланиш нафақат фаровон инвестиция муҳитини шакллантиришга, балки янада самарали молиялаштириш манбаларини излашга йўналтирилган, шу билан бирга, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш, табиий ҳамда илмий салоҳиятдан максимал фойдаланишга йўналтирилган "Ўзбектўқимачиликсаноат" уюшмаси инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Миллий иқтисодиётнинг алоҳида секторларини ривожлантириш устуворлигига мувофиқ туртки бўлувчи механизмларни ягона пакетга бирлаштириш муҳим аспект бўлиб ҳисобланади.

**Бизнингча, юқорида айтилган инструментлардан фойдаланиш нафақат фаровон инвестиция муҳитини шакллантиришга, балки янада самарали молиялаштириш манбаларини излашга йўналтирилган, шу билан бирга, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш, табиий ҳамда илмий салоҳиятдан максимал фойдаланишга йўналтирилган "Ўзбектўқимачиликсаноат" уюшмаси инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради.**

Ҳозирги кунда амалда ҳеч бир маҳаллий ишлаб чиқарувчи янада сиғимли бозорларга киришга қарор қила олмаяпти, негаки бунинг учун янада замонавий ускуналар, менежмент, ISO сифатини бошқаришнинг жаҳон тизимини татбиқ этиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, юқори малакали инженер-технологларни жалб этиш талаб этиляпти.

Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи ривожланиши муаммоларини ечиш, қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берувчи тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш учун таклиф ва тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Хом ашё ички бозорида пахта заводлари пахта хом ашёсини бевосита фермерлардан, тўқув-тикув корхоналари эса бевосита пахта толасини пахта заводларидан сотиб олишлари асосида рақобатбардошликни ривожлантириш зарур.

2. Ишлаб чиқаришни нафақат вертикал интеграциялаш ва кластерлаш, балки тўқимачилик ва кийим бозорларида рақобат даражасини кўтариш учун газлама, полотно, тикувчилик-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида кўп қиррали ва ўзаро рақобатлаша оладиган холдингларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Юқори сифатли кийимларни ҳам экспорт, ҳам ички бозор учун тикишга мўлжалланган юқори сифатли газлама ва полотнолар ишлаб чиқариш учун пахта хом ашёси ва пахта толасини қайта ишлаш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш лозим.

4. Кадрларни тайёрлаш соҳасида республикамиз ҳудудларида чет эл олий ўқув юртларининг янги филиалларини очиш ҳамда чет эл олий ўқув юртларига ёш кадрларни жўнатиш ҳисобига малакали кадрлар тайёрлаш квоталарини ошириш керак.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил.*

*2. "Ўзбектўқимачиликсаноат" уюшмасининг 1994-2018 йиллар учун статистик маълумотлари.*

*3. Bob Tricker - Corporate Governance, Principles, Policies and Practices, 3rd edition, Oxford online resources center, 2012. -904pp.*

*4. Investment Appraisal: Methods and Models - Uwe G?tze, ?Deryl Northcott, ?Peter Schuster. 2015.*

*Investment Analysis. Gareth D. Myles. May 2010. -285pp.*

*5. 2015 Investment Company. Fact Book. A Review of Trends and Activities in the U.S. Investment Company Industry. Copyright © 2015 by the Investment Company Institute. All rights reserved. -312pp.*

*6. Steen Thomsen & Martin Conyon - Corporate Governance, mechanisms and systems. McGraw-Hill Higher Education UK, 2012. -367pp.*

7. Анохин И.В. Управление развитием предприятия: стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: учебное пособие. -М.: Изд-во торговая корпорация "Дашков и Ко", 2012. -380с.

8. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: инструменты и методы оценки любых активов: Пер.с англ.- 4-е изд. -М.:Альпина Бизнес Букс, 2007. -1340 с.

9. Емельянов С.В. США: государственная политика стабилизации конкурентоспособности американских производителей // Менеджмент в Узбекистана и за рубежом №3, 2012.

10. Теплова Т.В. Инвестиции. Учебник для вузов. -М.: "Юрайт", 2011.

11. Карриева Я., Ахмедов И., Абдилакимов F. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. -Тошкент: "Иқтисодиёт". 2015.

12. www.uztex.uz.

13. www.gov.uz

14. www.lex.uz

15. www.economist.com

16. www.worldeconomics.com

17. www.tradingeconomics.com

## Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиш стратегияси

**Дилфуза Рахимова,**
*иқтисод фанлари доктори, профессор, ДБА "Менежмент назарияси ва амалиёти" кафедраси мудири,*
**Гўзал Умарова,**
*иқтисод фанлари номзоди, ТТЕСИ "Корпоратив бошқарув" кафедраси доценти*

**Аннотация:** *мазкур мақолада Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғини ривожлантириш стратегияси таҳлил этилган. Ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларига экспорт қилиниши ва МДҲ давлатлари, биринчи ўринда, Россия, шунингдек, Лотин Америкаси давлатлари, ЕИ, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Эрон, Исроил, АҚШ каби давлатлар асосий экспортчи бозорлар ҳисобланиши ҳақида маълумотлар берилган. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим тартибга солувчи дастаги сифатида "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг фаолият йўналишлари, тармоқнинг имижи ва фаровон инвестиция муҳитини шакллантириш, инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** *тўқимачилик ва енгил саноат, миллий иқтисодиёт, тикув-трикотаж, тайёр маҳсулот, экспорт, хорижий инвестициялар, маҳсулот, халқаро ярмарка, салоҳият, иқтисодий сиёсат, стратегия, инвестицион муҳит, рақобатбардошлик, кластер тизими, қўшма корхона, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, юқори қўшилган қиймат, қайта ишлаш, модернизация, диверсификация, юқори технология.*

## Стратегия развития текстильной промышленности в Узбекистане

**Дильфуза Рахимова,**
*доктор экономических наук, профессор, зав. кафедрой "Теория и практика менеджмента" АГУ,*
**Гузал Умарова,**
*кандидат экономических наук, ТИТЛП, доцент кафедры "Корпоративное управление"*

**Аннотация:** *в настоящей статье проанализирована стратегия развития текстильной промышленности. Даны сведения об экспорте нашей продукции в рынки США, Израиля, Ирана, Сингапура, Китая, Республики Корея, ЕС, страны Латинской Америки, и в первую очередь, страны СНГ и Россию. Узбекская текстильная продукция экспортируется в более 50 стран. Также даны предложения по совершенствованию и мотивации инвестиционной деятельности, формированию инвестиционного климата и имиджа отрасли, направлению деятельности, регулирующее звено привлечения зарубежных инвестиций Ассоциации "Узтекстильпром".*

**Ключевые слова:** *текстильная и легкая промышленность, национальная экономика, шитье-трикотаж, готовая продукция, экспорт, зарубежные инвестиции, продукция, международная ярмарка, потенциал, экономическая политика, стратегия, инвестиционный климат, конкурентоспособность, кластерная система, совместное*

*предприятие, производственные мощности, высокая добавленная стоимость, переработка, модернизация, диверсификация, высокие технологии.*

## Strategy of development of textile industry in Uzbekistan

**Dilfuza Rahimova,**
*DSc (Economic sciences), Professor,*
*Head of department Management theory and practice*
**Gusal Umarova,**
*PhD (Economic sciences), Tashkent Institute of Textile and Light Industry*
*Assistant Professor of the Department "Corporate Governance"*

**Abstract:** *this article analyzes the development strategy of the textile industry. Data on export of our production to the markets of the USA, Israel, Iran, Singapore, China, the Republic of Korea, EU, the countries of Latin America, and first of all the CIS countries and Russia are given. Uzbek textile products are exported to more than 50 countries. Also the proposals for the improvement and motivation of investment activity, formation of the investment climate and image of the industry, activities of the regulatory component of attracting foreign investment Association "O'zto'qimachiliksanoat".*

**Key words:** *textile industry, national economy, shield-knitwear, finished products, export, foreign investment, products, international fair, potential, economic policy, strategy, investment climate, competitiveness, cluster system, joint venture, production facilities, high added value, processing, modernization, diversification, high technology.*

Бошқарувнинг замонавий усуллари / Современные методы управления / Modern stules of Managment

**Khayitjon TURDIYEV,**
*The teacher of the department of*
*Theory and history of state and law of*
*Tashkent state university of law, independent researcher*

# THE CONTEMPORARY PERSPECTIVES OF INTERACTION BETWEEN PARLIAMENT AND GOVERNMENT IN UZBEKISTAN

Nowadays, in the process of effective implementation of the state power and governance, it is important to improve the efficiency and development of the constitutional and legal relations and to ensure a consistent distribution of powers between the legislator -the parliament and government- supreme executive body.The problem of interaction between the legislative and executive authorities naturally occupies an important placein constitutional law and parliamentary practice. One of the main conditions for political, economic and social development of the country, the effectiveness of state power is the democratic and rational structure of state bodies. After all, the majority of the population of any country recognize as democratic such a state system, in which citizens and representative bodies can actively participate in government. First, we hihglight the concept of interaction. The interaction is a philosophical category reflecting the processes of impact of different objects on each other, their mutual conditionality, change of state, a transition, as well as causing one object to another. Interaction is a kind of direct or indirect, external or internal relationship, communication[1].

**According to the above-mentioned, parliament and the government will also have a direct and indirect relationship. These relations serve as a practical example of the principle of the separation of powers and serve to ensure the efficiency of state governance.**

Separation of powers, therefore, refers to the division of government responsibilities into distinct branches to limit any one branch from exercising the core functions of another. The intent is to prevent the concentration of power and provide for checks and balances. In the system of separation of powers, it's crucial to strengthen the parliamentary oversight of normative and legal acts, and the interaction of the Parliament and the Government. State power first of all, should proceed from the fundamental principle of the harmonious combination of the principles of participation of representative bodies of power (and especially parliament) in the implementation of state power, the broad competence of parliament and professional, responsible government[2]. The relations between parliament and executive power have a significant impact on the form of the state governance. In this process, the powers of state governance are distributed among the supreme governing bodies. Legislative power plays a main role in the formation of executive power and adoption of draft laws of it [3, page 237.].

There are the following basic principles of interaction between the branches of power:

- independence and equality;
- inadmissibility of interference in each other's activities;
- cooperation and harmonization in the exercise of their powers;
- mutual responsibility.

Currently, in Uzbekistan coordinated and effective interaction of the legislative and executive authorities - a complex and multifaceted problem covering not only the definition and status, but also the ratio and competencies, forms and order of interaction, control. It is important to clarify the role of parliament and government in The State power

system of Uzbekistan, the development of legal mechanisms of the President's and Parliament's involvement in the formation and relievationthem of the posts of the government, and optimization of relations between the head of the state with the government, the head of the government and executive authorities in the exercise of executive power.

**As it is rightly stated by the President of The Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoyev that, "We all know that reform is renovation, change. In order for the reforms to succeed, first of all, our leaders and our people should change. When a person changes, society changes. To achieve this goal, first of all, it is vital today that leaders of all levels and people's deputies, all leaders, work on the basis of critical analysis, rigorous discipline and personal liability. Introducing a modern, rational management system is a key condition for fulfilling the tasks set before us. I would like to draw your attention to the following topical issues.**

Firstly, it is necessary to strengthen the Parliament's important decision-making and control activity over the enforcement of laws.

Secondly, it is necessary to optimize the executive power system, to continue administrative reforms and to apply modern management methods in State governance"[4].

The Constitution of Republic of Uzbekistan, The constitutional Laws "On the State local bodies", (1993), "On the Regulation of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan" (2003), "On the Regulation of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan" (2003), "On the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, "On strengthening the role of political parties in renewal and further democratization of state governance and modernization of the country" (2007), and The Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan "On Improvement of the System of State governance Bodies" (2003), and "On Strategies for Further Development of the Republic of Uzbekistan" (2017) and Regulations of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan (2005), and other normative legal acts regulate the activities of parliament and government.

The theoretical-legal analysis the interaction between parliament and government shows that there are following directions:

- to consider and approve a candidate for prime minister to form a government by the parliament;
- determination of the main directions of domestic and foreign policy of the Republic of Uzbekistan and the adoption of strategic state programs;
- implementation of parliamentary control and the issues of the liability of government before the parliament;
- the interaction of parliament and government in law-making process.

Objectives for further enhancement and strengthening of the role of Chambers of Oliy Majlis, political parties in improving the system of state and public construction, in deepening of democratic reforms and modernization of the country, defined in the Action Strategy of the Republic of Uzbekistan in five priority areas for 2017-2021, as well as consistent improvement of the system of state power and that it is in line with the ever-changing social relationships which requires a new stage of interaction parliament and the government.

The law "On introducing amendments and additions to some legislative acts of The Republic of Uzbekistan in connection with democratization of the formation of the Government and strengthening its liability adopted by the Legislative Chamber on 26 February 2019 and approved by the Senate on February 28, 2019[5].

Several amendments are added to the Constitution of the Republic of Uzbekistan, 2 constitutional laws - "On the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan", "On the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan" and 4 laws - "On the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan", "Regulations of the Legislative Chamber of the OliyMajlis of the Republic of Uzbekistan", "On the Regulations of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan" and "On Parliamentary Control"

In accordance with the changes, at present

the President approves the members of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on the proposal of the Prime Minister of the Republic of Uzbekistan, submitted after approval by the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, and relieves them of post. Further the candidate for the position of a member of the Cabinet of Ministers, when considering and approving his candidacy at the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, presents an action plan that includes legal, economic, social, organizational and technical measures related to the achievement of targets and objectives for the future. This in its turn, creates a system of evaluation based on the quality and effectiveness of implementation of the near, medium and long-term perspective programs of executive authorities at all levels and achieving concrete indicators and implementing the strategic development of sectors of the economy, social sector and other sectors.

**Moreover, The Prime Minister, together with the members of the Government of the Republic of Uzbekistan, quarterly submits to the Chamber of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan a report on the implementation of the state program for the relevant year following from the Message of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. These amendments and additions aimed at fundamental improvement of the activity of the government, the formation of a qualitatively new system of executive branch that meets the modern requirements.**

The analysis of the essence of this change indicates that they differ from the previous norms in the following aspects: first of all, in the previous edition, the parliament approved the Prime Minister. But the parliament did not participate in the formation process of ministers of government.

According to the current edition the procedure of approval by Oliy Majlis of the members of the Cabinet of Ministers has been introduced.

A candidate for the position of a member of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, when considering and approving his candidacy in the Legislative Chamber, presents an action plan that includes legal, economic, social, organizational and technical measures related to the achievement of targets and objectives for the future and the candidate justify the ways to achieve his program.

After that, a certain conclusion is reached. Consideration and approval by the parliament the members of the Cabinet are highly recognized by international standards. The countries that introducedin their experienceare France, USA, Italy. For instance The Cabinet of the United States is part of the executive branch of the federal government of the United States. Cabinet officers are nominated by the President and confirmed by the U.S. Senate by a majority vote. In France all members of the French government are appointed by the President of the Republic on the advice of the Prime Minister

(Article 8 of the Constitution of France). Members of the government are ranked in a precise order, which is established at the time of government formation. In this hierarchy, the Prime Minister is the head of government. He is appointed by the President of the Republic. Whilst the President is constitutionally free to appoint whomever he likes, in practice he must nominate a candidate that reflects the will of the majority of the National Assembly, as the government is responsible to parliament[6]. In Italy, the government must gain the confidence of both houses of parliament[7].

In countries with a parliamentary system of government, the head of state is obliged to appoint the members of the government those persons who are supported by the majority of members of parliament. The power to form a government is received by the party or party coalition that won the elections and won the majority of seats in parliament. A key feature of parliamentary democracy is that the government is formed by parliament and is accountable to them.

Furthermore, the Legislative chamber of The Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan not only approves the candidate for the

position of a member of government but also the chamber is competent to reject the candidate.

If the Legislative Chamber rejects the candidacy for members of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, the Prime Minister of the Republic of Uzbekistan introduces a new candidate for consideration and approval. This reform will allow the the deputies elected by the people to evaluate the quality and effectiveness of the implementation of the ministerial qualifications and perspective action plan.

The another change is candidacy for membership in the Cabinet of Ministers is considered and approved at a meeting of the Legislative Chamber of the Oliy Majlisof the Republic of Uzbekistan after its preliminary review by the responsible committee, fractions of political parties and deputy groups in the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan.

First of all, the different aspects of the concept of the faction and deputy groups:

Fraction - deputy association, created by deputies nominated by a political party to express its interests in the Legislative Chamber, and registered in the prescribed manner.

Deputies elected to the Legislative Chamber of the Ecological Movement of Uzbekistan are entitled to create deputy groups.

This procedure will enable to increase the role and effectiveness of the activity of the fractions and deputy groups of political parties. In this procedure, each fraction and the deputy group will have a detailed discussion of candidates for the ministry and will be able to critically evaluate the candidate, his action plan and skills. This in its turn, first of all, leads to a new level of cooperation between the parliament and the government, and on the other hand, it also imposes high responsibilities on the candidates and deputies. The deputies also should have the high skills in order to approve and reject the candidates for the position of the minister.

Moreover, the role of the responsible committee in this process is also significant. Based on legislation, The Legislative Chamber of the number of its deputies for a term of office of the Chamber formed committees composed of the chairman, his deputy and members.

The law states that in the Legislative Chamber mandatory committees are formed: budget and economic reforms; legislation and legal issues; labor and social issues; defense and security issues; international affairs and inter-parliamentary relations; innovation development, information policy and information technology; environmental issues and environmental protection[8]. Other committees may be formed in the Legislative Chamber. It's obvious that the main discussions and critical analysis are realized in the committees of Chambers.

**In conclusion, we would like to point out that the parliament and the government are the sovereign institutions of state power, which embodies the most significant functions of state power. At the same time, their interaction acts as a structural-functional element of the mechanism of checks and balances, which ensures the control of parliament over the executive power. Modern political mechanisms imply an ever-increasing interaction of the main institutions in the exercise of their powers, aiming the legislative and executive branches of power to cooperate, search for mutual compromises[9].**

Thus, the formation of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan is the main and starting point for the functioning of the government. The effectiveness and performance of which is determined by its personal composition, which depends on the Cabinet of Ministers is approved by the President upon the recommendation of the Prime Minister, submitted after approval by the Legislative Chamber.

In Uzbekistan, the process of formation and strengthening of parliamentarism is taking place simultaneously with the development of the institutions of the civil society, on the formation of parliamentary traditions and the accumulation of its own experience in the legal regulation of public relations it is important to improve the interaction of parliament and government.

From the point of view of the above, it is necessary to improve the following main directions of relations between the Parliament and the Government:

- ensuring the cooperation between the legislative and executive branches of power;
- strengthening parliamentary oversight activities;
- it is expedient to introduce new mechanisms of parliamentary and government co-operation in law-making, taking into account best international practices;
- ensuring the participation of parliament in the formation of Cabinet of Ministers and strengthening the responsibility of government.

To reach these goals it's important:

- explore the constitutional and legal aspects of the interaction of parliament and government on the basis of new analytical approaches;
- identify the main directions of improving the practice and the effectiveness of implementation of interaction of parliament and government;
- to reveal the purpose and essence of the interaction of the legislative and executive authorities.

Finally, it may be concluded that the reforms are aimed at increasing the effectiveness of government activities, enhancing the authority and power of parliament and political parties, and further democratizing the formation of government, improving the constitutional framework of interaction between parliament and government, the protection of fundamental rights and freedoms of individuals and citizens, and to bring a qualitatively new level of the activities to ensure supremacy of the constitution and rule of law.

***References***

*1. URL: http://dic.academic.ru/dic.nsf/bse/74156/ Interaction.*

*2. Тультеев И.Т., Тошканбоев У.Т.Правовой механизм взаимодействия Олий Мажлиса и Кабинета Министров: состояние, проблемы и решения - Т.: ТГЮУ, 2014. - С.5.*

*3. Баглай М.В. и др. Конституционное право зарубежных стран Учебник для вузов / Под общ. ред. чл. - корр. РАН, проф. М. В. Баглая, д. ю. н., проф. Ю. И. Лейбо и д. ю. н., проф. Л. М. Энтина. - М.: Норма, 2004. - С. 237.*

*4. http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi*

*5. Қонун ҳужжатлари миллий базаси 06/03/2019, No. 03/19/527/2706*

*6. "France: The role of the president". Encyclopedia Britannica. Encyclopedia Britannica Inc. 2014. Retrieved 15 may 2019.*

*7. Constitutional law of foreign countries. - T.3.Special part. - P.313.*

*8. http://lex.uz/*

*9. Черкасов, Александр Иванович. Институт правительства в зарубежных странах: порядок формирования и ответственность / А. И. Черкасов // Государство и право. - 2013. - № 1. - С. 73-82*

## The contemporary perspectives of interaction between parliament and government in Uzbekistan

**Khayitjon TURDIYEV,**
*The teacher of the department of Theory and history of state and law of Tashkent state university of law, independent researcher*

**Abstract:** *This article analyzes the nature and content of the Law "On amendments and additions to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the democratization of the forming of the government and strengthening its liability" published in the press on March 6 2019. The participation of the parliament in the process of forming the government and accountability of the government to the parliament, as well as issues of responsibility of parliament and government were comprehensively discussed. In addition, as a result of the reforms, the main directions of parliament and government relations were analyzed.*

**Key words:** separation of powers, the members of government, the candidate for the minister, fraction, group of deputies, responsible committee.

## Ўзбекистонда парламент ва ҳукумат муносабатларининг замонавий истиқболлари

**Хайитжон ТУРДИЕВ,**
*Тошкент давлат юридик университети "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедраси ўқитувчиси, мустақил изланувчи*

**Аннотация:** *мазкур мақолада 2019 йилнинг 6 мартида матбуотда эълон қилинган "Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган. Ҳукуматни шакллантириш жараёнида Парламент қуйи палатаси иштироки ҳамда ҳукуматнинг Парламент олдида ҳисобдорлиги, шунингдек, парламент ҳамда ҳукуматнинг ўзаро масъулияти масалалари атрофлича муҳокама қилинган. Шунингдек, ислоҳотлар натижасида парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатларининг асосий йўналишлари таҳлил қилинди.*

**Калит сўзлар:** *ҳокимиятлар бўлиниши, ҳукумат аъзолари, вазирликка номзод, фракция, депутатлар гуруҳи, масъул қўмита.*

## Современные перспективы взаимоотношений парламента и правительства в Узбекистане

**Хайитжон ТУРДИЕВ,**
*преподаватель кафедры "Теория и история государства и права" Ташкентского государственного юридического университета, независимый соискатель*

**Аннотация:** *в данной статье дан анализ сущности и содержания Закона Республики Узбекистан "О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с демократизацией порядка формирования правительства и усилением его ответственности", опубликованного в печати 6 марта 2019 года. Всесторонне обсуждены вопросы участия нижней палаты Парламента при формировании правительства и его ответственности перед Парламентом, а также вопросы взаимной ответственности парламента и правительства. Кроме того, проанализированы основные направления взаимоотношений парламента и правительства в результате реформ.*

**Ключевые слова:** *разделение властей, члены правительства, кандидат в министры, фракция, депутатская группа, ответственный комитет.*

**Гулнора СИЯЕВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Хорижий тиллар" кафедраси доценти в.б.*

# МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН СОЦИОЛОГИК ДИСКУРСДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Жамият ва давлатни бошқариш ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш-жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий талаби ҳокимиятни бошқаришда халқнинг бевосита иштирокини таъминлашдан иборатдир. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун эркинлаштириш, миллий қадриятлар ва анъаналарни уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатдаги ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалланинг фаолияти ва ваколатларини кенгайтириш, халқ манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат ташкилотлар ролини кучайтириш йўли танланган.

**Бу борада маҳаллий Кенгашларнинг назорат функциясини кучайтириб бориш долзарб аҳамият касб этади. Давлат ҳокимияти органлари тизимида қуйи бўғиндаги маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ўз фаолияти давомида фуқаролар билан бевосита муносабатга киришиб туриши, улар зиммасига халқимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида алоҳида масъулият юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", деб белгилаб қўйилган. Давлатимизнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга хизмат қилишдир. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси халқаро майдонда эътироф этилган умуминсоний қадриятлар ва қоидаларга асосланади.**

Маҳаллий вакиллик органлари - Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа - бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан назорат ўрнатишдир. Таъкидлаш жоизки, маҳаллий Кенгашлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожланиши, жойларда қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва ўз ваколатлари доирасидаги бошқа масалаларни ҳал қилиш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш билан бир қаторда, назорат фаолиятини ҳам амалга оширадилар. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан жамоатчиликка сифатли ахборотларни етказиш тартиб қоидаларини, аҳоли ва кенг жамоатчиликни давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларга тааллуқли маълумотлардан кенг хабардор қилишни таъминлаши керак. Маҳаллий ҳокимият органларнинг назорат фаолияти, одатда, депутатлик назорати ҳам дейилади. Депутатлик назорати - бу маҳаллий Кенгашлар ва мувaққат комиссиялар, сиё-

сий партияларнинг депутатлик гуруҳлари, шунингдек, депутатларнинг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳолатини кузатиш ва ўрганиш, ҳудудлардаги мавжуд тўсиқ, камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий фаолиятдир. Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида депутатлик назоратининг қуйидаги шаклларидан фойдаланилади:

1) амалдаги қонун ҳужжатларининг ижро ҳокимияти органлари ва унинг бошқарма ҳамда бўлимлари томонидан ижро этилишини назорат тартибида ўрганиш;

2) бюджет соҳасидаги назорат, жумладан, маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш;

3) ҳокимнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини, шунингдек, бошқа мансабдор шахсларнинг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш;

4) депутатлик сўровлари, шунингдек, сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари сўровларини юбориш;

5) ҳокимнинг қарорларини тасдиқлаш, шунингдек, ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва унинг доимий комиссияларининг асосий вазифалари:

- қонун ҳужжатларининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган сабаблар ва шароитларни аниқлаш;
- қонун ҳужжатларининг ижро этилишида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- энг долзарб ҳудудий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Кенгаш доимий комиссиялари томонидан ўтказилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича олинган ахборотни амалда қўллаш;
- депутатларнинг ҳуқуқий билимлари ҳамда амалий кўникмалари даражасини ошириш;
- жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдан иборатдир.

**Ягона ахборот маконининг мавжудлиги, мулоқот тилининг бирлиги, иштирокчиларнинг ўзаро мулоқотда бўлган коммуникатив компетенциялари социологик дискурсни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Социологик дискурснинг функционал хусусиятлари давлат хизматчиларининг асосий бажарилиши зарур бўлган ташкилий маданиятига, яъни, биринчи навбатда, инновацион қобилиятлилик, иккинчидан, рационализация қилиш қобилияти, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш устуворлиги ҳамда ижодий салоҳият ва истеъдоднинг мавжудлигига боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, инновацион қобилияти моддий ресурслар ва молиявий воситалар билан эмас, балки илғор илмий ютуқларга асосланган таълимнинг давомийлиги, мавҳум фикрлашга эга бўлиш истаги билан белгиланади.**

Давлат хизматининг моҳияти бошқарувнинг турларини аниқлашнинг икки ёндашуви нуқтаи назаридан кўриб чиқилади: биринчиси – компетенцияларга асосланган бошқарув, иккинчиси – етакчилик садоқати асосидаги бошқарув.

Компетенцияларга асосланган бошқарувга хорижий олимлар қуйидагиларни киритишади: янги иш турларини эгаллаш, талабга жавоб берадиган малакага эга бўлиш, ривожланиш қобилияти, иш жараёнида мустақиллик ва ташабускорлик ҳамда фидоийлик. Ушбу мезонларга мувофиқ, ташкилотларда профессионал компетенцияларга эга бўлган давлат хизматчиларининг касбий ўсиши таъминланади.

Етакчилик садоқати асосидаги мезонлар ижтимоий капитал деб, таърифланади: яъни, ўзини яхши ходим сифатида кўрсатиш, жамоада ишлаш, танишиш ва мулоқот қилиш қобилияти.

Давлат ва жамият ўртасидаги алоқалар сифатида хизмат қиладиган социологик дискурс кўпинча "давлат" тушунчаси билан белгиланади. Социологик дискурс жамиятдаги янгиланишларнинг таъсири остида ўзгариши жамият ва бозор иқтисодиётининг ривожланиши, замонавий телекоммуникация технологияларини шакллантириш билан боғлиқдир. Социологик дискурс жараёнида қарор қабул қилиш аниқ иш ваколатларига, қоидалар ва кўрсатмаларга асосланади. Қарор қабул қилиш учун зарур бўлган талабларга мувофиқ расмий ва ихтисослаштирилган малака ва кўникмалар талаб қилинади.

Мулоқот жараёнида социологик дискурсдан фойдаланиш муайян ахборотга эга бўлиш, тажриба орттириш ва жамиятда бошқарув фаолиятини амалга оширишга олиб келади. Айрим холларда социологик дискурс таъсирида берилган маълумотдаги сўзнинг мазмуни ва шакли маълум бир аудиторияга нисбатан қисман етказилиши мумкин. Демак, берилган ҳар бир маълумот амалий (прагматик) салоҳиятга эга бўлиб, мулоқот жараёнида вазиятга ва аудиторияга мос таризда етказилади. Социологик дискурс халққа йўналтирилган нутқ сифатида намоён бўлиб, бевосита мулоқот ёки маълумот берилади.Мулоқот олиб бориш ёки оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш турли аудиторияга таъсир қилиш учун ўз тилини белгилайди ва жамиятдаги қадриятлар бирлигини сақлаган ҳолда бошқарув фаолиятини аниқлайди. ОАВда социологик дискурснинг муҳим аҳамиятли жиҳати, унинг миллий-маданий хусусиятга эга эканлиги билан белгиланиб, аниқ ҳаётий шарт-шароитларда ифодалангани боис миллий-маданий аҳамият касб этади. Шунга мос тарзда социологик дискурснинг ОАВга узатилган матни маданиятнинг тимсоли ва маҳсули ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларидаги социологик дискурс даврнинг маданий хусусиятига катта ҳисса қўшади. Жумладан, маданиятта оммавий коммуникация (алоқа)нинг акс таъсири А.А.Мольнинг қуйидаги фикрларида ёрқин ифодалаб берилган: "Улар оммавий алоқа воситаларида ҳаётимизни назорат қилиб, ўз чиғириғидан ўтказади, умумий оммавий маданият ҳодисаларидан айрим унсурларни ажратиб, уларга ўзига хослик бахш этиб, муайян ғояни қадрият даражасига олиб чиқади ва шу тариқа бутун маданиятни қутблаштиради. Оммавий алоқа доирасига тўғри келмаган нарса жамият ривожланишига таъсир ўтказмайди". Бугунги кунда инсон ОАВ таъсиридан холи бўла олмайди. Бироқ оммавий ахборот воситаси ҳам маданиятга акс таъсир кўрсатади.

**Ахборотни узатиш шунчаки воқеликдаги далилларни айтиш эмас, балки уни изоҳлаш, яъни ҳақиқий ахборотни етказишдир. Ахборот фикрлашга чорлайди, у теварак-атроф, дунё ҳақидаги қарашлар, фикр ва тажрибаларни шакллантириб, тартибга солади. Социологик дискурс ахборотни тушунтириш, изоҳлаш каби ўзига хос жиҳатларга эга. Масалан, воқеа ахборотсиз объектив (холис) бўла олмайди. Ҳар қандай дискурсда инсон омили муҳим роль ўйнайди. Дискурс - дунёнинг субъектив инъикоси. Социологик дискурснинг субъекти матндаги воқеликнинг ҳаққонийлигини тушунтириб, айрим мақсад ва вазифаларни ифода этади. Мазкур маълумот субъективлигига кўра, зарурий манзилга йўналтирилган бўлиб, онгни эгаллашга (манипуляция қилишга) ҳисса қўшади.**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқаролар ва кенг жамоатчиликни ахборот билан таъминлаш борасида амалга ошириладиганислоҳотлар, жумладан, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш, мавжуд қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, жойларда яратилаётган ахборот-коммуникация технологиялари ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда янги тузилмалар ташкил қилинишига қарамасдан, кўп маълумот ва ахборотлар аҳолига тўлиқ етказилмасдан келмоқда. Бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ташкил этилган ахборот хизматларининг нодавлат оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилмагани;

- иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида мавжуд маълумотлар, улар қабул қиладиган норматив ҳужжатлар айрим ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаб қўяётгани учун ҳам уларни оммалаштирмасликдан манфаатдор бўладилар.

Ҳокимликлар тасарруфидаги нашрлар бир томонлама манфаатларни ифодалаган ҳолда фаолият олиб бориб, жамоатчилик билан бўладиган муносабатларига салбий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, бу ҳол ушбу органлар фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатиш имконини бермайди. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органларининг веб-сайтлардаги маълумотлар фуқароларнинг кундалик талабларига жавоб бермайди ва маҳаллий муаммолар ва фуқароларни бевосита қизиқтирадиган маълумотлар кам муҳокама қилинади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилаётган ва амалдаги қонун ҳужжатларида тақдим этилаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги ҳамда ахборотнинг тўлиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга эътибор қаратиш зарур.

**Бугунги кунда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатлик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари такомиллашиб бормоқда."Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 5 ва 8-моддаларига мувофиқ, депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир. Депутат сўрови депутатлик назоратини амалга оширишнинг энг муҳим ва зарурий шаклларидан бири бўлиб, бугунги кунда бу сўров шаклидан фойдаланиш кескин ошган.**

Бироқ сўровлар юзасидан мансабдор шахсларнинг ўз вақтида жавоб қайтариши, уларда белгиланган масалаларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий ижро ҳокимиятининг бўлим раҳбарлари эътиборсизлик ва ҳаракатсизликка йўл қўйилса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган депутатлик сўровларида кўтарилган масалалар ҳал этилмасдан қолиш хавфи туғилади. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун самарали депутатлик назоратини йўлга қўйиш, хусусан, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг Кенгашлар олдидаги масъулиятини кучайтириш зарур.

Бу борада, ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқишда бугунги кундаги амалиётни ҳамда олимларнинг назарий қарашларини, шунингдек, хорижий тажрибани чуқур ўрганиш дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз муҳим аҳамиятга эгадир.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2018.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида"ги 320-сонли Қарори. www.lex.uz*

*3. Гимпельсон, В. Е., Магун, В.С. Найм и карьера молодых чиновников: идеи М. Вебера и российская реальность. // Россия реформирующаяся. Ежегодник. М.: Институт социологии РАН. 2004. - С. 126-127*

*4. А. Моль; цит. по: Кара-Мурза С.Г. Краткий курс манипуляции сознанием. - М.: Издательство "Эксмо", 2003. - С. 448.*

*5. Кибрик, А, Паршин, П. Дискурс. URL:http: //www.krugosvet.ru/ enc / gumanitarnye_nauki/ lingvistika/ DISKURS.*

*6. Dijk T.A. van The interdisciplinary study of news as discourse // Handbook of Qualitative Methods in Mass Communication*

*Research / Ed. by K. Bruhn-Jensen, N. Jankowksi. -London: Routledge, 1991*

**Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан социологик дискурсдан фойдаланишнинг ўзига хослиги**

**Гулнора Сияева,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Хорижий тиллар" кафедраси доценти в.б.*

**Аннотация:** *мазкур илмий мақолада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришда социологик дискурснинг ўрни таҳлил қилиниб, ўзгаришлар жараёнида жамият ва давлатни бошқаришда ҳамда ислоҳотларни амалга оширишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурлиги кўрсатилган.*

**Калит сўзлар:** *маҳаллий ҳокимият, социологик дискурс, фуқаролар фаоллиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, маълумот етказиш.*

**Особенности использования социального дискурса местными органами власти**

**Гулнора Сияева,**
*и.о. доцента кафедры "Иностранные языки" Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в данной статье анализируется роль социологического дискурса в развитии социально-экономической жизни страны и подчеркивается необходимость активного участия граждан в управлении обществом и государством в проведении реформ в процессе обновления.*

**Ключевые слова:** *местное управление, социологический дискурс, гражданская активность, социально-экономическое развитие,передача информации.*

**Peculiarities of social discourse usage by local authorities**

**Gulnora Siyaeva,**
*Acting Associate Professor of the "Foreign Languages" department of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *this article analyzes the role of sociological discourse in the development of the socio-economic life of the country and emphasizes the need for the active participation of citizens in the management of society and the state in carrying out reformsin updating process.*

**Key words:** *local government, sociological discourse, civil activity, socio-economic development, transmission of information.*

**Актам ХОЛОВ,**
*иқтисодиёт фанлари бўйича PhD,*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи*

# "АҚЛЛИ" БОШҚАРУВ ПРИНЦИПЛАРИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда давлат бошқарувининг барча бўғинларида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар ўз натижаси ва самарасини бермоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар янгича фикрлаш, янгича тафаккур ва янгича дунёқарашни шакллантиришни тақозо этмоқда. Шу жумладан, давлат бошқарувида ҳам институционал ислоҳотларни амалга ошириш, бошқарув самарадорлигини таъминлашда инновацион менежмент инструментларидан фойдаланиш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда:

- давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат бошқаруви органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш;
- давлат бошқаруви органларининг вазифа ҳамда ваколатларини белгилаш мезонларини тартибга солиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг муҳим масалаларини муҳокама қилишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш;
- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш;
- давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш;
- давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, бошқарувнинг инновацион шаклларини жорий этиш.

Ўз навбатида, ушбу вазифаларни амалга ошириш давлат бошқарувида"ақлли" бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш зарурияти юзага келтиради.

**Жаҳоннинг бир қатор, чунончи, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Европанинг иқтисодиёти ривожланган давлатлари муниципал ҳокимият органларида очиқлик ва шаффофликка асосланган оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда "ақлли" бошқарув принципларини жорий этишга алоҳида аҳамият берилган.**

Мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб борган олимлар А.Дубова ва Д.Разумовлар Россияда давлат ва шаҳар ҳокимияти ўртасида ҳокимиятни ва масъулиятни тақсимлаш ҳамда ҳудудларни ривожлантиришда мослашувчан инструментларни жорий этишга оид масалаларни таҳлил этишган[1]. Шунингдек, бошқарув фаолияти аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган мезонлар билан баҳоланишини ўрганишган. Улар томонидан стратегик бошқарув асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш, шаҳарлар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бизнес соҳасида тадқиқот олиб борган Р. Л. Богуэ мақсадларни режалар асосида бошқариш масаласини тадқиқ этиб, "ақлли" бошқарувни "жамиятни индивидуал ва жамоавий мақсадларини бошқариш қобилиятига эга стратегия"сифатида тасниф этади[2].

Россиялик тадқиқотчи А.Скворцов "ақлли бошқарув" (Smart Governing) концепцияси қуйидаги: "самарадорлик", "тезкорлик", "мувофиқлик", "профессионаллик", "ҳаракатчанлик", "очиқлик" ва "кўптармоқлилик" каби тушунчаларда ўз ифодасини топади деб таъкидлайди. Технологик жиҳатдан ақлли бошқарув ахборот ва телекоммуникация тармоғи, бизнес жараёнларини автоматлаштириш (BPR), мобиль иловалар, булутли технологиялар (cloud services, cloud technologies), очиқ маълумотлар (open data) ва катта маълумотлар (Big Data) базасидан иборат[3] эканлиги билан изоҳланади.




**1-расм. Ақлли бошқарув механизми[4]**

Россия Таббий фанлар академияси аъзоси В.Н.Бурков бошқарув функцияларини амалга ошириш механизми сифатида ривожлантирувчи, маслаҳат берувчи, ўргатувчи ва рефлексив тизимнинг татбиқ этилиши, белгилаб қуйилган бошқарув мақсадларини ижрочилар учун ҳам, барча манфаатдор томонлар учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлайди[5]. Бунда бошқарув функцияларини (режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, назорат ва рағбатлантириш) амалга оширишнинг барча босқичида манфаатдор ташкилотлар ва ижрочиларни камида минимал даражада иштирок этишини таъминловчи электрон ахборот тизимини жорий этишни назарда тутади.

БМТнинг давлат бошқаруви ва ривожланишни бошқариш бўлими экспертлари А. Альберти ва Я. Кепинглар фикрича: "Ақлли бошқарув мураккаб масалаларни ечищда инновацион, самарали, инклюзив, ҳамкорлик, очиқликка асосланган давлат хизматларини замонавий ахборот-технологияларига асосланган ҳолда кўрсатишни назарда тутади"[6]. Бунда давлат сиёсатини амалга оширувчи қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини таъминловчи механизмларни жорий этиш, ҳукуматнинг етакчилик қобилияти, функциялари ва институционал асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада мамлакатмизда давлат бошқарувининг ижтимоий-иқтисодий жараён-

ларни бошқаришдаги функцияларидан бири сифатида мақсадга йўналтирилган фаолияти - ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишга оид устувор йўналишларни аниқлаш ва уларни амалга оширишнинг ҳаракат дастурларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг номутаносиблигини бартараф этиш, табиий ресурсларни ўзлаштириш, минтақаларнинг мувозанатли ривожланишини такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 2017 йилда 42 та, 2018 йилда 49 та, 2019 йилнинг 1-чорагида 18 та ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилди. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувида "ақлли" бошқарув тамойилларини жорий этиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга босқичма-босқич беришда ўз ифодасини топмоқда.

**Тадқиқотнинг методологик асосини менежмент фанининг фундаментал қонунлари, "ақлли" бошқарув тизимини татбиқ этиш концепциялари, шунингдек, бошқарув қарорлари қабул қилишга доир тадқиқот олиб борган хориж ва ўзбекистонлик олимлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва нутқлари ташкил қилади. Тадқиқот жараёнида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" бўйича амалга оширилган ислоҳотлар тизимли таҳлил, институционал таҳлил, контент таҳлил, функционал таҳлил, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез каби илмий тадқиқот усуллари орқали ўрганилди.**

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инновацион давлат бошқаруви, стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш (foresight), давлат хизматларини такомиллаштириш, ақлли бошқарув ва рақамлаштириш соҳасида тизимли ислоҳотларни амалга оширишда қўлланилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 12-бандида "Давлат бошқарувида илғор давлат менежменти ва "ақлли" бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш" вазифаси белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, давлат органларида профессионал бошқарувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш.

Хорижий давлатлар кадрлар тизимидаги инновацион ғоялар ва тажрибалар барча давлатлар учун универсал бўлмасада, уни Ўзбекистоннинг бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида қўллаш ва татбиқ этиш мумкин бўлган умумий жиҳатларига, ўзимизга мос келадиган томонларини ўзлаштириш нуқтаи назаридан таяниш мумкин. Жумладан, Франция, Япония, Германия, АҚШ, Россия, Хитой, Австралия, Жанубий Корея мамлакатлари давлат хизматида бошқарув кадрлари сиёсати анъаналари, тартиблари ва талабларининг республикамизда бошқарув кадрлари фаолиятига мувофиқ келадиган томонларини алоҳида ўрганиб чиқиш лозим. Масалан, француз бошқарув кадрлари сиёсати хизмат категорияларига боғлиқ бўлиб, шахснинг маълумоти даражаси (қандай ўқув юртини тугатганлиги) лавозим даражасини (яъни қандай категориядаги лавозимни эгаллай олишини) аниқлаб беради ёки Япония бошқарув кадрлари сиёсатида лавозимга талабгорлар учун ўнга яқин турдаги имтиҳонлар белгилаб қўйилган бўлиб, биринчи (ўрта мактабни битирганлар учун), иккинчи (олий таълимни битирганлар учун), учинчи (амалда фаолият кўрсатаётганлар учун) даражаларга ажратилган. Германияда ҳам бошқарув кадрлари фаолиятини ташкил этишда имтиҳонлар топшириш анъанаси шаклланган бўлса-да, бироқ танловлар муҳим ўрин тутади. Танловлар эса бошқа давлатлардан фарқли равишда олий суд инстанцияси томонидан назорат қилинади. Бу мамлакатда

раҳбарларни муассаса раҳбарининг ихтиёрига кўра ва сайлаш асосида тайинлаш тамойили амал қилади.

Шаклланган ва маълум меъёр даражасида намоён бўлувчи касбий билим, малака, тажриба ва мотивациянинг мураккаб, яхлит шакли компетенция деб аталади ва маълум жиҳатдан инсоннинг касбий етуклигини англатади. Замонавий раҳбар кадрлар профессионал бошқарувчи бўлиши учун касбий ва бошқарув компетенцияларига эга бўлиши лозим.

| | | |
|---|---|---|
| **ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВЧИ** | **КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИ** | Билим, кўникма ва амалий тажриба асосида касбий фаолиятига тегишли вазифаларни бажариш ва масалаларни ечишда муваффақиятли фаолият юритиш қобилияти:<br>- ўз соҳасини мукаммал билиши;<br>- ўз соҳасига янгилик киритиш;<br>- ўз устида ишлаши, ўзини танқидий баҳолаш. |
| | | АКТни билиши |
| | | Хорижий тилларни билиши |
| | **БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯСИ** | **Бошқарув маҳорати** - вазиятни таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш, мақсад қўйиш, натижага эришиш йўлида фаолиятни ташкиллаштириш, ходимларни мотивациялаш ва ходимларни назорат қилиш бўйича билимларга эга бўлиш ва самарали услуб, воситаларни қўллай олиш |
| | | **Лидерлик** - жамоа ёки гурухда лидерлик ролини ўзига олиш малакаси. Одамларни мақсадга йўналтириш йўлида уларга таъсир этиш, ишонтириш ва натижадорликка ундаш қобилияти |
| | | **Тизимли фикрлаш** - вазиятни яхлит ва таркибий қисмлари билан бирга кўра олиш; мавжуд алоқаларни аниқлаштириш қобилияти; умумий ҳодиса таркибидан муҳимини ажрата олиш; маълумотни тўплаш ва катта хажмдаги маълумотларни тартиблай олиш, таҳлил қила олиш қобилияти |
| | | **Қадриятлар** - ватанпарварлик, самимийлик ва инсонпарварлик, ташкилотга, жамоага содиқлик, ишончли инсон ва ходим бўлиш, ўз касбини улуғлашга интилиш |
| | | **Норматив хужжатлар ва ҳуқуқий меъёрларни яхши билиш** – ўзи ишлаётган соҳа ва бошқа соҳалар бўйича чиқадиган барча янгилик ва ўзгаришларни билиб туриши. Хуқуий асосланган, ҳар бир ўзгарувчан вазиятла хавфли сигналларни дарҳол пайқаш ва шунга мос жавобни танлай олиш. |
| | | **Ўзгаришларга мосланувчанлик, стрессга бардошлилик –** ўзгарувчан вазиятда ҳаракат қилиш қобилияти, янги шароитларга тезда мослашиш ва янги вазифаларни самарали ҳал қилиш, ўзгаришларни бошқара олиш малакаси. |
| | | **Коммуникативлик\киришимлилик -** одамлар билан мулоқотда бўлишга интилиш, иложи борича, низоли ва кескин вазият юзага келишига йўл қўймаслик. Ҳар қандай одамлар билан ва ҳар қандай шароитда умумий тил топа билиш ва бу сифати орқали ўзгаларда ўзи ҳақида ижобий фикр уйғотиш. |
| | | **Натижадорликка йўналганлик -** ҳар қандай шароит ва вазиятда ўзи кўзлаган мақсадга интилиш. Ҳар доим ўз меҳнати самарасини ошириб боришга интилиш ва юқори кўрсаткичларга эришиш. Бирон ишни тез якунлашга интилиш. |

**2-расм. Профессионал бошқарувчилар учун зарур бўлган компетенциялар**

Давлат бошқарувида "ақлли" бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтишнинг иккинчи жиҳати давлат муассасалари бошқарув фаолиятида бевосита фуқаролар иштирокини таъминлашга оид. Бу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг: "Халқимиз бугун ҳаракатга келди. Одамларда ишонч пайдо бўлди. Давлат органлари халққа, халқимиз эса ўз олдига қўйган мақсадларга қараб интила бошлади"[7], деган фикрларини таъкидлаш муҳим. Ислоҳотларнинг қанчалик самарали кечиши ва истиқболи халқнинг давлат ва жамият ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳамда янгиланиш жараёнида фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Бироқ бу иштирок сайлов ва референдумларда овоз бериш билан кифояланмаслиги, балки ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишни ҳам назарда тутади. Бу ҳолат маҳаллий давлат органларида бошқарув қарорларини қабул қилишда халқнинг иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш модели асосида бошқарув қарорлари электрон муҳокамасининг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлиги сайтига алоҳида "қарорлар муҳокамаси" рукни сифатида жорий этиш фуқаролар ва манфаатдор ташкилотларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида, шунингдек, давлат муассасалари фаолиятида бевосита ва билвосита иштирок этиш имкониятини кенгайтиради. Аҳолининг қарорлар қабул қилиш жараёнидан хабардорлиги, улар томонидан қарор ижросининг назорат қилинишида, бошқарувдаги иштироки келгусида ҳамжамият олдида жавобгарлик ҳиссини уйғотишга замин яратади.

"Ақлли" бошқарув принципларини жорий этишда давлат органларининг халққа кўмакчи, тадбиркорларга бизнес ҳамкор сифатида фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш бу бевосита маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бунда ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш, шунингдек, ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида партия гуруҳларининг бошқарув қарорлари қабул қилишдаги ролини оширишни тақозо этади. Давлат органларининг тадбиркорларга бизнес ҳамкор сифатида фаолият кўрсатиши бевосита давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш билан боғлиқ. "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳалар ҳамда давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради.

**Раҳбар фаолияти натижаларига доимий равишда баҳо бериш тизимини яратиш ҳам "ақлли" бошқарувнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида раҳбар фаолияти натижаларига доимий равишда баҳо беришда SMART усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра, мақсад аниқ (specific), ўлчовли (measurable), мақбул (accepted), ҳақиқий (realistic), чекланган вақт оралиғида бажариладиган (time-dependent) бўлиши лозим. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятини комплекс баҳолаш мезонларини амалиётга татбиқ этишда илғор хориж тажрибасига, дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланилаётган замонавий усул ва моделларга асосланган ("очиқлик индекси", якуний натижалар бўйича аниқлаш, тўғридан-тўғри натижалар асосида самарадорликни баҳолаш, иқтисодий самарадорликни баҳолаш орқали ижтимоий ва сиёсий омилларнинг алоқадорлигини баҳолаш, кўп мезонли баҳолаш усулларини моделлаштириш ва бошқалар) методикалардан, тамойиллардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**

Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра,"Ақлли бошқарув"га жавобгар ваколатли орган Норвегияда - Савдо ва саноат вазирлиги, Голландияда - Молия вазирлиги, Швецияда - Швеция иқтисодий ва ҳудудий ривожланиш агентлиги, Англияда - Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги яхши тартибга солиш (Better regulation executive) департаменти ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу вазифани Вазирлар Маҳкамасининг турли тузилмалари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги каби ташкилотлар амалга оширмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги "Ўзбекистон Республикасида "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 48-сон Қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этишни назарда тутади. Бу, ўз навбатида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида "Ақлли" бошқарув тамойилларини жорий этиш, бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтиришни тақозо этади. Ўз навбатида, бошқарувдаги долзарб муаммолар бўйича маҳаллий ҳокимият органларига тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва тақдим этишга қаратилган инновацион ечимлар ва тизимларни ўзида мужассам этган "Ақлли ҳокимият"нинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этишини таъминловчи механизм сифатида баҳоланади.**

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга оширишни таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида "ақлли" бошқарув принципларини жорий этишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятига баҳо бериш долзарб масала бўлиб, бу борада ишни ташкил этишнинг замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш) жорий этиш талаб қилинади. Шунингдек, давлат бошқарувининг замонавий усулларини кенгайтириш, яъни аутсорсинг, краудсорсинг ва давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралардаги штатлар сонини қайта кўриб чиқиш ва самарасиз штат бирликларини қисқартириш назарда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бошқарувининг барча бўғинларида бошқарув қарорлари қабул қилишда, бошқарув жараёни (режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва рағбатлантириш)да "ақлли тартибга солиш"нинг қуйидаги асосий тамойилларига амал қилиш лозим:

1. Зарурият - тартибга солишни жорий қилиш кераклиги ёки керак эмаслигини аниқлаш. Жамоатчилик фикрини эшитиш, онлайн-сўровномалар, танқидий таҳлил усуллари орқали реал вазиятга баҳо бериш орқали янги талаб ёки нормани жорий этиш заруриятини аниқлаш. Бунда бозор муносабатларининг ривожланишини ҳисобга олиш лозим.

2. Пропорционаллик - қўлланиладиган чора ва воситалар танлови белгиланган мақсадларга пропорционал бўлиши лозим. Стратегик мақсадларни белгилашда "шахс-жамият-давлат" манфаатлари уйғунлигини ҳисобга олиш лозим. Амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мақсадга мувофиқлигини текшириш, тегишли экспертлар хулосасини олиш, ҳар бир норматив тусдаги қаорорларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш мақсадга мувофиқ.

3. Субсидиарлик - масалаларнинг энг қуйи ёки марказдан узоқ даражаларда ҳал этилишини энг содда ва энг кам ресурс талаб қиладиган йўл билан амалга ошириш зарур. Вазифалар қуйи даражада ҳал қилинишига йўналтирилган ташкилий ва ҳуқуқий принцип, яъни вазифа, функция ва ваколатларни номарказлаштиришдан келиб чиқиб, ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий тузилмалари ўртасида мавжуд штат бирликларини оқилона тақсимлаш. Бунда муаммони жойида ўрганиб, унинг ечимини топишга, кам вақт ва кам ресурс сарфлаб натижага эришишга эътибор қаратилади.

4. Шаффофлик - барча манфаатдор томонларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишга қадар

бўладиган муҳокамаларда иштирок этиши. "Очиқлик индекси" рейтинги орқали барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг баҳоланиши.

5. Жавобгарлик - тартибга солишни қўллаш ва унинг самарадорлигига ким масъул эканлигини аниқ белгилаш, барча манфаатдор томонлар учун тартибга солишга амал қилиш жараёнида юзага келадиган муаммолар тўғрисида мутасадди органларни хабардор қилиш имкониятининг мавжудлиги.

6. Қулайлик - тартибга солиш изчил ва тушунарли бўлиши лозим. Давлат бошқарувида амалга оширилаётган ўзгаришларга мослашиш имкониятининг мавжудлиги. Фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш.

7. Соддалик - ҳар қандай тартибга солиш, унга риоя қилиш ва уни қўллаш содда бўлиши керак. Оддий фуқаро ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини англаши, унда муносабат билдириш имкониятининг кенглиги.

**Давлат бошқарувида "ақлли" бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтишнинг асосий ғояси фуқароларнинг давлат бошқаруви жараёнидаги иштироки ҳисобланади. Одатда, фуқаролар қарор лойиҳаларига муносабат билдириш ва ҳокимият фаолиятига баҳо бериш орқали бошқарув жараёнида иштирок этади.**

Фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки қуйидаги функцияларни бажаради: 1) огоҳлантириш функцияси; 2) танқидий таҳлил қилиш функцияси; 3) назорат қилиш функцияси; 4) ташкил этиш ва тартибга солиш функцияси; 5) фуқаролик позициясини шакллантириш функцияси.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, давлат бошқарувида "Ақлли" бошқарув принципларини жорий этиш давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш ҳамда бошқарув жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқ: ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш, жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш, "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш.

***Фойдаланилган адабиётлар***

*1. Anastasia Dubova, Dmitriy Razumov. Smart Governance for Smart Region: The Yaroslavl Region case. Journal of Real Corp, pp 983-984.*

*2. Bogue, R. L. (2005). Use SMART goals to launch management by objectives plan. Retrieved November, 15, 2010. // https://www.techrepublic.com/article/use-smart-goals-to-launch-management-by-objectives-plan*

*3. Андрей Скворцов. Город с интеллектом. // Журнал "Деловой квадрат", 2015 / № 3 (113), март // http://old.d-kvadrat.ru/dk/info/17424.html*

*4. Буркова И.В. Механизмы умного управления. // https://studylib.ru/doc/2355468/mehanizmy-umnogo-upravleniya-burkova-i.v.*

*5. Управление развитием крупномасштабных систем MLSD' 2015 [Текст] : материалы восьмой междунар. конф. 29 сент. - 1 окт. 2015 г., Москва, Россия : в 2 т. / под общ. ред.: С. Н. Васильева, А. Д. Цвиркуна. - М. : Ин-т проблем упр. РАН , 2015. С .19-24*

*6. Capacity Development Workshop on "ICT and E-Government in SIDS: Responding to the SAMOA Pathway" 11-12 February 2015 Seoul, Republic of Korea // http://www.sustainablesids.org/wp-content/uploads/2018/06/1_Overview-for-SIDS-Training-Workshop.pdf*

*7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-10-11-2017*

## "Ақлли" бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш масалалари

**Актам Холов,**
*иқтисодиёт фанлари бўйича PhD, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи*

**Аннотация:** *мақолада давлат бошқарувида "ақлли" бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш масалалари ёритилган. Шунингдек, профессионал бошқарувчилар учун зарур бўлган компетенциялар, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *давлат бошқаруви, ақлли бошқарув, бошқарув самарадорлиги, ақлли механизм, пропорционаллик, субсидиарлик, шаффофлик, стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш, профессионал бошқарувчи, касбий компетенция, бошқарув компетенцияси.*

## Вопросы поэтапного перехода на принципы "умного" управления

**Актам Холов,**
*PhD экономических наук, заведующий отделом Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются вопросы постепенного перехода к принципам "умного" управления в государственном управлении. Таким образом, проведён анализ компетенций, необходимых для профессиональных управленцев и участия граждан в государственном управлении.*

**Ключевые слова:** *государственное управление, умное управление, эффективность управления, умный механизм, пропорциональность, субсидиарность, прозрачность, стратегическое планирование и прогнозирование, профессиональный менеджмент, профессиональная компетентность, управленческая компетентность.*

## Issues step-by-step transition to the principles of "smart" management

**Aktam Xolov,**
*PhD (Economics sciences), head of department Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *the article considers the issue of a gradual transition to the principles of "smart" management in public administration. Thus, an analysis of the competencies necessary for professional managers and citizen participation in public administration was carried out.*

**Key words:** *public administration, smart management, management efficiency, smart mechanism, proportionality, subsidiarity, transparency, strategic planning and forecasting, professional management, professional competence, managerial competence.*

**Анвар ГАФУРОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси*
*Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси*
*таянч докторанти*

# АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА "ЎЗБЕККЎМИР" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Жаҳонда ХХ аср - бошқарув асри номи билан тарихда қолган бўлса, ХХІ аср эса маҳоратли бошқарув асри деб саналмоқда. Чунки маҳоратли аср дейилишга сабаб, бугунги кунимиз нафақат бошқарувга боғлиқ, балки маҳоратли бошқаришга қаратилмоқда. Технологиялар салоҳияти ўзаро муомала қилиш ва ахборот айирбошлашнинг принципиал жиҳатдан янги шакллари ва имкониятларини очади, иқтисодий ислоҳотлар ва мамлакатнинг демократик ривожланиши жараёнларини жадаллаштириш имконини яратади.

**Мамлакатимизда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар даврида давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг таркибий қисми ҳисобланган корхоналарда корпоратив бошқарув тизимининг ўрни беқиёсдир. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш"[1] каби вазифалар белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси концепциясида 2025 йилга қадар корпоратив бошқарув стандартларини кўтаришга ҳамда 2035 йилга қадар технологик жараёнларни бошқариш бўйича тажриба алмашиш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлашни ташкил этиш ишларини фаоллаштириш, шунингдек, корпоратив бошқарув амалиётига, шаффофлик ва ҳисобдорлик устидан назоратни ривожлантириш[2] каби аниқ вазифалар белгиланди.**

Кўмир саноати мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки иқтисодиётда ишлаб чиқариш соҳалари ва аҳолини иссиқлик манбаи билан таъминлашда ушбу маҳсулотга талаб юқори бўлиб, у мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим табиий ресурслардан биридир. Юртимизда ҳар йили хонадонларга 1 миллион тонна, ижтимоий соҳа объектларига 400 минг тонна кўмир етказиб берилади. Янги Ангрен ва Ангрен иссиқлик электр станцияларида энергия ишлаб чиқариш учун 4 миллион тонна кўмир ёқилади[3].

Юртимизда кўмир электр-энергетика секторининг асосий ёнилғиси ҳисобланади. Ушбу табиий ресурснинг 85 фоизидан ортиғи электр-энергетика соҳасига тўғри келади. Шу сабабли ҳам ушбу ресурсга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Мисол учун, 2017 йилда кўмирга бўлган эҳтиёж 4.8 миллион тоннани ташкил этди[4]. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ушбу соҳага алоҳида эътибор берилганини кўришимиз мумкин, жумладан, 2022 йилга ке-

либ, кўмирни 12 миллион тоннагача кўпайтириш режалаштирилган[5]. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу табиий ресурс захираси чекланган миқдорда. Мамлакатимизда аниқланган ушбу ресурс заҳираси 1832,8 млн. тоннани, жумладан, қўнгир кўмир - 1786,5 млн. тоннани, тошкўмир - 46,3 млн. тоннани ташкил қилади[6]. Шунингдек, ҳали башорат қилинаётган кўмир захираси 3,5 млрд. тоннадан ошади. Республикамизнинг катта тошкўмир захиралари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади.

"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти кўмир ва каолин қазиб чиқаришга йўналтирилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 3 та конида кўмир маҳсулотлари қазиб олинади, булар: Ангрен, Шарғун ва Бойсун конлари (1-расм). Ушбу конларда қазиб олинадиган кўмир маҳсулотлари бир-биридан фарқ қилади.




**1-расм. Ўзбекистон Республикасида кўмир қазиб олинадиган конлар**

Ҳозирги кунда ушбу табиий ресурсни қазиб олиш "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг қуйидаги ташкилотларида олиш амалга оширилади, булар: "Ширғункўмир" акциядорлик жамияти ва "Апартак" масъулияти чекланган жамият. "Ангрен" кўмир конида кўмир захиралари очиқ усулда ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, "Еростигаз" акциядорлик жамиятида ер ости газлаштирилиши усули билан қўнғир кўмирдан газ ажратиб олади. "Еростигаз" акциядорлик жамияти фаолияти жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган энг қудратли саноат объекти ҳисобланади. Чунки қўнғир кўмир газга айлантирилиб, кейинчалик Ангрен иссиқлик электр станциясига фойдаланишга берилади.

"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг ўз акциядорларига тўлаган дивидендлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак (1-диграмма), "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти томонидан акциядорлари учун 2015 йилда 396 млн. сўмлик дивиденд ҳисобланган бўлиб, шундан 308 млрд. сўм ўз акциядорларига тўланган, қолган 88 млн. сўм тўланмагани эса 22 фоизни ташкил этишини кўрамиз.

2016 йилда қарийб 383.5 млрд. сўмлик дивиденд ҳисобланган ва шундан сал кам 230 млн. сўми тўланган бўлиб, лекин 152 млн. сўмлик дивиденд тўланмаган, бу эса 40 фоизи демакдир. Кейинги йилда 367.5 млрд. сўмлик дивидендлар ҳисобланган бўлиб, шундан 279 млн. сўми тўланмаган, бу эса 65 фоизни ташкил этади.




**1-диаграмма. "Ўзбеккўмир" АЖ томонидан 2015-2017 йилларда ҳисобланган дивидендлар тўғрисида маълумот[7]**

"Ўзбеккўмир" АЖ томонидан 2015-2017 йилларда ҳисобланган дивидендларга оид маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2015 йилда ҳисобланган барча дивиденднинг 88 фоизи ўз эгаларига берилган бўлса, қолган 22 фоизи олинмаган, 2016 йилда эса бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этиб, 2017 йилда эса акциядорларга ажратилган дивиденларнинг 65 фоизи олинмаганлигини кўришимиз мумкин. Кўриниб турибдики, 2015 йилда - 22 фоиз, 2016 йилда - 40 фоиз ва 2017 йилда эса - 65 фоиз дивиденд олинмаган. Умуман олганда, "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти акциядорларининг дивиденд олмаслиги ўсиб борган (2-диграмма).




**2-диаграмма. "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти акциядорларининг дивиденд олган ва олмаганлигининг қиёсий динамикаси**

Шунингдек, "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг акциядорлари тўғрисидаги маълумотни 3-диаграммада ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозирги ҳолат бўйича, "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг 90.08 фоиз акциялари "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли, шундан 45 фоиз акциялар пакети "Прогресс Гор Тех" МЧЖ (Россия Федерацияси) шўъба хўжалик жамиятига ишончли бошқарувчи сифатида берилди[8].




**3-диаграмма. "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти устав фондининг тақсимланиши тўғрисида маълумот**

Қолган 4.83 фоиз акциялари бошқа юридик шахсларга тегишли. Жисмоний шахслар қўлида эса 5.09 фоиз акция бор. Демак, ҳозирги кунда жамият акцияларининг тақсимланиши қуйидаги кўринишга эга (3-диаграмма). Энди, 2 ва 3-диаграммадаги маълумотларни таққослайдиган бўлсак, ҳозирги кунда жамиятнинг аффилланган шахсларлари 22 нафарни ташкил этади, шундан 8 таси юридик шахслар, қайсики эмитент жамият устав фондининг 20 фоизидан ошиқ улушига эга[9]. Жамиятнинг жисмоний шахслари эса 7323 нафардир. Умуман олганда, жамиятнинг акциядорлари сони сал кам 7400 нафарни ташкил этади.

Тадқиқотимиз давомида "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг 426 нафар акциядори ўртасида сўровнома ўтказдик. Ушбу сўровномамиз 12 та саволдан иборат бўлиб, асосий эътибор акциядорларнинг жамият томонидан маълумотлар билан таъминланиш даражасига қаратилди. Ўтказилган сўровномамиз натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак:

Сўровномадаги, «"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг акциядориман, чунки...» деб берилган биринчи саволга респондентларнинг 89 фоизи - "ушбу жамиятнинг ходимиман", 11 фоизи - "ушбу жамиятнинг собиқ ходимиман", 9 фоизи - "ушбу жамиятнинг мижозиман" ва қолган 2 фоизи эса турли хил жавоблар беришган, жумладан, ота-онасидан мерос сифатида берилганини кўрсатишган. Ушбу жавоблардан кўриниб турибдики, респондентларнинг асосий қисми "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг ходимлари.

Иккинчи берилган "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг ______________ турдаги акциядори ҳисобланаман" деган саволимиз натижаси қуйидагича: 89 фоизи оддий акция (380 нафари), 8 фоизи (34 нафари) ва қолган 3 фоизи (12 нафари) қолган имтиёзли эгалари бўлди. Ушбу жавоблардан кўриниб турибдики, респондентларнинг асосий қисми бу оддий акция эгалари ҳисобланади.

"Менинг ёшим ____________ " деган учинчи саволимиз натижаси қуйидагиларни кўрсатди: 18 фоизи - "30 ёшгача", 47 фоизи - "31 ва 55 ёшлар ўртасида" ва қолган 35 фоизи - "55 ёшдан катта" деб жавоб беришган. Ушбу жавоблардан кўриниб турибдики, респодентларнинг асосий қисми 31-55 ёшлар ўртасидаги акциядорлар ҳисобланади.

Кейинги "Жамиятнинг акциядори сифатида жамият фаолияти билан боғлиқ маълумотлар билан қандай танишиб борасиз?" деган саволга респондентларнинг 25 фоизи (106 нафар) - "жамиятнинг веб сайти орқали танишиб бораман", 56 фоизи (238 нафар) - "оммавий ахборот воситаларини кузатиб бораман", 15 фоизи (64 нафар) - "жамият хабарлари қизиқарли эмас" ва 4 фоизи (17 нафар) - "маълумотларни топа олмайман" деб жавоб беришган. Ушбу жавоблардан кўриниб турибдики,

респодентларнинг асосий қисми жамият фаолияти билан боғлиқ маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб боришини таъкидлашган.

Респондентлардан "Жамиятнинг акциядори сифатида жамиятнинг умумий акциядорлар йиғилишида кўтириладиган масалалар Сизга қизиқарлими?" деб сўралганда: 68 фоизи (290 нафар) - "ҳа", қолган 32 фоизи (136 нафар) - "йўқ" деб жавоб беришган. Ушбу кўрсаткичлар аксарият респондентлар учун "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ маълумотлар қизиқарли эканлигини кўрсатишмоқда.

**"Жамиятнинг 2018 йил 5 июлдаги акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги хабарни қаердан билдингиз?" деб берилган олтинчи саволга респондентларининг 33 фоизи (140 нафар) - "жамиятнинг расмий веб-сайтидан", 42 фоизи (179 нафар)- "оммавий ахборот воситаларидан", 15 фоизи (64 нафар)- "электрон почта орқали" ва қолган 10 фоизи (42 нафар) эса"жамиятнинг масъул ходими телефони ёки смс хабарларидан билганман" деб жавоб беришган. Респондентларнинг аксарият қисми акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотни оммавий ахборот воситалари ва жамиятнинг расмий веб сайтидан олганлигини кўришимиз мумкин.**

"Жамиятнинг 2018 йил 5 июлдаги акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш Сизга ноқулайликлар туғдирдими?" деб берилган еттинчи саволга респондентларнинг 34 фоизи (145 нафар) - "келиб-кетиш масаласида муаммо бўлгани", 28 фоизи (119 нафар) - "деярли муаммосиз", 32 фоизи (136 нафар) - "йўқ" ва қолган 6 фоизи (26 нафар) - "иштирок этмадим" деб жавоб беришган.

Саккизинчи берилган "Сизнингча, акциядорлар умумий йиғилишига акциядорлар иштирокини электрон тизим орқали амалга ошириб ҳамда электрон овоз бериш йўлга қўйилса тўғри бўладими?" деган саволга респондентларнинг 56 фоизи (239 нафар) - "Розиман" ва 44 фоизи (187 нафар) - "Розимасман" деб жавоб беришган. Ушбу жавобларнинг аксарияти электрон овоз беришнинг онлайн йўлга қўйилишини маъқул кўришди.

Респондентлардан "Сизнингча, акциядорлар умумий йиғилишига акциядорлар иштирокини электрон тизим орқали ҳамда акциядорлар иштирокини таъминлаш орқали ҳам олиб борилса?" деб сўралганда: 36 фоизи (81 нафар) - "Розимасман", 47 фоизи (200 нафар) - "Розиман" ва қолган 17 фоизи (145 нафар) - "Фарқи йўқ" деб жавоб беришган. Респондентларнинг 200 нафари акциядорлар умумий йиғилишига электрон тизим орқали овоз бериш ҳамда акциядорлар иштироки асосида шакллантиришни маъқул қўришган.

Респондентлардан "Жамиятнинг акциядори сифатида менга жамият фаолияти ва корпоратив тадбирлар тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаси бу?" деб сўралганда: 19 фоизи (81 нафар) - "Жамиятнинг расмий веб-сайти", 29 фоизи (123 нафар) - "Оммавий ахборот воситалари", 32 фоизи (136 нафар) - "Электрон почтам"ва 20 фоизи (85 нафар) - "Жамият ходимлари билан мулоқотда бўлиш орқали" деб жавоб беришган. Ушбу жавоблар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият респондентлар жамият фаолияти ва корпоратив тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва жамиятнинг расмий веб сайтидан олишини маълум қилган.

Кейинги, "Жамият веб сайтида шахсий кабинет орқали ўз акцияларингиз, дивидендларингиз ва жамиятнинг корпоратив тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар олишни, шунингдек, ушбу шахсий кабинетингиз орқали Сизни қизиқтирган саволлар беришни хоҳлайсизми?" деган саволга респондентларнинг 67 фоизи (286 нафар) - "Ҳа" ва 33 фоизи (140 нафар) - "йўқ" деб жавоб беришган. Демак, респондентларнинг аксарият қисми акциядорларнинг шахсий кабинетлари бўлишини хоҳлашини кўрсатишди.

Респондентлардан "Агарда "Ўзбеккўмир" АЖнинг расмий мобил илова дастури жорий этилса, Сиз ушбу дастурдан жамият фаолиятига боғлиқ янгиликларни олишни бошлармидингиз?" деган саволга 22 фоизи (94 нафар) - "Ҳа, ишлатиб кўрардим", 32 фоизи (136 нафар) - "Ҳа, чунки бу қулай", 28 фоизи (119 нафар) - "Йўқ, тушунмайман мобиль қурилмалардан фойдаланишни" ва 18 фоизи (77 нафар) - "Йўқ, жамият ходимидан билишни маъқул кўраман" деб жавоб беришди. Ушбу жавобдан аксарият респондентлар жамият мобиль илова дастурини маъқул кўришини билдирган.

**"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили якунланганидан кейин, 6 ойдан кечиктирилмай ўтказилади. Ушбу йиллик умумий йиғилишда дивиденднинг микдори ва дивидендларни тўлаш тўғрисида карорлар қабул қилинади. Агарда ушбу молиявий маълумотларга аудиторлик хулосаси мавжуд бўлсагина акциядорларнинг умумий йиғилишида дивидендларни тўлаш тўғрисида карорлар қабул қилинади[10].**

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 370-сонли Қонуни 62-моддаси (Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборот)да акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирилмай[11] маълум қилиниши кўрсатилган. Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ушбу акциядорларга маълумотлар етиб бориши учун муддат озлик қилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, акциядорларга ушбу хабар умумий йиғилиш куни ўтиб кетганидан кейин етиб борган, айрим ҳолларда эса акциядорларнинг иш жойидан рухсат олиш учун ҳам вақт кетган ва бу акциядор иштироки таъминланишига халақит берган.

Юқорида берилган маълумотларга таянган ҳолда қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

биринчидан,"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти акциядорларининг жамият веб сайтида хар бир акциядор учун шахсий кабинетини шакллантириш керак. Ушбу шахсий кабинет орқали акциядор акциялари тўғрисида, қанча дивиденд тўланганлиги, жамият фаолияти билан боғлик янгиликлар билан танишиб боришига имкон яратилади. Шунингдек, акциядор ўзини қизиқтирган савол ёки тушунмовчиликларни ҳам ўз кабинетига кириб, ҳал қилиши мумкин бўлади;

иккинчидан, акциядорларнинг умумий йиғилишида онлайн овоз беришни жорий этиш керак. Чунки акциядорлардан олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, акциядорларнинг умумий йиғилишга қатнашиши ҳамда уларни жамият томонидан йиғиш қўшимча харажатларни талаб этади, жумладан, 500 нафар (жамият барча акциядорларининг 6 фоизи) акциядорни бир жойга йиғиш учун акциядорлик жамияти бирор-бир меҳмонхонани ижарага олишига тўғри келади, ҳозирги кун (май, 2019)да пойтахтдаги "Intercontinital" меҳмонхонасининг Амир Темур анжуманлар хонасининг ижара нархи 18 млн. сўм ва "Hayat" меҳмонхонасида эса 15-20 млн. сўм атрофида бўлади. Кўриниб турибдики, агарда жамият барча акциядорларини бир жойга йиғадиган бўлса, бу жамият харажатларининг ошиб кетишига олиб келади. Шунинг учун онлайн овоз бериш жамият учун фойдалидир. Ушбу 2-расмда, онлайн овоз бериш механизми кўрсатилган;

учинчидан, акциядорларнинг онлайн овоз беришининг 2-расмда кўрсатилган механизм асосида амалда жорий этилиши акциядорларга ва акциядорлик жамиятига ҳам фойдали бўлади. Шунингдек, ушбу онлайн овоз беришнинг яна бир қулайлиги акциядор акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиш кунини кутмасдан ҳам ўзи учун қулай бўлган вақтда овоз бериши мумкин бўлади, фақат умумий йиғилиш бўладиган кунига 2 кун қолганида овоз бериш тўхтатилади. Акциядорларнинг икки хил йўл билан овоз бериш қуйидаги кўринишда бўлади (3-расм).




**2-расм. "Ўзбеккўмир" АЖ акциядорларининг онлайн овоз бериш механизми[12].**




**3-расм. "Ўзбеккўмир" АЖ акциядорларининг электрон овоз бериш механизми[13]**

"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этишнинг икки хил усулини тақдим этдик. Ушбу электрон овоз бериш механизми акциядолар учун олдиндан овоз бериш имконияти билан бир қаторда, акциядорларга акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлаётган вақтда ҳам қатнашиш имконини беради ва бу акциядорлик жамияти ва унинг акциядорлари учун ҳам қулайликлар яратади;

тўртинчидан,"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти расмий мобил дастурий иловасини ишлаб чиқиш лозим. Чунки хар қандай корхонанинг электрон тизимда фаолият юритиши нафақат ўзига, шунингдек, мижозларга ҳам қулайликлар яратади. Интернет оламида катта мавқега эга бўлган "Google" МЧЖ мобил илова корхона фаолиятига қанчалик муҳимлигини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказди[14]. Ушбу тадқиқотда 58 фоиз мобил телефон фойдаланувчилари маҳсулот нархлари, чегирмалари ва бошқа ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини таққослаш учун Интернетдан фойдаланганини билдирган бўлса, 66 фоиздан ортиқ респодент ҳафтасига камида бир марта керакли маҳсулотларини онлайн сотиб олганини билдиришган. Шунингдек, дунёда тўртинчи ўринда турувчи маркетинг тадқиқотлари олиб борувчи "Growth from knowledge" (Gfk)[15] институтининг 2016 йилдаги тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мобил иловалар орқали харидларни амалга оширувчиларнинг 76 фоизини 30 ёшдан кичик, 47 фоизини 30-54 ёш атро-

фидаги харидорлар ташкил қилган[16]. "Flurry Analytics"[17] таҳлилий агентлигининг маълумотига кўра, мобил телефондан фойдаланувчиларнинг 90 фоизи ўз мобил телефонидаги мобил илова дастурларидан фойдаланиш учун ўз вақтини сарфлар экан[18]. "Internet World Stats"[19] статистика маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳозир (май, 2019)да дунёнинг 7.716 млрд. аҳолисининг 4.383 млрд. (56.8 фоиз)и Интернет фойдаланувчиларидир.

"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг мобиль дастурий иловани жорий этиши жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг тарқалиш ҳажмининг ошишига, шунингдек, инвестор, акциядорлар, хом ашё етказиб берувчилар ва кўплаб бошқа жамият фаолиятига қизиқувчилар учун маълумот олишни тезлаштиради, шунингдек:

1. Акциядорларга жамият фаолиятини мунтазам кузатиб бориш имконини беради.

2. Мобил илова дастури орқали жамият томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва уларнинг нархи тўғрисидаги маълумотлар ҳамда жамият фаолияти билан боғлиқ янгиликлар тез ва осон тарқалади.

3. Жамият фаолиятини яхшилаш учун бирламчи манбалардан сўровномалар ўтказишга имкон яратилади.

4. Жамият фаолиятининг ривожланиши учун тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни қисқа вақт ичида бартараф этиш мумкин бўлади.

Қуйидаги 4-расмда "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг мобил дастурий иловасининг ишлаш механизми кўрсатилган бўлиб, унда юқорида жамият фаолияти билан боғлиқ маълумот мобил илова дастурига жойлаштирилади ва фойдаланувчи жойлаштирилган хабарни олади.




**4-расм. "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти мобил дастурий иловасининг ишлаш механизми[20]**

Шунингдек, ушбу дастурдан жамиятнинг мижозлари ҳам фойдаланишлари мумкин. Жамиятнинг веб сайтига киришдан кўра, бу мобил илова тезроқ маълумотлар олиш ва ўз навбатида, жамият маҳсулотларига буюртма бериш, бўлажак инвесторларга эса жамият фаолияти билан танишиш имкониятини беради;

5. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 62-моддаси (Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборот)га ўзгартириш киритиш лозим. Жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирилмай ва акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ҳам эълон қилиниши мақсадга мувофиқдир.

*Манба ва адабиётлар*


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони // http://lex.uz/docs/3107036*

*2. Uzbekistan 2035, http://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. Манба: https://president.uz/uz/2414 , Кўрилди: 11.03.19*

*4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, http://uza.uz/oz/business/2021-yilgacha-zbekistonda-k-mir-azib-olish-azhmi-ikki-baroba-04-02-2018*

*5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон*

*6. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти, Кўмир саноати, Манзил: http://www.uzbekenergo.uz/uz/activities/coal-industry/ , Кирилди: 01.03.20218*

*7. "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти маълумотлари асосида.*

*8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ""Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4234-сонли Қарори, // http://www.lex.uz*

*9. "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг муҳим фактлари, 28.12.2018 ҳолат бўйича, //http://www.uzbekcoal.uz/analytics/muhimfaktlar28122018.pdf*

*10. "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг низоми, 2018.*

*11. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни. // http://www.lex.uz/docs/2382409*

*12. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

*13. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

*14. Google,https://storage.googleapis.com/think/docs/app-marketing-mobile-shopping.pdf*

*15. The GfK SE is Germany's largest market research institute, and the fourth largest market research organisation in the world, after Nielsen Company, Kantar Group and Ipsos. It was founded by an association of university teachers, among them Ludwig Erhard*

*16. GfK, Annual report 2016/2017 // https://www.nim.org/sites/default/files/medien/359/dokumente/gfk_verein_annual_report_eng_2017.pdf*

*17. Flurry Analytics is a free tool that most app developers use to track user data - it's so ubiquitous it can be found in 400,000 apps on 1.2 billion devices all over the world. On average, each device is running about 7-10 apps with Flurry, which means the company can collect as much as 3 terabytes of data each day.*

*18. Simon Khalaf, SVP Publishing Products,//https://flurrymobile.tumblr.com/post/127638842745/seven-years-into-the-mobile-revolution-content-is,*

*19. Internet World Stats is an International website that features up to date World Internet Users, Population Statistics, Social Media Stats and Internet Market Research Data, for over 243 individual countries and world regions*

*20. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*


## Ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш асосида "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти бошқарувини такомиллаштириш усуллари


**Анвар Гафуров,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти*



**Аннотация:** *мақолада "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти бошқарувини такомиллаштириш усулларига асосий эътибор қаратилган. Акциядорлик жамияти ва жамиятнинг акциядорлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.*



**Калит сўзлар:** *"Ўзбеккўмир", акциядорлик жамияти, жамиятнинг акциядорлари.*

# Методы развития управления акционерного общества "Узбеккомир" на основе эффективного использования информационных систем

**Анвар Гафуров,**
*докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *статья посвящена методам развития управления акционерной компанией "Ўзбеккўмир". Суть статьи ориентирована на предоставление научных предложений, которые развивают отношения между компанией и ее акционерами.*

**Ключевые слова:** *"Ўзбеккўмир", акционерное общество, акционеры компании.*

# The development methods of "Uzbekko'mir" joint-stock company's governance on basis of effective use of information technologies

**Anvar Gafurov,**
*PhD student at the Academy of Public Administration under the President of Republic of Uzbekistan*

**Abstract:***the article focuses on the development methods of "Uzbekkumir" joint-stock company's governance. The main point of the article is oriented to provide scientific proposals that develop relations between company and its shareholders.*

**Key words:** *"Uzbekkumir", joint-stock company, shareholders of the company.*

Фуқаролик жамияти / Гражданское общество / Civil Society

**Мавлюда ҒАФФОРОВА,**
*социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси докторанти*

# МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТДА КЕЧАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА ОИЛАДА ҚИЗЛАРНИНГ ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳондаги илғор мамлакатларда шаклланган демократия ва фуқаролик жамияти асосий қадриятлари - халқ ҳокимияти, фуқаролар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсатни ўз ичига олади.Сиёсий қарорларни қабул қилишда кўпчиликнинг иродасига таяниш, озчиликнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг кафолатланиши, эркин ва адолатли сайловлар тизимининг жорий этилиши, барчанинг қонун олдида тенглиги, ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби қадриятлар Ўзбекистонда халқнинг, ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, маънавияти ва маданиятининг узвий ва ажралмас қисмига айлансагина, демократик жамиятни қуриш реал воқеликка айланади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган бир пайтда, демократик тамойилларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демократик меъёрлар асосида кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич жамоат ва ўз-ўзини бошқариш ташкилотларига ўтказиш каби вазифалар умуминсоний қадриятларни ўзида ифода этган ҳолда маънавият билан туташади.

**Маънавият фақат инсонгагина хос бўлгани учун ҳам маънавият деганда, инсоннинг маъноли ва аниқ мақсадга қаратилган ҳаёти ҳамда фаолиятини тушуниш лозим. Аёл маънавияти деганда, ўз ахлоқ-одоби, юксак инсоний фазилати, соф садоқати ва оташин муҳаббати ила ҳаётни нурафшон этган инсонни тушуниш зарур. Шу маънода аёллар - маънавият тимсолидир. Аёлнинг чин муҳаббати, юксак одоб-ахлоқи, оила, ота-она, фарзанд, дўст-биродар, устоз-мураббий, халқ ва ватанга садоқати, Яратганга эътиқоди, гўзал нутқи, соғлом фикри, юксак тафаккури ва ақл-идроки, яхшилик, гўзаллик, эзгуликка йўналтирилган ҳаёти туфайли ҳам уни маънавият гулшани дейиш тўғри бўлади. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Аёлларни ҳар қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, ватанимизни эъзозлаган бўламиз[1]".**

Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида фаолият бошлаган куниёқ халқ ҳокимиятининг муҳим асоси сифатида Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилишини, аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлари талабларига риоя этилиши таъминланиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтган эди. Бу эса мамлакатда фуқаролик жамияти институтининг ўрни ва аҳамиятини янада кучайтирди. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги иштироки 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Давлат дастури" ҳамда беш устувор йўналишдан иборат 2017-2021 йиллар-

да Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аниқ ўз ифодасини топди. ННТ ва Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини янада ошириш мақсадида улар фаолиятини ривожлантириш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш вазифаси қўйилган.

Маълумки, республика аҳолисининг ярми аёллардир. Шу сабабли аёллар ННТлари фаолияти нафақат аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошишига, балки бутун жамият равнақига хизмат қилади. Ҳозирда аёллар ННТлари, шу жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг беш устувор йўналиши ҳамда Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалиётга жорий этишга қаратилган лойиҳалар устида ишлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси таҳлилларига кўра, кейинги вақтларда аёллар ННТлари фаолиятининг қуйидаги йўналишлари аниқланган:

- аёллар ва уларнинг оилалаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш-54%;
- аёллар ва аҳолининг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини ошириш-49%;
- аёллар ва улар оилалари саломатлиги, ногиронлар, спортни ривожлантириш-44%;
- фан ва таълим-14%;
- атроф муҳит муҳофазаси-6%[2];

Аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг яна бир гуруҳи сифатида оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш билан боғлиқ бўлган ташкилотларни санаб ўтиш мумкин. Бу йўналишни ўта муҳим деб санаш мантиқан тўғри бўлади. Чунки тобора тараққий этиб бораётган дунёда аёллар ва уларнинг оиласи маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом бўлишига эҳтиёж туғилди. Бу куннинг аёли илми, иқтидори, истеъдоди ва ўзгача шиддати билан дунёни яна бир карра қойил қолдирмоқда. Эндиликда, аёлнинг шижоати янада баландлаган, куч-ғайрати янада жўш ураётгандек. Негаки, истиқлол ўзбек аёлининг оналигини қадрлади, унга чексиз рағбат, катта ишонч, улкан имкониятлар берди.

Бу кун қишлоқ ва маҳалларимиз ҳаёти мисли кўрилмаган даражада ўзгарди, ҳар бир оиладаги муҳит, ҳар бир ўғил-қизнинг хатти-ҳаракати, тақдири ва келажаги маҳалла фаолларининг назоратида. Диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар маҳаллалардаги ҳар бир оила ҳаётига чуқур кириб боришмоқда, хонадонлардаги руҳий - психологик иқлимни ўрганишаяпти, оналар билан алоҳида сўзлашиб, фарзандларнинг эртанги кунига оид масалаларни ҳал этишмоқда.

**Ўзбекистонда давлат тизимининг асосий бўғини мамлакатда аёллар аҳволини янада яхшилашга йўналтирилган. Негаки, аёл - она, у халқни дунёга келтиради, унинг қаддини тиклайди, қадрини кўтаради, улуғ миллат сифатида оёққа турғизади. Демакки, миллатимизнинг шону шавкати, бахт-саодати, биринчи галда, оналарнинг маънавияти, маданияти ҳамда саломатлиги билан боғлиқ. Бугунги аёл илму салоҳияти, ўткир сўзи, қайноқ меҳри ва муҳаббати билан дунёга ҳаёт бахш этмоқда.Аммо турли ҳаёт тарзлари ва ғоялар кескин рақобатга киришган бугунги кунда дунёда юз бераётган шиддатли ахборий ўзгаришлар, ҳаётимизга кириб келаётган коммуникацион янгиланишлар таъсир қилиб, бундай мураккаб вазиятда оилаларимиздаги асрлар мобайнида сақланиб келаётган юксак инсоний анъаналаримизни ҳозирги давр анъаналари билан бойитган ҳолда бола тарбиясида қўллашимиз, улар қалбида ватанпарварлик, одамийлик, иймон-эътиқод туйғуларини уйғотиб, оила қаршисидаги масъулиятни ҳис қила билиш, оилавий ҳаётнинг мураккаб жиҳатларини англаш, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатишимиз лозим.**

Бола тарбиясида миллий қадриятларимиздан устун қонуният йўқ экани - минг йиллар мобайнида синовдан ўтган ҳақиқат. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, оилада эр(ота)нинг ва хотин(она)нинг ўз ўрни бор. Агар бу тамойилга амал қилин-

маса, яъни бири иккинчисини инкор этиб, ҳар бири ўз билганича ҳаракат қилса, бола нафақат одобсиз, дангаса, қўрс ва тошмеҳр бўлиб ўсади, балки худбин, хиёнаткор, фақат ўзи учун яшайдиган кимса бўлиб вояга етади. Болада соғлом онгни шакллантириш имконияти бой берилса, у вояга етганидан сўнг оиладаги ва жамиятдаги ҳаёт қонуниятларига зид хатти-ҳаракатлар қилади. Бундай пайтда ҳеч нарса афсуски, фойда бермайди. Ўзбекчилик, миллий ва маънавий қадриятлар, авлод-аждодлар, ўтмиш ва келажак ҳақидаги панд-насиҳатларимиз энди унга таъсир қилмайди. Шу боис ҳам, "буюк аллома Абу Али ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим, деган эди"[3].

**Миллий қадриятлар – миллат юзи, қалб шууридир. Шундай экан, миллий қадриятларимиз баробарида, мустақилликни олий қадрият даражасига кўтариш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Зеро, биз эришаётган жамики ютуқлар ана шу муқаддас неъмат шарофатидандир[4].**

Кўҳна шарқ аёли ўзининг ҳаёси, мислсиз латофати, ўткир ақл-заковати билан дунёни ҳайратга солиб келади. Бу ажиб хислатларнинг барчаси сирлилик пардасига шундай ўралганки, ғарбликлар бу сирни фош этиш мушкул эканини тушуниб, "Шарқ-нозик масала" деган хулосага келганлар. "Масала"ни нозиклаштирган омиллар бисёр. Бироқ улар ичида аёлнинг сўзи-ю, ўзи алоҳида ўрин эгаллайди. Ўтмишимизда зукко, жасур ва йўлбошчи аёллар кўп бўлган. Ўз ғайрати ва салоҳияти билан не-не эркакларни доғда қолдирган аёллар ҳақида кўп эшитганмиз. Бундай аёллар ҳар қандай шароитда ҳам одоб чегарасидан чиқишмаган, ўз ҳаёсини сақлаганлар. Бундай аёллар тарбиясини олган қизлар ҳаёли, назокатли ва садоқатли бўлиб вояга етишган. "Номус ўлимдан кучли", деган нақлга амал қилинган. Аёл эри ва унинг қариндош-уруғларига ўта хушмуомала бўлган, уларнинг юзига тик боқмаган. Шунингдек, қиз бола ҳам отаси, ҳам акалари билан мулойим, секин сўзлашган. Нафақат муомалада, балки юриш-туришда, кийинишда ҳам қизлар одоб, ҳаё чегарасидан чиқмаганлар. Ўзаро суҳбатдаги баодоблик орқали ҳар қандай куч билан ҳам эришиб бўлмайдиган инсоний мартабага - атрофдагиларнинг ҳурмат-иззатига, меҳрига, ишончига сазовор бўлиш мумкин. Суҳбатдаги дағаллик туфайли эса мисқоллаб йиғилган обрўни осонгина бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас. Шарқона лутф, шарқона ширин муомала, шарқона тавозе яқин-яқинларгача дунё аҳлининг ақлини шошириб, шарқликларга нисбатан ҳурматини ошириб келар эди. Бу борада ўзбекона муомаланинг ўрни ҳам бўлакча эди. Бугунги кунда қизларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

"Қизларни турмушга беришда қайси жиҳатларга эътибор бериш маъқул?"деган саволга респондентларнинг 28%и "севги асосида"деб жавоб қайтарган бўлсалар, 23% респондент "фақат ота-она танловига мувофиқ" деб жавоб қайтаришган, 7% респондент "совчилар танлови асосида" деб жавоб қайтаришган, 9% сўров иштирокчиси эса "ҳисоб-китобга асосланган никоҳ асосида", деб жавоб қайтаришган. 17% респондент мазкур саволнинг "қалтис"лигини инобатга олиб жавоб қайтармаган. Шунингдек, 16% респондент бошқа турли жавоб вариантларини келтириб ўтган. (1-диаграмма).

Мустақиллик йилларидан бошлаб қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, бунинг асоратларини ота-оналарга ва ёшларга тушунтириш, шаръий никоҳни қонуний равишда амалга ошириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Шарқона миллий маданият анъаналари асосида тарбияланган, оиладаги тартибни сақлашга ўрганган ўзбек аёлининг ўзига хос дунёқараши, менталитети ҳар доим уйдаги гапни кўчага олиб чиқишга йўл қўймайди. Баъзида айрим оилалар сиртдан қараганда тинч-тотув, бахтлидек кўринади, аслида эса, аёл ўз бахтсизлиги билан ўзи курашишига, муроса қилишга, ўз хатти-ҳаракати, хоҳиш-истаги билан муаммони ҳал қилиш йўлларини топишига тўғри келади. Бундай ҳолатлар ҳаммамизни таш-

вишга солиши ва ўйлантириши табиий, албатта. Бунинг учун, хотин-қизлар билан ўтказиладиган мулоқот ва суҳбатларни алоҳида, яккама-якка тарзда амалга ошириш муҳимдир. Чунки бу хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб, уларга маънавий, руҳий мадад, ҳуқуқий маслаҳат бера оладиган, мураккаб вазиятлардан чиқиш, кундалик ҳаётимизда учрайдиган бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш йўлларини топишга ўргатадиган суҳбатдош билан ошкора гаплашиш имконини беради. Оиланинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки уларни юксак маънавиятли, маърифатли ва баркамол қилиб тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини мустақил равишда топишига шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Фарзанд тарбиясида оиладаги маънавий муҳитнинг тўғри йўлга қўйилиши, ота-онанинг ибрати ва масъулияти ҳар қачонгидан муҳимдир.




**1-диаграмма. Қизларни турмушга беришда қайси жиҳатларга эътибор берган маъқул?[5]**

XXI аср ўзбек халқи тарихи ва миллий қадриятларини ўрганиш соҳасида янги зарварақларни муҳрламоқда. Бугунги кунда тарихимизнинг номаълум босқичи ва қирралари қайтадан кашф этилмоқда. Сўнгги йилларда ўзбек халқининг қадимий давлатчилик анъаналари, этник тарихи ва этногенезига бағишлаган қатор салмоқли тадқиқотлар яратилмокда[6]. Лекин, афсуски, ҳозирга қадар ўзбек халқнинг менталитети, унинг ўзига хос томонлари, миллий ютуқларимиз ва нуқсонларимиз борасидаги тадқиқотлар айтарли кўзга ташланмаяпти[7].

Тарихдан маълумки, дунёдаги ҳар бир миллатнинг, шу жумладан, ўзбекларнинг ҳам ақлий-руҳий қиёфаси, яъни миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник, табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланганi боис, унинг жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, тарихий жараёнларга бўлган муносабати ҳам турлича бўлиши шубҳасиз. Зеро, миллий ўзига хосликлар узоқ; тарихий даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий географик ўрнашув, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик карашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади.

Лекин, афсуски, бугунги кунда Ер шарида кечаётган бошқа бир муҳим жараён, глобаллашув жараёни натижасида жаҳон халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий минтелитет шаклланмоқда ва бунга бевосита жаҳон миқёсида кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ахборот борасидаги глобаллашув кучли таъсир кўрсатмоқда. Бундай глобаллашув, бир хиллашув, муайян ижобий натижалар беришига қарамасдан, кўплаб салбий оқибатларга ҳам олиб келмокда. Бу Шарқнинг гавҳари бўлган ўзбек халқининг миллий минталитетига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатмокда. Натижада, глобаллашув ўзбекларнинг миллий менталитетига хос кўплаб қадриятлар,

маросим ва удумларнинг унутилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, бугунги кунда, халқимизнинг миллий менталитетини ўзида акс этгирувчи қадимий урф-одатлар, маросимларни сақлаб қолиш учун халқимиз миллий менталитига оид энг қадимий урф-одат ва маросимларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш ҳаётий зарурият бўлиб қолмоқда.

Бутун жаҳон бўйича улкан глобаллашув жараёнлари кечаётган бир вақтда ўзбек миллий менталитетини тадқиқ қилиш унинг нечоғлик умуминсоний қадриятларга мослигини кузатиш имконини беради. Шунингдек, халқимизнинг қадимий анъаналари, азалий урф-одат ҳамда маросимларига эга бўлиши билан биргаликда, ўзига хос ва ўзига мос миллий менталитетга эга халқ эканлигидан далолат беради.




**2-диаграмма. Сизнингча, оилавий муносабатларда аёл етакчи бўлиши мумкинми?[8]**

**Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи масаласига доир "Сизнингча, оилавий муносабатларда аёл етакчи бўлиши мумкинми?" деган навбатдаги саволга респондентларнинг жавоблари қуйидагича бўлди. Унга кўра, 26% респондент "ҳозирги кунда эр-хотин тенглик асосида оилавий муносабатларда етакчи бўлишлари меъёрий ҳолат" деб жавоб қайтаришган бўлса, 32% сўров иштирокчилари "авваллари ҳеч қачон аёллар оилавий муносабатларда етакчи эмасдилар, ҳозирги кунда бу меъёрий ҳолатга айланмоқда", деб жавоб қайтарганлар; 17% респондент "аёлларнинг оилавий муносабатларда етакчиликни қўлга олишлари оила инқирозига олиб келади", деб жавоб қайтаришган; 18% респондент "оилавий муносабатлар миллий қадрият ва анъаналарга асосланиш керак", деган жавоб вариантини танлашган; 17%респондент "мазкур саволга жавоб беришга қийналишини" айтиб ўтган.**

Ғарбдаги ахлоқсизликлар, маънавий таназзул борасида кўп гапирилди, ёзилди. Лекин, инсоф билан айтганда, бугун муомала маданиятини биз ғарбликлардан ўрганишимиз кераккa ўхшаб қолди. Билсангиз керак, Ғарбнинг аксарият ривожланган мамлакатларида кўчада хўмрайиб, қовоқ солиб ёки норози қиёфада юриш атрофдагиларга ҳурматсизлик саналади. Инглиз, немис, француз, испан, итальян каби миллат вакиллари оддий мулоқотдан олдин, албатта, узр сўрайдилар ва суҳбат охирида миннатдорчилик билдиришни унутмайдилар. Ўзаро суҳбат давомида сизни майин табассум билан сийлаб турадилар. Бу "навбатчи" табассумнинг фойдаси катта - очиқюзли одам ҳамиша ҳаммада яхши таассурот қолдиради. Шунингдек, бу маънавиятлилик, маданиятлилик ва одамийлик белгиси ҳамдир. Ғарбга эргашиш, тақлид қилиш туфайли чиройли урф-одатларимизнинг айримлари унутилди. Қиз боланинг кўча-кўйда очиқ-сочиқ кийиниши, уйда эса отаси, акалари билан гап талашиши, улар олдида ўзини номақбул тутиши каби ҳолатлар табиий бўлиб кўринади энди. Бундай қизлар оила бекаси бўлгач, турмуш ўртоқ-

лари билан қўпол муомалада бўлиб, шу тариқа оилада униб-ўсаётган қизлар тарбияси издан чиқмоқда. Бу эса кўплаб салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Масалан, қадимдан ҳаё ва ибода донг таратган момоларимиз издошлари бўлган бугунги ёш қизларни кўча-кўйда қўлида сигарет, ярим яланғоч кўриб, беихтиёр алланечук бўлиб кетади киши. Ахир, келажагимиз пойдевори, бизга иқтидорли ёшларимизни тарбиялайдиган ҳам шу аёлларимиз-ку! "Одоб масаласида тузи кам бўлгандан тузи кўп бўлган маъқул", деган эди испан ёзувчиси Мигел Сервантес[9].

**Қизлар маънавияти қанчалик бой бўлса, хулқи ҳам шунчалик гўзал ҳисобланишини унутмасликлари шарт. Киши маънавияти заиф ва қашшоқ бўлса, унда ёлғон хулқлар етарли бўлади. Қизларимиз маънавиятнинг моҳиятини тушуниб олиш жараёнида яхши ва ёмон хулқларнинг фарқи, улар орасидаги диалектик курашни билиб олишлари муҳим. Хулқ деб, инсоннинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши ва муомаласи орқали намоён бўладиган хусусиятларга айтилади. Қизлар буни билишлари ва юксак маънавият соҳибаси бўлиши, ширинсўз, меҳрибон, покиза, оқибатли, ғийбатлардан йироқ бўлишлари лозим. Қаноатли, сабр-тоқатли бўлишлари муҳим. Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти-бу буюк уммонки, ҳар қандай авлод ундан куч-қудрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканлигини намоён қилади, деган ибратли сўзлар замирида бугунги ёш авлод маънавияти назарда тутилган дейиш ўринли бўлади. Қизларимизни бегона ғоялар, зарарли оқимлар ва одам савдоси муаммоларидан сақлаш - ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи.**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ёшлар, айниқса, қизларнинг кийиниши, ўзини тутиши, муомала маданиятини янада ошириш мақсадида республиканинг барча олий ўқув юртларида талаба йигит-қизлар иштирокида учрашув-мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Режа асосида ўтказилаётган ушбу тадбирнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бунда мавзу бўйича асосий ташаббускор ёшларнинг ўзидир. Яъни бу тадбирларда "ёшлар бугун миллий қадриятларимизга ёт бўлган "оммавий маданият" унсурларига хос ёки очиқ-сочиқ, ахлоқий меъёрларни менсимасдан кийинаётган тенгдошлари ҳақида қандай фикрлайдилар?", "Уларнинг бу борадаги қарашлари қандай?" деган саволларга жавоб топиши мумкин.Хотин-қизлар қўмитасининг бу борадаги вазифаси ҳаммани бир хил қолипга солувчи ғояни бериш ёки ниманидир тақиқлаш эмас, балки фикри теран, миллатини яхши кўрувчи, Ватанини севучи соф йигит-қизлардаги эзгу ва маърифий ғоялар, кучли иммунитетни ёшлар ўртасида янада оммалаштиришга кўмаклашишдир. Ўзбек халқининг тарихан шаклланган яхши фазилатлари талайгина. Шулардан бири - хушмуомалалик ва саришталикдир. Биз ҳар доим юксак фазилат эгаси бўлишга ҳаракат қилиб келамиз. Хушмуомалалик оилавий мулоқот ва муносабатларнинг асосини ташкил этади. Ҳеч қандай ижтимоий муҳитда мулоқотнинг қиммати, қадри оила ҳаётидагидек ўзини тўла намоён қилмайди. Мулоқот-маънавий-маданий бойлик. Лекин у муҳитга, шароитга, бошқа кишининг руҳий ҳолати, кайфияти ва эҳтиёжларига қараб ўзгариб туради. Ҳамма билан бир тартибда, бир усулда мулоқот қиладиган киши учрамайди. Оилада ота-она, яъни эр ва хотин ёки бобо ва бувининг дастурхон атрофидаги панд-насиҳати, ўгитлари, асосан, оилавий қадриятларни асраб қолишда, замонавий намунали оилалар моделини яратишда ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Оилада меҳнат ижод даражасига кўтарилса, меҳр-оқибат устувор бўлса, катта катта ўрнида, кичик ўз ўрнини билса, аёл бу аёл, эркак эса эркак сифатида мавқеини сақласа, албатта, у ерда ижтимоий-маънавий муҳит соғлом бўлиши табиий.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш со-

ҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"[10]ги ПФ-5325-сонли Фармони ҳамда ушбу Фармоннинг ижроси юзасидан қабул қилинган қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Фармоннинг ҳар бир йўналишига эътибор қаратадиган бўлсак, барчасида хотин-қизлар манфаатини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, оила институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган ва уни амалга ошириш хотин-қизлар зиммасига янада улкан масъулият юклайди.

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президентимизнинг "Оила кичик Ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, Ватан тинч бўлади[11]" деган сўзларида чуқур фалсафа бор. Оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид қатор ишлар баробарида бўлажак ота-оналарга, ёш ота-оналаримизга, фарзанд камол топаётган оилаларга маънавий камолат ва баркамоллик сабоқларини сингдириб бориш бош масала бўлмоғи лозим. Маънавий комиллик бўлган хонадон тинч, фарзандлари эса бахтиёр бўлади, барчамизнинг асосий мақсадимиз ҳам айнан шунга эришишдир. Оилаларнинг тинчлиги, албатта, оиладаги маънавий муҳит барқарорлигига боғлиқ. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон ва соғлом бўлсагина, жамият барқарор ривожланади. Унинг мустаҳкамлиги оиладаги тинчлик-хотиржамлик, бир-бирига бўлган самимий муносабатлар, оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ.**

Зотан, хулқ-одоб инсоннинг маънавий қиёфасини ифода этади. Айнан шу оилада инсонларга хос маънавий-ахлоқий қадриятлар: ўзаро ҳурмат-иззат, ишонч, эътиқод, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат туйғулари яққол намоён бўлади, деган пурҳикмат шиорни фақат муҳташам иморатларимиз пештоқларига эмас, ҳар биримизнинг меҳр-муҳаббат тўла қалбимизга нурли ҳарфларда ёзиш кераклигини, фақат ёзиш эмас, бу шиорнинг ҳаётийлик касб этиши учун ҳар биримиз меҳнат жабҳасининг олдинги сафларида бўлишимиз лозимлигини ҳис этишимиз лозим.

### *Манба ва адабиётлар*


*1. Ўзбекистонда аёллар ташкилоти -Т.: -2018 . UNDP-Б.1*

*2. Ўзбекистонда аёллар ташкилоти -Т.: -2018 . UNDP-Б.3*

*3. Ташмуҳаммедова Д. "Фарзанд тарбиясида отанинг масъулияти, вазифаси ва мажбурияти: муаммо ва ечим" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент: ЎзПФИТИ нашриёти, 2018.3-6-бетлар*

*4. Тожиев К. Миллий қадриятлар - юксалиш омили http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/8167-millij-adriyatlar-yuksalish-omili*

*5. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг 2018 йилдаги тадқиқотларида берилган.*

*6. Ўзбек халқининг қадимий давлатчилик ва этник тарихига бағишлаган адабиётлар тўғрисида қаранг: Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Т., 2000; Э.В.Ртвеладзе ва бошқалар. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Т., 2001; Ўзбек давлатчилиги тарихидан очерклар. - Т.,2001; К.Шониёзов Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Т., 2001.;А.А.Асқаров. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // Ўзбекистон тарихи 2002. №4. 54-60-бетлар.*

*7. Бекмуродов М.Б., Бегматов А.Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. -Т., 2003. Бекмуродов М.Б. Ўзбек менталитети хусусиятлари // Ижтимоий фикр. 1998. №1.49-53-бетлар. Ўша муаллиф. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун // Тафаккур, 2002. №2. 10-15-бетлар.*

*8. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг 2018 йилги тадқиқотлари асосида тайёрланди.*

*9. www.fikr.uz/blog/marifat_gulshani/4269.html*

*10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институ-*

*тини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармони http://lex.uz/docs/3546742*

*11. http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-oila-kichik-vatan*

**Миллий менталитетда кечаётган ўзгаришлар жараёнида оилада қизларнинг тарбияси масалалари**

**Мавлюда Ғаффорова,**
*социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти*

**Аннотация:** *мазкур мақолада муаллиф томонидан ижтимоий ҳаётнинг муҳим вазифаларини ёритишга ҳаракат қилинган. Жумладан, ўзбек менталитети, оилада қиз фарзанд тарбияси, замонавий қадриятлардаги ўзгаришлар, жамоатчилик фикри орқали очиб берилган*

**Калит сўзлар:** *маънавий қадриятлар, тарбия, оила ва аёл, хотин-қизларнинг мавқеи, ижтимоий фаоллик.*

**Воспитание девочек в семье в процессе происходящих изменений в национальном менталитете**

**Мавлюда Гаффорова,**
*доктор философии (PhD) по социологическим наукам, докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в этой статье автор попытался осветить важные задачи общественной жизни. В частности, узбекский менталитет, воспитание девушек в семье, изменения современных ценностей и общественного мнения*

**Ключевые слова:** *нравственные ценности, воспитание, семья и женщины, статус женщины, социальная активность.*

**Educating girls in the family in the process of changes taking place in the national mentality**

**Mavlyuda Gaffarova,**
*PhD (Sociological Sciences), Administration under the President of Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *in this article, the author highlighted the important tasks of public life. In particular, the Uzbek mentality, the education of girls in the family, changes in contemporary values and public opinion.*

**Keywords:** *moral values, education, family and women, status of women, social activity.*

**Санжар САИДОВ,**
*сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси*

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТИЗИМИДА СЕКТОРЛАРАРО ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ФЕНОМЕНИ

Бугунги куннинг ижтимоий инновацияларидан бири бу - секторлараро ижтимоий шерикликдир. Мазкур институционал концепциянинг афзаллик томони шундаки, у давлат, жамият ва бизнес институтларининг конструктив ва ўзаро манфаат асосида ҳамкорликка киришишига ёрдам беради. Ижтимоий шериклик ўзига хос синергетик эффект бўлиб, томонларнинг ҳар бирига манфаат келтириш асносида бутун жамият тараққиётига хизмат қилади. Секторлараро ижтимоий шериклик модели ва унинг механизмлари, айниқса, Европа ва АҚШ мамлакатларида фаол тарзда ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

**Тадқиқотчи А.Н.Михеевнинг таъкидлашича, "секторлараро шериклик, энг аввало, шерикларнинг мақсадлари, масштаби, мураккаблиги, ҳаракат даражаси (локал ёки глобал), кўлами ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради". Уларнинг ҳаракатлари турли-туман масалаларнинг ечимига қаратилган бўлиб, асосан, жамиятнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади. Секторлараро ижтимоий шериклик кун тартибини белгилаш ва қабул қилинган қарорларни ҳаётда таъминлашга ҳам қаратилади. Улар маҳаллий, миллий ва глобал даражада мавжуд бўлса-да, айрим шериклик, ўз навбатида, бир нечта даражани ҳам қамраб олиши мумкин. Пировардида эса, "секторлараро шериклик ўзига турли хил манфаатдор томонларни жамлайди ва уларга янгидан янги имкониятларни очиб беришга ёрдам беради"[1].**

"Секторлараро ижтимоий шериклик" категориясини инсониятнинг барқарор тараққиётга эришиш мақсади учун шериклар ўртасидаги алоҳида муносабат шакли сифатида эътироф этишимиз мумкин. Бугунги кунда секторлараро ижтимоий шериклик масаласи нафақат файласуф, социолог, сиёсатшунос ва бошқа олимларнинг, балки амалиётда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари билан шуғулланувчи турли даражадаги давлат органларининг ҳам диққат-эътиборидадир. Сўнгги йилларда жамиятда ижтимоий шерикликка эътиборнинг ортиши гносеологик ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор омилларга боғлиқ дейишимиз мумкин.

Манфаатларнинг яқинлашуви асосида шаклланган секторлараро ижтимоий шериклик ёки унинг бошқача формаси бўлган давлат, бизнес ва фуқаролик жамияти ўртасидаги структуравий ҳамкорлик, энг аввало, жамиятда умумий фаровонликка эришиш мақсадини кўзлаган синергетик эффектга қаратилган бўлади.

Шериклик турли даража ва шаклларни қамраб олади, аммо бунда иштирокчилар мустақил равишда ҳаракат қилишдан кўра, бошқа соҳалар (секторлар) билан стратегик ҳамкорлик орқали ўз мақсадларига янада самарали равишда эришишлари мумкин. Бу жараёнда эса ресурсларни бирлаштириш, хавфларни аниқлаш, фойдани тақсимлаш асосида ягона организмга айлантириш орқали устуворликка эришилади. Секторлараро ижтимоий шерикчиликнинг тараққий этиши ўз тарихига эга бўлиб, у нафақат ривожланган давлатларда, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам жадаллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Дарҳақиқат, шериклик бугунги кунда турли хил терминологик ривожланишга эга бўлса-да, давлат, жамият ва бизнес ре-

сурсларини ягона тамойиллар асосида бирлаштирадиган бошқарувнинг янги модели сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, шиддат билан ўзгариб бораётган шароитларда давлат органлари томонидан тўғри ва оптимал қарорлар қабул қилиш анъанавий бошқарув моделларида муаммо ва дифицитнинг юзага келиши асносида жамиятда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти янада ошиб бораверади.

Ижтимоий шерикликнинг "энг яхши амалиёт"га асосланган тамойилларини яратиш ҳаракатларига қарамасдан, илмий манбалар ва сиёсий таҳлилга асосланиб, шуни таъкидлаш лозимки, секторлараро шериклик - бу маълум маънодаги қарама-қаршиликка эга ва шу билан бирга, умумий фаровонликни кўзловчи ижтимоий ҳодисадир[2].

Фикримизнинг яққол намунаси сифатида эътироф этамизки, 1999 йилдаги Жаҳон иқтисодий форумида БМТ Бош котиби Кофи Аннан бизнес тармоқларини секторлараро ижтимоий шерикликда фаол иштирок этишга чақирди ҳамда 2002 йилда Йоханнесбургда Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммитида ҳукумат, жамоат ташкилотлари ва бизнес ўртасидаги деярли 300 дан ортиқ шериклик алоқалари ҳақида эълон қилинди. 2010 йилга келиб, секторлараро шерикликни ривожлантиришга қаратилган бир нечта ташкилот ва лойиҳалар вужудга келдики, улар жумласига Европа Иттифоқида "LIDER+" дастури, Африка мамлакатларида БМТнинг тараққиёт дастури (UNDP) ва БМТнинг капитал ривожланиш фонди (UNCDF) каби лойиҳа ва дастурларни эътироф этишимиз мумкин.

Бугунги кунда, шерикликнинг самарадорлигини аниқлаш учун маълум даражадаги тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, мазкур изланишлар асосида секторлараро ижтимоий шерикликнинг ривожи бўйича бир қанча тамойиллар ишлаб чиқилган. Ушбу тамойиллар қуйидаги талабларга асосланади: 1) ижтимоий шерикликни эътироф этиш ва қабул қилиш; 2) аниқ ва амалга оширилиши мумкин бўлган мақсадларни ишлаб чиқиш; 3) мажбуриятлар ва эгаликни таъминлаш; 4) ишончни қозониш ва мустаҳкамлаш; 5) шерикликнинг аниқ ва мустаҳкам механизмларини яратиш; ва 6) мониторинг, баҳолаш ва ўқитиш[3]. Юқорида қайд этилган дастлабки учта принципдаги асосий хусусият шундаки, ижтимоий шерикликнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса эканлигини ҳамда барча секторлар учун зарурий аҳамият касб этишини англашимиз мумкин.

Секторлараро ижтимоий шериклик бугунги кунда мамлакат ҳаётидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш, фуқаролик жамияти ривожига муҳим ҳисса қўшиш ва жамиятда ижтимоий капитални шакллантиришда ўзига хос юксак салоҳиятга эга модель сифатида илгари сурилмоқда.

**Давлат секторининг жамоат ташкилотлари билан шериклик ўрнатиши давлат тизимининг легитимлигини оширишига ёрдам берувчи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Жамоат ташкилотлари учун эса мазкур шериклик ташкилий ривожланиш, қўшимча ресурсларга эга бўлиш, лоббизм маҳоратининг шаклланиши, ННТнинг жамиятда тан олиниши ва статусининг мустаҳкамланиши билан изоҳланади. Мазкур шериклик бизнес сектори учун ўз брендининг обрўсини яхшилаш, маҳаллий бозорларда унга бўлган ижобий муносабатнинг шаклланиши, рискларни бошқариш имкониятини кенгайтириш, янги кадрларни жалб қилиш, ушлаб туриш ва мотивациясини оширишга ёрдам берган ҳолда бизнеснинг гуманизациясига асос бўлиб хизмат қилади[4].**

Ўзининг специфик ресурсларига эга бўлган мазкур томонлар алоҳида-алоҳида ҳолатда жамият ҳаётининг барча қисмини қамраб ололмайди, ўз имкониятларини бирлаштирган шароитда эса тараққиётга самарали таъсир этишлари мумкин. Секторлараро ижтимоий шериклик доирасидаги турли институтлар, хоҳланг бу: тадбиркорларнинг васийлик ёки жамоатчилик кенгашлари, жамоатчилик эшитувлари, инсон ҳуқуқлари институтлари, ёшлар парламентлари, бизнес ассоциациялар ва турли бошқа турдаги уч томонлама шерикликнинг субъекти ҳисобланган тизилмалар бўлсин, охир-оқибат фуқаролик жамияти

ривожланиши учун шарт-шароит яратиб беради.

Секторлараро ижтимоий шериклик концепциясининг генезисига эътибор қаратадиган бўлсак, муҳим омиллардан бири бу - мазкур ижтимоий ҳодисанинг миллий фанимиз учун нисбатан янги йўналиш сифатида эътироф этишимиз мумкин. Масалан, собиқ Совет Иттифоқи даврида ҳар қандай ижтимоий шериклик категорияси илмий тадқиқот предмети бўла олмаган, чунки у синфийлик назариясининг асосий қоидалари ва расмий мафкуравий йўналишига зид дея қаралар эди. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик фақатгина капиталистик ижтимоий муносабатларга хос бўлган ҳодиса сифатида талқин этиб келинган. Бугунги кунга келиб эса, ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини секторлараро ижтимоий шерикликсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда ижтимоий шериклик институтининг яратилиши, ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ҳамда қонунчилик асослари мустаҳкамланди. Шунингдек, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда. Ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда парламент ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ННТ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, шакллари ҳамда мезонлари шакллантирилмоқда. Айни пайтда, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқтартибот органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро алоқалари механизми, ушбу жабҳадаги халқаро тажрибага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантиришда секторлар вакиллари фақатгина мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар, ҳуқуқий нормалардан хабардор бўлиши эмас, балки ижтимоий фаровонликка, юрт равнақига, аҳоли турмуш даражасининг янада ошишига ҳисса қўшувчи фаолиятда иштирок этиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий шериклик давлат органлари раҳбарларини жамоат ташкилотлари билан дўстона муносабатлар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш ва уни доимо мустаҳкамлаб боришга хизмат қилади.

Шу асосда, 2014 йилнинг 25 сентябрида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди ва у 2015 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди.

**Хусусан, Қонунда ижтимоий шерикликка қуйидагича таъриф берилади: "Ижтимоий шериклик - давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир"[5].**

"Бугун ижтимоий шериклик институти ривожланиб бораётгани туфайли ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонун лойиҳаларини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид муҳим дастурларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда, ушбу дастурларнинг амалга оширилишига бевосита ҳисса қўшаяпти, уларнинг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда, давлат ва жамият ўртасида асосий ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда"[6], дея таъкидлайди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Г.Ҳотамова.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунда фаоллик, ташаббускорлик, ижтимоий масъулият ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда давлат ва жамиятнинг мустаҳкам ҳамкорлиги механизмларини яратиш мақсад қилиб қўйилган[7].

Ушбу Қонун қабул қилингунгача давлат ва ННТ ўртасидаги муносабатлар миллий қонунчилигимиздаги 30 дан ортиқ қонун ҳамда 100 дан зиёд бошқа норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларда қамраб олинган эди. Қолаверса, ҳокимият ва ННТ алоқаларининг шакллари, тамойиллари, механизмларининг изчил тизими, турли қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топган ҳар икки томоннинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини назарда тутувчи яхлит кодификацияланган ҳуқуқий ҳужжат йўқ эди[8].

Қонуннинг 2-боби ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Унда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сифатида:

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш кабилар белгиланиб, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари кўрсатилган.

Германиянинг Ф.Эберт фонди эксперти, сиёсатшунос ҳамда публицист Серж Эмбахернинг таъкидлашича: "Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнининг ўзи давлат ва жамият ўзаро ҳамкорликдан нақадар манфаатдор эканлигини кўрсатди. Бугун мазкур қонун самарали ишламоқда. Фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари билан конструктив муносабатга киришар экан, жамият ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни шакллантиради, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини илгари суради, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлайди. Ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий, социал ҳамда гуманитар ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда аҳоли фаоллигини оширади, инсонлар фаровонлиги ва турмуш ободлигини, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади"[9], дея таъриф беради.

Қонунга мувофиқ ижтимоий шерикликнинг субъектлари сифатида, бир томондан, давлат органлари, иккинчи томондан эса нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этадилар. Дунё тажрибасини инобатга олиб, бу тизимни "трипартизм" асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ижтимоий шерикликнинг амалдаги "давлат + фуқаролик жамияти институтлари" механизмини "давлат + фуқаролик жамияти институтлари + тадбиркорлик субъектлари" механизмига ўзгартириш лойиҳаси киритилган[10].

Бу эса, энг аввало, ижтимоий шерикликни амалга оширишда иштирок этадиган субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга, республика давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назорати механизмларини кучайтиришга ва охир-оқибат, том маънодаги фуқаролик жамияти ривожига ижобий таъсир этади.

Умуман олиб қараганда, давлат томонидан ижтимоий шерикликни ривожлантириш сиёсати қуйидагилар билан изоҳланади:

- ижтимоий шерикликни мувофиқлаштирувчи қонунчилик базасининг шаклланишига замин яратади;
- ижтимоий соҳада қарорлар қабул қилишда нодавлат сектори вакилларининг бевосита иштирок этишини таъминлайди;
- ижтимоий шерикликнинг янги қирралари, метод ва воситалари ишлаб чиқилади;
- ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг ахборот маконини вужудга келтириш, яъни аҳолининг ахборотга бўлган талаби, эҳтиёжи қондирилади;

- ижтимоий соҳадаги муаммолар ҳал қилинишида ижтимоий шериклик борасидаги жамоатчилик фикри шакллантирилади;

- нодавлат субъектларининг давлат бюджетидан молиявий қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий соҳадаги сиёсати "ижтимоий дастурлар" сифатида амалга оширилади. Дастурлар ижросини таъминлашда ННТлар фаол тарзда жалб қилинади;

- ҳудудий дастурларни амалга оширишда, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлашда ННТлар салоҳияти, тажрибасидан фойдаланилади. Яъни давлат дастуридаги ижтимоий хизматлар ННТлар орқали аҳолининг муҳтож қатламига етказилади;

- давлат дастурларининг амалга оширилишида учта секторнинг масъулиятини бир хил тарзда ортиши таъминланади;

- давлат дастурларини амалга оширищда барча иштирокчиларга солиқ имтиёзлари ва ҳуқуқий кафолатлар тақдим этилади;

- ижтимоий шериклик тамойиллари, механизмлари қонуний, бир вақтнинг ўзида очиқ ва шаффоф бўлишини тақозо қилади.

Юқоридаги принципларнинг инобатга олиниши, ўз навбатида, жамиятда қуйидаги ижобий эффектларга асос бўлади:

- секторлараро муносабатларда ўзаро ишончнинг ортиши;

- ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишларининг кашф этилиши;

- ижтимоий хизматлар соҳасида янги иш ўринларининг вужудга келиши;

- меҳнат бозори сигментининг ошиши;

- меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасида мувозанат, мувофиқлашувнинг вужудга келиши;

- нодавлат секторида фуқаролар фаоллигининг кучайиши;

- жамиятнинг ҳар томонлама барқарор ривожланиши ва бошқалар.

Демак, ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантириш объектив зарурий ҳолат бўлиб, унинг меҳнат муносабатлари, ижтимоий хизматлар соҳасида мавжудлиги кутилган ижобий натижаларни беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ижтимоий шериклик асосларини таҳлил қилар эканмиз, айрим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деган хулосалар пайдо бўлади. Масалан, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий шериклик феномени ўз иштирокчиларидан, энг аввало, профессионализмни талаб этади ва шу билан бирга, зиммасига юклатилган вазифаларни тўлатўкис бажарищда масъулиятни ҳис қилишлари лозим бўлади. Ижтимоий шериклик самарасини аниқлаш учун тизимли мониторинг олиб борилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Кўзланган асосий мақсад ижтимоий шерикликнинг ривожланиш даражаси, мавжуд муаммолар, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга имкон беради. Бироқ бугунги кунгача ижтимоий шерикликни мониторинг қилиш мезонлари аниқ ва равшан шаклантирилмаган. Бу борада олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар кетмоқда.

Аксарият ҳолларда ННТларнинг ижтимоий шерикликда фаол иштирок этмаслиги сабабларидан бири улар фаолиятининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва мувофиқлаштирилмагани ҳисобланади. ННТларнинг институционаллашуви масаласида ҳам сусткашлик рўй бермоқда. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор, албатта.

**"Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, - аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти"[11].**

Бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, секторлараро ижтимоий шерикликни қай даражада муваффақиятли йўлга қўйиш давлат ва жамият тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин. Шу билан бир-

га, ижтимоий шериклик тамойиллари фуқаролик жамиятини шакллантираётган ва бозор иқтисодиётини ривожлантираётган Ўзбекистон учун ҳам стратегик аҳамият касб этади. Мамлакатимизда том маънодаги ижтимоий шериклик тамойилларини мустаҳкамлаш жамият ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасида ижтимоий келишувни таъминлаш, ўзаро ижтимоий ҳамжиҳатликка, миллатлараро тотувликка, давлат бошқаруви органларининг бизнес тизилмалар ва жамоат ташкилотлари билан бўладиган мулоқотларни мўътадиллаштиришга хизмат қилади. Ижтимоий бирдамликни ва ижтимоий шерикликни таъминлаш - аҳолининг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳлари ўртасидаги зиддият ва тенгсизликларни бартараф қилишга, пировардида эса, жамиятимизда ижтимоий капиталнинг ривожланишига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш ўринлики, секторлараро ижтимоий шериклик серқирра ва кўп тармоқли феномен ҳисобланиб, у жамиятнинг барча институционал компонентларининг синхрон ҳаракати асосида ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин. Масалан, секторлараро ижтимоий шериклик тизимида давлат институти алоҳида ўринга эга. Жамиятда нодавлат сектори ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришга ёрдам берадиган янги инновацион ғоялар ва технологияларни ҳаётимизга татбиқ қилишга асосланган қонунларни қабул қилиш унинг зиммасидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Давлатнинг мажбуриятларидан яна бири - бу мамлакатда ижтимоий соҳанинг ривожланишига ёрдам берувчи мақсадли дастурларни шакллантиришдир. Лекин давлат тизимларида ўрнатилган қаттиқ бюрократик аппарат мазкур жараённинг самарали бўлишига ҳар доим ҳам имконият беравермайди.

Бизнес секторнинг асосий вазифаси, энг аввало, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш асосида жамиятнинг турли секторларида фаолият олиб бораётган фуқароларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳамда секторлар ўрасидаги товар ва хизматлар айланмасини таъминлаш ва ошириб боришдан иборат. Шунингдек, бизнес сектор жамиятда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш жараёнларида маълум даражада иштирок этади. Бу жараён тадбиркорлик фаолиятини юргизувчи ассоциациялар ва алоҳида бизнесменлар томонидан турли хил хайрия ёрдамлари ва ҳомийликлар шаклида олиб борилади.

**Нотижорат бирлашмалар жамият ижтимоий шериклик тизимида учинчи секторни ташкил этиб, мазкур сектор ўзида, биргаликда турли хил ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида уюшган фуқароларни бирлаштиради. Бундан ташқари, нотижорат ташкилотлари умумий муаммоларнинг ечими борасида ўзининг ғоялари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Нотижорат характердаги ташкилот ва ассоциацияларнинг муҳим вазифаларидан яна бири, бу - давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳисобланади. Мазкур функцияни амалга оширишда эса ННТлар фаолиятига кўнгиллилар жалб этилади.**

Шу билан бирга, сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, халқ билан мулоқотнинг йўлга қўйилиши, фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият бошқарувига инновацион ғоялар ва технологияларни жалб қилиш мамлакатимизни сиёсий модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида учта секторнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишга замин яратмоқда. Бунда давлат, тадбиркорлик ва нодавлат секторларнинг юрт келажаги ва жамият фаровонлиги йўлидаги ўзаро шериклиги - келажак тараққиётимизни белгиловчи бош омиллардан бири бўлиб қолаверади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Михеев А.Н. Многосторонние партнерства: определение, принципы, типология, процесс осуществления // Информационное общество. 2005. № 3. - С.18-25.*

*2. Плотников А.И. Межсекторное партнерство как социальная инновация для муниципальной власти России // Современные научные исследования и инновации. 2011. №1. [Электрон манба] URL: http://web.snauka.ru/issues/2011/05/404.*

3. Ўша жойда.

4. Jorgensen M. Evaluating cross-sectoral partnerships; Working paper presented at the conference "Public-private partnerships in the post WSSD context"; Copenhangen Business School; 2006. - P.17-20.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуни, 3-модда. - Т., 2014.

6. Ижтимоий шериклик - фаолият мезони.//"Халқ сўзи". 2015 й. 3 ноябрь.

7. Нодавлат ташкилотларини самарали ривожлантириш. Услубий қўлланма. - Т:. 2015. - Б.203.

8. Махсумов С. "Аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуидаги халқаро конференция материаллари. www.UzA.uz - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. 2015 й. 2 ноябрь.

9. Эмбахер С. Ижтимоий шериклик - фаолият мезони. "Аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида халқаро конференция // "Халқ сўзи" 2015 й. 2 ноябрь.

10. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури - www.lex.uz

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: URL:http://prezident.uz/uz/lists/view/1371.

## Фуқаролик жамияти тизимида секторлараро ижтимоий шериклик феномени

**Санжар Саидов,**
*сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),*
*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *мазкур илмий мақолада бугунги куннинг ижтимоий-сиёсий инновацияларидан ҳисобланган - секторлараро ижтимоий шериклик концепцияси тадқиқ этилган. Секторлараро ижтимоий шериклик категориясини инсониятнинг барқарор тараққиётга эришиш мақсади учун шериклар ўртасидаги алоҳида муносабат шакли сифатида эътироф этишимиз мумкин. Ҳозирда секторлараро шериклик, энг аввало, шерикларнинг мақсадлари, маштаби, мураккаблиги, ҳаракат даражаси (локал ёки глобал), кўлами ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Мақолада секторлараро шериклик - бу маълум маънодаги қарама-қаршиликка эга, шу билан бирга, умумий фаровонликни кўзловчи ижтимоий ҳодиса эканлиги таъкидланади.*

**Калит сўзлар:** *секторлараро ижтимоий шериклик, барқарор тараққиёт, давлат сектори, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти, ижтимоий капитал.*

## Феномен межсекторального социального партнерства в системе гражданского общества

**Санжар Саидов,**
*доктор философии (PhD) по политическим наукам,*
*старший преподаватель Узбекского государственного университета мировых языков*

**Аннотация:** *в статье исследована концепция межсекторального социального партнерства, которая считается современной социально-политической инновацией. Категорию межсекторальное социальное партнерство можно охарактеризовать как форму особых отношений между партнерами, объединенными единой целью достижения стабильного прогресса человечества. В настоящее время межсекторальное партнерство выделяется, прежде всего, целями партнеров, своими масштабами, степенью движения (локальные или глобальные), охватом и разнообразием. В статье особо отмечается, что межсекто-*

*ральное партнерство - это социальное явление, имеющее определенную степень противоречия и вместе с тем преследующее всеобщее благосостояние.*

**Ключевые слова:** *межсекторальное социальное партнерство, устойчивое развитие, государственный сектор, общественные организации, гражданское общество, социальный капитал.*

## The phenomenon of intersectoral social partnership in the system of civil society

**Sanjar Saidov,**
*PhD (Political sciences),*
*Senior teacrer in Uzbekistan State University of world languages*

**Abstract:** *The article discusses the concept of intersectoral social partnership, which is considered as a modern socio-political innovation. The category of intersectoral social partnership can be characterized as a form of special relations between partners united by the common goal of achieving stable progress of humankind. First of all intersectoral partnership is distinguished by the goals of the partners, their scale, degree of movement (local or global), scope and diversity. The article emphasizes that intersectoral partnership is a social phenomenon that has a certain degree of contradiction and at the same time pursues universal welfare.*

**Key words:** *intersectoral social partnership, sustainable development, government sector, public organizations, civil society, social capital.*

**Гулистон МАШАРИПОВА,**
*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси*

# ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш шароитида жамият аъзолари, хусусан, ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш, жаҳон миқёсида турфа таҳдидлар хуружи кузатилаётган бугунги кунда, баркамол авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутади. Жаҳон миқёсида инсон ҳаётига таъсир этувчи салбий воқеаларнинг юз бераётганлиги, турли кучлар ўз ғоявий мақсадларини амалга оширишда ёшлардан фойдаланаётгани, минтақамиз айрим ҳудудларида беқарорлик, баъзан миллий ёшларимизнинг ҳам иштирок этаётганлиги уларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда: "Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига оғир кулфатлар олиб келмоқда, ғаразли кучлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онаси, Ватанига қарши қўйиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Шунинг учун биз - ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада ошириб, буюк маърифатпарвар бобомиз Авдурауф Фитрат айтганидек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуролига айланиб бораётганини чуқур англаб, шу борада жаҳолатга қарши маърифат асосида иш олиб боришимиз зарур"[1].

**Шу нуқтаи назардан ёндашганда, фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётган бугунги шароитда жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятлар тантанасини таъминлашдаги устувор вазифалардан бири жамият аъзолари, асосан, ёшларни миллий ғоя атрофида бирлаштириб, Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган концептуал вазифалар сари сафарбар этишни тақозо этади.**

Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти, мақсад ва вазифалари мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган концептуал йўналишда аниқ ифодаланган бўлиб, унда шакллантирилаётган фуқаролик жамиятида фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг ғоявий-ахлоқий тарбиясини таъминлаш етакчи мавқе касб этади. Рўй бераётган демократик жараёнлар жамият ривожини таъминлаш билан ижтимоий тараққиётда ворислик диалектикаси таъсирида янгича мазмун ҳамда шакл касб этиб боради. Шу жиҳатдан ҳам ёшларда ғоявий-ахлоқий жиҳатларнинг ривожи анъанавий миллий қадриятлар тарғиботи ва реал ҳаётдаги амалий ифодаси билан чамбарчас боғлиқ, зеро, бугунги янгиланишлар шароитида бу ўта муҳим масаладир. Чунки ғоявий баркамоллик ижтимоий мувозанатнинг сақланишида муҳим ўрин тутса, ижтимоий барқарорлик эса иқтисодий, маданий ҳамда маънавий тараққиётнинг муҳим кафолатидир. Фуқаролик жамияти шароитида демократик тафаккурнинг ривожи боис, кузатилаётган маънавий ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар, чунончи, жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, янги иш ўринларини кўпайтириш, имтиёзли кредитлар ажратиш каби ишлар ёшлар онгида ижобий дунёқарашни ривожлантирмоқда. Янгиланаётган жамият шароитидаги бундай эътибор боис ёшларда жа-

миятдаги ижобий ўзгаришларга нисбатан оптимистик кайфиятлар ривожланмоқда зеро, бу уларда ғоявий иммунитетнинг устуворлигини таъминламоқда.

Бугунги кунда ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий омилларнинг таъсири туфайли ёшларда миллий тафаккур янгича мазмун касб этмоқда. Ушбу жиҳатлар жамиятда эҳтимол тутилаётган ҳар қандай хуружларга қарши ёшлар онгида кучли иммунитетни ривожлантирмоқда, бу глобал тараққиёт жараёнида турфа таҳдидларнинг кириб келиш эҳтимоли мавжудлиги шароитида уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда, ғоявий-сиёсий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаши муҳим. Шу боис, ёшларга ишонч билан келажак бунёдкорлари сифатида қараш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, эътибор қаратилаётганлиги қувонарлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда: "Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз"[2]. Креатив фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаси экан, бунинг учун зиёлиларимиз зиммасидаги асосий вазифа - ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириб, фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётган ҳозирги шароитида Ватан учун фидойи ёшларни тарбияламоқ муҳим. Бугунги жадал тараққиёт шароити баркамол авлодга эътибор қаратилиб, ўтказилаётган қатор тадбирлар ишлаб чиқилаётганлиги ёшларнинг маънавий баркамоллигини таъминлаб, уларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш объектив зарурият сифатида муҳим эканлигини кўрсатиб, унинг концептуал асосларини яратишни кун тартибига қўймоқда.

Мустақилликнинг халқимиз ҳаётида муқаддаслиги ва мўътабарлиги шу билан белгиланадики, унда миллий тараққиёт манфаатларидан келиб чиқиб, ёшларнинг ўз-ўзини ривожлантириш имкониятларига кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, умуминсоний тараққиётга ҳисса қўшиш мақсадида жаҳон тажрибаларига таяниш, миллий фанимиз ютуқларини тарғиб этиш билан бир қаторда, бошқа халқлар ютуқларини ўрганиш кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

**Мустақиллик туфайли қарор топиб, инсонпарварлик мақсадларини амалга ошира бошлаган демократик жамият ёшлар тафаккурида умуминсоний гуманистик ғоялар, чунончи, инсониятнинг ягона илдиздан ибтидо олиб, башарият тақдири бевосита барчанинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ эканлиги ғоясини чуқур идрок этган ҳолда ҳамжиҳат фаолият олиб боришимизни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, умуминсоний тафаккур миллий тафаккурнинг ижобий йўналишига боғлиқлигини ҳам эътироф этмоқ жоиз. Бугунги кунда ёшлар ахлоқи дунёвий ва диний қадриятларнинг ижобий-маърифий қирраларини мужассам этган жиҳатлар уйғунлиги асосида шакллантирилиб, ривожланаётганлиги қувонарли ҳолдир. Шундай экан, ёшлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг ижтимоий фаоллик даражасини оширувчи, Ватан ва халқ келажаги учун масъуллик ҳиссини ривожлантирувчи жиҳатларни илгари суриб, ёшларни шу руҳда тарбиялаш муҳим.**

Ижтимоий-демографик қатлам сифатида жамиятнинг социал тизимида ёшлар алоҳида ўрин тутиб, республикамиз аҳолисининг тўртдан бирини ўн олти ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. "Ўзбекистон каби аҳоли сонида ёшларнинг салмоғи юқори бўлган давлатларда ушбу гуруҳни атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Статистик маълумотларга қараганда, аҳолининг тўртдан бирини ёшлар ташкил қилади"[3]. Ушбу жиҳатлар муаммони тадқиқ этишнинг долзарблигини билдирувчи омил бўлиб, жамиятнинг ижтимоий тизимида ёшларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ёшлардан иборат эканлигини эътиборга олиб, уларни ҳал қилувчи кучга айлантириш асосий вазифа бўлмоғи зарур. Демак:

1. Демократик ҳуқуқий жамият тараққиёти мавжуд муаммолар ечимига берилаётган эътибор билан ўлчанади. Муаммо барча даврларга хос. Табиийки, зиёлиларнинг зиммасида ана шу муаммоларнинг даврга хос бўлган ечимини топиш масъулияти туради. Бугунги шароитда ёшларга хос бўлган долзарб муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечими йўлида таклиф ва тавсияларни илгари суриш муҳим.

2. Фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган паллада ёшларнинг ўрни ва уларга хос муаммоларни аниқлаб, бартараф этиш жамиятда зиёлиларнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши лозимлиги масъулиятини ҳам елкамизга юклайди, ушбу жиҳатлар ҳуқуқий-демократик давлат қуриш жараёнлари жадал кечаётган бугунги кунда реал аҳамият касб этади.

3. Ёшларимизга хос муаммолар жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборида бўлмоғи лозим. Жамиятнинг етакчи қатлами бўлган зиёлилар зиммасидаги асосий вазифа инсон онги ва қалбига бунёдкор ғояларни сингдириш экан, демак, ёшларга хос бўлган муаммолар кўламини аниқлаб, аниқ ечимларни кўрсатиш асосий вазифалардан биридир. Ушбу жиҳатлар ҳам ёшлар онги ва қалбида ғоявий иммунитетни ривожлантириш объектив зарурият сифатида муҳимлигини кўрсатади.

**Демократик тараққиёт шароитида ёшлар онгида янгича дунёқараш, янгича фикрлаш ғояси шаклланиб, ўзлигини англаб, келажак авлодлар ҳаётига мустаҳкам пойдевор яратиш орзусида яшамоқдаларки, бу ёшларда ахлоқий хусусиятларнинг мукаммаллигини таъминламоқда. Ўзликни англаб, миллий давлатчиликка содиқ фуқаро сифатида унинг тараққиётига ҳисса қўшиш, этномаданий анъаналарни халқ орасида тарғиб қилиб, янгича яшаш ва меҳнатга жалб этиш табиий равишда, жамият тараққиётига, жумладан, миллий давлатчилик ҳамда жамият аъзолари ахлоқи ривожига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардир.**

Ёшларда ғоявий иммунитет ривожида, шунингдек, Ватанга садоқат, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ёшлар онгида ватанпарварлик ҳиссининг қай даражада эканлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жиҳатнинг тарихий асосларига эътибор қаратадиган бўлсак, у халқимиз маънавий-ҳуқуқий жиҳатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ибтидоси олис ўтмишга бориб тақалади. Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришда уларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси ҳам муҳим ўрин тутади, бу жамият тафаккури билан чамбарчас боғлиқ. "Миллий истиқлолнинг ҳуқуқий маданияти ўзбек давлатчилиги тажрибаси, тараққиёти, мустақиллик, озодлик, ҳурфикрлилик, тенглик, дўстлик, тинчлик, адолатлилик, қонунийлик, халқчиллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, қонун устуворлиги, фуқаро билан давлатнинг ўзаро тенг жавобгарлиги, жазонинг айбдорлик даражасига мутаносиблиги каби умуминсоний ва миллий фаолиятни ўзида мужассамлаштирмоғи керак. Шундагина ҳуқуқий дунёқарашимиз, руҳиятимиз, турмуш тарзимиз, хулқ-атворимиз, диний ва миллий хусусиятларимизни ўзида акс эттирувчи ўзбек ҳуқуқий маданиятига эга бўламиз"[4]. Ҳар қандай маданиятнинг такомил босқичида ахлоқий омиллар етакчи ўринни эгаллаб, ўз навбатида, жамиятнинг умумий маданиятини ташкил этувчи тизимлар жамият аъзолари, биринчи навбатда, ёшларнинг ахлоқий жиҳатдан юксалишига хизмат қилади.

Табиийки, ёшлар ахлоқида миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиботини, миллатлараро муносабат маданиятини тарғиб этиш зарур. Ушбу усуллар орқали ёшлар орасида умуминсоний цивилизацияга хос хусусиятларни, ватанпарварлик, фуқаровий бирлик каби хислатларни ривожлантириш лозим. Чунки ёшлар дунёқараши доимо ривожланишда давом этадиган жараёндир. Шу сабабли, улар ахлоқида ижобий хусусиятларни ривожлантириш жамият аъзоларидан доимий диққат-эътиборни талаб этиши лозим. Ҳар қандай жамият истиқболи бевосита ёшлар орасида ўзаро ижобий муносабатларга боғлиқ. "Ёшлар жами-

ятнинг алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳи ҳисобланади.

Айниқса, Ўзбекистон каби аҳоли сонида ёшларнинг салмоғи юқори бўлган давлатларда ушбу гуруҳни атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир"[5]. Объектив зарурият сифатида ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришда ёшларнинг муайян қисми ўрта умумтаълим мактаблари, коллежлар ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётганлиги боис ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни беқиёс. Чунки ижтимоий-гуманитар фанларнинг асосий вазифаси ёшларда миллий тафаккурни ривожлантириш билан бирга, уларда маънавий-ахлоқий мукаммалликни такомиллаштиришдир. Фикримизча, ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш мақсадида қуйидаги жиҳатларга:

1) фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган бугунги кунда ёшларимиз Президент асарларини мутолаа қилиш орқали миллий мустақиллик ғояларига содиқликни ривожлантиришнинг зарурийлигига;

2) мутафаккир ва аждодларимизнинг асарлари ҳам ёшлар ахлоқида ўзликни англаб, мустақиллик ғояларига содиқликни таъминлашга хизмат қилаётганлигига;

3) республикамиз ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситалари ҳам тарбиявий тарғибот ва ташвиқот ишлари орқали миллий манфаатлар етакчи ўринга чиққан демократик ғояларга содиқлик ҳиссини ривожлантиришга янада ҳисса қўшиши лозимлигига;

4) ёшлар онгида бунёдкор ғоялар устуворлигини таъминлаб, ёт ғояларга қарши иммунитетнинг барқарорлигига имконият яратишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

**Ёшлар ахлоқида позитив жиҳатлар ҳамда улар орасида миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиботини, миллатлараро муносабат маданиятини тарғиб этиш зарур. Ушбу усуллар орқали ёшлар орасида умуминсоний цивилизацияга хос хусусиятларни, ватанпарварлик, фуқаровий бирлик каби хислатларни ривожлантириш лозим. Шу сабабли, ушбу муаммо жамият аъзоларидан доимий диққат-эътиборни талаб этади. Зеро, ҳар қандай жамият истиқболи бевосита ёшлар ахлоқидаги ижобий хусусиятлар ривожига боғлиқ.**

Ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида жамият ривожида етакчи ўринни эгаллаб, келажак тараққиёти уларнинг жисмоний ва ақлий қобилияти билан бевосита боғлиқ экан, бугунги глобал шароитда уларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш объектив зарурият сифатида майдонга чиқиб, келажакда жамият маънавияти бевосита ушбу омил билан узвий боғлиқ.

***Манба ва адабиётлар***


*1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ж. - Т.: "Ўзбекистон". 2018. - Б. 496.*

*2. Ўша манба.*

*3. Бўриева З., Иброҳимов А. Ёшларнинг демографик ҳолати ва оила //Ижтимоий фикр-Инсон ҳуқуқлари, 1998. №2. - Б. 129.*

*4. Ҳасанов Н. Истиқлол даврида ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик таҳлили. Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс-я. - Тошкент, 2007. - Б. 45.*

*5. Ҳасанов Н. Истиқлол даврида ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик таҳлили. Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс-я. - Тошкент, 2007. - Б. 45.*


## Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари


**Гулистон Машарипова,**
*Камолиддин Беҳзод номидаги*
*Миллий рассомлик ва*
*дизайн институти катта ўқитувчиси*



**Аннотация:** *мақолада ёшлар онгида ғоявий иммунитетни ривожлантириш ҳаётий зарурият эканлиги, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси масалалари тадқиқ этилган. Бугунги янгиланиш ва фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган шароитда ёшлар жамиятни*

*ривожлантирувчи потенциал куч эканлиги, улар салоҳиятидан мамлакат тараққиёти йўлида фойдаланиш лозимлиги масалалари таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** *ёшлар, ғоявий иммунитет, фуқаролик жамияти, ватанпарварлик, халққа ҳурмат, потенциал куч, ижтимоий ҳамкорлик.*

## Некоторые аспекты развития идеологического иммунитета молодёжи

**Гулистон Машарипова,**
*старший преподаватель Национального института художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода*

**Аннотация:** *в статье исследуется необходимость формирования идейного иммунитета в сознании молодежи и ее духовно-нравственного воспитания. В контексте сегодняшнего обновления и укрепления основ гражданского общества проведен анализ роли молодежи в развитии общества как потенциальной силы, которая должна использоваться для интересов страны.*

**Ключевые слова:** *молодежь, идеологический иммунитет, гражданское общество, патриотизм, уважение к народу, потенциальная сила, социальное партнерство.*

## Some aspects of the development of the ideological immunity of young people

**Guliston Masharipova,**
*Senior teacher of the National Institute of Art and Design named aster Kamoliddin Behzod*

**Abstract:** *the article examines the of necessity the formation of ideological immunity in the minds of young people and their spiritual and moral education. In the context of today's renewal and strengthening of the foundations of civil society, the role of youth in the development of society as a potential force that should be used for the interests of the country are analyused.*

**Keywords:** *youth, ideological immunity, civil society, patriotism, respect for the people, potential strength, social partnership.*

**Азизбек АМОНОВ,**
*Республика Маънавият ва маърифат маркази мустақил тадқиқотчиси*

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади",[1] дея таъкидланган.

**Ўзбекистон азалдан кучли ассимиляция ва миграцион жараёнларни бошидан кечириб келган. Ўзбекистонда кўп миллатли давлатнинг қарор топиши узоқ давом этган тарихий жараёнлар натижасидир. Тарихий маълумотларга қараганда, бундан 100 йил аввал ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 70 га яқин миллат истиқомат қилган. 1926 йилда юртимиз ҳудудида 91 та миллат ва элат вакили яшаган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 113 тага, 1979 йилда 123 тага, 1989 йилда эса 130 тага етган эди[2].**

Бугунги кунда аҳолиси 33 миллиондан 375,8 минг киши[3]ни ташкил этаётган юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари[4] аҳил ва иноқ, бир-бирларига елкадош бўлиб яшаб келмоқдалар.

Энг муҳими, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлилик, бағрикенглик маданияти ва ягона Ватан туйғуси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Албатта, бу борада Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари даврини ўрганар эканмиз, бунда миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёни эволюциясини икки: миллий тикланиш (1991-2016 йиллар) ва миллий юксалиш (2017-2030 йиллар)даврлари деб номлаб, таҳлил қилиш ўринли.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, тенгҳуқуқлилик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, унинг қонуний асосларини яратишга жиддий эътибор қаратилди.

Юртимиз Шарқу Ғарб мамлакатларини ўзаро яқинлаштиришга, минтақа ва қитъалараро маданий-тижорий алоқаларни кучайтиришга хизмат қилган Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган. Шунга кўра, бу ерда қадим-қадимдан халқаро аҳамиятга дахлдор савдо, маданият ва фан марказлари очилган, диний ибодатхоналар қад ростлаган, турли халқларнинг миллий анъана ва урф-одатлари ўзаро уйғунликда ривожланган. Асрлардан ўтиб келган миллатлараро тотувлик руҳидаги ҳамфикрлилик, ҳамкорлик муносабатлари кўплаб миллат вакилларини Ўзбекистон заминини ўз она ватани деб ҳисоблашига сабаб бўлган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида "Мультикультурализм (бир мамлакат ҳудудида маданиятлар турфа хиллиги) керакми ёки йўқми?", деган баҳслар авж олганда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакиллари ўз қадимий урф-одатлари, тили, дини, миллий қадриятларини сақлаб қолиши ва уни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб берилди.1992 йил 13 январда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Марказ 2017 йил январь ойига қадар 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи миллатлар ва элатлар ўртасида аҳиллик, ҳамжиҳатлиликни мустаҳкамлашга, уларнинг "Ўзбекистон - умумий уйимиз" ғояси остида ҳаёт кечиришларига хизмат қилиб келди.

Халқимиз табиатан бағрикенг ва саховатпеша. Шу боис у кўплаб миллат вакилларига бошпана берди, оғир дамларда бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Натижада, корейслар, немислар, турклар, поляклар, юнонлар, қрим-татарлар ўзбек элида доимий кўним топдилар, халқимиз меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлиб, қаддларини тикладилар. Уларнинг зурриётлари шу заминда туғилди, шу ерда таълим-тарбия олиб, вояга етди. Улар учун Ўзбекистон киндик қони тўкилган Ватан бўлиб қолди.

Миллий тикланиш даврида миллат ва элатларнинг улуғ сиймолари, қадриятларига бағишлаб кўчалар, истироҳат боғлари, муассасалар номланди, монумент, ҳайкаллар қад ростлади. Бу эса халқлар ва элатларни бири-бирига маънан, руҳан яқинлашиши, ўзаро самимий ҳурмат шаклланиб, ривожланиб боришига хизмат қилди.

**Маълумки, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" қабул қилинди. Унинг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсат юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун бир қанча ишлар амалга оширилди.**

Биринчидан, мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар билан иш олиб борувчи Республика Байналмилал маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони[5] билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасига айлантирилди. Мазкур Қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни изчил амалга ошириш вазифаси юкланди.

Қўмита биноси ёнида миллатлар ва элатларни ҳамжиҳатликка чорловчи "Дўстлик боғи" барпо этилди, турли миллат вакиллари ўз миллий маданияти янада юксалишига хизмат қиладиган "Маданият уйлари" фаолияти йўлга қўйилди. Бугун Қўмита қошида 138 та миллий маданий марказ фаолият юритади. Улардан 14 таси Республика миллий маданият маркази мавқеига эга. Булар: Республика тожик, озарбайжон, турк, қирғиз, қозоқ, яҳудий, арман миллий маданият марказлари, Ўзбекистон корейс миллий маданият маркази уюшмаси, Ўзбекистон рус, уйғур маданий марказлари, "Wиедергебурт" Ўзбекистон немислари маданий маркази, "Светлитса Полска" Польша миллий маданият маркази, Республика туркман маданий маркази, "Славутич" Республика украин маданият маркази. Шунингдек, араб, бошқирд, белорус, болгар, Бухоро яҳудийлари, грек, грузин, дунган, хитой, қрим татар, литвалик ва татар миллати вакилларининг миллий маданият марказлари мавжуд. Тошкент шаҳрида 23 та, Қорақалпоғистон Республикасида 6 та, вилоятларда 95 та миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда[6].

Шунингдек, бугунги кунда Қўмита қошида 34 та хорижий мамлакат билан дўстлик жамиятлари фаолият олиб бормоқда. Булар: Британия, Вьетнам, Германия, Греция, Грузия, Исроил, Индонезия, Иордания, Италия, Корея, Латвия, Литва, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Покистон, Польша, Россия, Словакия, Таиланд, Туркия, Туркманистон, Украина, Франция, Хитой, Швейцария, Эрон, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Ҳиндистон. Қўмита бугунги кунда дунёнинг 18 та мамлакатидаги ҳамкорлари билан алоқа қилмоқда. Жумладан, Бутунхитой дўстликка кўмак кўрсатиш ассоциацияси (Хитой), "Фукусима - Ўзбекистон" (Япония), "Корея-Ўзбе-

кистон ассоциацияси", "Ҳинд-ўзбек дўстлик ва иқтисодий форум", "Бонн-Ўзбекистон" (Германия), "Италия вилоятлари иттифоқи", "Авиценна" (Франция), "Британия-Ўзбекистон жамияти" (Буюк Британия), "Россия ва МДҲ халқлари билан дўстлик федерацияси" (Болгария), "Греция-Ўзбекистон", "Вьетнам-Ўзбекистон", "Покистон-Ўзбекистон", "Озарбайжон-Ўзбекистон", "Миср-Ўзбекистон", "Польша-Ўзбекистон", "Чехия-Ўзбекистон" ва бошқалар. "Дўстлик" жамияти фаолияти ҳам халқлар ўртасидаги ишончли кўприк сифатида миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатлар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Иккинчидан, Ўзбекистон ҳудудида кўп йиллар меҳнат қилиб келаётган бошқа миллат вакилларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортларини топшириш тизими фаолияти ҳам диққатга сазовор. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 22 апрелда имзолаган Фармонига асосан 70 нафар корейс миллатига мансуб юртдошларимиз[7]га Ўзбекистон фуқаролиги паспорти топширилди. Бу эса кўп йиллар юртда фидокорона меҳнат қилиб, шу маконни Ватан деб, баркамол авлодни улғайтириб келаётган инсонларга янада кўтаринки руҳ ва кайфият бағишлади.**

Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари давлат ва жамият бошқаруви ишларида, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётда фаол ва эркин қатнашмоқдалар. Чунончи, бугунги кунда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари орасида турли миллат вакиллари бор. Шаҳар ва қишлоқларда ўзини ўзи бошқариш органлари (қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа)га ўзбеклар билан бирга рус, татар, қирғиз, қозоқ, украин, арман, тожик ва бошқа миллатга мансуб оқсоқоллар (маҳалла раислари) раҳбарлик қилишмоқда.

Учинчидан, Президент Шавкат Мирзиёев қардош халқлар: Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар билан бир ғоя - миллатлар, халқлар ўртасида тинчлик, тотувлик, бағрикенглик асосида яшаш тамойилини илгари сурди. Буни чегара ҳудудларининг эркинлаштирилгани, қардош халқларнинг раҳбарлари томонидан фуқароларга сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда қулай шароитлар яратиб берилаётгани, фуқаролар қўшни мамлакатда яшаётган яқинлари билан учрашиш, дийдорлашганида ҳам кўриш мумкин. Дунёнинг турли минтақасидаги давлатлар, қўшни мамлакатлар билан ҳамдўстлик, ўзаро ташрифлар, табрик ва қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдам қўлини чўзиш Ўзбекистон ва Ўзбекистон Президенти шахсига бўлган муносабатни бутун дунё эътироф этмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг камсонли миллатлар бўйича Олий комиссари (КМОК)- Ламберто Заньер шундай дейди: "... ҳозир мамлакатингиз ўз қўшнилари билан чегараларни очди, одамлар эмин-эркин яқинларини кўргани боришаяпти. Бу ташаббусларнинг ҳаммаси миллатлараро муносабатларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Юртингизга Ўш орқали кириб келдик. Фарғона водийсида бўлиб, бу ерда турли тилларда ўқитиладиган мактабларга бордик, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Ўзбекистондаги таълим ва бошқа соҳаларда халқаро келишувни таъминлаш бўйича ҳолат ижобийлигига гувоҳ бўлдик. Умуман, миллатлараро муносабатлар йўналишида конструктив сиёсат олиб борилаяпти. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатда бағрикенгликни мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очилмоқда. Айни шу жараёнга бизнинг ташкилот ҳам муносиб ҳисса қўшишга тайёр"[8].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Яратганнинг ўзи бизга қўшни бўлищдек бебаҳо неъматни ато этган. Бизнинг донишманд ота-боболаримиз "Ҳовли олма, қўшни ол", деб бежиз айтишмаган. Биз азал-азалдан бир заминда, бир қуёш остида яшаб келмоқдамиз, бизнинг илдизларимиз бир. Халқларимизнинг Абу Райҳон Беруний ва Абу Наср Форобий, Хўжа Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд,

Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев, Ойбек ва Мухтор Авезов, Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов каби улуғ намояндалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирлар мероси бизнинг умумий бойлигимиздир.Биз инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари билан йўғрилган бу маънавий меросни асраб-авайлашимиз ва бойитишимиз лозим",[9] дейди.

Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида қўшни мамлакатларнинг раҳбарлари, таниқли намояндалари қуйидаги фикрларни билдиришди.

"Қозоғистондаги Ўзбекистон йили (2018 йил) халқларимиз ўртасидаги қадим замонлардан келаётган, умумий тарихимиз, аждодларимизнинг бой маънавий мероси билан исботланган қардошлик алоқаларининг ёрқин кўринишидир"[10], дейди Нурсултон Назарбоев.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг мамлакат парламентига йўллаган Мурожаатида: "...Яна бир бор мамнуният билан таъкидлашни истардимки, 2018 йил қўшни ва дўст мамлакат - Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларимизда тарихий ўзгаришлар рўй берди ва биз ҳамкорлигимизни стратегик шериклик даражасигача кўтариб, икки давлат алоқаларида 20 йил давомида йиғилиб қолган барча муаммоли ва ўткир масалаларни бартараф этдик"[11], — деб таъкидлайди.

Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Содиқ Имоми: "... Тожиклар ва ўзбеклар кўп асрлик қардошлик муносабатларига эга. Икки давлат раҳбарлари ана шу ришталарни мустаҳкамлаш йўлида сиёсий ирода ҳамда қатъийлик намоён этмоқда. Айнан ушбу мезонларга асосланган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва икки томонлама манфаатдорлик ўзаро ҳамкорликда асосий роль ўйнади"[12], деб ёзган.

Албатта, бундай эътирофлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқларни, миллат ва элатларни умуминсоний қадрият - бағрикенглик остида бирлашиш, ўзаро ҳурмат, тинчлик ва осуда ҳаёт кечириш борасида тинимсиз олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси.

Тўртинчидан, миллий юксалиш даврида миллатлар ва элатларнинг диний қарашларини ягона ғоя - бағрикенглик ғояси остида тотувлик ва ўзаро ҳурмат руҳида жамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан бутун дунёни ўйлашга, бирлашишга ундаётган бунёдкор ғоя - "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси 2018 йил 12 декабрь куни қабул қилинди.

**Шу ўринда айтиш жоизки, Франциянинг "L Usine Nouvelle" янгиликлар агентлиги АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни "Алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхати"дан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилганини ёзади. Қайд этилишича, Қўшма Штатлар Давлат департаменти ҳар йили дунёда дин эркинлиги бўйича маъруза эълон қилади. Жорий йил Вашингтон "Алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхати"дан фақат битта мамлакатни чиқарди, бу Ўзбекистондир. "L Usine Nouvelle" мухбирларининг фикрича, бу республикада кечаётган ижобий ўзгаришларнинг ҳар томонлама эътироф этилаётганидан далолат беради[13].**

Маълумки, миллатлар ва элатлар ўртасидаги яна бир кўприк - мусиқа ва санъатдир. Анъанавий "Шарқ тароналари" фестивали, Шаҳрисабз шаҳрида "Мақом" фестивали, Термиз шаҳрида "Халқаро бахшичилик санъати" фестивалининг ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дунёнинг 100дан ортиқ мамлакатлари ўз санъатларини намоён қилиб, юқори савияда ўтказилаётган миллий фестиваллардан олам-олам завқ олиб, маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга, маданий мерос намуналаридан баҳраманд бўлиб, бой таассуротлар билан ватанларига қайтишмоқда. Фестиваллар, халқаро миқёсда ўтказилаётгани миллатларнинг миллий санъат намуналари: рассомлик, миниатюра, наққошлик, кулолчиликка оид кўргазмалар ўтмиш, ҳозирги ва келажак даврларига кўприк вазифасини ўтаб, миллатлар ва элатларнинг бой тарихи, маданияти, урф-одатлари, кийиниши, яшаш шароитларидан бохабар этиш имконини бермоқда. Айтиш лозимки, бу каби санъат тадбирлари халқларни, миллатларни бири-бирига яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Шу ўринда миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама янада юксалтириш бўйича қуйидаги таклифларни билдирамиз:

- Ўзбекистон телевидениесида "Байналмилал" канали ташкил этиб, ушбу канал орқали Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллатлар тарихи, урф-одатлари, маданияти ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи туркум кўрсатувларни бериб бориш мақсадга мувофиқ;

- Ўзбекистоннинг аҳоли гавжум вилоят ҳамда шаҳарларидаги маҳалла ва кўп қаватли уйларда турли миллат, элатга мансуб фуқаролар истиқомат қилишади. Шу маънода, ўз-ўзидан ушбу ҳудудлар бизнинг кузатувларимизда "Байналмилал маҳалла", "Байналмилал уй" деб номланади. Биз Ўзбекистонда нечта "Байналмилал маҳалла" ва "Байналмилал уй" мавжуд, бугунги кунда миллат ва элатларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ҳатто, маиший манфаатлари тўқнашадиган "объектлар"да уларни қийнаётган муаммоларни таҳлилий ўрганиш ва улар билан тизимли ишлар олиб бориш керак. Шунингдек, "Байналмилал маҳалла" ва "Байналмилал уй"ларда истиқомат қилувчиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тотувлик ва аҳилликда яшашларининг ижобий натижалари ҳақида жамоатчилик орасида кенг тарғибот ишларини йўлга қўйиш Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик янада барқарорлашишига замин бўлади;

**- Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, мактаб дарс соатларига Ўзбекистонда миллатлараро тотувликка бағишланган "Ўзбекистон - умумий уйимиз", "Ўзбекистон - миллатлараро тотувлик маскани" ғоялари остида мамлакатда миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти ҳақида кенг маълумотлар бериб бориш. Бу борада уларни дарсликлар, услубий қўлланмалар, тарғибот воситалари: плакатлар, баннерлар, буклетлар, мультимедиа маҳсулотлари билан таъминлаш лозим. Шунда мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро болалигидан, ёшлигидан миллатлараро тотувлик руҳида кенг маълумотга эга бўлиб улғаяди.**

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, бахтли, тинч-тотув ва фаровон юртда турли миллат ва элат вакиллари эзгу мақсад йўлида бирлашиб, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида қўлни-қўлга бериб ишламоқда, яшамоқда. Бунинг сабаб ва омиллари эса, юртимизда асрлар давомида шаклланиб келган тотувлик ва бағрикенглик муносабатлари, миллатларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бир-бирига бўлган самимий, дўстона умуминсоний қарашларга таянган ҳолда ёндашишларидадир. Қолаверса, мамлакатимизда барча миллатларни тенг ҳуқуқлик асосида олиб борилаётган сиёсат, уларнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари, қадриятларини ривожлантириш учун яратилаётган кенг имкониятларда ҳам дейиш мумкин. Президентимизнинг халқаро майдонда, айниқса, қўшни мамлакатлар билан олиб бораётган дўстона, қардош халқ деб муносабат кўрсатилаётгани ҳам миллатлараро тотувликнинг барқарорлашишига замин бўлаётир. Ўйлаймизки, келажакда ҳам барча миллат ва элатлар Ўзбекистонни умумий уйимиз деб, бағрикенг диёрда бахтиёр яшайдилар.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. - Т.: Маънавият, 2019. 264-265-бетлар.*

*2. "Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида раҳбар кадрлар олдида турган вазифалар: мавжуд ҳолат, муаммолар ва ечимлар" республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. - Т.: "Akademiya". 2019, 35-бет.*

*3. Ўзбекистон аҳолиси қанчага кўпайгани маълум қилинди // "Халқ сўзи" газетаси, 2019 йил 22 апрель.*

*4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. // "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 24 январь.*

*5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5046-сонли Фармони // "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 22 май.*

*6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг расмий веб-сайти.Манба: http://interkomitet.uz/mita-a-ida/?lang=oz.*

*7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг расмий сайти.Манба: http://uza.uz/oz/society/70-nafar-koreys-millatiga-mansub-yurtdoshimizga-fu-arolik-be-23-04-2019, 2019 йил 23 апрель.*

*8. "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 19 апрель.*

*9. // "Халқ сўзи" газетаси 2018 йил 18 апрель (http://xs.uz/uzkr/post/qozogim-qardoshim-ozbegim-oz-ogam).*

*10. Ўша манба.*

*11. "Имомали Раҳмон: Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларимизда тарихий ўзгаришлар рўй берди"// "Халқ сўзи" газетаси 2018 йил 29 декабрь http://xs.uz/uzkr/post/emomali-rahmon-.*

*12. "2018 йил қўшни ва дўст мамлакат - Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларимиздаги ўзгаришлар тарихий воқеадир"// "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 27 декабрь. http://xs.uz/uzkr/post/2018-jil-qoshni-va-dost-mamlakat-ozbekiston-bilan-ikki-tomonlama-munosabatlarimizdagi-ozgarishlar-tarikhij-voqeadir.*

*13. "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 19 декабрь.*

## Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёни эволюцияси

**Азизбек АМОНОВ,**
*Республика Маънавият ва маърифат маркази мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *ушбу мақолада миллатлараро тотувлик муносабатларини таъминлаш жараёни ва унинг эволюцион босқичлари: миллий тикланиш ва миллий юксалиш даврлари қиёсида атрофлича ёритилган. Мақолада Ўзбекистонда миллатлар ва элатларнинг яшаш даврлари, уларга яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, миллатга, шахсга бўлган ҳурмат жараёнларидан лавҳалар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *миллат, элат, миллатлараро тотувлик, миллий тикланиш, миллий юксалиш, мултикультурализм, тинчлик, маданият, эволюция.*

## Эволюция обспечения процесса межнационального согласия в Узбекистане

**Азизбек АМОНОВ,**
*независимый исследователь Республиканского центра духовности и просвещения*

**Аннотация:** *в данной статье дается обзор процесса обеспечения межэтнического примирения и его этапов эволюции: периоды национального возрождения и национальных потрясений. Статья содержит рассказы о народах и народностях, проживающих в Узбекистане, их условиях, возможностях, национальности, уважении к личности.*

**Ключевые слова:** *национализм, этническая гармония, национальное возрождение, мультикультурализм, мир, культура, эволюция.*

## The evolution of the process of interethnic harmony in Uzbekistan

**Azizbek AMONOV,**
*Independent researcher of Republican Center for Spirituality and Enlightenment*

**Annotation:** *This article provides an overview of the process of ensuring inter-ethnic reconciliation and its stages of evolution: periods of national revival and national upheavals. The article contains stories about the peoples living in Uzbekistan, their conditions, opportunities, and respect for the individuals and nations.*

**Key words:** *nation, ethnic harmony, national revival, national development, multiculturalism, peace, culture, evolution.*

## Бошқарувда замонавий ахборот технологиялари / Современные информационные технологии в управлении / Modern information technologies in management

**Сухроб ХИДИРОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи*

# ИНТЕРНЕТ СЎРОВИ (ON-LINE СЎРОВ,WEB-ТАДҚИҚОТ) МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Бугунги ахборотлашув даври инсон билимларининг илгари мувофиқлаштириб бўлмайдиган соҳаларининг бирлашуви билан характерланади, бунга ўхшаш жараёнлар замонавий социологик тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун ҳам хосдир. Қудратли ва арзон ахборот технологияларининг бирлашуви, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг компьютерлашуви социологларга режалаштираётган сўров учун танлаб олинган респондентлар жамоаси фикрини анча узоқ масофадан туриб ҳам ўрганишга имкон берадиган янги, ўзига хос технологияларнинг пайдо бўлишига, бу эса пировардида, масофавий тадқиқотлар, яъни Интернет орқали сўров ўтказишнинг шаклланишига олиб келди. On-line тадқиқот ўтказиш ўзининг қулайлиги билан жаҳоннинг кўплаб социологик тадқиқот марказларида фаол ривожланмоқда.

**On-line сўров (on-line сўров, web-тадқиқот)- бу интернет-технологиялардан фойдаланишга асосланган ижтимоий маълумот тўплаш усули бўлиб, кўпинча online равишда тўлдирилган интерактив анкета орқали амалга оширилади[1].**

Мазкур тадқиқотларни ўтказиш орқали янги социал билимларга эга бўлиш тарафдорлари респондент турган жойидан қатъи назар ундан фикр олиш имкониятига эга эканлигини, харажатлар ва вақтнинг катта миқдорда тежалиши унинг асосий афзаллигидир деб ҳисоблайдилар, бу эса кенг кўламли ва зудлик (экспресс тадқиқот) билан ташкил этилиши мумкин бўлган турли ялпи сўровлар учун ўта долзарбдир. Шу билан бирга, масофавий тадқиқот респондент учун ўзига қулай ҳар қандай вақт ва шароитда, ўз хоҳишига кўра тадқиқотда қатнашиш имконини беради. Бундай вазиятда тадқиқот тўғри ташкил этилса, маълумотларни тўплашнинг янгича тизимларини ишга солган ҳолда, веб-браузер ва маҳаллий веб-дастурлардан фойдаланиш туфайли масофавий сўровнинг юксак самарасига эришиш мумкин.

Экспресс тарзда ўтказилиши кўзда тутилган ижтимоий тадқиқотларда ҳам, Интернетда сўров ўтказиш орқали олинган умумий натижалар статистикаси ҳам реал вақтда маълумот олиш имконини тақдим эта олади. Шунингдек, маълумотларнинг қисман таҳлилини қилиш имкониятлари ҳам мавжуд, тадқиқот натижаларининг тўлақонли таҳлилига, албатта, мутахассис меҳнати зарур.

Бундан ташқари, бугунги кунда социал оламдаги янги ижтимоий билимларни тадқиқ қилиш жараёнининг ўзига хос мураккабликларга эга эканлигини ҳисобга олишимиз зарур. Зеро, асосий мураккаблик ижтимоий билимларнинг худди янгиликлар каби юксак даражадаги беқарорлиги, ҳаракатчанлиги, зиддиятлилиги, бир маънода эмаслиги ва мураккаб тузилганлигида намоён бўлишини биламиз. Шунинг учун, социологик тақиқотнинг анъанавий усуллари билан қўлга киритилган янгиликларга нисбатан социологик ахборотнинг тез

эскириши ва ўз долзарблигини йўқотиши хавфи юқоридир.

Бошқа томондан, on-line тадқиқот танқидчилари унинг сифати жуда паст бўлишини, олинган маълумотлар эса реал воқеликдан йироқ бўлиб, нотўғри маълумотларнинг олинишига сабаб бўлишини, бу услуб шунчаки, кенг макон ва катта миқдордаги респондентлардан жуда қисқа муддатда фақат сўров ўтказа олишга имкон беришини таъкидлайдилар. Интернетда online сўров ўтказиш мухолифлари бу усулда олинадиган янги билимларнинг сифати пастлигидан ташқари, сўров жараёнида интервьюер томонидан тадқиқот жараёнини назорат қилиш ва Интернет орқали онлайн сўров жараёнини бевосита назоратда ушлаб туришга зарурат борлигини кўрсатадилар. Бундан ташқари, интервьюер ва респондент ўртасида бевосита мулоқотнинг етишмаслиги баъзи сўров анкеталари саволларини респондент тушунмай қолганида тадқиқотчи томонидан уни тушунтириб бериш ва шу орқали қимматбаҳо билимларга эга бўлишдек имкониятнинг ҳам бой берилиши хақида айтадилар. Масофавий сўров эса ҳиссий тусга эга бўлмайди, бу респондентнинг анкета саволларига жавоб беришга бўлган иштиёқи даражасини сусайтиради.

Интернет орқали ижтимоий сўров ўтказиш жараёнида мутахассислар томонидан ҳар доим ҳам ошкор қилинавермайдиган яна бир муҳим кўрсаткич - бу репрезентативликдир (вакиллик). Яъни ўтказилаётган тадқиқотда иштирок этаётган респондентларнинг сони, мавжуд жами ўрганилиши керак бўлган умумий респондентлар сони билан мос келавермаслигидир. Шунинг учун ҳам онлайн сўровлар репрезентатив бўлмайди. Ёдда тутиш керак бўлган яна бир жиҳат, бу усул орқали ўтказиладиган тадқиқотлар Интернетга кириш имконияти бўлмаган аҳоли қатламини қамраб ололмайди.

Агар ижтимоий сўровларнинг Интернетдан фойдаланиб ўтказилиши жараёнининг қисқача тарихига назар ташласак, онлайн ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш ва бу жараён вужудга келтирган янги имкониятларга АҚШнинг Массачусетс технология институти (MIT) профессори, ижтимоий психология соҳасидаги таниқли олима Шерри Теркл биринчилардан бўлиб эътибор қаратганини қайд этиш лозим. Олима ўзининг "Экрандаги ҳаёт: Интернет давридаги айнан ўхшашлик" асарида рақамли технологияларнинг одамлар хатти-ҳаракатига таъсири жараёнини тадқиқ қилган. Унинг фикрича, бир томондан, тадқиқотчилар учун ижтимоий сўров ўтказишнинг янги услуби сифатида анъанавий сўровларнинг миқдорий ва сифат бўйича ташкил этилиши янги имконият яратади. Бошқа томондан эса, тармоқ ичида ижтимоий таъсир ўтказишнинг янги шакллари пайдо бўлиши уларни ўрганиш алгоритмлари ва усулларини ҳам ишлаб чиқиш масаласини ўртага қўймоқда. Шунингдек, у: "Виртуал олам тадқиқотчиларга янги методологик муаммони юзага келтиради: online интервьюларни қандай усуллар ва қандай мақсадда қўллаш керак, умуман бундай қилиш керакми ёки йўқ[2]," деган саволларни ўртага ташлаган эди. Бу илмий фаразлар орадан 20 йилдан ортиқ вақт ўтиб, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида Интернет тармоғининг ривожланиши билан ижтимоий тармоқлар ва ботларнинг вужудга келиши оқибатида, тадқиқот ўтказишнинг турли-туман қатор самарали услублари, электрон ресурслари ва дастурий таъминотлари яратилдики, ижтимоий сўровларни онлайн ташкил этиш тадқиқотчилар орасида анчайин оммалашишга улгурди.

**Бугунги кунда, фанда on-line сўровларни бир тизимга таснифлаш муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Социологик тадқиқотларда қўлланилаётган on-line сўровлар моҳиятан тезкор усулда ташкил этиладиган тадқиқотлар сирасига кириб, у икки гуруҳга бўлинади: биринчиси, тадқиқотда иштирок этувчи респондентларни танлаб олиш (выборка) эҳтимолларига асослангани ва иккинчиси, асосини тасодифий танлов ташкил этганлари[3].**

Мутахассис тақдим қилаётган бу икки гуруҳ моҳиятан имперhalf маълумотларни олишда ўта муҳим саналади. Социологик сўровлар ўтказилиши бошланган даврлардаёқ респондентлар танловининг репрезинтативлиги тўғри амалга оширилишига муҳим эътибор берилганлиги барчага аён ва

у фанда ўз натижадорлиги билан қадрланади. Аммо бир томонлама ва чегараланган онлайн майдонда танловни амалга ошириш реал социал воқеаликдан йироқлашиш эҳтимолини юқори даражада сақлаб қолади, деган фикрдамиз.

Ўтказилаётган сўровларда масофавий тадқиқотларнинг улуши тобора ортиб борар экан, унинг методологик асосини шакллантириш ва ривожлантириш, дастурий ва интеграцион имкониятларни ўрганиш ҳам мутахассислар учун тадқиқот обьектига айланлигини кузатмоқдамиз.

Айниқса, on-line сўровлар учун мавжуд бўлган функционал тизимлар, дастурий ва интеграцион имкониятларни ўрганиб чиқиб, бу тизимларнинг мезонларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин. Булар:

- on-line сўровлар тизимининг функционал имконияти;
- тизимга кириш усули;
- интеграция имкониятлари;
- фойдаланиш қиймати;
- респондентларни рағбатлантириш омиллари каби таснифлаш кетма-кетлиги ҳосил бўлмоқда.

Функционал имкониятларда, асосан, 3 та онлайн сўровнома тизимларини ажратамиз, булар:

1) фақат маълумотларни тўплаш учун фойдаланиладиган тизимлар;
2) ахборотларни йиғиш ва хусусий таҳлил қилишга қаратилган тизимлар;
3) мураккаб модулли тизимлар.

Тизимга кириш усуллари эса икки хил. Улар қуйидагилар:

1) веб-интерфейс (яъни https:// ва веб-браузердан фойдаланган ҳолда хизмат ёки қурилма билан ишлаш учун фойдаланувчи интерфейсни таъминловчи веб-саҳифалар тўплами) орқали ишлайдиган онлайн хизматлар;
2) тармоқ орқали сўров ўтказиш имкониятини берадиган маҳаллий веб дастурлардан фойдаланган ҳолда ишлайдиган онлайн хизматлар.

Интеграцион хусусиятларига кўра:

1) контентни бошқариш тизимларининг плаганлари (мустақил равишда олинган дастурий таъминот модули);
2) интеграциялашган хизматлар;
3) киритилган сўровлар модуллари;
4) ихтисослашган каби тизимларга бўлинади.

Фойдаланилганлик учун хақ тўлашга кўра:

1) пуллик тизимлар;
2) бепул бўлган дастурий таъминот ва хизматлар.

Респондентларни рағбатлантиришга йўналтирилган омилларга кўра:

1) берилган жавоб учун хақ тўлаш билан;
2) виртуал стимуллаш (виртуал балл, совғалар ва ҳ.к.);
3) жавобларни рағбатлантирмасдан[4].

Биз мазкур рағбатлантириш таснифига миллий менталитетимиз хусусиятларини инобатга олган ҳолда ижтимоий фаоллик ва маънавий рағбат каби бандларнинг ҳам қўшамиз.

**Кўп жиҳатдан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий соҳада онлайн сўровларни ўтказиш Россияда бу услубнинг қай даражада ривожланганлига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунга соҳанинг вужудга келиши ва ривожланиши бўйича умумий тарих, илмий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, техник ва дастурий таъминотларнинг, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқлик билан тушунтиришимиз мумкин. Россияда маркетинг тадқиқотларида online усуллардан фойдаланишга урунишлар 1990 йилларнинг охирида бошланган эди. "РОМИР" (Марказий ва Шарқий Европадаги маркетинг, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги тадқиқотларга ихтисослаштирилган энг йирик хусусий тадқиқот ўтказиш маркази) холдингнинг биринчи online панели 1997 йилда тузилган бўлиб, 2001 йилда МАСМИ (Халқаро ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлари агентлиги) респондентларни рўйхатдан ўтказишга киришган эди[5].**

Ўзбекистонда эса ижтимоий сўровларни онлайн ўтказиш тажрибаси илк маротаба ZiyoNET жамоат ахборот-таълим тармоғи мутахассислари томонидан 2014 йилда ўтказилган. Мазкур йилда ZiyoNET ахборот-таълим тармоғи модернизациядан

ўтказилиб, портал функционалига ижтимоий тармоқ хусусиятлари қўшилган. Янги қўшилган бўлимлар: савол-жавоб, гуруҳлар бўлимлари бўлиб, ҳар бир фойдаланувчи портал фойдаланувчиларига ўзларини қизиқтирган саволларни бериш ва уларга жавоб олиш имкони яратилган. Портал модернизациядан ўтганидан сўнг ZiyoNET мутахассислари "Фойдаланувчиларга ёрдам" гуруҳини ташкил этган ҳолда фойдаланувчиларга порталдан фойдаланиш йўриқномасини тақдим этиб борганлар[6].

Мамлакатимизда онлайн сўровларни ўтказиш жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ижтимоий тадқиқотлар марказларига нисбатан секинлик билан ривожланаётганини кузатмоқдамиз. Илмий омма олдида веб тадқиқотлар орқали олинган маълумотларга ишонч даражаси ҳали ҳам суст эканлиги бу жараённинг асосий сабабларидан биридир. Шундай бўлса-да, юртимиздаги энг нуфузли ташкилотлардан бири - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 2018 йилнинг июнь-июль ойларида тадқиқотчилар томонидан академиянинг таълим сифатини оширишга қаратилган илк веб-сўров веб-интерфейс-модулли дастурдан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги (http://estudy.dba.uz/my/) бу соҳадаги илк қадам бўлди. Мазкур тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг мамлакатдаги турли географик нуқталардан туриб анкета сўровларига Интернет орқали жавоб бериши, айниқса, ўзига қулай вақтда саволларга жавоб йўллаши илиқ кутиб олинди. Тадқиқотда қатнашувчиларнинг умумий танланма мажмуаси (выборка) тўлиқ қамраб олинганлиги, берилган очиқ саволларга холисона жавоб олинганлиги, онлайн сўровларнинг юртимизда қўлланилиши учун истиқболли келажакнинг мавжудлигидан далолат беради.

Мазкур тадқиқот натижасида:

а) тадқиқотни ўтказиш учун ажратилган вақт тежалди;

б) анъанавий сўровларда мавжуд бўлган респондент ва у жойлашган масофа энди муҳим аҳамият касб этмайдиган бўлди;

с) тадқиқот жараёнида учраши мумкин бўлган турли босимларнинг олди олинди;

д) маблағ тежалди;

е) респондентнинг сўров анкетасига жавоб бериш учун қулай вақт яратилди.

Онлайн сўров ўтказилиши ўз-ўзидан тадқиқот орқали олинган натижаларнинг холислигини оширди.

**Тадқиқотнинг бевосита олий таълим муассасасида ўтказилиши, респондентлар, асосан, раҳбар кадрлардан иборат эканлиги ва сўров ўтказишга қўйилган асосий мақсадлардан бири, раҳбар кадрларни тайёрлашда таълим сифатини оширишга эришиш эди. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб олинган натижаларга кўра, мамлакатимизда биринчи маротаба таълимда қайтма реакция амалга оширилди ва унинг асосида;**

- воқеани тез фаҳмлаш;
- илғаб олиш;
- жараённи теран идрок этиш;
- муаммолар ечимига дедуктив ёндашув бўйича билимлар ўрганилди. Олинган барча маълумотларнинг чуқур таҳлилидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 2018-2019 ўқув йилида "Педагогика ва психология" кафедраси базасида "Фаросат илми" мавзулари дарс сифатида ўтилишига эришилди.

Веб-тадқиқот натижалари ўлароқ, хулоса қилар эканмиз, мамлакатимизда ҳам таълим муассасалари, йирик ижтимоий институтлар ва ташкилотларнинг турли социал муаммоларини веб-тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда ўтказишлари учун ижобий муҳит ва техник имкониятлар мавжуд. Мазкур сўровларни шиддат билан ривожланаётган Ўзбекистоннинг турли соҳаларидаги ижтимоий муаммолар, ечимини кутаётган масалаларда кам вақт ва кам маблағ сарфлаган ҳолда самарали илмий хулосалар олиш учун инновацион ечим дея ҳисоблашимизга тўлиқ асосларимиз мавжуд.

***Манба ва адабиётлар***

*1.Сергеева О.В., Терещенко О.В. Новые медиа: социальная теория и методология исследований: словарь-справочник.- СПб Алетейя, 2015, - С.264.*

2. Теркл Ш. Жизнь на экране: идентичность в эпоху Интернета. 1995, - С. 234.

3. Девятко И. Ф. Инструментарий онлайн-исследований: попытка каталогизации // Онлайн исследования в России 3.0. Москва, 2012, - С.420.

4. Якимчук А.В. Типология систем онлайн опросов // Гуманитарные научные исследования /Электронный ресурс. URL: http://human.snauka.ru/2013/10/4073 (g.o.: 25.09.2018).

5. Фролов Д. Л., Рыбникова А. В. Кто есть кто на рынке онлайн-исследований? Онлайн исследования в России 2.0. Москва, 2010, - С.276.

6. Интернет ресурслар
http://ask.ziyonet.uz/uz/question/1382
http://estudy.dba.uz/my

## Интернет сўрови (on-line сўров, web-тадқиқот) методологиясининг шаклланиши, ўзига хос жиҳатлари ва қўлланилиши

**Сухроб ХИДИРОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи*

**Аннотация:** *мақолада, On-line тадқиқотларнинг вужудга келиши, унинг ютуқ ва камчиликлари, соҳа олимларининг бу борадаги фикрлари келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистонда веб-тадқиқотларнинг қўлланилиши ва унинг истиқболлари каби масалалар таҳлилга тортилган.*

**Калит сўзлар:** ижтимоий сўров, интерактив анкета, онлайн-сўров, респондент, интервьюер.

## Формирование, особенности и применение методологии Интернет опроса (on-line опрос, web-исследование)

**Сухроб ХИДИРОВ,**
*начальник отдела Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистана*

**Аннотация:** *в данной статье анализируются вопросы формирования on-line исследования, его достижения и недостатки, мнение исследователей данной области знания, а также применение web-исследований в Узбекистане и их будущее.*

**Ключевые слова:** *социологические исследования, интерактивная анкета, онлайн-опрос, респондент, интервьюер.*

## The formation, of methodology Internet quaternary (On-line quaternary, web-research) of some specific features and usages

**Suhrob KHIDIROV,**
*Head of department of the Academy of Public administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *This article analyzes the problems of formation of on- line investigations, their advantages and disadvantages, opinions of different scholars in this field of study as well as the application of web-researches in Uzbekistan and its future.*

**Key words:** *social research, interactive quiz, on-line quiz, interviewer.*

**Зафар ХАЛЛЫЕВ,**
*соискатель Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

# СТРУКТУРА И СОДЕРЖАНИЕ ПОНЯТИЯ "ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ"

Сильный рост сложных общественных процессов современности, под влиянием бурного развития информационных технологий, обусловленных полиморфией совершенно новых форм коммуникации, породил ряд угроз и вызовов современного общества. Президент Ш.Мирзиёев в своих докладах неоднократно подчеркивал необходимость осознания важности "обеспечения безопасности и территориальной целостности страны, укрепления мира и согласия в обществе в условиях нынешней трудно предсказуемой ситуации в регионе и мире"[1]. Тотальная глобализация информационного пространства, создание сетевой структуры информационного общества сформировали кардинально иное социокультурное бытие.

**В 80-х гг. прошлого столетия японский социолог Ёнэдзи Масуда ввел в научный оборот понятие "информационное общество"[2]. Данная теория была далее развита и дополнена такими зарубежными исследователями, как М.Порат, Р.Катц У.Дайзарт, Т.Стоуньер, Э. Тоффлер[3]. Значительный вклад в изучение основ теории информационного общества внесла группа российских ученых: Р.Ф.Абдеев, А.И.Ракитов, А.Д.Урсул, В.Л. Иноземцев и др[4].**

Особый научный интерес вызывают работы отечественных исследователей. Так, в работах Ф.А.Муминова и Ш.О.Мурадовой[5] информационное общество представлено как общество, в котором процесс информатизации ставит субъектов данного социума в равные условия доступа к качественной и достоверной информации, а также обеспечивает эффективность автоматизации производственных процессов.

Поддерживая идеи авторов, Э.М.Иззетова подчеркивает значение научных знаний в информационном обществе, которые обладают особыми характерными признаками и обеспечивают " любому индивиду, организации, предприятию доступ ко всей существующей и необходимой для их деятельности информации"[6].

И.З.Абдуллаев утверждает, что "информационное общество зарождается в условиях, когда информационные технологии делают весь спектр общественных отношений взаимозависимыми. Мир вступает в качественно новые условия существования. Деятельность субъектов общественной жизни становится глобальной, всепроникающей и быстротечной во временном измерении. Наступает эра глобализации"[7]. Таким образом, он выводит особую форму причинно-следственной связи между такими основными понятиями современного информационного общества, как "информатизация" и "глобализация".

Г.А.Атаманов[8] главной парадигмой информационного общества видит в "противоречии между колоссальными возможностями по воздействию на социальную организацию и сознание человека, предоставляемыми новыми информационными технологиями, с одной стороны, и угрозами их использования в деструктивных по отношению к индивидууму, социальной группе, нации, всему человечеству целях, с другой". Иначе говоря, процессы глобализации и информатизации имеют как положительные стороны, так и отрицательные стороны, заключенные в угрозах разрушения самобытности различных культур.

Подобное многообразие новых видов защиты от воздействия в информационную эпоху требует особого исследователь-

ского подхода к изучению вопросов информационной безопасности. Проблема обеспечения информационной безопасности носит комплексный характер. На наш взгляд, для системного изложения научно-практических вопросов в сфере обеспечения информационной безопасности государства и для организации практической системы противодействия угрозам в информационной сфере  необходимо дать более полное определение понятию "информационная безопасность".

**Раскрытие сущности содержания понятия "информационная безопасность" представляет собой важную задачу научного анализа. Несмотря на широкую распространенность данного понятия, на сегодняшний день в науке нет единого подхода к его определению. Во многих исследованиях преобладает выборочный подход к отдельным аспектам данного вопроса, информационная безопасность многими авторами рассматривается лишь с точки зрения технического или социального (психологического, идеологического) его составляющего. Однако решение вопроса противодействия новым информационным угрозам современности диктует необходимость комплексного изучения как технической стороны, так и идеологической составляющей данного понятия (феномена).**

Обеспечение информационной безопасности личности, общества и государства как целостная система включает в себя такой важный компонент, как информационная безопасность, которая направлена на защиту законных интересов субъектов информационного процесса. Суть данного понятия раскрывается в результате практической деятельности, при академическом анализе и в национальных законодательных актах.

Так, определение информационной безопасности дано в Государственном стандарте Республики Узбекистан O'z DSt 2927:2015[9], где она представлена в качестве "защищенности информации и поддерживающей инфраструктуры от случайных или преднамеренных воздействий естественного или искусственного характера, которые могут нанести неприемлемый ущерб субъектам информационных отношений". В настоящем документе информационная безопасность рассматривается как состояние защищенности информационной среды общества, которая обеспечивает его формирование, использование и развитие в интересах личности, общества и государства. Подобная трактовка, делая преимущественно акцент на техническую сторону вопроса, предполагает, что защита информации и информационной инфраструктуры представляет собой содержание информационной безопасности.

Иное в смысловом значении определение информационной безопасности представлено в Законе Республики Узбекистан "О принципах и гарантиях свободы информации" №439-II от 12.12.2002 г.[10], где "информационная безопасность" определена как состояние защищенности интересов личности, общества и государства в информационной сфере". Из подобного определения следует, что сущность категории безопасности основана на интересах субъектов социальных отношений в информационной сфере. Однако, на наш взгляд,  данное определение неполное и невсеобъемлющее, ибо для установления предмета информационной безопасности личности необходимо уяснить, что является основой интересов личности, общества и государства в информационной сфере.

Известно, что в соответствии со статьей 13 Закона Республики Узбекистан "О принципах и гарантиях свободы информации",  информационная безопасность личности обеспечивается путем создания необходимых условий и гарантий свободного доступа к информации, защиты тайны частной жизни, защиты от противоправных информационно-психологических воздействий. Из чего следует, что в соответствии с национальным законодательством, нормой страны предметом информационной безопасности личности являются право личности на свободный доступ к информации, тайна частной жизни и сознание личности.

Как упоминалось выше, сложность внутренней природы процесса обеспече-

ния информационной безопасности обусловлена двумя основными компонентами: технико-технологическим и социально-психологическим.

С этой точки зрения данные компоненты предопределяют интересы личности в информационной сфере, которые выражаются в информационно-техническом и информационно-психологическом аспекте.

Из чего следует, что возможность свободного доступа к информации, а также защита самой информации от несанкционированного посягательства входит в информационно-техническую сферу интересов личности. В то время как вопросы обеспечения фундаментальных прав и свобод, направленных на защиту безопасности личности, повышение уровня жизни и его благосостояния, а также интеллектуальное развитие относятся к интересам информационно-психологического характера.

Далее, по мнению Ю.А. Фисун, информационная безопасность - это "состояние защищенности информационной среды, которая отвечает интересам государства, при котором обеспечивается формирование, использование и возможности развития независимо от влияния внутренних и внешних информационных угроз"[11].

Похожая трактовка у другого автора, И.Н.Панарина, который информационную безопасность называет "состоянием защищенности информационной среды общества и политической элиты, обеспечивающее ее формирование и развитие в интересах политической элиты, граждан и государства"[12]. Здесь мы видим, что особый упор делается на роль и значимость политических элит, способных противодействовать информационным угрозам.

Совершенно иначе определено данное понятие профессором А. А. Тер-Акоповым, который в отличие от предыдущих авторов информационную безопасность называет "состоянием защищенности информации, обеспечивающей жизненно важные интересы человека"[13].

В данном направлении информационная безопасность рассматривается в качестве состояния, тенденции развития, условия жизнедеятельности общества и его структурных подразделений, которые сохраняются для её объективного функционирования. Некоторые исследователи процесс (состояние), при котором отсутствует реальная или потенциальная угроза личности, обществу и государству со стороны информационной среды, называют информационной безопасностью. Однако рассмотрение категории безопасности лишь в качестве состояния неверно по той причине, что оно не в полном объеме отражает динамизм данного процесса. Необходимо разграничивать понятия процесс и понятие состояние. Процесс означает последовательную смену явлений и состояний в развитии системы и концентрируется на моменте направленности в изменении объекта. А состояние представляет собой определенный момент безопасности и не охватывает весть процесс в целом.

В дефиниции данной категории среди многих ученых[14] отмечается единый подход к вычленению базовой основы понятия информационной безопасности, так многие в определении данного понятия рассматривают понятие "безопасность" ключевым, т.е. категория "информационная безопасность" определяется через призму понятия безопасность.

**Таким образом, украинский исследователь В.А.Липкан[15] родовым понятием "информационной безопасности" считает понятие "безопасность", которое характеризует определенный процесс управления угрозами и опасностями. Соответственно видовое понятие "информационная безопасность" означает процесс управления угрозами и опасностями в информационной сфере. Далее он отмечает, что информационная безопасность является неотъемлемой частью общей безопасности, национальной, региональной и международной.**

Для В.И.Ярочкина[16] информационная безопасность выступает в качестве состояния защищённости информационных ресурсов, технологии их формирования и использования, а также прав субъектов информационной деятельности.

Более детально данное понятие раскрыто В.А.Бетелиным и В.Б.Галатенко[17], которые

считают, что информационная безопасность - это защищённость информации и поддерживающей инфраструктуры от случайных или преднамеренных воздействий естественного или искусственного характера, способных нанести ущерб владельцам или пользователям информации и поддерживающей инфраструктуры.

Другой украинский ученый Р.Л. Калюжный утверждает, что информационная безопасность - "вид общественных информационных правоотношений по созданию, поддержке, охраны и защиты желаемых для человека, общества и государства безопасных условий жизнедеятельности; общественных отношений, связанных с созданием, распространением, хранением и использованием информации"[18].

Учитывая, что информационная безопасность в комплексном виде служит для реализации национальных интересов, основной задачей политики информационной безопасности считается стабильное развитие и благополучие общества.

Стоит отметить, что во многих академических изданиях[19] данная общенаучная категория представлена в качестве некоего положения (состояния), при котором не угрожает опасность кому-либо, чему-либо (т.е. системе в целом). При этом, если рассмотреть данное состояние системы с точки зрения её противостояния дестабилизирующей интенции внешних и внутренних угроз, а также её функционирования без создания опасности для составных частей самой системы и внешней области, то мерой безопасности системы в данном случае выступит уровень поддержания стабильности внутренней структуры системы от влияния внешний агрессивных факторов, а также степень возникновения подобных факторов с угрозой балансу элементам как системы, так и внешней среды.

Подобное толкование описанных изложений формирует такое определение понятия информационной безопасности, при котором оно рассматривается как состояние системы, где, с одной стороны, проявляется ее способность противодействия негативному воздействию внешних и внутренних информационных угроз, а, с другой, элементы системы не подвержены информационной угрозе действию самой системы и внешней среды.

**Таким образом, информационная безопасность представляет собой весьма важное понятие, являющееся основополагающим термином социально-политических наук и других сфер деятельности человека. Сущность и системность данной категории свойственна внутренней природе современного информационного общества. Изучение многообразия подходов к определению содержания данного понятия диктует неэффективность выбора тех или иных позиций. Отмеченные выше определения понятия информационной безопасности способствуют глубокому системному анализу данной проблемы. В данном случае целостный подход считается наиболее оптимальным, где данное понятие раскрывается через призму наиболее важных ее субстанциональных признаков с учетом постоянной динамики информационных систем.**

Резюмируя описанные выше положения, можно отметить, что в силу отсутствия единого подхода к определению данного понятия различные исследователи неоднозначно решают данный вопрос, так некоторые называют его состоянием, а для других он представляет процесс, деятельность, способность, свойство, функцию и др. В целях упрощения понимания сути данных определений, представляется целесообразным сформировать классификацию направлений дефиниций рассматриваемой категории, а также создать единые правовые подходы к его определению, которые должны найти свое отражение в международных нормах в информационной сфере.

***Источник и литература***


*1. Из выступления Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на заседании Совета безопасности в расширенном составе. 11.01.2018, https://president.uz/ru/lists/view/1419*

*2. Masuda Y. The Information Society as*

*Postindustrial Society. Wash.: World Future Soc., 1983.*

*3. Porat M., Rubin M. The information Economy: Development and Measurement. - Wash.: WP, 1978; Katz R.L. The information Society: An international perspective. - N.Y.: Ni ka, 1988; Дайзарт У. Наступление информационного века. Новая технократическая волна на Западе. - М. 1986; Stonier T. The Wealth of information. L., 1983; Тоффлер Э. Третья волна. - М.: ООО Фирма Издательство "АСТ", 2004.*

*4. Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации / Редакторы: Е.С. Ивашкина, В.Г. Деткова. - М.: ВЛАДОС, 1994; Ракитов А.И. Философия компьютерной революции. - М. 1994; Урсул А.Д. Информатизация общества: введение в социальную информатику. - М.: Акад. обществ. наук, 1990; Иноземцев В.Л. Современное постиндустриальное общество: природа, противоречия, перспективы\\учеб. пособие для студентов вузов - Москва: Логос, 2000.*

*5. Мўминов Ф. Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт // "Ўзбекистон матбуоти", 2007, №5.; Мурадова Ш.О. Проблемы обеспечения информационной безопасности Республики Узбекистан в условиях глобализации. - Т.: "Шарқ", 2008.*

*6. Э.М.Иззетова. Информационные технологии в зеркале философии. // "UZINFOCOM", 2005, №5*

*7. Абдуллаев И.З. Информационное общество и глобализация: критика неолиберальной концепции. - Т., 2006.*

*8. Г.А.Атаманов. Информационная безопасность: сущность и содержание. Бизнес и безопасность в России. - 2007. - № 47. - С. 104-109.*

*9. Государственный стандарт Республики Узбекистан O'z DSt 2927:2015 (Информационная технология. Информационная безопасность. Термины и определения), Постановление Узстандарта от 05.02.2015 № 05-619.*

*10. http://www.lex.uz/acts/52709*

*11. Фисун Ю. А. Государственно-правовые основы информационной безопасности в органах внутренних дел: дис. канд. юрид. наук.- М., 2001. - 213с.*

*12. http://panarin.com/info_voina/86-informacionnaya-bezopasnost.html*

*13. Тер-Акопов, А. А. Безопасность человека: социальные и правовые основы / А. А. Тер-Акопов. - Москва: Норма, 2005. - 272 с.*

*14. Малюк А.А. Информационная безопасность: концептуальные и методологические основы защиты информации. - М.: Горячая линия- Телеком, 2004. - 280 с.; О.В. Бойченко, Н.И. Журавленко. Информационная безопасность: учебное пособие - Симферополь: ИП Бровко А.А., 2016. - 248 с.*

*15. Липкан В.А. Национальная безопасность Украины. - К.: КНТ, 2009*

*16. Ярочкин В.И. Информационная безопасность. - М.: Гаудеамус, 2004.*

*17. Галатенко В. А.,. Бетелин В. Б., Шкред. А. В. Основы информационной безопасности: - М. 2012.*

*18. Питання концепций реформування информацийного законодавства Украйни / Р.Калюжний, В. Гавловський, В. Цимбалюк, М. Гуцалюк // Збқрник "Правове, нормативне та метрологичне забезпечення системи захисту информаций в Украйни". К.: НТУУ "КПғ", Миносвити и науки Украйни, СБУ. - К. - 2000. - С. 17-21.*

*19. https://en.oxforddictionaries.com/definition/security; Халипов В.Ф., Халипова Е.В. Власть. Политика. Государственная служба. Словарь. - М.: Луч, 1996.-271 с.*

## Структура и содержание понятия "информационная безопасность"

**Зафар ХАЛЛЫЕВ,**
*соискатель Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

**Аннотация:** *в работе рассмотрена сущность содержания понятия "информационная безопасность" на основе практической деятельности, научных исследований, а также национальных нормативно-правовых документов. Автором проанализированы социальные и технические аспекты феномена информационной безопасности. Изучены системообразующие факторы обеспечения информационной безопасности личности, общества и государства. Представлен анализ теоретических основ формирования понятия "информационная безопасность" на основе учений различных научных школ и подходов.*

**Ключевые слова:** *информационное общество, информационная безопасность, обеспечение информационной безопасности, структура информационной безопасности, информационная угроза.*

## "Ахборот хавфсизлиги" тушунчасининг структураси ва мазмун-моҳияти

**Зафар ХАЛЛИЕВ,**
*Мирзо Улуғбек номидаги*
*Ўзбекистон миллий*
*университети мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** *мазкур рисолада амалий фаолият, илмий изланишлар ҳамда миллий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида "ахборот хавфсизлиги" тушунчасига таъриф берилган. Муаллиф томонидан ахборот хавфсизлиги феноменининг ижтимоий ва техник жиҳатлари ўрганиб чиқилган. Давлат, жамият ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган. Турли таълимотлар ва илмий ёндашувлар асосида "ахборот хавфсизлиги" тушунчасининг назарий асослари таҳлили келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *ахборот, жамият, ахборот хавфсизлиги, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги структураси, ахборот таҳдиди.*

## The structure and content of the concept of "information security"

**Zafar KHALLIEV,**
*Independent researcher,*
*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

**Abstract:** *the article touches upon essence of the concept "information security" based on practical activity, scientific research and national legal and regulatory instruments. The author analysed social and technical aspects of the phenomenon of information security. The author analysed the system-creating factors of ensuring information security of the person, society and state. The analysis of the theoretical foundations of the concept of "information security" on the basis of the teachings of various scientific schools and approaches is presented.*

**Key words:** *information society, information security, ensuring information security, structure of information security, information threat*

**Озода ШЕРМУХАММЕДОВА,**
*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Гуманитар фанлар" кафедраси ассистенти*

# АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА "ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШГАН МАТБУОТ"НИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистоннинг глобал дунёга тизимли равишда трансформациялашиб бориши, биринчи навбатда, мамлакат ёшлари ва уларнинг ижтимоийлашуви билан ҳам аҳамият касб этади. Замонавий ёшларнинг социал муҳит шарт-шароитларига ижтимоийлашувидаги хусусиятлар трансформациялашган жамият ва унинг оқибатида вужудга келган субъектив вазиятларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу жараёнда ёшларнинг ўз олдига қўйган вазифалар, шарт- шароитга мослашув ва истиқболдаги эришилиши кўзланган мақсадлар социологик нуқтан назардан илмий таҳлил ва башорат қилиниши лозим. Инкор этишнинг ҳожати йўқ, ёшлар мавзуси бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида жиддий таҳлил қилинган. Шундай бўлса-да, мавжуд ахборотлашган жамият замонавий ёшлар олдида турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, Интернет тармоғи имкониятларидан ҳамма вақт ҳам унумли фойдалана олмаслик, баъзи ҳолатларда мавжуд ахборот оқимига нисбатан мафкуравий иммунитет кўникмасининг етишмаслиги уларнинг технологик трансформациялашган жамиятга ижтимоийлашуви қийин кечаётганидан далолат беради. Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникацион технологиялар Давлат қўмитаси маълумотига кўра, Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 2018 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича 15 млн. 290 мингдан ортиқни ташкил қилди[1]. Республикамиздаги умумий аҳоли сонини 2018 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 33 млн. деб оладиган бўлсак[2], ўзбекистонликларнинг қарийб тенг ярми Интернетдан фаол фойдаланар экан, деган хулосага келиш мумкин.

**XX асрнинг интиҳоси ижтимоий ҳаётда янги типдаги ахборот маконининг пайдо бўлиши билан якунланди ва XXI асрда эса компьютер технологияларининг юқори суръатдаги тараққиёти туфайли инсоният тафаккурида янада муҳим аҳамият касб эта бошлади. XXI асрда журналистиканинг "коммуникация", "публицистика", "ОАВ", "масс-медиа", "оммавий коммуникациялар", "жамоатчилик билан алоқалар (PR)" каби атамалар орқали таърифланиши соҳада ягона илмий аппарат (терминология) қўлланилмаётганидан далолатдир. Масалан, айрим адабиётларда журналистикага таъриф берилмаган[3]. Ҳозирда америкалик олимларнинг матбуотни сиёсий жиҳатдан 4 та: "авторитар матбуот", "либертариан матбуот", "матбуотда ижтимоий масъулият", "коммунистик матбуот"ларга[4] ажратилгани оммавий коммуникацияларни тадқиқ этишда асос бўлмоқда.**

Аниқроғи, мазкур макон рақамли телекоммуникацион технологиялар ёрдамида такомиллаштирилди. Унинг истеъмолчилар томонидан ўзлаштирилиши жамиятга телефон, кабель телевидениеси, замонавий автомобиллар ва янги даврнинг бошқа техник янгиликлари ўзлаштирилишидан кўра тез ва самарали кечмоқда. Агар

2002 йили Ер юзида ярим млрд. кишининг ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланганлиги қайд этилган бўлса, 2005 йилга келиб, "Глобал тармоқ аҳолиси"нинг сони миллиарддан ошди, шундан тахминан 845 млн.и тармоқнинг фаол истеъмолчиларига айланди. Ўзини "Тармоқ фуқароси" деб атовчи одамларнинг бутун бошли "кибер оммаси" вужудга келган. Интернет истеъмолчиларининг сони бўйича биринчи ўринни Америка Қўшма Штатлари эгаллайди, мазкур давлатда улар 175 млн. кишини ташкил этади. Осиё минтақасида (бу ҳудудда алоҳида давлатлар бўйича ҳали статистика юритилмайди) тармоққа 315 млн. киши уланган. Лотин Америкасида бугунги кунда 70 млн. Интернет истеъмолчи қайд этилган. "EMarketer" компанияси тадқиқотчилари қайд этиши бўйича Европада 233 млн., Хитойда эса 111 млн. истеъмолчи мавжуд. 2019 йилга келиб эса ер юзида 4 млрд.дан ортиқ[5] аҳоли ИНТЕРНЕТ тармоғидан унумли фойдаланаётгани маълум бўлди. Бугунги инсоният XXI асрга келиб ер юзида кенг миқёсидаги глобал ўзгаришларнинг гувоҳи бўлмоқда. Замонавий жамиятнинг техник тараққиёт ва узлуксиз ахборотлашган дунёга трансформациялашуви ер юзидаги кўплаб мамлакатларни қисқа фурсат ичида ўз домига тортиб кетмоқда. Хусусан, Интернет тизимининг барча жабҳаларга жалб этилиши кишилар онги, тафаккури ва турмуш тарзини жадал суръатларда тезлашувига сабаб бўлмоқда. Табиийки, Ўзбекистон бундан мустасно эмас.

**Қолаверса, бугунги кунда халқаро тармоққа уланишнинг умумий тезлиги ҳам сезиларли даражада ўсган. Ҳозирда у сониясига 7780 Мбитга етган, бу эса ўтган йилга нисбатан 60%га юқоридир (4850 Мбит). Мамлакатимизда ахборот олиш ва узатишнинг асосий манбааларидан бири ҳисобланувчи Интренетга бўлган қизиқиш эътиборга молик. Айниқса, Ўзбекистонда Интернет тармоқлари алоҳида тизим сифатида ўрганилаётганидан бери ўн йилдан ортиқ вақт ўтганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу қисқа муддат ичида бу соҳада қатор илмий тадқиқотлар ўтказилди. Аммо Интернет тармоқларининг социал тармоқлар билан боғлиқ қисми ҳали ўрганилмаган. Масалан, социал тармоқларнинг инсон онгу тафаккурига таъсири, уларда пайдо бўлаётган ОАВ хусусиятлари ёки уларда оммавий коммуникация айнан қандай усуллар билан йўлга қўйилиши жамиятимиз учун номаълумлигича қолмоқда. Медиа тармоқларни ОАВнинг янгича феномени ёки оммавий коммуникация ривожидаги янги босқич сифатида тадқиқ қилиш эса миллий ОАВ ривожига хизмат қилади.**

Социал тармоқ атамаси илк бор 1954 йилда "Манчестер мактаби" социологи Джеймс Барнс томонидан "Инсоний муносабатлар" тўпламида чоп этилган "Оғир кечаётган даврдаги норвег синф ва йиғинлари" мақоласида қўлланган, аммо узоқ йилларгача у фақат математик олим ва социологларнинг илмий атамаси деб ҳисобланган.

З.Фрейд назариясида жамият ривожига хоҳиш-истак (либидо) кучли таъсир кўрсатса, Э.Фромм ҳам инсоннинг ички жинсий кечинмаларига алоҳида эътибор қаратган. Бироқ мазкур назариялар турлича талқин этилиб, натижада, Ғарб ва АҚШ матбуоти эркинлигини тўлиқ (мутлақ) ифода этиш даражасида намоён бўлди.

Дунёда 2008 йилда бошланган глобал молиявий инқироз туфайли айрим давлатларда ОАВ фаолиятини тўхтатди. Шу жумладан, Америка Қўшма Штатларида, айниқса, Чикагодаги "Sun-Times Media Group" медиа компанияси ва "Tribune" нашриёт уйи банкрот деб эълон қилинган; Денверда эса "The Rocky Mountain News" газетаси ёпилган. Аризона штатидаги йирик "The Tucson Citizen" ва Мичиган штатидаги "Ann Arbor News" газеталари 2009 йил иккинчи ярмидан фақат Интернет тармоғи орқали чиққан; кейинги газета таҳририятида фаолият кўрсатган 214 нафар ходим эса ўз иш ўринларидан ажралган. Ахборот соҳасининг трансформациялашувида кадрларга нисбатан талаблар жиддий тарзда ўзгариб боришига Я.Засурский[6], коммуникатив жараёнларнинг социологик жиҳатига С.Корконосенко[7] ва Л.Арушанян[8] эътибор қаратишган. Шунингдек, Г.Бакулев[9] ва бошқалар ижтимоий жараёнлар трансформация[10]лашувининг фалсафий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишган.

Айтиш мумкинки, ҳозирги замон жамияти том маънода Интернет-коммуникация жамиятига айланмоқдаки, унда ижтимоий, маданият, иқтисодиёт, ахборот, таълим соҳалари ўзининг бош унсурига айланган Интернет атрофида шаклланмоқда. Ахборот соҳаси трансформациялашуви, яъни ОАВнинг бошқа шаклда намоён бўлиши мавжуд ижтимоий тизим ўзгариши, "трансформациялашган матбуот" ахборотлашган жамиятда шаклланиб ривожланади. Оммавий коммуникациялар такомиллашуви натижасида горизонтал ҳолатдаги "Трибониклашган матбуот"дан янги давр - ахборотлашган жамиятида вертикал ҳолат бўйича кўтарилиши (прогресс) орқали "Трансформациялашган матбуот"га ўтиш жараёни кузатилади. "Трансформациялашган матбуот" деб ахборотлашган жамиятда оммавий коммуникацияларнинг маълум бир босқичдан иккинчисига ўтишида анъанавий турдаги ОАВ ўзгартирилиши ёки қайта тузилишига айтилади. Трансформациялашган матбуот иккига бўлинади: оддий (ички) ва мураккаб (ташқи). Оддий трансформациялашган матбуотда маълум бир давлатда ахборот соҳасидаги миллий оммавий коммуникацияларнинг қўшилиши (фаолияти бир-бирига яқин), ташкил этилиши ёки қайта тузилиши (фаолият йўналиши ҳар хил бўлган) сабабли ахборот тарқатиш диверсификацияланади. Мураккаб трансформациялашган матбуот эса халқаро ахборот майдонида трансмиллий корпорацияларнинг ОАВи бўлиб, улар турли манфаатларга хизмат қилсаларда, бироқ давлат ва жамият ривожида умуммиллий мақсад йўлида фаолият олиб бориши англанади.

**Виртуал воқелик "ичида" одамлар билан нималар содир бўлаётгани борасида, шубҳасиз, махсус тадқиқотлар олиб бориш зарур. Бироқ социал тармоқ ичига "боши билан шўнғиб кетган"лар ҳам тармоқ ичидагина "яшаб" қолмай (ҳар ҳолда шу пайтгача), тинимсиз офф-лайн воқеликка қайтади: авваламбор, ўз жисмоний ва ижтимоий ҳаётини сақлаш учун. У ердан улар ким бўлиб қайтади. "Тармоқ ҳамжамияти"да шаклланадиган хатти-ҳаракат меъёрлари ҳақиқий жамият талабларига қай даражада жавоб бера олади. Албатта, бу икки (он-лайн ва офф-лайн) жамиятни мозаиканинг бир-бири билан боғлиқ бўлмаган элементлари сифатида қабул қилиш мумкин.**

А.Моллиинг ғоясига биноан, бу — "....ўзаро туташ, аммо яхлит конструкцияни ташкил этмайдиган парчалардан тузилган" "мозаик" маданиятдир. Бироқ улар ўртасида алоқа вужудга келади ва бу алоқанинг асосини бир пайтнинг ўзида ҳам Интернет истеъмолчиси, тармоқ гуруҳи (ёки бир неча гуруҳлар) аъзоси бўлган, ҳам офф-лайн жамияти, реал социум аъзоси бўлган одам - бир одамнинг ўзи ташкил этади. Унинг ички оламида турли манбалардан олинган маданий намуналарнинг чатишуви қандай содир бўлади. Хатти-ҳаракатнинг қайси моделлари унинг учун намунавий моделларга айланади. Қайси тушунча ва қадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Қайси ҳолатлар унинг учун идеал маданий рамз вазифасини ўтай бошлайди? Ниҳоят, офф-лайн жамиятдаги ижтимоийлашув жараёнларида шаклланган меъёр ва намуналар тармоқ жамиятида қандай ўзгаришларга учрайди. Бу саволлар инсоннинг Интернетга тобелиги кучайган сари тобора долзарблашиб боради. Бунда "реал" ва "виртуал" социумларни бир-бирига зид қўйиш ярамайди: уларнинг икковини ҳам такомиллаштириб бориш керак. Ҳозирги кунда вазият шундай ёки, жамият яна бир бор танлаш лозим бўлган ҳолатга рўбаро бўлган - Янги давр бошида Ж.Ж.Руссонинг "ортга, табиат қўйнига", деган шиори қай даражада оммалашган бўлса, бугунги кунда инсонни виртуал дунёдан реал ижтимоий оламга "қайтариш" талаблари тобора баландроқ янграмоқда.

Илмий-академик манбаларда социал тармоққа оид илмий адабиёт ва манбалар таҳлил қилинар экан, унда социологиянинг муҳим тадқиқот объекти ҳисобланган ижтимоийлашув категорияси мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ижтимоийлашув социологик фанлар тизимидан ташқари бир вақтнинг ўзида социал психология, педагогика, сиёсатшунослик, маданиятшунослик ва шу каби бир қатор ижтимоий фанларнинг тадқиқот объекти

саналади. Инсоннинг ўзини ўзгартириш, такомиллаштириш жараёнига жалб этилиши, бу фаол ёки пассив бўладими, бундан қатъи назар, социолог, психолог, файласуф, педагогларнинг доимий диққат-эътиборида бўлган. Бугун анъанавий жамиятлар трансформацияси рўй бераётган жараёнда эса социал тармоқлар фаолияти туфайли ресоциализация социал холат сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур муаммо социология соҳасида доимо долзарб бўлиб келган, чунки ҳар бир даврда, хусусан, бугунги жамиятда ҳар бир алоҳида олинган шахс ҳам, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ҳам янги, ўзгаришга учраган социал омиллари билан тўқнашади. Натижада, жамиятлар учун ҳам, шахслар учун ҳам социал-сиёсий мансублик долзарб аҳамият касб эта бошлайди.

**Бугунги кунда социомаданий муҳит жиддий ўзгаришга учраган. Бу нафақат қадриятлар тизимининг ўзгарганлиги, балки янги типдаги ахборот-коммуникатив макон - Интернетнинг пайдо бўлганлиги ҳисобига содир бўлди. Интернет истеъмолчиларининг ёши бўйича гуруҳларининг фоиз ҳисобида мувофиқлашуви социологларни янги омил - Интернет таъсирида ижтимоийлашув натижаларининг турғунлиги ва ўзгарувчанлиги диалектикаси масаласига эътибор қаратишга мажбур этмоқда.**

XXI аср ахборотлар асри сифатида эътироф этилар экан, у бир вақтнинг ўзида бир қатор фанлар, хусусан, тармоқлар, сиёсатшунослик, социология каби фанларнинг тадқиқот объектига айланди. Янги ахборот технологиялари фаолиятининг ижтимоийгуманитар натижалари бениҳоя ранг-барангдир. Улар инсон меҳнат фаолияти характерини, унинг ижтимоий алоқаларини, ижтимоий муносабатларнинг шакл ва мазмунини ўзгартиради. Шу билан боғлиқ равишда тадқиқотчиларнинг диққат-эътибори марказида ахборот технологияларининг инсон руҳиятига таъсири, компьютер воситасидаги мулоқот ва Интернетдаги инсон фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари каби масалалар ўрин олди. Бир неча ўн йил аввал (1962 йили) телевидение ва ахборот узатишнинг бошқа электрон воситалари ривожи билан боғлиқ равишда М.Маклюэн фикрлаш усулидаги ўзгаришни қайд этган эди (чизиқли фикрлаш ўрнини "мозаикали" фикрлар эгаллай бошлади, тафаккурнинг асосий Тузилмалаш тамойили сифатида мифнинг қайта тиланиши ва ҳ.к.) М.Маклюэн фикрлаш усули ва социал муносабатларнинг ўзгаришига "мулоқот воситалари"нинг таъсирига алоҳида эътибор қаратиб, маданият социологияси соҳасидаги замонавий татқиқотларнинг йўналишини белгилаб берди. Шундан сўнг Массмедиа коммуникациялари М.Кастельс, Ж.Бодрийяр, П.Вирильо, Э.Тоффлер, С.Жижек, У.Эко, Ж.Гитомер[11] каби тадқиқотчиларнинг диққат марказидан ўрин олди. Мазкур олимлар телекомуникацион технологиялар воситасида яратилган виртуал реалликни ўрганишни таҳлилий-назарий тадқиқотчилик даражасига олиб чиқдилар ва турли "симулар"ларнинг пайдо бўлиши, уларнинг социал воқеликнинг асосини ташкил этувчи макондаги муносабатларга таъсири масалаларини чуқур тадқиқ этдилар.

Ҳар қандай социал муносабатлар ахборот эвазига вужудга келади ва давом этади. Ахборот олиш ва узатиш каналларини (вербал, визуал, аудио ва ҳ.к.) Р.Арнхейм, Р.Барт, Ю.Лотман, В.Подорога, Г.Почепцов, У.Эко ва бошқа олимлар тадқиқ этишган. Интернетнинг ихтиро қилиниши бир тизимнинг ўзида матн, тасвир, товушни бирлаштириш имкониятини берди. Уларнинг биргаликлаги иши "янги ҳиссийлик"ни дунёга келтирдики, у кундалик ҳис-туйғуларни сунъий тиклаш имкониятига эга. В.Подорога фикрича, бу ҳиссиёт етишмаган реалликни тўлдиришга эмас, балки реалликнинг ортиқчалигига кўниктиради: бу ҳиссийлик одамлар олдинги кундалик ҳаётида ўрганиб қолганларга нисбатан ёрқинроқ, кўринарлироқ, жарангдорроқ "олам" билан иш кўради. Агар аввал ҳиссий идрок реал борлиқ образларини яратган бўлса, бугунги кунда "янги ҳиссийлик" рақамли технологиялар ёрдамида сунъий реалликни қабул қилишга тайёр туради. Мисол тариқасида ҳаракатга келган, "жон кирган" ҳайкалларни келтириш мумкинки,

улар ҳайкалнинг туғалланган шакли ва, демакки, ҳайкалтарошнинг муайян ғояси билан зиддиятга киришади. Шу асосда Ж.Бодрийяр тилга олган "реалликни йўқотиш"-дан иборат умумий ҳолатнинг давоми сифатида реалликнинг тасвиридаги диссонансларни сеэмаслик, илғамаслик кўникмаси шаклланади.

Интернет деярли пайдо бўлган куниданоқ фанлараро тадқиқотларнинг предметига айланди. Аммо ўтган асрнинг 70-йилларида компьютер воситасидаги мулоқотнинг ўзигина ўрганилган бўлса, 80-йилларга келиб, компьютер тармоқларининг коммуникатив қўлланилишини ўрганишга бағишланган ишлар пайдо бўлди. А.Е.Войскунский ўз мақоласида ўтган асрнинг 70-йилларидан то ҳозирги кунгача Интернет тадқиқ этган ишларнинг қисқача маълумотини берган[12]. Сўнгги йилларда Интернетга бағишланган тадқиқотларда, асосан, истеъмолчиларнинг мотивациялари, уларнинг индивидуал-психологик ўзига хосликлари, Интернетга "оғу" каби тобелиги шакли (кибераддикция), ундаги мулоқотнинг лисоний ва умуммаданий хусусиятлари, тармоқ этикети, яъни Интернет-шериклар ўртасидаги мулоқотни тартибга солувчи қоидалар, ўзини намоён этиш ва тармоқдаги ўхшашликни алмаштириш тамойиллари; Интернет ўйинлар тавсифининг болалар, ўсмирлар ва катталар ўйин усулларининг психологик хусусиятларига мувофиқлиги, Интернет истеъмолчиларининг ҳаридорлик ҳаракатлари парадигмаси; гиперматнли тузилмалар билан иш кўрилганда маълумот олиш стратегияси ва ҳ.к.[13] ларга бағишланган. Социолог ва журналистлар томонидан "тармоқ жамоалари" ва Интернет аудиторияси мавзуси ўзлаштирилмоқда[14]. Алоҳида туркум ишлар виртуал маконда одамнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш усулларининг таҳлилига бағишланган[15]. Бироқ Интернет ва ундаги социал тармоқлар тизими ижтимоийлашув агенти сифатида шу кунгача махсус тадқиқ этилмаган. Социал тармоқлар йўналишида эса бу хусусда бирон-бир илгари сурилган мулоҳазанинг ўзи йўқ. Бундан ташқари, виртуал маконда ижтимоийлашув муаммосини ўрганишда қуйидаги йўналишдаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади: Ж.Фурастье, Э.Масуда, М.Маклюэн, Э.Тоффлер, Д.Белл, А.Турен, М.Кастельс, У.Дайзард, Р.Айрис, Т.Стоуньер, Дж.Мартин каби олимлар томонидан турли вариантларда ва турли ном остида ("постиндустриал", "ахборотлашган" жамият) ишлаб чиқилган ахборотлашган жамият концепцияси; С.Коэн, Т.Роззак ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган суб ҳамда контрмаданият феномени; виртуал реаллик ва виртуал жамоаларнинг социологик таҳлили (С.Бондаренко, П.Коллок, Марк А.Смит, Г.Рейнгольд, Э.Рейд, С.Томас, Н.Щербин ва бошқаларнинг ишлари). Шунингдек, таълимий тармоқлар эволюциясига бағишланган тадқиқотларни ҳам қайд этиш лозим (Р.Левитт, П.Монг,С.Вассерман ва бошқалар). Компьютерлаштиришнинг социал жиҳатларини, шунингдек, И.Соколова, К.Колин ва бошқалар тадқиқ этган. Илмнинг Интернет, кибермакон, кибермаданият, Интернет-жамоа (уюшма)лар билан боғлиқ социал муаммоларни ўрганишга қаратилган бир қатор илм йўналишларини ўзида бирлаштирган фан соҳаси - киберсоциологияни яратиш заруратига оид масалалар таниқли россиялик тадқиқотчилар В.Добреньков ва А.Кравченколар ишларида ёритилган[16].

**Шундай қилиб, айтиш мумкинки, янги ахборот технологияларининг ижтимоийлашув жараёнидаги ўрни масаласи шу пайтгача тизимли равишда ўрганилмаган. Бироқ Интернетда ўзини презентациялаш стратегиялари ва уларнинг реаллик билан боғлиқлигини ўрганиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини қайд этиш мумкин[17]. Шу билан бирга, Интернет орқали ўтадиган янги "транзит йўлаклар"ининг пайдо бўлиши аксарият ижтимоий-гуманитар йўналиш мутахассислари учун "terra incognita"лигича, яъни номаълумлигича қолмоқда. Хусусан, социал тармоқлар бундан мустасно эмас.**

Умуман олганда, янги ахборот технологиялари ва улардан инсон ҳаётида фойдаланишни такомиллаштириш борасида бир-бирига мутлақо зид бўлган баҳо ва прогнозларни учратиш мумкин. Бир томондан, ижтимоий фикрда компьютерларнинг ёш авлоднинг онгу тафаккурига фақат салбий

таъсир ўтказиши ҳақидаги тушунча ўрнашиб қолган. Аммо бу фикрга зид ўлароқ янги ахборот технологияларнинг жамиятга ва жумладан, таълим тизимига фақат ижобий, самарали таъсири ҳақидаги ўта кўтаринки қарашлар ҳам кенг тарқалган.

***Манба ва адабиётлар***

*1. HYPERLINK "http://www.darakchi.uz/tehno-2/4448-internet-fojdalanuvchilar-soni-10-milliondan-oshib-ketdi*

*2. HYPERLINK "http: //xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-aholisi-soni-33-milliondan-oshdi.*

*3. Словарь-справочник: журналистика: реклама, паблик рилейшнз. / Авт. колл.: Ф.Нестеренко, М.Казем, Я.Маматова и др. -Т.: "Зар қалам", 2003.*

*4. Сиберт Ф.С., Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. / Пер. с англ. -М.: Вагриус, 1998.*

*5. HYPERLINKhttp://www.xabar.uz/texnologiya/dunyoda-internet-foydalanuvchilari.*

*6. Засурский Я.Н. СМИ в условиях общественной трансформации. // Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика.- 2006.- №6*

*7. Корконосенко С.Г. Основы журналистики. - М.: Аспект Пресс, 2001.*

*8. Арушанян Л.Л. Потенциал личности в информационных структурах трансформирующегося общества современной России. Автореф. дисс. докт. соц. наук. -Краснодар, 2009.*

*9. Бакулев Г.П. Массовая коммуникация. Западные теории и концепции. - М.: Аспект Пресс, 2005.*

*10. Transformation of Capitalism.Economy, Society and State in modern times. - London, 2000.*

*11. Тоффлер Э. Третья волна. - М., 1999., Гитомер Дж. Бизнес в социальных сетях. СПб.: Питер, 2013., Кастельс М. Информационная эпоха. - М.:, 2000.,*

*12. Войскунский А.Е. Исследования Интернета в психологии // http: // psynet.by.ru/texts/voysk 1 .htm*

*13. Қаранг.: Гуманитарные исследования в Интернете / А.Е. Войскунский (ред.). -М., 2000; Жичкина А.Е., Белинская ЕЛ. Стратегии самопрезентации в Интернете и их связь с реальной идентичностью, http: // flogiston.ru/projects/articles/strategy.shtml; Жичкина А.Е., Белинская Е.П. Пространство, населенное Другими // Интернет. 1999. № 16 (июнь-август); Жичкина А.Е. Социально-психологические аспекты общения в Интернете, http: // flogiston.ru/projects/articles/refinf.shtml; Смирнов Ф.О. Русский язык "выпутался" из Сети, http: // psynet.by.ru/texts/smirnovl.htm*

*14. Қаранг.: Бондаренко С. В. Социальная структура виртуальных сетевых сообществ. - Ростов -н/Д, 2004; Залесский П., Спектор М. Сколько нас? Какие мы? Портрет российской Интернет аудитории // Мир Internet. 1999. № 7-8; Чугунов А.В. Социологические аспекты формирования информационного общества в России. Обзор исследований аудитории Интернета. - СПб., 2000; Щербина В.Н. Сетевые сообщества в ракурсе социологического анализа (опыт рефлексии становления "киберкоммуникативного континуума"). Бердянский государственный педагогический институт / Бердянск, 2001; Нестеров В. К вопросу о динамике сетевых сообществ // http: // psynet.carfax.ru/texts/nesterov2. htm; Нестерова Е.И., Нестеров В.Ю. Некоторые аспекты коммуникационных процессов в Сети с точки зрения культурологии // 5-я Международная научно-практическая конференция Информационные системы и технологии "Виртуальный мир Инфосферы: практическое использование человеком". - Владивосток, 1998.*

*15. Қаранг.: Савченко Л.А. Виртуальная среда как предмет социологии // Прикладная социология. - Ростов -н/Д, 2001.*

*16. Қаранг.: Добреньков В.И, Кравченко А.И. Теория и методология // Фундаментальная социология. В 15 т. Т.1., - М., 2003.*

*17. Қаранг.: Жичкина А.Е., Белинская Е.П. Пространство, населенное Другими // Интернет. 1999. № 16 (июнь-август); Жичкина А.Е. Взаимосвязь идентичности и поведения в Интернете пользователей юношеского возраста. Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - М.,2001; Тальншних Н.К. Культура "сетевых сообществ". Автореф. дис канд. филос. наук. Ростов н/Д, 2004; Тальнишних Н.К. Социокультурный статус индивида в "чате" // Труды аспирантов и соискателей РГУ: Т.8. - Ростов -н/Д: РГУ, 2002;*

*Куприянов И. В. Компьютерный андеграунд в контексте становления культуры информационного общества. Автореф. дис.... канд. филос. наук. Ростов -н/Д, 2003.*

## Ахборотлашган жамиятда "Трансформациялашган матбуот"нинг шаклланиши ва ривожланиш омиллари

**Озода Шермухаммедова,**
*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Гуманитар фанлар" кафедраси ассистенти*

**Аннотация:** *мақолада замонавий ёшларнинг социал муҳит шароитида технологик трансформациялашган жамиятга ижтимоийлашуви оқибатида вужудга келган субъектив вазиятларга боғлиқ таҳдидлар, шунингдек, ахборотлашган жамиятда оммавий коммуникацияларнинг маълум бир босқичдан иккинчисига ўтишда анъанавий турдаги ОАВнинг ўзгартирилиши масалалари кўтарилган.*

**Калит сўзлар:** *ахборот, трансформация, матбуот, коммуникация, социолог, оммавий, психологик, хавфсизлик, таҳдид, ижтимоийлашув, социал, тармоқ, мулоқот.*

## Факторы формирования и развития "Трансформирующихся медиа" в информационном обществе

**Озода Шермухаммедова,**
*ассистент кафедры "Гуманитарные науки" Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются угрозы, с которыми сталкивается современная молодежь в результате социализации в социально трансформированном обществе в социальной среде. Кроме того, были подняты вопросы, такие как изменение традиционного типа СМИ при переходе с одного этапа к другому в информационном обществе.*

**Ключевые слова:** *информация, трансформация, пресса, коммуникация, социология, масса, психология, безопасность, угроза, социализация, сеть, общение.*

## Factors of the formation and development of "Transforming Media" in the information society

**Ozoda Shermuhammedova,**
*Assistant of the Department of "Humanities" at the Tashkent Institute of Irrigation and Engineers of Agricultural Mechanisation*

**Annotation:** *the article discusses the threats faced by modern youth as a result of socialization in a socially transformed society within a social environment. In addition, questions like changing the traditional type of Mass Media in the transition from one stage to another in an information society are analysed.*

**Keywords:** *information, transformation, press, communication, sociology, mass, psychology, security, threat, socialization, social, network, communication.*

Раҳбарлик ва лидерлик / Руководство и лидерство / Guidance and leadership

**Раъно ТЎРАХЎЖАЕВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўқитувчиси*

# ЁШ РАҲБАРЛАРДА ЛИДЕРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги кунда ёш раҳбарларда лидерлик компетенциясини шакллантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг Қўшма мажлисидаги маърузасида: "Асосий вазифа - бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, хар томонлама тўғри қарор қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган рахбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат[1]", эканлигини таъкидлаб ўтди ва ушбу йўналишда фаолият олиб борувчи барча ўқув юртлари ва мазкур соҳага мутасадди раҳбарлар олдига аниқ вазифаларни белгилаб берди.

**Ҳозирги жадал ривожланаётган даврда ёш раҳбарлар малакасини оширишда компетенцияларга асосланиш тенденцияси устувор аҳамият касб этмоқда. Ана шу компетенциялар қаторида лидерлик компетенцияси алоҳида ўрин тутади. Зеро, антик давр файласуфлари Геродот, Плутархлар ҳам лидер шахсларга алоҳида эътибор қаратиб,"лидер шахсларни тарих яратувчилар"[2], деб таърифлашган. Дарҳақиқат, давлат сиёсати орқали жамият қоидаларини ислоҳ этиб, ўзгаришлар киритувчилар ҳам айнан лидер шахслардир. Бугунги кунда ёш раҳбарлар тайёрлаш жараёнида лидерлик компетенцияларини ривожлантириш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 2017 йилдан бошлаб қабул жараёнида тингловчиларни бешта компетенция бўйича баҳолаш жорий этилган.**

Ёш раҳбарлар таркибига 20 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар киритилиб, уларда лидерлик компетенцияларини шакллантириш учун замонавий лидерлик назариялари асосида мақсадли ёндашувга таяниш ўринлидир. Маълумки, лидер ташкилотда ижтимоий-психологик муҳитни яратувчи, ходимлар орасида обрў-эътиборга эга, атрофдагилар фикрига таъсир эта олувчи шахс ҳисобланади. Классик адабиётларда доим ташкилотдаги лидер ва раҳбар алоҳида таърифланган зотан, ҳозирги жадал ривожланаётган даврда лидер раҳбарларни тайёрлаш асосий вазифага айланмоқда.

Лидерликни ривожлантиришга оид турли ижтимоий-психологик назариялар мавжуд бўлиб, улардан бири "Атроф муҳит" назариясидир, ушбу назарияга кўра, лидерликка ундовчи асосий куч бу шахс ҳаёт кечираётган жой, шароит ва маданий муҳит ҳамдир. Инсонга туғилган жойи, таълим олаётган мактаби, олий таълим муассасалари, фаолият юритаётган иш жойи унда лидерлик компетенциясини ривожлантиришда катта таъсир кўрсатади.

Шахснинг ўсиш даврида унинг нафақат ички ҳиссиётлари ёки мотивацияси раҳбарда лидерлик компетенциясини шакллантиради, балки уни ўраб турган атроф муҳит, ён атрофидаги шахслар билан ўзаро мулоқот ҳам лидерликни тарбиялашга ҳисса қўшади. "Атроф муҳит" назариясида лидерлик шахсда туғма бўлмаслиги ва бу компетенцияни ҳар қайси ёшда шакллантириш мумкин, деган ғоя илгари сурилади. Бунинг учун эса лидердан ўз билим ва кўникмалари устида доимий ишлаш талаб қилинади. Мазкур назария исботи сифатида Ёшлар иттифоқи томонидан мак-

табларда сардорларни тайинлаш ва уларда мактаб ёшидан бошлаб лидерлик компетенецияларини ривожлантиришга қаратилаган чора-тадбирларни мисол келтириш мумкин.

Лидерлик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган яна бир назария бу "Хусусиятлар назарияси"дир. "Хусусиятлар назарияси" асосчиларидан бири Гордон Олпорт шахснинг ривожланишига нафақат ижтимоий-психологик, балки биологик жиҳатларнинг ҳам таъсири катта эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, шахснинг лидерлик компетенцияси нафақат унинг ўз устида ишлаши ёки ички мотивациясига боғлиқ, балки унинг туғма, биологик ва этимологик генофонди дастури, темпераменти, интеллекти, харизматиклигига ва айниқса, илоҳий қисматига боғлиқлигини таъкидлайди. У ўз ишларида лидер шахсни ажралиб турувчи хусусияти харизма бўлиб, бу салоҳият эса фақат туғма бўлиши мумкинлигини, уни сунъий тарзда шакллантирб бўлмаслигини назарда тутган.

Николаус Энкелманнинг таърифлашича, харизма - бу бошқаларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиш ва уни сақлаб қолиш қобилиятидир[3]. Харизмабизнинг талқинга кўра, бу - илоҳий нур, салобат, ўз атрофига одамларни жамлай олиш ва уларга ижобий таъсир кўрсатиш салоҳиятидир. Ушбу назария тарафдорлари Л.Бернард, В.Бинхам, О.Тед, С.Килбоурнларнинг фикрича, шахснинг лидерлик компетенцияси туғма бўлиб, қуйидаги 4 турдаги шахсий-психологик хусусиятларига боғлиқдир. Булар: туғма интеллектуал салоҳият, масъулиятлилик, туғма эътиқоди, ишонч ва шиддатли руҳни ифодаловчи фаоллиқдир. Бунда интеллектуалда лидернинг стратегик таффакур қила олиши, ҳар бир масалани олдиндан ҳар томонлама кўра олиш қобилияти, ўзининг ҳиссиётларини бошқара олиш, ҳар бир шахсдаги ижобий хусусиятни кўра олиб, уни ташкилот тараққиёти учун йўналтира олишга йўналган концептуал фикрлаш кабилар назарда тутилади. Масъулиятлиликда эса лидернинг ҳар бир масала юзасидан шахсий жавобгарлик ҳисси муҳим ўрин тутади. Лидерга хос бу хусусият атрофдагиларнинг ҳам масъулият ҳиссини оширади. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш учун масаланинг муҳимлик даражасини тўғри етказа олиш қобилияти талаб этилади. Ўзига бўлган ишонч атрофдагиларда ҳам ишонч ҳиссини чақириши ва уларга таъсир кўрсата олиш даражасини янада ошириши таъкидланган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, ўзига бўлган ишонч негизида асли ўз-ўзига адекват баҳо бериш қобилияти мавжуд бўлиб, бунга кўра лидер ўзининг кучли ва кучсиз тарафларини билиши ва ана шу қобилиятларига таяниб иш тутиши муҳимдир. Юқорида келтирилган хусусиятларга қўшимча равишда айтишимиз мумкинки, ҳақиқий лидерга хос хусусиятлардан яна бири — бу шахсга ҳос бўлган қарор қабул қилишдаги "иккиланишни" енгиб, фаолият юритиш хусусиятидир. Иккиланиш ёш раҳбар учун доимий ҳамроҳ бўлиши мумкин, чунки доим ҳам қабул қилинаётган қарорларнинг тўғрилигига ва уларни ички ижтимоий-психологик муҳитга таъсирини олдиндан прогнозлаб бўлмаганлиги ёки тажрибанинг етарли эмаслиги сабабли ҳам иккиланиш ҳолатлари учраб туради. Мазкур назарияга мувофиқ, 1940 йилда К.Бэрд томонидан лидер шахс эга бўлиши зарур бўлган 79 та хусусият таблицаси ишлаб чиқилган.

**Шунингдек, П.Герси ва К.Бланшарларнинг "Ташкилотда ўзини тутишни бошқариш" номли китобида келтирилган "Ҳаёт йўли" назариясига асосан, самарали лидерлик шахснинг "етук"лигига боғлиқдир. Бунга кўра, лидерлик компетенциясини ривожлантириш учун муҳим бўлган омил бу ҳаётий тажрибадир. Бу назарияга биноан лидерлик компетенцияси нафақат билимларнинг кўплиги, балки инсонлар билан позитив муносабатлар ўрната олиш ҳамда ана шу муносабатлар бардавомлигини таъминлай олиш қобилиятидир. Ушбу назариядан келиб чиққан ҳолда лидерлик компетенциясини ривожлантиришда раҳбарнинг тажрибалилиги муҳим аҳамиятга эгадир.**

**Зеро, ҳаёт ва фаолият мобайнида йўл қўйилган хатолар қайсидир маънода шахсни тўғри қарорлар қабул қилишга ва жамоадаги позитив ижтимоий-психологик муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.**

Лидерликка оид яна бир назария бу - "Шахс-ҳолат" назарияси. Ушбу назария олдинги назарияларни муайян даражада умумлаштиради ва лидерлик компетенциясини шакллантиришда ҳам атроф муҳит, ҳам шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, ҳам унинг ҳаётий тажрибаси хисобга олинади. Р.Стогдилл ва С.Шартллар "лидер" тушунчасини ифодалашда "статус", "ўзаро боғланиш", "онг" ва "ўзини тутиши" тушунчаларини қўллаш мумкинлигини таъкидлайдилар[4]. Лидер шахс ўзининг жамиятда тутган ўрни, обрў-эътибори, инсонлар билан мулоқот қила олиши, нафақат якка ҳокимлик ўрнатиши, балки ёнидагилар билан биргаликда ҳаракат қила олиш хусусиятини ҳам намоён этиши лозим. Бу ерда шахснинг онгли равишда ақлга таяниб қарорлар қабул қилиши лозимлиги, ўзи эгаллаган даражага муносиб имижини шакллантириши ва шу имижга мос равишда ўзини тута билиши назарда тутилади.

Юқорида келтирилган назариялардан келиб чиққан ҳолда бугунги ёш раҳбарларимизда лидерлик комптенциясини шакллантиришда бир неча босқичли ёндашувларни қўллаш зарур деб ҳисоблаймиз. Биринчи босқич бу - когнитив, яъни бунда ёш раҳбарларимизнинг билим савиясини ривожлантириш назарда тутилади. Шу ўринда ёш раҳбарлар учун вақтни бошқариш бўйича Стивен Р.Кови ("The 7 Habits of Highly Effective People") китобида келтирилган муҳим ва зарур ишларни ажарата олиш қобилиятини шакллантириш ҳозирги жадал ривожланаётган давр талабидир. Билимларни ошириш учун кундалик ишларни тўғри тақсимлаш, қайси ишлар муҳимлигини ажратиш кўникмасини шакллантириш зарур. Ажратилган вақт давомида кундалик 20-30 дақиқа давомидаги янги адабиёт мутолааси ва олинган янги информацияни реал ҳаётга боғлаш билим савиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Билим савиясини ривожлантириш билан бир қаторда, ёш раҳбарда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли мақсадларни шакллантириш ва белгиланган мақсад сари интилиш кўникмаси ҳам ривожланади. Интеллектуал ривожланиш пайтида ёш раҳбарда ўз-ўзини тарбия қилиш кўникмаси ҳам ривожланади, зеро доимий китоб ўқиши, ўзи учун мақсадлар белгилаши унинг характерини ўзгартиради, ўз ички ҳиссиётларини бошқаришни ўрганади. Ёш раҳбар ўзидаги камчиликларни сеза бошлайди ва янада мукаммалашишга интилади. Раҳбар ўзининг индивидуал камчиликларини англамаслиги, баъзи ҳолатларда билмаслиги табиий ҳол. Бу камчиликлар - кундалик ҳаёт тарзида билинмаслиги мумкин, аммо раҳбарлик лавозимидаги баъзи ҳолатларда бу камчиликлар атрофдагиларга ўзини салбий тарафдан намоён этиши ҳам мумкин. Ёш раҳбарлар кўпинча баъзи масалалар ечимини узоқ вақтга ташлаб қўйиши ҳолати шулар сирасидан. Чунки узоқ муддатга ташлаб қўйилган масала — бу йўқотилган вақт, имкониятлардир — у психологияда антилидерлик деб аталади.

Иккинчи босқичда эса эътибор ёш раҳбарнинг ҳамкорлик қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилади, аксарият ташкилотларда ёш авлод ва катта авлодлар орасидаги янги қадриятларнинг шаклланиши улар ўртасида низоларга сабаб бўлаётганлигни кузатишимиз мумкин. Шунинг учун ёш раҳбарларда ҳамкорлик қила олиш қобилиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шахс психологиясидан маълумки, қизиққонлик, қоидаларни тан олмаслик айнан 20-28 ёшларда энг ривожланган бўлади, шу вақтда раҳбарлик масъулиятини бўйнига олган ёшлар учун катта авлод билан фаолият олиб боришда бир мунча қийинчиликларга дуч келиш ҳолатлари кузатилади. Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир ташкилот миқёсида ёш раҳбардан кўра, турли масалаларга профессионал ёндашадиган ва ташкилот учун тўғри бўлган ечимларни бера оладиган мутахассисилар мавжуд. Шунинг учун ҳам ёш раҳбар ўз ташкилоти манфаатлари йўлида ана шундай мутахассислар билан ҳамкорлик қилиши яхши самара беради, зеро улар ички консультант вазифасини бажарувчиларидир.

Шунинг учун ривожланган хорижий мамлакатларда менторлик хизмати мавжуд бўлиб, уни Шарқда устоз-шогирд анъаналари деб аташади. Юқорида келтирилган "Ҳаёт йўли" назариясида лидерлик компетенциясини ривожлантиришда ҳаётий тажриба муҳим эканлиги келтирилган. Ёш раҳбар учун эса катта ҳаётий тажрибага эга устознинг мавжудлиги унинг лидерлик компетенциясини шакллантиришда катта ёрдам бўлади.

**Учинчи босқичда айнан бошқарув тажрибасини ривожлантириш ёш раҳбарда лидерлик компетенциясини шакллантиришга имкон яратади. Бошқарув тажрибасида унинг мақсадни тўғри ва аниқ белгилаши, белгиланган вазифалар ижросини тўғри ва тез фурсатда сифатли бажариши, ижро назорати тизимини таъминлаш каби кўникмаларни ривожлантириш орқали лидерлик компетенциясини шакллантириш мумкин. Лидерлик компетенциясини шакллантириш муаммоси "Бошқарув акмеологияси" фанида ҳам кенг ёритилган бўлиб, бунга кўра бошқарув тажрибасининг 4 шакли фарқланади. Биринчиси, "дилетантлик" бўлиб, бунда ёш раҳбар ўзининг бошқарувга оид кўникмаларини етарли даражада намоён қила олмайди. Ёш раҳбар англаб-англамай ёки баъзи ташқи таъсирлар натижасида бошқалар томонидан қўлланиладиган бошқарувни ўз бошқарувига кўчира бошлайди. Бунда ёш раҳбарнинг ўзидаги масалаларга нисбатан креатив ёндашуви йўқолади ва ҳаттоки, ўзига бўлган ишончи сусайиши мумкин.**

Иккинчи шакл "Қотиб қолган" деб номланувчи шакл бўлиб, бунда раҳбар фақатгина кундалик вазифаларни бажаришга одатланади, ўз қобилиятларини кенгайтиришга йўналтирилган вазифаларни четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

Учинчи шакл "Инновацион" деб номланиб, бундай раҳбар ўзгаришларни тез англаш, турли вазиятлардан имконият топа олишга интиладиган раҳбар саналади. Бундай раҳбар ҳар доим янгиликларга интилувчан бўлади, лекин баъзи вақтларда бу янгиликлар ташкилот ички муҳити талабларига мос келмаслигини олдиндан прогнозлашда хатоликларга йўл қўйиши мумкин.

Тўртинчи шакл "Профессионал" деб номланиб, бундай раҳбар бошқарувга доим тизимли ёндашади, юқорида айтилганидек, вазиятдан келиб чиққан ҳолда бошқарув услубини ўзгартира оладиган, инновацияларга, янгиликларга позитив қарайдиган, шу билан бирга, бу ўзгаришларни ички муҳит талаблари билан мос келтира олиш қобилиятига эга бўлиши билан ажралиб туради. Албатта, ёш раҳбар учун бошқарув тажрибасини ривожлантириш жараёнида юқорида келтирилган шакллар қайсидир вақт оралиғида мос бўлиши табиий ҳол, лекин ёш раҳбар ўзининг бошқарув тажрибасини қайси шаклига мослигини аниқлаб янада ривожланишга ҳаракат қилиши лозим бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ёш раҳбарларда лидерлик компетенциясини шакллантиришда самарали ёндашув сифатида, ёш раҳбарнинг билим даражасини юксалтириш кўпроқ натижа беради,чунки билимларни ривожлантириш орқали психологияда кенг қўлланиладиган ўзини ўзи тарбия қилиш методини қўллаш имконияти кенгаяди. Билим савияси ўсгани сайин ёш раҳбарда бошқарув тажрибаси, қўл остидаги лидерлар билан ҳамкорлик қилиш кўникмалари янада ривожланиб боради, янгиликларга ва тез ўзгараётган даврга мос ҳаракатлана бошлайди. Шунингдек, шахсда лидерликни шакллантириш катта меҳнат, фидокорлик, ғайратчанлик, билмаган нарсаларини ўзлаштиришга бўлган кучли интилиш, садоқат ва чексиз ватанпарварлик ҳисобланади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ - Тошкент : Ўзбекистон. 2017, - 56 б.*

*2. Вебер М. Избранные произведения. - Москва: Прогресс, 1990. -С. 98*

*3. Лапыгин Ю. Теория менеджмента. - Москва: Рид Групп.2011.269 с.*

4. Шпакова Р.П. Типы лидерства в социологии Макса Вебера // Социологические исследования. - 1988.

**Ёш раҳбарларда лидерлик компетенциясини шакллантириш имкониятлари**

**Раъно Тўрахўжаева,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўқитувчиси*

**Аннотация:** *мазкур мақолада ёш раҳбарларда лидерлик компетенциясини шакллантиришга оид назариялар, ёдашувлар тадқиқ этилган бўлиб, ёш раҳбарнинг касбий ривожланиши учун зарур бўлган кўникмалар ҳақидаги фикрлар таҳлил этилган. Шунингдек, ёш раҳбарларда лидерлик компетенциясини шакллантириш босқичлари ўрганилиб, хулосалар чиқарилган.*

**Калит сўзлар:** *лидер, компетенция, раҳбар, харизма, дилетант,профессионал, менторлик.*

**Возможности формирования лидерских компетенций у молодых руководителей**

**Раъно Турахужаева,**
*преподаватель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в данной статье исследуются теоретические аспекты формирования лидерской компетенции и подходы к изучению феномена лидерства. В статье анализируются этапы формирования лидерских компетенций у молодых руководителей и необходимые навыки для профессионального развития молодых специалистов.*

**Ключевые слова:** *лидер, компетентность, руководитель , харизма, дилетант, профессионал, наставничество.*

**The possibility of forming leadership competencies for young managers**

**RanoTurakhujaeva,**
*Teacher, The Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *This article describes the theoretical aspects of the formation of leadership competence and approaches to the study of the theory of leadership. And also, the stages of formation of leadership competencies among young managers and the necessary skills for the professional development of young professionals are studied.*

**Key words:** *leader, competence, leader, charisma, amateur, professional, mentoring.*

**Дилмуроджон РАХИМОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Хорижий тиллар" кафедраси бош методисти*

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛИДЕРЛАР УЧУН ЗАРУРИЙ КЎНИКМАЛАР: ХОРИЖИЙ ТАҲЛИЛЛАР АСОСИДА

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун, биринчи навбатда, раҳбарлар, шу билан бирга, барча кадрларнинг юқори савияли ҳамда лидерлик хусусиятига эга бўлиши талаб этилади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда ислоҳотларнинг юқори даражада олиб борилаётгани малакали ва замонавий раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни оширди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур муаммони ҳал қилиш йўлларини излашни талаб этмоқда. Мазкур ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 18 декабрь куни замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилишда қуйидагича изоҳлаган эди: "Яқин ва узоқ истиқболдаги иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан бизга қайси соҳа учун қандай мутахассис керак бўлади? Шуни ҳозирдан чуқур ўйлашимиз, замон талаби, ислоҳотлар шиддатига мос кадрларни тарбиялашимиз керак. Бу масала бизнинг келажагимиз, бизнинг эртанги кунимиз" .

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида истиқболли кадрлар ва етакчиларни саралаш, уларни ўқитиб, малакасини ошириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

**Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги "Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3755-сонли Қарорига мувофиқ , истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича "Тараққиёт" Республика танлови ўз фаолиятини бошлади. Ўз олдига давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар ва бошқа ташкилотларнинг юқори малакали кадрларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек, етакчилик ва раҳбарлик салоҳияти юқори бўлган истиқболли бошқарувчиларни танлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш вазифаларини ўз олдига қўйган танловга 8 минг 334 нафар кадрлар томонидан қатнашиш учун ариза берилганлиги унга бўлган қизиқиш юқори эканлигини кўрсатди. Мазкур танловда 16 та йўналишда энг яхшиларни аниқлаш бўйича синовлар бўлиб ўтди.**

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5545-сонли Фармонига мувофиқ , мазкур жамғарма ўз фаолиятини бошлади. Жамғарма олдига ўзбекистонлик иқтидорли ёшларни докторантура ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, турли соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларни мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга жалб қилиш, чет элдаги университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрларни тайёрлашга

қўмак бериш вазифалари қўйилган бўлиб, жорий йилнинг ўзида жамғармага давлат бюджетидан 45 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган.

Юқоридаги каби саъй-ҳаракатлар яқин келажакда ўз самарасини кўрсатади. Шу билан бирга, истиқболли кадрлар тайёрлашнинг бу каби тенденцияларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш даркор.

Бундан ташқари, етакчи кадрларни классик назария ва анъанавий дастурлар нуқтаи назаридан ўқитиш ва тайёрлаш замон талабига жавоб бермаслиги тобора ойдинлашмоқда. Кадрлар тайёрлаш жараёнида қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболлар ва бу даврда учраши мумкин бўлган муаммоларни ҳисобга олиш мазкур масаланинг энг асосий омилига айланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, раҳбарлар ҳам билим ва тажриба, ҳам шахсий хусусиятлари жиҳатидан ўзининг қўл остидагиларга ҳар томонлама намуна бўла олиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, уларда лидерлик хусусиятлар шаклланган бўлиши даркор. Бу хусусиятлари борасида аниқ бир тизим яратилмаган бўлса-да, кўпгина тадқиқотчилар ўз таҳлилий мезонларини тақдим этишган.

Мавзу юзасидан тадқиқотлар таҳлили. Бу мавзуда сўз юритилар экан, лидер (етакчи)нинг раҳбардан нимаси билан фарқ қилишини, унга қандай таърифлар берилганлигини муайян соҳалар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш талаб этилади.

**Сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоевнинг "Сиёсатшунослик" китобида ёзилишича: "Раҳбар ва етакчилик бир-биридан фарқ қилиб, етакчилик - бу кўпчилик эмас, балки бир шахс ёки шахслар гуруҳини ифодалайдиган, юқоридан пастга йўналтириладиган хусусиятга эга бўлган ҳокимият кўринишларидан биридир. "Етакчи" ("лидер") сўзи инглиз тилидаги "leader" сўзининг таржимаси - "етакчи, бошчилик қилувчи" маъноларини англатади. Лидер қўлида ҳокимият йўқлиги учун раҳбардан фарқ қилса-да, гуруҳдаги фаоллиги сабаб етакчига айланади".**

Рус олими, академик Владимир Квинт ўзининг "Стратегиялаш назарияси ва амалиёти" китобида: "Етакчилик менежмент тизимининг биринчи элементи ҳисобланади. Етакчи - объектни номаълум келажакка етакловчи лоцман, нафақат ўзига итоат этувчилар, балки, айни пайтда, жамоа ва фуқароларни бирлаштирадиган ва уларни сафдош қиладиган ташкилотчи ҳамдир. Етакчи - маълум маънода стратегияни жонлантирувчи шахсдир" , дея таърифлайди.

Юқоридаги иккита таърифдан хулоса қилиш мумкинки, М. Қирғизбоев лидер атамасини сиёсий жиҳатдан таърифлаган бўлса, В. Квинт уни иқтисодий нуқтаи назардан очиб берган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, аксарият Ғарб манбаларида, кўп ҳолларда, "лидерлик" ва "раҳбарлик" тушунчалари бир-биридан фарқланмайди. Жумладан, Квинт таърифидаги "ўзига итоат этувчилар" жумласи олимнинг "лидер" сўзини "раҳбар" сўзи билан бир қаторда қўллаган, дейишга асос бўлади. Шу жиҳатдан, мақолада "лидер" (етакчи) "раҳбар" атамаси билан маънодош ҳолатда қўлланган.

Антик даврда Геродот, Плутарх, Арасту, Платон; ўрта асрларда Макиавелли, Томас Карлейль, Ральф Уолдо Эмерсон, Фридрих Ницше; XX асрда Габриель Тард, Й.Шумпетер, Э.Кассирер, Ж.Блондел каби олимлар раҳбар ва лидерлар борасида изланишлар олиб бориб, ўз назарияларини яратган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги ўша давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёзилган, табиийки, улар хозирги замонавий лидерларда бўлиши лозим бўлган хусусиятларга тўла-тўкис тўғри келмайди.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий етакчи ва лидерлар борасидаги классик назариялар ўз аҳамиятини сақлаб қолиши билан бирга, ҳозирги кунда бир қанча тадқиқот марказлари, тадқиқотчи олимлар ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган халқаро нашрларнинг келажакда лидерлар учун қандай билим ва сифатлар зарурлиги борасидаги таклифлари ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу борада IFTF ("Institute for the Future" - "Келажак учун институт") "ақлий марказ"ининг раҳбари сифатида фаолият юритган Боб Йохансон ўз илмий фаолиятининг асосий қисмини келажакда лидерлар учун зарур бўлган хусусиятларни ўрганишга қаратган. Жумладан, унинг

"Leaders Make the Future: Ten New Leadership Skills for an Uncertain Age" ("Лидерлар келажакни яратади: ноаниқ муддат учун ўнта лидерлик маҳорати") ва "The New Leadership Literacies" ("Янги лидерлик кўникмалари") номли асарлари мазкур масалага қаратилган. Жумладан, у "Лидерлар келажакни яратади: ноаниқ муддат учун ўнта лидерлик маҳорати" асарида яқин келажакда лидерлар ўзларида шакллантириши лозим бўлган хусусиятларни санаб, изоҳлаб беради. Йохансоннинг фикрича, истиқболли лидер, биринчи навбатда, инстинктларни яратувчи бўлиши лозим. Яъни бу - ҳар қандай ҳолатни, ҳар қандай янгиликни олдиндан сеза олиш ва бунга тайёр туришни англатади. Бундан ташқари, аниқлик, дилемма (қийин иккита вазиятдан бирини танлаш)дан чиқиб кета олиш, тез ўзлаштириш, бошқаларни тушуна олиш, конструктив бирлаштирувчи, шаффофлик (ички ва ташқи дунёсининг мутаносиб бўлиши), прототип (бошқалар учун намуна) бўлиш, уддабурон ташкилотчилик ҳамда яратувчилик хусусиятлари асарда замонавий лидер учун зарур эканлиги таҳлил қилиб берилган.

Тадқиқотчининг "Янги лидерлик кўникмалари" асарида эса яна бешта муҳим хусусият очиб берилган. Биринчидан, олим лидерда прогноз қилиш қобилияти шаклланган бўлиши лозимлигига эътибор қаратади. Унинг фикрича, ўтган давр ва ҳозирги ҳолатдан келиб чиқиб, келажакдаги эҳтимолий ҳодисаларни башорат қилиш мумкин. Иккинчидан, катта риск (таваккалчилик) талаб этмайдиган қарорлар қабул қилиш тавсия этилади. Бу келажакка оид қарорлар қабул қилинганда имкон қадар эҳтиёткор бўлиш, кутилмаган муаммо ва таҳдидларни келтириб чиқармаслигини кафолатлаши билан изоҳланади. Учинчидан, тез ўзгарувчан ташкилотларни бошқаришда кўникма ҳосил қилиш зарур бўлади. Мазкур омил лидернинг мослашувчанлик қобилиятини ривожлантириб боради. Тўртинчидан, фаол ва серҳаракат бўлиш лидернинг муваффақиятга эришишининг муҳим омили сифатида таъкидланган. Бешинчидан, лидер ўзида мавжуд бўлган тўртинчи, яъни ишчанлик қобилиятини бутун қўл остидагиларга ҳам улашиши, уларда ҳам худди шундай серҳаракатликни юзага чиқаришга ёрдамлашиши лозим.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Боб Йохансон лидерлар учун келажакда зарур бўлган кўникмаларда, асосан, замонавий техник билимлар (замонавий ахборот-коммуникацион ва у билан боғлиқ кўникмалар)дан кўра шахснинг ички хусусиятларига эътибор қаратган. Эътиборлиси, иккала асарда ҳам лидерлар учун дастлабки, яъни энг муҳим хусусият сифатида прогнозлаш қобилияти берилган. Ҳақиқатан, ҳозирги тез ва шиддат билан ўзгариб, мураккаблашиб бораётган даврда ҳар бир раҳбар келажакни кўра олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, креативлик (яратувчанлик) ва фаоллик сифатларига ҳам ҳар икки китобда мурожаат қилинганлиги аҳамиятлидир.**

Шунингдек, замонавий кадрлар ва лидерлар тайёрлаш билан шуғулланувчи "Academic impressions" ("Академик таассуротлар") ва "The Sanaghan Group" ("Санагҳон гуруҳи") номли хусусий таълим даргоҳларининг президентлари Амит Мриг ва Патрик Санагхонлар биргаликда яратган "The Skills Future Higher-Ed Leaders Need to Succeed" ("Келажак лидерлари учун зарур бўладиган қобилиятлар") номли асарда ҳам лидерлар келажакни олдиндан кўра оладиган мутафаккир бўлишлари яқин келажакда талаб этиладиган энг муҳим хусусият эканлиги таъкидланган. Муаллифлар томонидан ҳеч бир инсон келажакни башорат қила олмаслиги, лекин лидерлар ўтган ва мавжуд жараёндан келиб чиқиб келажакни кўра олиши лозимлиги қайд этилган. Иккинчидан, лидерлар ҳар қандай риск ва муваффақиятсизликка нисбатан бағрикенг бўлишлари лозим. Асарда бу лидернинг ҳар қандай омадсизлик олдида енгилиб қолишининг олдини олади, уни руҳан бақувватлаштиради, деб изоҳланган. Учинчидан, лидерлар бутун жамоаси билан самарали мулоқотни йўлга қўйиши даркор. У ўз ичига камтарлик, бошқаларга ишониш, бошқа маданиятлар билан чиқишиб кетиш (агар жамоада бошқа дин ёки цивилизация вакили бор бўлса), келишув-

га асосланган тизимни яратиш каби ҳолатларни қамраб олади. Тўртинчидан, улардан довюрак қарор қабул қилувчи лидер бўлишлари талаб этилади. Боиси муайян бир жараёнда озгина вақтни бой бериш ҳам умуман таназзулга олиб келиши мумкин, бундай ҳолда қарорлар ҳам вақтидан кечиктирилмасдан, ҳам ўйланиб, режалаштириб қабул қилинишига алоҳида урғу берилади. Ва ниҳоят, асарда бешинчи хусусият сифатида лидерларнинг руҳияти кучли бўлиши зарурлиги айтиб ўтилган. Мазкур хусусият мазмунан иккинчи қобилиятни такрорлаганга ўхшаб кетса-да, ҳар қандай муваффақиятсизликдан кейин ўз йўлидан оғишмасдан ишлаш лозимлигини назарда тутади. Амит Мриг ва Патрик Санагхонлар ҳам энг долзарб масала сифатида келажакни кўра олиш хусусиятига эътибор қаратгани аҳамиятлидир. Бундан ташқари, санаб ўтилган бошқа маданиятлар билан чиқишиб кетиш ва бу борада дин ҳамда цивилизацияни ҳам ҳисобга олиш халқаро миқёсда ёки кўп цивилизацияли давлатда фаолият юритадиган раҳбарлар учун муҳим ҳисобланади.

**Бундан ташқари, таниқли журналлардан бири бўлган "Forbes"да ҳам айнан лидерлик мавзусига оид таҳлилий мақола тайёрланган. "16 Essential Leadership Skills For The Workplace Of Tomorrow" ("Эртанги иш ўринлари учун 16 та муҳим лидерлик маҳоратлари") деб номланган мақолада муаллифлар лидерлар туғма қобилиятли бўлади, деган фикрни инкор этган ҳолда уларнинг шаклланиб, ривожланиб боришини, келажакда мукаммал лидер бўлиш учун эса таклиф этилаётган ўн олтита маҳоратни ўзлаштириш даркорлигини ёзганлар. Юқоридаги иккита қарашдаги бирламчи хусусиятдан (Йохансон ҳамда Амит Мриг ва Патрик Санагхонларнинг келажакни олдиндан ҳис қилиш таклифи назарда тутиляпти) фарқли равишда "Forbes" асосий эътиборни қўрқмасдан ҳаракатланиш масаласига қаратган. Лидерлар оппозиция томонидан билдириладиган танқид ва кескин фикрлар, шунингдек, давр талаб этадиган билим-кўникмаларга енгилмасдан ўсишда ва бошқарувда давом этиши лозим. Шу билан бирга, лидер қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:**

- жамоа орасида ҳурмат қозониш;
- ходимлар билан муносабатда уларни тушуна олиш;
- ходимлар манфаатини ҳисобга олиб ишлаш;
- ҳар қандай ўзгаришлар (технологик, кун тартибидаги ва шу кабилар)га мослашувчан бўлиш;
- келажакни аниқ кўра олиш;
- инновацион янгиликлар ва ўзгаришлар бўлаётган пайтда ходимлар, ҳамкорлар ва мижозлар (ёки халқ)ни эшита олиш, улар фикрига беэътибор бўлмаслик;
- камтарлик;
- "Soft skills", яъни юмшоқ маҳоратлар, шу жумладан, самарали коммуникацияни ривожлантириш;
- ўзгаришларга мослашувчан бўлиш билан бирга, барқарорликни сақлаб қолиш;
- янги билимларни тез ўзлаштира олиш;
- маданий жиҳатдан интеллигент бўлиш;
- ходимлар билан индивидуал ишлаш маҳоратига эга бўлиш;
- ўзгалар учун ишончли бўлиш;
- ходимларни ўзгаришларга монанд равишда, давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб бошқариш;
- серқирра бўлиш, яъни ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларидан билимга эга бўлиш.

Таъкидлаш жоизки, "Forbes" журнали томонидан таклиф этилган хусусиятларнинг аксарияти ходимлар билан ўзаро муносабатлар ва улар билан ишлаш принципига қаратилган. Тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган замонда бу, айниқса, долзарб масаладир. Сабаби, сўнгги тенденциялар раҳбарнинг ўз ходимларини қаттиққўллик билан бошқариши мумкин эмаслигини аллақачон исботлаб бўлди. Аксинча, лидернинг жамоада ўрнак бўлиши, ходимлар манфаатини ҳисобга олиб, улар билан индивидуал ишлашини самарали бошқарувнинг "калити", дейиш мумкин.

Раҳбарлар фаолиятига оид яна бир қараш АҚШнинг "Fast Company" журналидаги "7 Skills Managers Will Need In 2025" ("2025 йилда раҳбарлар учун зарур бўлган

етти маҳорат") номли мақолада ёритилган бўлиб, унда 10 йилдан кейин ҳозир мавжуд бўлган касбларнинг ярми йўқолиб кетиши, шунингдек, раҳбар таклиф этилаётган етти маҳоратни ўзлаштирмаса, келажакда ҳақиқий лидер бўла олмаслиги баён қилинган. Илмий нашр ахборот технологиялари билан боғлиқ билимлар, ходимлар билан ишлаш маҳорати, ходимларга эркинлик ва ўсиш учун имкониятлар яратиб бериш, муайян вазиятда кескинлик ёки бағрикенгликни тўғри қўллай олиш, бошқарувдаги шаффофлик, EI (Emotional Intelligence; Руҳий интелегент) қобилиятларига эга бўлиши, яъни, аввало, ўзини, ўз ҳиссиётларини назорат қила олиш, бундан ташқари, ходимлар руҳий ҳолатини тўғри тушуниш, зарур пайтда уларга руҳий мотивация бера олиш каби хусусиятларни лидер учун муҳим деб қайд этади.

Мақолада асосий эътибор замонавий билимларни эгаллаш зарурлигига қаратилган, деган хулосага келиш мумкин. Эски билимлар билан жамоада намуна бўлиш тугул, раҳбарликни сақлаб қолиш ҳам мураккаб эканлиги амалиётда ўз исботини топмоқда. Бундай ҳолатда юқорида таъкидлаб ўтилган сифатлар, хусусан, юмшоқ маҳоратларни шакллантириш долзарб аҳамият касб этади.

**Хулоса қилиб айтганда, лидернинг қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги барча даврларда долзарб аҳамият касб этган. Шу сабабли бу борада антик даврларданоқ илмий изланишлар олиб борилган. Бундай изланиш ва қарашлар макон ва, айниқса, замон талабидан келиб чиққан ҳолда шаклланган. Шу нуқтаи назардан давр ўтиши билан ундан олдин яратилган назариялар янада мукаммаллашиб борган. Ҳозирги кунда ҳам ўтган даврларга ўхшаб лидерлар борасида янгича қарашлар шаклланиб бормоқда, юқорида кузатилганидек, уларнинг аксарияти илм-фан ва ахборот-коммуникацион соҳалардаги ривожланишлар билан боғлиқ бўлмоқда. Шунингдек, етакчи (раҳбар) ва ходим ўртасидаги муносабатлар ҳам аввалгилардан кўра эҳтиёткорлик ва ўзаро тушунишга асосланиши лозимлиги ҳам муҳим омилга айланиб улгурган.**

Таҳлилий тадқиқотлардан келиб чиқиб, қуйидагича таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

биринчидан, тадқиқотчи олимлар томонидан лидерларга оид халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва улар асосида замонавий талабларга мос равишда қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган "Истиқболли лидерлар миллий дастури"ни ишлаб чиқиш;

иккинчидан, олий ўқув юртини битирувчи бакалавр ва магистрлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларини ўқитиш жараёнига юқорида таклиф этилган дастур асосида прогноз-таҳлилга асосланган "Истиқболли лидер" фанини жорий қилиш;

учинчидан, давлат бошқарув органларида фаолият юритаётган барча ходимлар учун (фақатгина раҳбарлар учун эмас) ташкил этиладиган қисқа малака ошириш курсларида ҳам "Истиқболли лидер" фанини интенсив усулда ўқитиш;

тўртинчидан, "Тараққиёт" Республика танловининг навбатдаги босқичи синовларига "Истиқболли лидер" фани бўйича ҳам топшириқлар киритиш;

бешинчидан, "Эл-юрт умиди" жамғармасига номзодларни аниқлаш ва тайёрлаш давомида юқорида таклиф этилган фанни ўқитиш ва ундан синов жараёнларида фойдаланиш;

олтинчидан, "Истқиболли лидерлар миллий дастури" ва "Истиқболли лидер" фанини замон талабига мос равишда белгиланган муддатда (масалан, ҳар беш йилда) янгилаб бориш.

Мухтасар қилиб айтганда, фақатгина бугунги кун талабига эмас, балки эртанги куннинг кутилмаган талабларига тайёр турувчи лидер тайёрлаш борасида тарихий, миллий ва хорижий тажрибани ўзида бирлаштирадиган низом ёки миллий дастурни жорий этиш ва уни амалда қўллашни бошлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Президентимиз айтганидек, келажакда бизга кўплаб мукаммал бўлган лидер-раҳбарлар керак бўлади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ш. Мирзиёев. Ўзбекистонга жадал ислоҳотлар суръатига мос илғор кадрлар керак. URL манзил: //https://president.uz/uz/lists/view/2202*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. URL манзил: // http://lex.uz/docs/3755274*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони. URL манзил: // http://lex.uz/docs/3920037*

*4. М. Қирғизбоев. Сиёсатшунослик. -Т.: Янги авлод, 2013. -Б 294.*

*5. В. Квинт . Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. -Т.: Тасвир, 2018. -Б 72.*

*6. Bob Johansen. Leaders Make the Future: Ten New Leadership Skills for an Uncertain Age. Available at: //https://www.bkcon nection.com/static/Leaders _Make_the_Future_Map_EXCERPT.pdf*

*7. Bob Johansen. The New Leadership Literacies. Available at: //http:// www.iftf.org/newleader shipliteracies/*

*8. Amit Mrig, Patrick Sanaghan. The Skills Future Higher-Ed Leaders Need to Succeed. Available at: //https://www.academicimpressions.com/PDF/future-skillset.pdf*

*9. 16 Essential Leadership Skills For The Workplace Of Tomorrow.Available at: //https://www.forbes.com/sites/forbescoachescouncil/2017/12/27/16-essential-leadership-skills-for-the-workplace-of-tomorrow/#26c7bf2554ce*

*10. 7 Skills Managers Will Need In 2025. Available at: // https://www.fastcompany. com/40451582/7-skills-managers-will-need-in-2025*

## Истиқболли лидерлар учун зарурий кўникмалар: хорижий таҳлиллар асосида

**Дилмуроджон Рахимов,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Хорижий тиллар" кафедраси бош методисти*

**Аннотация:** *мақолада давлат бошқарув органларида фаолият юритувчи лидерлар учун келажакда қандай билим ва кўникмалар зарурлиги хорижий тадқиқотлар асосида таҳлилий ёритилган. Шунингдек, ушбу тадқиқот таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида истиқболли лидерларни тайёрлашга доир таклиф ва тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** *лидер, лидерлик, лидерлик маҳоратлари, тадқиқот маркази, "ақлий марказ".*

## Важные навыки для перспективных лидеров: на основе зарубежного анализа

**Дилмуроджон Рахимов,**
*главный методист кафедры "Иностранные языки" Академии государсвенного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в этой статье в соответствии с зарубежными исследованиями анализируются лидерские знания и навыки, которые будут необходимы для управления государством в будущем. Также в данной статье даны предложения и рекомендации по подготовке квалифицированных лидеров в Республике Узбекистан по результатам научного анализа.*

**Ключевые слова:** *лидер, лидерство, лидерские науки, исследовательский центр, "мозговой центр".*

## Important skills for perspective leaders: based on foreign analysis

**Dilmurodjon Rakhimov,**
*the main specialist of the department of "Foreign Languages" The Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *this article analyses leadership knowledge and skills which considered necessary for government leaders in the future according to foreign researches. As a result of research analyses appropriate suggestions and recommendations are given on preparing skilled leaders in the Republic of Uzbekistan.*

**Key words:** *leader, leadership, leadership skills, research centre, "think tank".*

**Муаттара РАХИМОВА,**
*кандидат юридических наук, доцент*
*Университета мировой экономики и дипломатии*

# ПРИНЦИП СОТРУДНИЧЕСТВА ГОСУДАРСТВ - ОСНОВА РЕГИОНАЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

Современный мир в своем развитии идет по пути усиления взаимозависимости государств. Основой этого процесса является интеграция экономик, средств информации и связи, транспортных систем, общность ресурсных источников, общение людей по поводу получения и использования образования и знаний и т.д. Необходимость решения глобальных проблем современности также требует скоординированных совместных действий всего мирового сообщества.

**Как обозначил новый императив жизни во всех государствах на рубеже XX-XXI веков Тихомиров Ю.А.: "Мир становится неделим и в представлении наций и народностей, и в реальности"[1]. Однако, если говорить о целостности и взаимосвязанности всего мирового сообщества еще, вероятно, рано, то создание развитой, взаимодействующей международной инфраструктуры в определенных регионах планеты следует констатировать со всей очевидностью. Наиболее интенсивно протекает этот процесс в Европейском регионе, где государства-участники Европейского союза далеко продвинулись на пути экономической и политической интеграции. Немалый интерес вызывает сотрудничество и в других регионах мира, например в Южной Америке, или сотрудничество бывших советских республик в рамках СНГ. Несмотря на различный подход в построении данных и некоторых других региональных организаций, можно отметить ряд общих черт. Все они базируются на международных принципах и, в первую очередь, принципе сотрудничества.**

Принцип сотрудничества обязывает государства взаимодействовать друг с другом независимо от существующих между ними различий в целях поддержания мира и безопасности, содействия международной экономической стабильности и прогрессу, общему благосостоянию народов. Обязанность сотрудничать на демократической основе во имя общих и особых интересов государств открывает новые возможности в развитии регионов.

Принцип сотрудничества между государствами -один из основных принципов международного права. В соответствии с пунктом 3 статьи 1 Устава ООН организация преследует, в частности, цель "осуществлять международное сотрудничество в разрешении международных проблем экономического, социального, культурного и гуманитарного характера"[2]. После принятия Устава ООН принцип сотрудничества между государствами был зафиксирован в уставах многих международных организации, в международных договорах, многочисленных резолюциях и декларациях. С принятием Устава ООН принцип сотрудничества между государствами занял свое место в ряду других принципов, обязательных для соблюдения. Согласно современному международному праву принцип сотрудничества между государствами означает обязанность государств в принципе использовать для решения возникающих проблем метод сотрудничества, а не конфронтацию. Однако сам по себе этот принцип не обязывает государство вступать в конкретные переговоры или, тем более, в договорные отношения с любым другим государством по требованию последнего. Сотрудничество, как таковое,

является обязанностью всех государств лишь в деле поддержания международного мира и безопасности согласно статье 11[3] Устава ООН: "Генеральная Ассамблея уполномочивается рассматривать общие принципы сотрудничества в деле поддержания международного мира и безопасности и делать в отношении этих принципов рекомендации Членам Организации или Совету Безопасности или и Членам Организации, и Совету Безопасности."

Содержание принципа сотрудничества между государствами сформулировано в Декларации о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами[4] в соответствии с Уставом ООН, а также в Заключительном акте Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1975 г.[5] В соответствии с принципом сотрудничества между государствами государства обязаны сотрудничать друг с другом в различных областях международных отношений с целью поддержания международного мира и безопасности и содействия международной экономической стабильности и прогрессу, общему благосостоянию народов и международному сотрудничеству, свободному от дискриминации. Такое сотрудничество должно осуществляться государствами, независимо от различий в их политических, экономических и социальных системах. Принцип сотрудничества между государствами является неотъемлемой составной частью более широкого принципа международного права-принципа мирного сосуществования.

Но не всегда сотрудничество приносит ожидаемые плоды. Зачастую, оно остается лишь формальным и затрагивает не все ожидаемые сферы взаимных отношений государств. В этой связи представляется особенно важным изучение опыта развития различных региональных образований как общей, так и специальной компетенции с целью использования положительных моментов и во избежание возможных отрицательных результатов.

С этой целью необходимо, с нашей точки зрения, рассмотреть вопросы регионального международного сотрудничества государств, которое осуществляется в рамках различных международных организаций.

**Принцип сотрудничества государств - сравнительно новый принцип международных отношений. Он стал общепризнанным и общеобязательным принципом международного права с момента принятия Устава ООН. После принятия Устава ООН принцип сотрудничества был зафиксирован в уставах многих международных организаций, в международных договорах, многочисленных резолюциях и декларациях.**

С нашей точки зрения, утверждение многих исследователей по поводу того, что обязанность государств сотрудничать носит не правовой, а декларативный характер уже не соответствует реальной действительности. Разумеется, было время, когда сотрудничество представляло собой добровольный акт государственной власти, однако впоследствии требования развивающихся международных отношений привели к превращению добровольного акта в правовую обязанность.

Разумеется, конкретные формы сотрудничества и его объем зависят от самих государств, их потребностей и материальных ресурсов, внутреннего законодательства и принятых на себя международных обязательств. Однако анализ международно-правовых документов, отражающих намерения государств (таких, как Декларация 1970 года и Декларация принципов Заключительного акта СБСЕ), показывает стремление государств придать принципу сотрудничества универсальный характер.

Первоначально принцип сотрудничества не обладал нормативным характером, хотя международно-правовая доктрина пыталась придать определенный правовой характер требованию сотрудничества государств с помощью развивавшейся концепции "права общения".

Все содержание межгосударственного сотрудничества сводилось к обязанности поддерживать постоянные отношения с другими членами международно-правового общения. При этом под отношениями

понималось поддерживание постоянных дипломатических отношений, заключение государственных договоров и открытие доступа в страну граждан (подданных) других государств на равных началах с собственными гражданам (подданными) в целях ведения торгово-промышленной деятельности. Только из принципа международного сотрудничества происходило только право на свободную торговлю. Причем сам принцип не был закреплен нормативно. Право на общение лишь выводилось из факта объективной потребности в межгосударственном общении и объективной потребности его международно-правового регулирования на основе межгосударственного сотрудничества.

Становление принципа сотрудничества получило импульс к развитию во время второй мировой войны, когда стало ясно, что государства с различными общественными укладами имеют общие интересы, которые они могут отстаивать только с помощью совместных действий.

Ведущие государства антигитлеровской коалиции провозгласили необходимость тесного сотрудничества между ними и между всеми другими миролюбивыми государствами не только в ходе войны, но и в послевоенный период в целях обеспечения международного мира и безопасности.

Принцип сотрудничества государств был заложен в основу деятельности ООН и закреплен в ее Уставе. С принятием Устава принцип сотрудничества занял свое место в ряду других принципов, обязательных для соблюдения согласно современному международному праву. Так, в соответствии с Уставом, государства обязаны "осуществлять международное сотрудничество в разрешении международных проблем экономического, социального, культурного и гуманитарного характера",[6] а также обязаны "поддерживать международный мир и безопасность и с этой целью принимать эффективные коллективные меры".

Идея международного сотрудничества государств независимо от различий в их политическом, экономическом и социальном строе в различных сферах международных отношений в целях поддержания международного мира и безопасности является основным положением в системе норм, содержащихся в Уставе ООН.

**Устав ООН, будучи сам по себе воплощением идеи международного сотрудничества, для достижения провозглашенных в нем целей устанавливает обязанность государств "осуществлять международное сотрудничество в разрешении международных проблем экономического, социального, культурного и гуманитарного характера и в поощрении и развитии уважения к правам человека и основным свободам для всех",[7] а также "поддерживать международный мир и безопасность и с этой целью принимать эффективные коллективные меры"[8].**

Эти цели неразрывны, дополняют друг друга, и достижение их объединенными усилиями путем сотрудничества государств призвано обеспечить экономический и социальный прогресс всех народов. Следовательно, принцип международного сотрудничества государств, согласно Уставу ООН, служит первоосновой экономического и социального прогресса.

Необходимость сотрудничества государств в достижении их общих целей следует также из положений Устава, определяющих функции и полномочия главных органов ООН. Согласно статье 11[9] ГА ООН уполномочена "рассматривать общие принципы сотрудничества в деле поддержания международного мира и безопасности" и делать соответствующие рекомендации. Согласно статье 13[10] она организует исследования и делает рекомендации в целях содействия международному сотрудничеству в политической области, в области экономической, социальной, культуры, образования, здравоохранения, содействия осуществлению прав человека и основных свобод для всех, а также для поощрения прогрессивного развития международного права и его кодификации. Таким образом, одной из важнейших функций Генеральной Ассамблеи является содействие сотрудничеству государств, организация сотрудничества во всех сферах международных отношений.

Принцип сотрудничества как правовая категория вытекает и из других положений Устава. Глава 9 Устава ООН "Международное экономическое и социальное сотрудничество"[11] посвящена организации и развитию межгосударственного сотрудничества в указанных областях. Содержание ст. 55[12] свидетельствует о двух видах обязанностей членов ООН: обязанности государств сотрудничать друг с другом в достижении целей, предусмотренных Уставом, и их обязанности сотрудничать с ООН для достижения тех же целей.

Обязанность государств сотрудничать между собой и с ООН установлена по Уставу ООН, прежде всего, в целях поддержания международного мира и безопасности.

Обязанность государств сотрудничать друг с другом предполагает добросовестное соблюдение государствами норм международного права и Устава ООН. Если же какое-либо государство игнорирует свои обязательства, вытекающие из общепризнанных принципов и норм международного права, то тем самым это государство подрывает основу сотрудничества.

**Принцип сотрудничества государств кодифицирован и развит в Декларации о принципах международного права 1970 года[13]. Он обозначен там как "обязанность государств сотрудничать друг с другом в соответствии с уставом"[14]. В Декларации следующим образом раскрыто нормативное содержание принципа сотрудничества государств: "Государства обязаны сотрудничать друг с другом, независимо от различий их политических, экономических и социальных систем, в различных областях международных отношений с целью поддержания международного мира и безопасности и содействия международной экономической стабильности и прогрессу, общему благосостоянию народов и международному сотрудничеству, свободному от дискриминации, имеющей в своей основе такие различия"[15].**

Так устанавливается юридическая, международно-правовая обязанность всех государств сотрудничать друг с другом во всех областях международных отношений. При этом четко определяются рамки межгосударственного сотрудничества.

Президент Узбекистана Ш.Мирзиёев своим Указом от 7 февраля 2017 года утвердил Стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, которая представляет собой программу развития страны на ближайшие пять лет. Ее содержание позволяет понять, куда будет двигаться Узбекистан и каких шагов можно ожидать от его нового руководства.

Стратегия - это фактически документ, представляющий собой концепцию, в соответствии с которой идет реформирование многих сфер жизнедеятельности страны, в том числе и пятое направление: "Безопасность, религиозная толерантность и межнациональное согласие, внешняя политика".

В пояснительной записке к Стратегии отмечается необходимость реформ, связанная с "изменяющейся конъюнктурой мировой экономики в условиях глобализации"[16].

Особый интерес представляют цели, которым Узбекистан намерен следовать в сфере экономики, а также внешней политики и безопасности, исходя из соответствующих пунктов Стратегии.

В области внешней политики и безопасности декларируется "укрепление независимости и суверенитета государства, дальнейшее укрепление места и роли страны в качестве полноправного субъекта международных отношений, вхождение в число развитых демократических государств", а также "создание вокруг Узбекистана пояса безопасности, стабильности и добрососедства".

Современные интеграционные процессы в условиях глобализации обозначили необходимость Узбекистану определить приоритетные цели для реализации внешнеполитической деятельности. Стоит отметить, что с момента обретения независимости и вплоть до сегодняшнего дня внешняя политика Республики Узбекистан базируется на принципах мира, сотрудничества и взаимного уважения.

Здесь необходимо привести слова нашего Президенте, сказанные в его выступлении на торжественном собрании, посвя-

щенном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, о том, что "Мы будем осуществлять нашу внешнеполитическую деятельность, прежде всего, на основе всесторонних интересов нашего народа и страны.

Основу нашей внешней политики и впредь будут составлять такие принципы, как невмешательство во внутренние дела других государств, урегулирование возникающих конфликтов и противостояний только мирным, политическим путем.

Мы продолжим наше эффективное сотрудничество со всеми странами как ближнего, так и дальнего зарубежья, всем мировым сообществом. Мы останемся приверженными проведению миролюбивой, открытой и прагматичной политики[17]".

В рамках осуществления внешнеполитической деятельности руководство страны разрабатывает и реализует стратегии, концепции и различные нормативно-правовые акты. Наглядным свидетельством является Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в которой также определены важные задачи по совершенствованию и модернизации внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан. В частности, отдельное внимание уделено укреплению независимости и суверенитета государства, места и роли страны в качестве полноправного субъекта международных отношений, вхождению в число развитых демократических государств, созданию вокруг Узбекистана пояса безопасности, стабильности и добрососедства. Особо отмечены такие задачи, как укрепление международного имиджа страны, доведение до мирового сообщества объективной информации о проводимых в стране реформах. В числе приоритетов также совершенствование нормативно-правовой базы внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности, а также договорно-правовой основы международного сотрудничества.

В рамках Стратегии действий разрабатывается и принимается ряд соответствующих программных документов. По инициативе главы государства, утверждены "дорожные карты" по дальнейшему развитию многопланового сотрудничества с 13 странами, среди которых Туркменистан, Казахстан, Афганистан, Китай, Турция и другие.

В них определены этапы и конкретные механизмы их реализации. В ходе визитов Президента Ш.М.Мирзиёева в Туркменистан, Казахстан, Россию, Китай и другие государства заключены солидный пакет документов, а также свыше 320 торгово-инвестиционных соглашений и контрактов. Реализация этих программ и проектов дает огромный стимул для развития экономики, увеличения товарооборота, создания рабочих мест и тем самым становится фактором повышения доходов и уровня жизни населения.

**Принимая во внимание не до конца раскрытый туристский и инвестиционный потенциал страны, особый акцент сделан на повышение имиджа и раскрытие инвестиционной привлекательности. Для решения этих вопросов, а также в целях активизации народной дипломатии принят Указ Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2017 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами"[18].**

Указом определены задачи по дальнейшему укреплению дружественных отношений с зарубежными странами, установлению прочных связей с соотечественниками за рубежом и созданными ими организациями.

В соответствии с этим создан Комитет по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при Кабинете Министров[19]. Этот Комитет, в первую очередь, проводит работу, направленную на установление и последовательное развитие доброжелательных и взаимоуважительных связей, в том числе на основе методов "народной дипломатии", с действующими в стране зарубежными организациями и дипломатическими представительствами, с функционирующими в зарубежных странах смежными организациями. На комитет

возложены задачи по активному участию в последовательной реализации государственной политики, обеспечению межнационального согласия и толерантности в обществе, широкому разъяснению миролюбивой политики, достигнутых рубежей и успехов во всех сферах жизни страны, укреплению дружбы с мировым сообществом, в том числе с диаспорой соотечественников за рубежом.

Учитывая глобальные тенденции и стремительные изменения политико-экономической обстановки в мире, существенное влияние этих процессов на социально-экономическое развитие страны, перед Узбекистаном ставятся серьезные задачи по дальнейшей модернизации и совершенствованию всех сфер и отраслей общественной жизни, а главное - ведению активной внешней политики. Исходя из этого, в стране реализуется целый комплекс важных мер по расширению взаимодействия с зарубежными странами, развитию народной и публичной дипломатии. Несомненно, эти действия будут способствовать устойчивому экономическому развитию нашего государства, укреплению авторитета Узбекистана на международной арене, а также повышению имиджа Республики Узбекистан среди широкой международной аудитории.

***Источник и литература***

*1. Тихомиров Ю.А. Публичное право. Учебник. - М.: БЕК, 1995. - С. 267.*

*2. Устав ООН - Действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М.Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.8.*

*3. Устав ООН - Действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М.Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1- М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.11.*

*4. Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом ООН -Резолюция 2625 (XXV) ГА ООН от 24.10.1970 г.- Действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.65.*

*5. http://www.osce.org/documents/html*

*6. Устав ООН - действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М.Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.8*

*7. Там же. 1996. - С.8*

*8. Там же. 1996. - С.8*

*9. Устав ООН - действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М.Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.11*

*10. Устав ООН - действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М.Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.12*

*11. Устав ООН - действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М.Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.21-22*

*12. Устав ООН - действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М.Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.21*

*13. Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом ООН -Резолюция 2625 (XXV) ГА ООН от 24.10.1970 г.- Действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.65*

*14. Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом ООН -Резолюция 2625 (XXV) ГА ООН от 24.10.1970 г.- Действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права. 1996. - С.70*

*15. Там же. 1996. - С.70*

*16. Указ Президента Республики Узбекистан от 7.02. 2017 года № УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан"- www.lex.uz*

*17. Речь Президента Ш.М.Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан "Обеспечение верховенства закона и интересов человека- гарантия развития страны и благополучия народа"- www.uza.uz*

*18. Указ Президента Республики Узбекистан от 19.05.2017 г. "О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами."- www.uza.uz*

*19. Там же."- www.uza.uz*

## Принцип сотрудничества государств - основа регионального сотрудничества

**Муаттара Рахимова,**
*кандидат юридических наук, доцент,*
*Университет мировой экономики и дипломатии*

**Аннотация:** *принцип сотрудничества между государствами является одним из основных принципов международного права. Принцип сотрудничества обязывает государства взаимодействовать друг с другом независимо от различий между ними в целях поддержания мира и безопасности, содействия международной экономической стабильности и прогрессу, а также общего благосостояния народов. Обязанность сотрудничать на демократической основе во имя общих и особых интересов государств открывает новые возможности в развитии регионов.*

*В рамках осуществления внешнеполитической деятельности руководство Республики Узбекистан разрабатывает и реализует стратегии, концепции и различные нормативно-правовые акты. Наглядным свидетельством является Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в которой также определены важные задачи по совершенствованию и модернизации внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан.*

**Ключевые слова:** *принцип международного права, региональное сотрудничество, Устав ООН, положения о развитии регионального сотрудничества, обязанность государств сотрудничать друг с другом в соответствии с уставом, Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.*

## Давлатлар ҳамкорлиги принципи – минтақавий ҳамкорликнинг асоси

**Муаттара Рахимова,**
*юридик фанлари номзоди, доцент,*
*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети*

**Аннотация**: *давлатлараро ҳамкорлик тамойили халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан биридир. Ҳамкорлик тамойили давлатлар ўртасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқаро иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт, халқлар фаровонлигини таъминлаш учун давлатлар ўртасидаги фарқлардан қатъи назар, ўзаро мулоқот қилишни тақозо этади. Давлатларнинг умумий ва махсус манфаатлари йўлида демократик асосда ҳамкорлик қилиш мажбурияти минтақаларни ривожлантиришда янги имкониятлар очади. Ташқи сиёсатни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти стратегия, концепция ва турли ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.*

*Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллардаги ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини аниқ тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш ва модернизациялаш бўйича муҳим вазифаларни белгилайди.*

**Калит сўзлар:** *халқаро ҳуқуқ тамойиллари, минтақавий ҳамкорлик, БМТ Низоми, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги қоидалар, давлатларнинг Уставга мувофиқ ҳамкорлик қилиш вазифалари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта ус-*

*тувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.*

## The interstate cooperation principle is the basis of regional cooperation

**Muattara Rakhimova,**
*PhD (in Law), Associate Professor,*
*University of World Economy and Diplomacy*

**Abstract:** *The principle of cooperation between states is one of the basic principles of the International Law. The principle of cooperation obliges states to interact with each other irrespective of differences between them in order to maintain peace and security, promote international economic stability and progress, and the common welfare of peoples. The duty to cooperate on a democratic basis in the name of common and special interests of states opens new opportunities in the development of regions.*

*In the framework of the implementation of foreign policy, the leadership of the Republic of Uzbekistan develops and implements strategies, concepts and various legal acts. Clear evidence of this is the adoption and realization of the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, which also identifies important tasks for improving and modernizing the foreign policy and foreign economic activity of the Republic of Uzbekistan.*

***Keywords:*** *principle of international law, regional cooperation, the UN Charter, provisions on the development of regional cooperation, the duty of states to cooperate with each other in accordance with the UN Charter, Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021.*

**Алимназар ИСЛАМКУЛОВ,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси кафедра доценти*
**Лола ИНАГАМОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси доценти*

# БОШҚАРУВ КАДРЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ЎСИШИНИ БОШҚАРИШ ЮЗАСИДАН ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакат тараққиётига эришишда малакали ва муайян компетенцияларга эга бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ҳам ҳар бир мамлакат ўз ривожланишининг турли босқичларида бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларига алоҳида эътибор қаратади, улар учун қулай меҳнат шароити ва ижтимоий муҳофаза тизимини таъминлашга устувор тарзда қарайди. Мамлакатда амалга ошириладиган институционал ислоҳотларга ёш, малакали мутахассис кадрларни жалб қилиш ўта зарур масала ҳисобланади.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ўрта муддатли ривожланиш йўналишларидаги муҳим вазифалардан бири давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш[1] белгиланганлиги юқорида қайд этилган фикрларимиз далилидир.

**Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар давлат хизматининг янги шарт-шароитларга мослашишини тақозо этмоқда. Айниқса, Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис қилиш имконига эга бўлишларини таъминлаш мақсадида "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган принцип барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак[2] лиги мазкур тадқиқ қилинаётган бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлиги, уларнинг профессионал ўсиши билан чамбарчас боғлиқ.**

Фанда "Давлат хизмати" терминига турлича ёндашилади:

- давлат томонидан давлат бошқаруви соҳасида ишловчиларни ишга жалб қилиш;
- молиялаштириладиган давлат хизмати;
- жамият эҳтиёжларига ўз улушини қўшишлари учун фуқароларни мотивациялаш[3].

Ўзбекистон бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари профессионал ўсишини бошқаришда ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаларини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини Ўзбекистонда миллий менталитетимиздан келиб чиқиб жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли вазирлик ва идораларга етказиш, авваломбор, Ўзбекистон Республикасида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда кенг жорий қилиш лозим. Бунда бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари захираси юқори билим ва кўникмага эга, раҳбарлик лавозимини эгаллашга мотивацияси мавжуд шахсларни танлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсиш тизимини яратишда, биринчи навбатда, хизмат вазифаси доирасида касбий ўсишнинг мазмун-моҳиятини, унга таъсир этувчи омилларни, тизимли касбий ўсишга эришиш учун билим, кўникма ва компетенцияларни қайси йўна-

лишларда ошириб бориш зарурлигини белгилаб олиш муҳим саналади.

Давлат функция ва вазифаларининг ўз вақтида ва тўлиғича бажарилиши, шу орқали халқнинг оғирини енгил қилиш, давлат томонидан аҳолига ижтимоий неъматларнинг етказиб берилиши кўп жиҳатдан бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларига боғлиқдир. Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг ўз зиммасига юклатилган вазифасини сидқидилдан адо этиши, бошқарув қарорларини қабул қилишда адолатли, объектив тарзда ёндашиши уларнинг эгаллаб турган лавозими, мавқеи, давлат томонидан уларнинг ўзларига тақдим этилаётган имкониятларга бевосита боғлиқдир. Ана шу омиллардан бири касбий ўсиш ҳисобланади. Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишида одилона ва оқилона механизмнинг мавжудлиги уларнинг мунтазам равишда ўз устида ишлашлари, изланишлари, одоб-аҳлоқ қоидалари ва интизомга жиддий эътибор қаратишларини тақозо этади. Лавозим пиллапояларида тўғри касбий ўсишнинг яратилиши янада юқори лавозимлардаги мажбуриятларни бажаришда зарур бўладиган билимни ошириш, зарур тажрибани тўплаб боришни объектив заруратга айлантиради. Натижада, малакали ва эгаллаб турган лавозимига муносиб, лавозим учун зарур бўладиган компетенцияларга эга бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг мамлакат тараққиётига, жамият равнақига муносиб хизмат қилишига эришилади.

Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишининг барча жиҳатларини амалга ошириш учун очиқ ва шаффоф кадрларни саралаш тизимига эҳтиёж сезилади. Изланишларнинг кўрсатишича, кадрларнинг саралаш тизими шаклланиши ва амал қилишининг ягона, барча учун мақбул бўлган аниқ регламенти мавжуд эмас. Ҳар бир давлатнинг ўзи учун алоҳида саралаш тизими мавжуд. Шунингдек, юқори лавозимларга кадрларни саралаш тамойиллари қонун билан ўрнатилмаган. Юқори қайд этилган ҳолатлар бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларини саралаш тизими самарадорлигини пасайтиради, унинг шаффофлигига соя солади. Баъзида юқори лавозимларга шундай шахслар тайинланадики, улар иши ва дунёқараши, фикрлаши, ўзини тутиши, нотиқлиги юзасидан ушбу лавозимга нолойиқ бўлади. Натижада, ҳам давлат, ҳам жамият зарар кўради.

Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, касбий ўсишни бошқариш менежментнинг муҳим мавзуларидан бири бўлиб, у корхона, ташкилот ва муассасада мутахассисларни касбий тайёрлаш стратегияси ва унинг босқичларини аниқлаш ҳамда лавозимини ошириш мўлжалланган ходимлар билан ишлаш йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур жараён шахс мақсад, хусусият ва имкониятлари билан корхона, ташкилот, муассаса мақсадлари, талаблари, стратегия ва режалари билан уйғунлашуви шароитида бошқарув кадрлари ва хизматчиларнинг касбий ўсишини бошқариш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишидир[4].

**Шунингдек, олимлар томонидан давлат хизматчилари касбий ўсишининг шахсий сифатлари ва жиҳатлари аниқланиб, уларни янада ривожлантириш[5], шунингдек, касбий ўсиш тарзи ва унинг профессионал давлат хизматчиларининг шаклланишидаги ўрни ва роли такомиллаштириб борилиши мунтазам ўрганиб келинмоқда[6].**

Лекин, юқорида қайд этилганидек, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, давлат хизматида касбий ўсишни бошқаришнинг аниқ шакллантирилган механизми мавжуд эмас. Амалда корхона, ташкилот ва муассасалардаги кадрлар бўлими фаолиятига назар соладиган бўлсак, ушбу бўлинмаларга бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий ўсиш имкониятлари бўйича маслаҳатлар бериш, уларни шунга тайёрлаш вазифаси белгиланмаган. Шу боисдан, касбий ўсишни бошқариш бўйича амалга оширилаётган вазифалар етарли эмас, деган хулоса қилиш имконини беради.

Тадқиқ қилинаётган мавзудаги социологик тадқиқотлар натижасида бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий ўсишини бошқаришни такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарурлиги илгари сурилади:

1. Давлат ташкилотларидаги ходимлар бўлими фаолияти ва функцияларини қайта кўриб чиқиш ёки касбий ўсишни ривожлантириш, касбий ўсиш бўйича маслаҳатлар бериш, ходимларнинг профессионал лавозим ўсишини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш каби масалалар билан шуғулланувчи қўшимча бўлим ташкил этиш.

2. Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишини бошқариш моделида касбий ўсишни режалаштириш механизмини назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишга эришиш имкониятларини кўра олади.

3. Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш муддатларини қайта кўриб чиқиш керак. Аттестациянинг тез-тез ўтказилиб туриши давлат хизматчиси салоҳиятини тўлиқ баҳолаш ва унинг касбий ўсиш бўйича режаларига тузатишлар киритиш имконини беради[7].

Фикримизча, юқорида қайд этилган ҳолатларга эътибор қаратиш бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари салоҳиятини оширишга, уларнинг касбий ўсиш режаларининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Замонавий шароитда бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишини бошқариш долзарб вазифалардан бири, сабаби касбий ўсиш жараёни тавсифи, тенденция ва йўналишлари сўнгги жамиятни модернизациялаш ва институционал ислоҳотлар бошланиши билан рўй берди. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир мамлакат бугунги кунда касбий ўсиш бошқарувига таъсир этишнинг объектив имкониятларини яратиш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошира бошлади.**

Ушбу объектив таъсир имкониятларини амалга ошириш давлат хизматининг сифати ва самарадорлигини ошириш, уни такомиллаштириш ва модернизациялашнинг муҳим захираси ҳисобланади. Бунда, қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарурлиги илгари сурилади[8]:

1. Касбий ўсиш ижтимоий жараён эканлигини инобатга олган ҳолда ушбу жараённи бошқаришни бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари учун зарурлигига хоҳиш пайдо қилиш орқали эришиш мумкин;

Шундай экан, бошқарув таъсири давлат ташкилоти доирасида тегишли фаолият билан шуғулланувчи алоҳида шахслар, айрим тоифадаги давлат хизматчилари учун зарур стимул ва рағбатлантиришни қамраб олиши керак. Бундан ташқари, қайд этилган хусусият нафақат марказлаштирилган тартибда, шунингдек, ҳар бир ташкилот доирасида ҳам ҳал қилиниши мумкин бўлиши мақсадга мувофиқ.

2. Касбий ўсиш ўз-ўзидан ривожланиши мумкин, лекин уни тартибга солиш имкони бўлиши лозим. Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишига аниқ мақсадли таъсирнинг мавжуд бўлмаслиги натижасида мураккаб вазиятларнинг пайдо бўлиши, хусусан, шахс билан давлат манфаатлари ўртасида келишмовчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Шахс ва давлат манфаатлари самарали уйғунлигини таъминлаш ижтимоий жараёнларни зарур даражада ривожлантиришга йўналтиради, бунинг натижасида муҳим вазифа касбий ўсишни бошқаришнинг илмий асослари ишлаб чиқилади.

3. Касбий ўсишни шакллантириш жараёни турли даражадаги илдамликни талаб этишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Касбий ўсишни бошқариш жараёни ҳар бир шахснинг қобилияти ва касбий устуворликка эга жиҳатларини етарли даражада ривожлантиришни таъминлаши лозим. Бунинг учун муайян касбий фаолият турлари хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Илмий изланишимиз жараёнида Жанубий Коеяда бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишини бошқариш тизимининг алоҳида хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Замонавий шароитда Жанубий Корея давлати демократик давлат сифатида "... либерал тамойиллар доирасида ижтимоий-сиёсий тизимни барпо этган ҳолда глобализация йўлидан дадил илдамламоқда"[9]. Фикримизча, Жанубий Кореянинг ўтган қисқа давр ичида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда улкан ютуқ-

ларга эришиши, қарз олувчи мамлакатдан қарз берувчи мамлакатга айланиши мамлакатдаги шиддатли неоиндустриал ёндашув билан бирга, давлат бошқарувидаги юқори даражадаги самарадорлик ҳисобланади.

Шу муносабат билан,фикримизча, Жанубий Корея тажрибасининг турли жиҳатларини ўрганиш, ушбу мамлакатлар бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларини ўқитиш ва касбий ўсиш тизимини таҳлил ва тадқиқ қилиш ҳамда ундан Ўзбекистонда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўрганишларимизнинг кўрсатишича, Жанубий Корея олий ўқув юртлари ва ихтисослашган таълим муассасалари давлатнинг сиёсати диорасида хориж мамлакатларида давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга мўлжалланган таълим дастурларини фаол таклиф қилади. Бундан ташқари, ушбу мамлакат Ҳукумати томонидан давлат бошқаруви соҳасидаги кенг кўламли илмий тадқиқотлар қўллаб-қувватланади ва ушбу жараён учун зарур шароит яратиб берилади. Ушбу илмий тадқиқотларда бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий салоҳияти ва уларнинг касбий ўсишини бошқариш муҳим ўрин эгаллайди.

Мазкур мамлакат давлат бошқарувининг муҳим жиҳати бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг бевосита ёки билвосита давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, режалаштириш, ишга ёллашга жалб қилиниши ҳамда ўқитилиши каби қатор мотивациянинг мавжудлигидадир. Ўтган асрнинг 90-йиллари охири XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида Жанубий Кореяда самарали Ҳукумат концепцияси амалга оширилди. Ушбу концепциянинг асосий ғояси давлат бошқаруви тизимидаги бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг мунтазам равишда лаёқатлилик даражасининг ошириб борилишига эришишни таъминлаш бўлган. Бинобарин, давлат бошқари самарадорлиги, мамлакат тараққиёти ва халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринга эга бўлиши инсон капитали сифати билан боғлиқдир. Шу муносабат билан бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий билим ва кўникмалари муҳим ўрин эгаллайди ҳамда мунтазам равишда кенгайиб боради[10].

Шунингдек, бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсиши нафақат улар учун муайян компетенциялар, шу билан бирга, интегратив компетенциялар, хусусан, хоржий тиллардан бирида эркин сўзлаша олиш, самарали музокаралар олиб бориш кўникмалари, замонавий информацион-коммуникация технологияларидан ишончли фойдалан олиш ва б. Бундан ташқари, бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий фаолиятида қадриятлар тизими алоҳида аҳамият касб этади[11].

Кореяда бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсиши лавозимга тайинлаш хизматлари асосида амалга оширилиши моделига асосланади. Мазкур модель янги ишга жалб қилинганлардан салоҳиятли кадрлар тайёрлашни, давлат хизматига номзодларни танлашни ташкил этиш, номзоднинг бўш лавозим компетенциялари муносиблигини намойиш эта олиши ёки ушбу лавозимни эгаллаш тажрибасига эга эканлиги каби жиҳатларни қамраб олади.

**Келгусида янада юқорироқ лавозимларга тайинлаш талабгорлар касбий фаолиятининг юқори кўрсаткичлари, ушбу лазозимни эгаллаш учун махсус билим ва кўникмаларга эгалигини намоён этувчи даража сертификати бўлиши талаб этилади. Шунингдек, давлат бошқарувига давлат секторидан бўлмаган малакали мутахассис кадрларни давлат хизматига жалб қилиш ҳисобланади. Ушбу сектор вакиллари давлат бошқарувига юқори профессионалик билан бирга сиёсий бетарафлик, юқори даражада ишга виждонан ёндашуви, коррупцияга қарши барқарорлик, демократиклик, энг муҳими, иқтисодиётнинг хусусий сектори билан ўзаро алоқадорлик кўникмаларини олиб киришига алоҳида эътибор қаратилади.**

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ЕҲТТ)нинг 2017 йилда эълон қилинган "Кейинги саноат революцияси. Давлат ва бизнес учун оқибатлари" деб номланган ҳисоботида сайлов циклларидан ташқарида стратегик фикрлашга эга бўлишнинг аҳамиятига алоҳида урғу берил-

ган[12]. Мазкур ҳисобот тузувчилари ИҲТТ аъзо давлатлар, шу жумладан, Корея Республикаси Ҳукуматини янги технологиялар билан боғлиқ янги муаммолар ва рискларнинг пайдо бўлиш имкониятларидан огоҳлантиради. Масалан, интеллектуал мулк соҳаси, рақобат, савдо сиёсати, янги технология мулк ривожланишидан олинадиган наф ва йўқотишларни тақсимлаш ва ҳ.к.

**Жанубий Корея бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишини бошқариш тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Корея Ҳукумати томонидан давлат хизматчилари касбий ўсиши ва уни бошқариш тизими танқидий жиҳатдан ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш ташаббусини қўллабқувватлайди. Айниқса, бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг юқори ранглари, 4-рангдан юқорига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу даража бошқарув элитаси сифатида қаралади ва Давлат бошқаруви ва хавфсизлиги Вазирлиги томонидан жуда юқори талаблар қўйилган. Жумладан, профессионализм, шахсий билим ва кўникмалар, фикрлашдаги мослашувчанлик, содир бўладиган вазифанинг ечимига глобал ёндашув. Қайд этилган талаблар юқори даражадаги давлат хизматчилари ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтиради.**

Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсиши ва уни бошқариш уларнинг базавий билим ва кўникмаларига ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан давлатлар давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимга алоҳида эътибор қаратган ҳолда сўнгги йилларда ушбу мақсадга давлат бюджетидан йўналтирилаётган маблағларнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Давлат хизматчисини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга сарфланадиган ўртача жон бошига тўғри келадиган маблағ хусусий секторнинг йирик компаниялари томонидан ходимлари малакасини оширишга йўналтирадиган маблағга тенглаштиришга эришиш назарда тутилмоқда. Хусусан, Корея ҳукумати томонидан 2008-2015 йилларда таълимга ажратилган маблағнинг ўсиш суръати кузатилиб, Канада, АҚШ, Франция, Италия, Япония, Буюк Британия, Германия каби давлатлар билан тенглашган[13].

Давлат хизмати тизимини ривожлантириш жараёнида малакали, эгаллайдиган лавозимига муносиб, юқори компетенцияли мутахассислар камайиб бориши, тизимни такомиллаштиришда салбий ҳолат бўлиб, "қайта" камситишлар муаммоси кузатилмоқда. Давлат хизматчиси ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалаларга оид маълумотлар ташқи ва ички талабгорларга турлича етказилиши оқибатида "ахборот тафовути" вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Бундай камситиш тури ташкилотда ходимлар касбий ўсишини ташкил этиш самарадорлигини пасайтирмоқда. Кореялик мутахассислар томонидан ушбу муаммо "ойнали девор" номи билан аталмоқда[14].

**Умумий хулоса қилинганда шуни қайд этиш лозимки, бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишини бошқаришда давлат бошқаруви самарадорлигига оид маълумотларни оммавий тарқатишда, бошқарув натижаларини миқдор жиҳатдан аниқлашда муаммолар мавжудлиги қайд этилмоқда. Стандартлаштирилган мезонлар Ҳукумат функцияларининг бажарилиш ҳолатининг ўтган давр, ҳозирга давр ва келажакдаги истиқболларини таққослаш, лойиҳалар натижалари, умуман, белгилаб олинган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларини тўлиқ баҳолаш имконини тақдим этмайди. Шундан келиб чиқиб, бугунги кенг ислоҳотлар шароитида бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий ўсишини бошқаришнинг ностандарт мезонларини ишлаб чиқиш, ушбу мезонларни татбиқ этиш, тадқиқот олиб бориш, мунтазам такомиллаштириб борилишини таъминловчи марказ фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.**

Фикримизча, республикамизда бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари кас-

бий ўсишини бошқариш тизимини такомиллаштириш зарур. Ушбу тоифадаги инсонларни касбий ўстириш уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг самарали йўлларини лойиҳалаштириш орқали таъминланиши мақсадга мувофиқ. Корея тажрибасининг кўрсатишича, давлат хизматига асосланиб лаёқатлилик даражасини ошириб бориш нафақат бошқарув тизимини барқарорлаштиради, шу билан бирга, давлат хизматида профессионалликни оширади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнингча, мамлакатда бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишини бошқариш маркази фаолиятини йўлга қўйиш ва маркази олдига қуйидаги вазифаларни ҳал этишини таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқдир:

- олимлар, мутахассис кадрлар, раҳбар ходимлар ва давлат хизматчилари ўртасида бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари касбий ўсиши борасида яхлит тушунча ва тизимни яратиш;
- бошқарув ходимлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишининг аниқ мезонлари, усуллари, технологиялари ва процедураларини ишлаб чиқиш;
- ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида бошқарув кадри ва давлат хизматчиси бўлиш, уларнинг касбий ўсишини бошқариш масалалари билан тизимли ишлашни йўлга қўйиш;
- давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидан келиб чиқиб, кадр сиёсатининг янги тамойилларини жорий этиш;
- бошқарув ходимлари ва давлат хизматчилари касбий ўсишини баҳолашни тизимли равишда амалга ошириш.

***Манба ва адабиётлар***


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. https://president.uz/uz/lists/view/1328*

*3. S. Horton, (2008) "History and Persistence of an Idea and an Ideal," inMotivation in Public Management: The Call of Public Service, James L. Perryand Annie Hondeghem, eds. (NewYork: OxfordUniversityPress).*

*4. Фомин В. Влияние кризиса на карьеры высококвалифицированных специалистов / / Управление персоналом. 2009. № 14 (216). - С. 80-83.*

*5. Беклемищев Е.П., Панкратова И.А. Личностные детерминанты карьерного развития государственных и муниципальных служащих // Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. 2006. № 1-2. - С. 45-48.*

*6. Беклемищев Е.П., Панкратова И.А. Об образе карьеры и его роли в профессиональном развитии чиновников // Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. 2008. № 2. - С. 74-81.*

*7. Кулешов С.М. Профессиональная карьера офицеров российских военно-воздушных сил // Регионология. 2007. № 4. - С. 229-232.*

*8. Поляков В.А. Технология карьеры: практическое руководство / Акад. нар. хозяйства при Правительстве РФ. - М.: Дело, 2005. 273с.*

*9. http://www.nhi.go.kr/eng/Programs/koreanOfficials/Read.htm?ntt_id=3943*

*10. http://www.nhi.go.kr/eng/Programs/koreanOfficials/Read.htm?ntt_id=3943*

*11. http://www.nhi.go.kr/eng/Programs/koreanOfficials/Read.htm?ntt_id=3943*

*12. OECD (2017), The Next Production Revolution: Implications for Governments and Business, OECD Publishing.-*

*Doi: 10.1787/9789264271036-en.*

*13. OECD (2017), Government at a Glance 2017, OECD Publishing. - doi: 10.1787/gov_glance-en. - 2017*

*14. The Establishment of Career Civil Service System in the Korean Government, - 2013. - May.- P.56. URL:www.kdischool.ac.kr/eng*

## Бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий ўсишини бошқариш юзасидан илғор хорижий тажриба ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш

**Алимназар Исламкулов,**
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*
*Ўзбекистон Республикаси*
*Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси*
*кафедра доценти*
**Лола ИНАГАМОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси*
*Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси*
*доценти*

**Аннотация:** *мазкур мақолада бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларининг касбий ўсиши юзасидан ёндашувлар, қарашлар, халқаро ташкилотлар томонидан ушбу йўналишдаги тадқиқот натижалари, хориж мамлакатлари тажрибалари ўрганилган, хулосалар шакллантирилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *бошқарув кадрлари, давлат хизматчиси, касбий ўсиш, касбий ўсишни бошқариш, давлат ижтимоий неъматлари.*

## Передовой зарубежный опыт по управлению профессионального роста управленческих кадров и государственных служащих и использование его в Узбекистане

**Алимназар Исламкулов,**
*кандидат экономических наук,*
*доцент кафедры*
*Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан,*
**Лола Инагамова,**
*доцент Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в данной статье раскрыты подходы, мнение по профессиональному росту управленческих кадров и государственных служащих, результаты исследования международных организаций в этой области, а также изучены передовые опыты зарубежных стран, разработаны выводы и рекомендации.*

**Ключевые слова:** *управленческие кадры, государственный служащий, профессиональный рост, управление профессионального роста, государственные социальные блага.*

## Advanced foreign practices in career growth development and its use in Uzbekistan

**Alimnazar Islamkulov,**
*PhD (Economics),*
*Associate Professor at the Department of the Academy of the Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan,*
**Lola Inagamova,**
*Associate Professor*
*Department at the Academy of the Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *and this article describes the approaches, opinion on the career growth development of managers and civil servants. As well, the results of researches of international organizations in this field, and the best practices of foreign countries, developed conclusions and recommendations are analysed.*

**Key words:** *manager staffs, civil servants, career growth development, administration of career growth development, public goods.*

**Тимур АБДУЛЛАЕВ,**
*и.о. начальника отдела*
*Академии государственного управления при*
*Президенте Республики Узбекистан*

# ОПЫТ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ США ПО РАЗРАБОТКЕ УЧЕБНЫХ КЕЙСОВ

Как известно, все образовательные учреждения сталкиваются с одной и той же задачей: как подготовить слушателей/студентов с реальными практическими навыками. Время в аудитории должно непосредственно переводиться в реальную деятельность: умение диагностировать, способность принимать решение и эффективно действовать. Большинство высших учебных заведений США, включая юридические, бизнес и медицинские школы Гарвардского университета, пришли к выводу, что наилучшим способом обучения этим навыкам является метод кейса.

**Изучение материалов показало, что Юридическая школа Гарвардского университета в этом отношении является первооткрывателем[1]. Вновь назначенный декан этой школы К.К. Лангделл начал преподавать с помощью кейсов еще в 1870 году, полностью изменив классический подход к обучению. Он рассматривал право как науку, а судебные решения как "образцы", из которых исходили общие принципы. Собрав совокупность судебных решений, чтобы создать первое правовое пособие (casebook), К.К. Лангделл обеспечил эффективное использование учебного времени. Он также ввел формат вопросов и ответов, который теперь называется методом Сократа[2].**

Гарвардская школа бизнеса последовала тем же путем спустя 50 лет. Основанная в 1908 году, школа не использовала метод кейса вплоть до 1920 года, когда было предоставлено финансирование для более широкой программы написания кейсов, основанной на реальных проблемах бизнеса. В рамках данной программы были разработаны кейсы в различных областях, и к 1930 годам они использовались практически во всех курсах[3].

Медицинская школа Гарвардского университета начала использовать кейсы только в 1985 году. Кейсы были разработаны для закрепления и понимания студентами фундаментальной науки, связав ее с практическими проблемами, как правило, кейсами - историями болезней отдельных пациентов. Эти кейсы легли в основу революционной учебной программы школы "Новый путь", которая сместила студенческие доклинические годы от лекций к активному обучению[4].

Основанная в 1978 году, "Программа по разработке кейсов" Школы государственного управления им. Дж. Кеннеди Гарвардского университета является крупнейшим в мире производителем и хранилищем тематических кейсов, предназначенных для обучения тому, как работает правительство и как разрабатывается государственная политика. Кейсы Школы им. Дж. Кеннеди составлены таким образом, чтобы облегчить интерактивное обучение на основе обсуждений по программам обучения[5].

Процесс разработки кейса исходит из цели обучения. Кейсы созданы таким образом, чтобы предоставить студентам достаточно информации для решения проблемы.

Профессиональные составители тщательно проверяют точность кейсов, опираясь на интервью с лицами, принимающими решения, а также изучение документов. Таким образом, кейсы представляют собой сфокусированную, детальную и оригинальную информацию о разработке государственной политики и управления

государственными и некоммерческими организациями.

В общей коллекции Школы им. Дж. Кеннеди представлены кейсы, мультимедийные кейсы, классические кейсы и симуляторы[6]. Большинство новых кейсов сопровождаются подробным руководством по проведению занятия, которое служит дорожной картой для дискуссий в аудитории. Кейсы предназначены также для обучения количественным методам исследования (анализа) в области экономики, эконометрики, финансов, международной торговли, статистики и т.д. В этих случаях вводятся реальные политические проблемы, наряду с реальными данными, чтобы слушатели могли знать и умели применять непосредственно на практике строгий количественный анализ.

Кейсы, публикуемые Школой государственного управления имени Дж. Кеннеди Гарвардского университета, описывают реальную ситуацию, в которой специфическое решение должно быть принято государственным служащим или менеджером[7].

Кейс (case) - это набор информации, подготовленный для слушателей в целях стимулирования дискуссий и дебатов касательно политики или принципов менеджмента (управления) или о специфическом решении, которое менеджер/руководитель должен принять[8].

Метод кейса (case method) - это метод обучения, который использует кейсы для симуляции ситуации в целях принятия управленческих решений слушателями.

Кейс подытоживает различные взгляды и подходы, которые управленец должен взвесить и учесть при принятии решения, и в основном материал содержит неполную и противоречивую информацию.

Кейсы могут быть использованы в двух случаях. В первом случае, кейс часто носит иллюстративный характер. На лекции преподаватель может прибегнуть к кейсу для объяснения типичной дилеммы, с которым государственный служащий или менеджер сталкивается, и принципов, которые могут быть использованы для поиска обоснованной стратегии и решения. Во втором случае, слушатели сами должны решить дилемму, сформулировать стратегию и рекомендации и прийти на занятие, будучи готовыми объяснять и защищать свои рекомендации.

Второй случай часто именуется как "обучение на основе кейс—метода", и на занятии преподаватель не читает лекцию, а, наоборот, выступает в качестве модератора аудиторных дискуссий, в которых слушатели сравнивают различные подходы и учатся друг у друга, тем самым вместе понимая саму дилемму и принципы принятия решений[9].

**Кейс требует большей подготовки и работы со стороны слушателей, чем просто обычное чтение определенного задания. Для того чтобы слушатель смог полностью усвоить кейс и дискуссия была плодотворной, слушателю необходимо погрузиться в кейс и попытаться сформулировать свою позицию и стратегию перед аудиторией, принимать активное участие в дискуссии. Многие слушатели считают, что данный процесс является интересным с интеллектуальной точки зрения, но в то же время изнурительным, поскольку в большинстве случаев аудитория не соглашается с определённым ходом действий ввиду конфликта принципов, соображений или неубедительных доказательств[10].**

Необходимость использования кейсов в процессе преподавания объясняется тем, что кейс обеспечивает целенаправленный механизм для применения концепций и основу для принятия решений, иллюстрирует взаимосвязь между теорией и практикой, а также возможность слушателям развивать определенные навыки[11].

Использование кейсов может быть оправданным в случаях, когда, во-первых, курсы носят практическую направленность или подход, основаны на теоретических концепциях с явным практическим применением. Во-вторых, курсы, где развитие навыков является критическим компонентом учебного процесса, и которые касаются сложных или спорных тем или областей практики. В-третьих, кейсы могут быть полезны в рамках основных (базовых) курсов, где знания слушателей, их интерес и энтузиазм могут широко варьи-

роваться, когда имеется необходимость предоставления возможности слушателям использовать/проявить их профессиональный опыт. И наконец, обширное использование кейсов в образовательном процессе, когда имеется необходимость изменить методы обучения[12].

Кейсы должны быть выбраны с учетом общих тем и целей курса, а также конкретных целей обучения аудитории, в которой изучается кейс.

Ключевые вопросы, которые преподаватель должен задать себе:

- "Что я хочу, чтобы мои слушатели изучили?";
- "Что я хочу, чтобы мои слушатели были в состоянии сделать после этого занятия?"[13].

Следует подумать о практической значимости кейса. Применимость и актуальность кейса станут путеводителем учебного плана преподавателя, будут мотивировать слушателей и укреплять их целеустремленность в работе.

Кейсы, как правило, бывают двух разных форм:

- Ретроспективные или описательные кейсы, которые "представляют исчерпывающую историю проблемы" и требуют от слушателей проанализировать результаты и объяснить причины их возникновения.
- Кейсы, стимулирующие принятие решений, в которых представляется история проблемы, но не раскрываются результаты, от слушателей требуется "определить и оценить диапазон возможных вариантов действий"[14].

Другие соображения при выборе кейса:

- срок давности кейса;
- наличие учебных заметок;
- отрасли / сферы практики;
- организация / размер группы;
- этап организации / развитие группы;
- разнообразие действующих лиц;
- место расположения / география;
- сложность кейса;
- длительность кейса;
- кейсы, используемые в других курсах.

При этом **процесс разработки кейса, анализ конкретного случая, деловой ситуации, который требует исследования проблемы, определения альтернативных решений и разработки наиболее эффективных рекомендаций на основе аргументов и доказательств называется кейс-стади (casestudy)[15].**

В кейсе может рассматриваться возникшая проблема в определённой сфере управления, тот или иной проект или программа, а также конкретная личность.

В структурном плане кейс состоит, как правило, из двух разделов: непосредственно сам кейс, а также руководство по проведению занятия на основе данного кейса. Объем кейса составляет, как правило, 2-25 страниц.В среднем на написание одного кейса уходит от 1 до 4 месяцев[16].

По мнению американских ученых, кейс должен включать в себя следующие разделы[17]:

1. Введение:данный компонент описывает или презентует ключевую проблему,а также служит мотивационным объяснением для слушателей о необходимости данного кейса и возможностей его применения.
2. Ключевая концепция, теоретический дискурс:в краткой форме приводится теоретический аспект проблемы или концепции.
3. Кейс:излагается непосредственно сам кейс.
4. Заключение (эпилог): приводятся основные пункты, имеющие ценность и значимость с точки зрения учебного процесса, политические последствия, которые слушатели должны помнить в рамках кейса.
5. Список использованной литературы (научный аппарат):необходимо дать ссылки на источники всех статистических данных, определений, фактов и другие исследования[18].

**Руководство по проведению занятия на основе кейса должно включать в себя следующие разделы: предпосылки, краткий обзор кейса (синопсис), цель и задачи занятия, стратегия организации занятия: рекомендуемый план занятия, план дискуссии, план ролевой игры, расширенный план упражнения и др.; вопросы для дискуссии.**

Таким образом, учебные кейсы являются эффективным способ повышения вовле-

ченности слушателей, интегрирования и применения теоретических знаний и навыков для решения реальных проблем. Кейсы не предоставляют "готовых решений" проблемы. Кейсы обычно иллюстрируют правильные подходы к решению проблем, в отдельных случаях описывают, как проблема была фактически решена вместе с оценкой принятого решения.

Обучение на основе кейсов основано, как правило, на обсуждении и на опыте. Учебный кейс заменяет лекцию как средство обучения, кейс становится основой для обсуждения и обмена идеями.

Преподаватель знает больше, чем слушатели, но эти знания не считаются окончательными. У слушателей также есть понимание, которое может обогащать процесс обучения. Таким образом, и преподаватель, и слушатели берут на себя ответственность за обучение, знания и идеи передаются "от преподавателя к слушателю", "от слушателя к преподавателю" и"от слушателя к слушателю". Целью является развитие компетенций слушателя и повышение уверенности в критическом, аналитическом мышлении,улучшение навыках аргументации и убеждения.

Слушатель находится в центре внимания, тогда как преподаватель является фасилитатором и контролирует участие слушателей.Обязанность преподавателя также состоит в том, чтобы пробудить интерес слушателей к теме/проблеме, стимулировать их активное участие, поощрять их идеи, побуждать к анализу и составлению выводов и заключений. Обязанность слушателей состоит в том, чтобы взять ответственность за свое обучение, осуществлять подготовку к занятию и вносить свой вклад. Обучение на основе кейсов подразумевает больше работы как для преподавателя, так и для слушателя.

***Источник и литература***

*1. Изучение опыта образовательных учреждений США осуществлено в рамках прикладного проекта Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан "Разработка специальных образовательных программ по подготовке специалистов в сфере государственного управления и повышения квалификации государственных служащих, а также внедрение современных методов оценки эффективности их деятельности".*

*2. Garvin D. Making the Case: Professional Education for the World of Practice // https://harvardmagazine.com/2003/09/making-the-case-html.*

*3. Mosher W. Case Studies in Public Administration // The American Political Science Review, Vol. 33, No.1 (Feb., 1939), pp. 66-68 (https://www.jstor.org/stable/1949767).*

*4. Singh B. Case Method in Public Administration // The Indian Journal of Political Science, Vol. 25, No.2 (April-June, 1964), pp. 16-26 (https://www.jstor.org/stable/41853996).*

*5. https://case.hks.harvard.edu/about-us.*

*6. https://case.hks.harvard.edu/content/.*

*7. Gomez-Iba?ez J., Kalt J. Learning by the Case Method // https://case.hks.harvard.edu/content/1136_0.pdf.*

*8. https://case.hks.harvard.edu/content/1136_0.pdf.*

*9. Gomez-Iba?ez J., Kalt J. Learning by the Case Method // https://case.hks.harvard.edu/content/1136_0.pdf.*

*10. Golich V., Boyer M., Franko P., Lamy S. The ABCs of Case Teaching: Pew Case Studies in International Affairs. - Washington, D.C.: Institute for the Study of Diplomacy, 2000. - 90 p.*

*11. Winston K. Teaching Ethics by the Case Method // https://case.hks.harvard.edu/content/Teaching%20Ethics%20by%20the%20Case%20Method.pdf.*

*12. Walsh R. Exploring the Case Study Method as a Tool for Teaching Public Administration In a Cross-national Context: Pedagogy in Theory and Practice // https://pdfs.semanticscholar.org/54c1/981d7ef2218e867bb3434269462e983af2a9.pdf.*

*13. Teaching with Cases Tip Sheet // https://case.hks.harvard.edu/content/Teaching%20with%20Cases_Faculty%20Tip%20Sheet.pdf.*

*14. Walsh R. Exploring the Case Study Method as a Tool for Teaching Public Administration In a Cross-national Context: Pedagogy in Theory and Practice // https://pdfs.semanticscholar.org/54c1/981d7ef2218e867bb3434269462e983af2a9.pdf.*

15. Freeman S., Eddy S., McDonough M., Smith M., Okoroafor N., Jordt H., Wenderoth M.P. Active learning increases student performance in science, engineering, and mathematics // https://www.pnas.org/content/111/23/8410.full.

16. Welcome to the Case Method! // http://sphweb.bumc.bu.edu/otlt/teachingLibrary/Case%20Teaching/case%20method.pdf.

17. Там же.

18. Как правило, в США используется формат/стиль цитирования Американской психологической ассоциации (American Psychological Association Citation Style) - широко распространённая в общественных науках форма оформления академических работ, разработанная Американской ассоциацией психологов. Руководство по публикации американской психологической ассоциации (Publication Manualof the American Psychological Association) содержит рекомендации по организации статьи, а также рекомендации по оформлению цитат, сносок, таблиц, шрифта и структуры статьи.

## АҚШ таълим муассасаларининг ўқув кейсларини ишлаб чиқиш бўйича тажрибаси

**Тимур Абдуллаев,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи в.б.*

**Аннотация:** *ушбу мақолада АҚШ таълим муассасаларининг ўқув кейсларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тажрибаси ўрганилган. Кейс асосида таълим олиш орқали тингловчилар томонидан назарий билимларни амалиётда қўллаш ва реал муаммоларга ечим топиш кўникмаларини уйғунлаштирган ҳолда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.*

**Калит сўзлар:** *ўқув вақтидан самарали фойдаланиш, актив таълим, кейс, кейс усули, кейс-стади, кейс усули асосида таълим олиш, давлат сиёсати, бошқарув қарорларини қабул қилиш.*

## Опыт образовательных учреждений США по разработке учебных кейсов

**Тимур Абдуллаев,**
*и.о. начальника отдела Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** *в данной статье рассматривается опыт образовательных учреждений США по разработке и внедрению в учебный процесс учебных кейсов. Особое внимание уделяется значимости обучения на основе кейсов, как эффективном способе повышения вовлеченности слушателей, интегрирования и применения теоретических знаний и навыков для решения реальных проблем.*

**Ключевые слова:** *эффективное использование учебного времени,активное обучение, кейс, метод кейса, кейс-стади, обучение на основе метода кейса, государственная политика, принятие управленческих решений.*

## The Experience of U.S. Educational Institutions in Developing Learning Cases

**Timur Abdullaev,**
*Head of the Department of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Annotation:** *this article examines the experience of U.S. educational institutions in developing and using of cases into the educational process. Particular attention is paid to the importance of case-based learning as an effective way to increase student involvement, integrate and apply theoretical knowledge and skills to solve real problems.*

**Keywords:** *effective use of study time, active learning, case, case method, case study, learning by case method, public policy, management decision making.*

# Бошқарув дайжести

## РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН - 2030

### РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ МИЛЛИЙ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан)



Коррупцияни кескин камайтириш



Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни ошириш


Рақамли трансформацияни амалга ошириш


Миллий ахборот технологияларини ривожлантириш


Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияни жалб этиш


Давлат хизматларини кўрсатиш


Давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хизмат кўрсатиш


Бизнес харажатлари ва маъмурий юкламани камайтириш


Тартиб-таомилларни рақамлаштириш

**Ҳаракатлар стратегиясининг 2019 йилги дастури 71-банди**

*Иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек муҳим тамойил ва устувор вазифани амалга ошириш давлат раҳбари сифатида мен учун стратегик вазифа бўлиб қолади. Биз, аввало, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак.*

**Ш.Мирзиёев**

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА РАҚАМЛАШТИРИШ







*Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади. Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор.*

**Ш.Мирзиёев**

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ

| Параметрлар | Электрон ҳукумат | Очиқ ҳукумат | Датацентрли ҳукумат | Тўлиқ рақамли ҳукумат | "Ақлли ҳукумат" |
|---|---|---|---|---|---|
| | Бошлаш | Ривожланиш | Аниқлаб олиш | Бошқарув | Оптималлаштириш |
| Устувор жиҳатлар | Талабларни бажариш, самарадорлик | Очиқлик ва шаффофлик | Субъект қиймати | Трансформация | Барқарорлик |
| Давлат хизматларини тақдим этиш | Давлат хизматлари портали | Давлат бошқаруви платформа сифатида | Нодавлат каналлари | Ҳар хил каналлардан фойдаланиш | Автоматлаштириш порталлар ўрнини эгаллайди |
| Асосий технологиялар | Хизмат кўрсатишга мўлжалланган архитектура | Очиқ маълумотлар, очиқ хизматлар | Барча маълумотлар очиқ | Интернет нарсалар маълумот сифатида | Ақлли машиналар (роботлаштириш) |
| Амалга ошириш кўрсаткичлари | Онлайн режимда кўрсатиладиган хизматлар улуши | Умумий маълумотлар қисмида очиқ маълумотлар улуши | Маълумотлар асосида тақдим этиладиган хизматлар сони | M2M асосида олинадиган маълумотлар улуши | Давлат хизматлари сонини қисқартириш |









---

«Бу сиз учун муҳим» амалий-услубий қўлланма. – Т.: Akademiya, 2019, 180-185 б.

РАҲБАР энциклопедияси



# ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

## АГРЕССИЯ

**Тажовуз (лот. - ҳужум)** - бир давлат (давлатлар гуруҳи) томонидан бошқа давлат ёки халқ (миллат)нинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши БМТнинг Уставига кўра ғайриқонуний ҳисобланган ҳар қандай куч ишлатиш. Агрессиянинг энг хавфли кўриниши қуролли куч ишлатиш бўлиб, бир давлатнинг бошқа давлатга қуролли ҳужуми тинчлик ва халқлар хавфсизлигига қарши оғир халқаро жиноят ҳисобланади.

## ГЛОБАЛЛАШУВ

Дунёдаги турли давлат ва худудлар ўзаро боғлиқлигининг кучайиши жараёнидир. Жаҳондаги мамлакатларнинг ўзаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви, воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун Ер шарини қамраб олиши ҳисобланади.

## ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

Умумбашарий ҳаёт ва тараққиёт билан боғлиқ ҳозирги замон муаммолари. Улар жумласига жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, халқаро террорчиликка қарши кураш ва барча халқлар учун тинчликни таъминлаш; ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасидаги тафовутни бартараф этиш, очлик, қашшоқлик ва саводсизликни тугатиш, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг тез суръатлар билан кўпаётганлигини тартибга солиш, атроф муҳит ҳалокатли тарзда ифлосланиб бораётганлигининг олдини олиш; инсониятни керакли ресурслар - озиқ-овқат, саноат хом ашёси, энергия манбалари билан таъминлаш, фан ва техника тараққиёти салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик кабилар киради. Глобал муаммо, аввало, жаҳонда кечаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, илмий-технологик, ижтимоий-маданий жараёнларнинг умумбашарий аҳамият касб этиши натижасида юзага келди.

## ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ

Давлатнинг қуруқлик ва сувдаги доирасини белгилайдиган чизиқ. Бу чизиқ устидан ўтадиган вертикал сатҳ шу давлатнинг ҳаво чегараси ҳисобланади. Халқаро ҳуқуққа биноан қўшни давлатлар ўртасидаги давлат чизиғи шартнома тартибида белгиланади. Давлат чегарасини белгилаш 2 босқичда амалга оширилади: чегарани делимитация қилиш (йўналишини белгилаш ва уни шартномага илова қилинадиган харитага тушириш) ва чегарани демаркация қилиш (чегара белгилари ёрдамида жойда чегарани белгилаш).

## ДЕПОРТАЦИЯ

**(лот. - бадарға қилиш, ҳайдаш)** - жиноий ёки маъмурий жазо чораси сифатида давлатдан мажбуран чиқариб юбориш, ҳайдаш. Кўпинча у ё бу давлатга ғайриқонуний келиб қолган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар депортация қилинади.

## ДИПЛОМАТИЯ

Давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, чет элда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги расмий фаолияти. "Дипломатия" термини юнон тилидаги "икки букилган қоғоз" сўзидан олинган. Қадимда Юнонистон ва Римда тахтакач муқова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиғи ёки ҳужжат сифатида тақдим этилган. Бу термин ҳозирги маънода Ғарбий Европада 18-аср охирида расм бўлган.

## ИММИГРАЦИЯ

**(лот. - кўчиб келиб жойлашмоқ)** - хорижий фуқароларнинг бирон-бир давлатга доимий яшаш учун кўчиб келиши ҳисобланади.

## КОНГРЕСС

**(лот. - учрашиш, кўришиш, тўқнашув)** - 1) одатда, халқаро миқёсда ўтказиладиган қурултой, конференция, кенгаш; 2) айрим давлатларда парламент номи (масалан, Ҳиндистон миллий конгресси); 3) айрим халқаро ташкилотларнинг олий органи.

## КОНСЕНСУС

**(лот. - якдиллик, келишув)** - халқаро шартномалар тузишда парламент ёки кенгашларда тегишли қарор қабул қилиш; бунда расман эътироз билдирилмаса, иштирокчиларнинг умумий розилиги асосида расмий равишда овоз берилмайди. Консенсус усули, шунингдек, БМТ органларида тан олинган бўлиб, шу ташкилот доирасида ўтказиладиган халқаро конференциялар ва кенгашларда қўлланилади.

## КОНСУЛ

**(лот. - маслаҳатчи)** - бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудида ўз мамлакати, унинг юридик шахслари ва фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш, икки давлат орасида сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бериш учун тайинланадиган мансабдор шахс.

## МЕМОРАНДУМ

**(лот - эсда тутмоқлик)** - дипломатик ҳужжат: бирор давлатнинг дипломатик йўл билан муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилиб ёзган номаси. Одатда, нотага илова қилинади ёки бошқа мамлакат вакилига шахсан топширилади.

## МИГРАЦИЯ

**(лот. - кўчаман. жойимни ўзгартираман)** - аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши ёки кўчириш.

## РАТИФИКАЦИЯ

**(лот. - ҳал қилинган, тасдиқланган, бажармоқ)** - 1) халқаро шартноманинг давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланиши. Одатда, энг муҳим халқаро шартномаларгина ратификация қилинади. Ўзбекистонда халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати биргаликда қарор қабул қилади; 2) баъзи мамлакатларда конституцияга киритилган тузатишлар тасдиқланишининг махсус тартиби.

# "РЕВОЛЮЦИЯ" ЎЗБЕК ТИЛИДА



**2019 йил 29 апрель куни Академияда Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг ўзбек тилида нашр этилган "Революция" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

2016 йилда чоп этилган "Революция" китоби қисқа вақт ичида миллий бестселлерга айланди. 20дан ортиқ тилларга таржима қилинган ушбу китоб энди ўзбек тилида ҳам мавжуд. Эммануэль Макроннинг ҳаётий ва сиёсий қарашлари билан бир қаторда, китобда Франциянинг бугуни ва келажагига оид тасаввурлар ҳам ифодасини топган. Унда Франция раҳбарининг нафақат амалга ошираётганислоҳотлар дастури, унинг шахс сифатидаги кўлами, ақлий имкониятлари, донолиги ва узоқни кўзлаб иш тутиши ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Тақдимотда Президент Э.Макрон раҳбарлиги остида Францияда амалга оширилаётган комплекс ўзгаришлар Ўзбекистонда катта қизиқиш билан кузатиб борилаётгани қайд этилди. Ушбу ўзгаришлар, аввало, конституцион ислоҳотларни амалга ошириш, жамият бирлигини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви тизими ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш каби мақсадларни кўзлаши билан диққатга сазовордир.

Тақдим этилаётган мазкур китоб турли бўғиндаги раҳбарлар, эксперт ва мутахассислар, кенг жамоатчилик учун долзарб, муҳим ва амалий аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистондаги Франция элчихонаси, Франция ривожланиш агентлиги вакиллари, шунингдек, республика вазирлик ва идораларидан мутахассислар, мамлакатимиз илмий доираларидан вакиллар, Академия илмий ходимлари ва тингловчилари иштирок этдилар.



## "АМИР ТЕМУР ИЗИДАН"



**Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 683 йиллиги муносабати билан 2019 йил 11 апрель куни "Амир Темур изидан" номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Амир Темурнинг бой мероси ва тарихий сиймоси билан академия тингловчилари ва кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган тадбирда у барпо этган буюк салтанат, давлатчилик борасида ўзидан қолдирган бебаҳо мерос, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига қўшган улкан ҳиссаси эътироф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Ўзбекистон Қуролли кучлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги ҳарбийлари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбек Миллий академик драма театри, Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти вакиллари иштирок этдилар.

## "ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС"



**Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Хотира абадий, қадр муқаддас" шиори остидаги хотира кечаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратура 1-курс тингловчилари томонидан ўтказилди.**

Тадбир "Фотосуратларда акс этган хотиралар" кўргазмасининг очилиш маросими билан бошланди. Тингловчилар томонидан ташкил этилган кўргазмада қонли жанг майдонларида мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган минглаб ватандошларимизнинг сўнмас хотиралари ёд этилди.

Ўзбекистон Қуролли кучлар академияси оркестр жамоасининг мардонавор куй-қўшиқлари ташриф буюрган меҳмонларда ўзгача таассурот қолдирди. Академия тингловчилари томонидан саҳналаштирилган "Номинг ўчсин уруш" ва тарихий ҳужжатлар асосида саҳналаштирилган "Онамга мактуб" саҳна кўриниши, ўзида фахр туйғусини акс эттирган "Бобом менинг қаҳрамоним" номли таништирув чиқиши намойиш этилди. Тадбир академия тингловчилари томонидан тайёрланган видеолавҳа билан якунланди.

# KOICA БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ СМАРТ МУҲИТИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 2019 йил 3 июнь куни KOICA билан ҳамкорликдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат секторига инновацияларни татбиқ этиш бўйича Давлат бошқаруви академиясининг салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида жорий этилган Академия Смарт муҳитининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда Кореянинг Инсон ресурсларини ривожлантириш миллий институти президенти ЯНГ Хан Чжа хоним (YANG Hyang Ja), KOICAнинг Ўзбекистондаги офиси директори Сон Сонг Иль, Корея давлат бошқаруви институти вакиллари (KIPA), Сэул миллий университети (SNU) ва CIC-Soft компанияси экспертлари иштирок этишди.

Лойиҳанинг мақсади - профессионал давлат хизмати тизимини ривожлантириш, давлат кадрлар сиёсати, бошқарув кадрларини тайёрлаш, таълим беришнинг замонавий стандартлари ва сифатли янги метод ҳамда технологияларни жорий этиш, шунингдек, Академия ўқув дастурлари ва материалларини модернизациялаш бўйича Корея тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ этиш ҳисобланади.




Тадбир Академиянинг Ахборот-ресурс марказини (кутубхона) автоматлаштириш бўйича ўрнатилган техник жиҳозлар ва дастурий таъминотни, хусусан, автоматик равишда кутубхонага кириб-чиқишни текшириш тизимини ҳамда лойиҳа доирасида ўқув курсларининг видео-контентини яратишга мўлжалланган, энг янги техник воситалар билан жиҳозланган мультимедиа маркази ва Академиянинг назорат хавфсизлик тизимини намойиш этиш билан бошланди.

Рақамлаштириш жараёнининг навбатдаги босқичи, яъни 2019-2020 ўқув йилида кореялик экспертлар билан ҳамкорликда "Е-деканат" электрон платформаси жорий этилади. Унда ўқув жараёнини автоматлаштириш назарда тутилган. Шунингдек, Корея экспертлари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда илк бор аралаш таълим шакли жорий этилади (офлайн ва онлайн таълим, 70 дан ортиқ видео-маърузалар тайёрлаш режалаштирилган).

Лойиҳа доирасида доимий равишда турли конференция, семинар ва форумлар ўтказиб келинмоқда. Давлат бошқаруви ва давлат хизмати бўйича тажриба алмашиш учун мутазам равишда маълумотлар алмашилмоқда.

Ўзбекистон давлат хизматчиларининг 8 та таянч компетенцияси бўйича олинган натижалар юзасидан Корея экспертлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилди.

Лойиҳани амалга ошириш даврида Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларидаги кадрлар хизматининг 15 нафар мансабдор шахслари, 60 нафар магистратура йўналишидаги Академия тингловчилари, 30 нафар Академия ходимлари давлат хизматчиларида лидерлик салоҳиятини ошириш ва мустаҳкамлаш бўйича ташкил этилган қисқа ўқув курсларда қатнашиб, малака ошириб келдилар.

# МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

«Жамият ва бошқарув» журналига илмий тадқиқот фаолиятининг:
- давлат бошқарувини модернизация қилиш;
- жамият бошқарувининг таъсирчанлигини ошириш;
- кадрлар сиёсатининг самарадорлигини юксалтириш;
- давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби устувор йўналишлари билан боғлиқ масалалар ёритилган мақолалар қабул қилинади.

**Мақолалар:**
- илмий ва амалий нуқтаи назардан долзарб;
- мавзунинг ёки унинг очиб берилишининг янгилиги;
- мавзу фундаментал ишлаб чиқилган;
- хулосалар асосланган;
- аниқ ва равон баён этилган бўлиши лозим.

**Таҳририятга тақдим этиладиган материаллар қуйидаги асосий шартларга жавоб бериши лозим:**

1. Мақоланинг матни Word 2003 версиясида тайёрланиши.
2. Шрифт – Times New Roman, 14 шрифт кегели (ҳажми) бўлиши.
3. Сатрлар орасидаги масофа 1,5 интервал бўлиши.
4. Мақоланинг тузилиши қуйидагича бўлиши керак: аннотация, калит сўзлар (ўзбек, рус, инглиз тилларида), кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар.
5. Диаграмма, расм ва жадваллар фақат оқ/қора ёхуд кулрангда берилиши.
6. Иқтибослар мақоланинг охирида берилади (аввал манбалар, кейин адабиётлар), уни алифбо бўйича эмас, матн ичида келтирилган тартиби бўйича берилиши керак.
7. Мақоланинг умумий ҳажми 7 бетдан 15 бетгача, А4 форматида берилади.
8. Мақола номи, муаллиф(лар)нинг исм-шарифи, иш жойи, илмий унвони, илмий даражаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилиши, мобиль телефон, электрон почта манзили кўрсатилиши керак.
9. Мақолаларни электрон почта орқали ҳам юбориш мумкин.

*Электрон почта манзили: jurnal95@mail.ru; jurnal95@dba.uz*

Таҳририятга тақдим этилган мақолаларнинг чоп этилиши ёки чоп этилмаслиги ҳақидаги қарорни Таҳрир ҳайъати қабул қилади.

Журнал юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган қўлёзмаларни қайтариш ҳуқуқига эга.

## ТРЕБОВАНИЯ К СТАТЬЯМ

В журнал «Жамият ва бошқарув» принимаются статьи научно-исследовательской деятельности освещающие вопросы:

- модернизации государственного управления;
- повышения действенности общественного управления;
- повышения эффективности кадровой политики;
- совершенствования организационно-правовых основ государственной службы.

**Статьи должны отражать:**

- Актуальность с научной и практической точки зрения.
- Новизну постановки вопроса или раскрытие темы.
- Фундаментальность проработки темы.
- Аргументированность выводов.
- Доступность и четкость изложения.

**Рукописи, сдаваемые в редакцию, должны соответствовать следующим стандартным требованиям:**

1. Рукописный вариант статьи необходимо готовить по версии Word 2003 года.
2. Шрифты — Times New Roman, размер шрифта — 14 (кегль).
3. Междустрочный интервал — 1,5.
4. Структура статьи: аннотация, ключевые слова (в 3 языках), введение, основная часть, заключение, библиография.
5. Диаграммы, рисунки, таблицы даются только в черно-белом либо с использованием серых оттенков.
6. Сноски концевые (сначала источники, потом использованная литература); сноски фиксируются по порядку их указания в материале, а не по алфавиту.
7. Объем текстового материала от 7 до 15 стр. в формате А4.
8. Необходимо на трех языках (узб.рус.анг) указать название статьи, ФИО автора, место работы, научную степень, телефоны, почту для связи.
9. Статьи можно посылать и через электронную почту.

*Адрес электронной почты: jurnal95@mail.ru; jurnal95@dba.uz*

Решение о том, можно или нет публиковать статьи, поступившие в редакцию, принимает редакционная коллегия.

Журнал оставляет за собой право отклонить любую рукопись, не соответствующую вышеперечисленным критериям.

Босишга 26.06.2019 йилда рухсат этилди.
Бичими 60х84 1/8. Нашр босма табоғи 11.1
Адади 90 нусха.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
босмахонасида чоп этилди.

**Гувоҳнома №10-3723. 21.06.2016 й.**
**Тошкент, Ислом Каримов кўчаси, 45.**